

Ҳ. БУРИЕВ, Р. ЖҰРАЕВ, О. АЛИМОВ

ДОН
МАҲСУЛОТЛАРИНИ
САҚЛАШ ВА ҚАЙТА
ИШЛАШ

*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги дарслик сифатида тавсия этган*

Хозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика-мизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширишни ривожлантириш билан бир қаторда дон мустақиллигига эришиш учун изчил амалий чоралар кўрилмоқда. Қишлоқ хўжалигига кеңг миқёсда ўтказилдайтган ислоҳотлар муносабати билан донли экинлар майдони сезиларли кенгайиб, ҳосилдорлик эса оширилмоқда.

Ушбу дарслиқда бўлажак мутахассислар учун қишлоқ хўжалигига етакчи ўринини эгаллаган дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича асосий маълумотлар берилган. Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш фани бўйича дастурга биноан тузилган дарслик ўқув юртлари, коллеж, қишлоқ хўжалик олий ва ўрта маҳсус билим юртларининг агрономия ихтисослиги талабалари учун мўлжалланган.

Тақризчилар: С. Н. АЛИМУҲАМЕДОВ — биология фанлари доктори, профессор, Ф. Қ. ҚУРБНОВ — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Муҳаррир А. АБДУМАЖИДОВ

Китоб Тошкент Давлат аграр университети буюртмаси
асосида чоп этилди.

КИРИШ

Иқтисодий ислоҳот изчил амалга оширилаётган ҳозирги даврда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш ва бу соҳадаги таъминотни тубдан яхшилаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда айниқса, дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашдек муҳим вазифага алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Одатда дон маҳсулотларини етиштириш серёгин баҳор ва жазирама ёз фаслларига тўғри келади. Шу боисдан бу маҳсулотларни иложи борича нес-нобуд қилмасдан йиғиб олиш ва қайта ишлашни тўғри ташкил этмасдан туриб аҳолини дон маҳсулотлари билан тўла таъминлаб бўлмайди. Дон етиштириш миқдори ортиб борган сарн уларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам такомиллашмоқда, янги замонавий омборхоналар ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилмоқда.

Дон маҳсулотларини етиштириш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш фан-техника ютуқларидан фойдаланиб, илмий асосда ташкил этилса, илфор тажрибаларга таяниб иш кўрилса дон исрофгарчилиги анча камаяди. Халқаро қишлоқ хўжалиги ташкилотининг маълумотларига қараганда, дунё бўйича дон маҳсулотларининг исроф бўлиши 6—10 фоиздан ошмайди. Бизда эса ҳозирги даврда бу кўрсаткич баъзан 15—20 фоизни ташкил этяпти. Республикамизда бу кўрсаткични йилига 1—2 фоизга камайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозиргача дон етиштириш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш масалалари илмий асосда етарлича ўрганилмаган. Қолаверса, бу борадаги фан-техника ва илфор тажриба ютуқлари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмаяпти. Мавжуд омборхона ва қайта ишлаш корхоналари

об-хаво ва иқлим шароитларини ҳисобга олмаган ҳолда қурилган.

Эндилікта дон маҳсулотларини узоқ муддатта сақлаш борасыда кимё, физика, биокимё, биотехнология, ўсимликлар физиологияси, агрокимё, микробиология, ўсимликеңунослик, сабзавотчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва бошқа бир қатор фан ютуқларидан унумли фойдаланилмоқда.

Дон етишириш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш технологиясини ривожлантиришда малакали мутахассислар тайёрлаш ҳам муҳим муаммо ҳисобланади. Шу сабабли қишлоқ хұжалик олий ва ўрта маҳсус билим юртларида «Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» фанининг ўқитиши мақсадға мувофиқдир.

Хозирги замон қишлоқ хұжалик мутахассислари, чорвадорлар, фермерлар дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси бүйича пухта билимга эга бўлишлари шарт. Мутахассислар хұжаликда етишириладиган дон ва бошқа қишлоқ хұжалик маҳсулотлари сифатини тўғри аниқлай олишлари, уларни давлатга топширишдаги барча жараёнларни мукаммал билишлари, сақлашда эса энг қулагай ва арzon усулларни танлашлари, уларга ўз вақтида ва сифатли қайта ишлов беришлари лозим. Дарслик «Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» курсини ўқитиш тажрибалари асосида қишлоқ хұжалик олийгоҳлари дастурига биноан ёзилди. Унда дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга оид асосий маълумотлар тўла ёритилган.

Дарсликни ёзишда республикамизнинг кўпгина хұжаликларида қўлланилган илғор тажриба натижаларидан, илмий-тадқиқот илмгоҳларининг маълумотларидан, дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда халқ тажрибаларидан ҳам фойдаланилди.

БИРИНЧИ БҮЛИМ

КУРСНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

I боб. КУРСНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Курс талабалар олдига қуйидаги асосий вазифаларни қўяди:

— дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг назарий асосларини ўрганиш;

— сақлаш ва қайта ишлашнинг асосий усусларини мунтазам равишда такомиллаштириш. Бунда рўй берадиган барча жараёнларни илмий асосда бошқариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, исрофгарчилликка йўл қўймаслик;

— талабаларда дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича илмий изланишлар олиб боришга қизиқиш уйготиш, жойларда маҳсулотларни сақлаш аҳволини, шароитларини ва қайта ишлашни таҳлил этиш, янги, қулагай ва арzon технологик усусларни жорий қилишни ўрганиш ва бошқалар.

Курсни ўрганишда талабалар диққат-эътиборини нафақат дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашнинг назарий асосларига қаратибгина қолмасдан, балки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида амалий жиҳатдан муҳим бўлган масалаларни ҳам чуқур ўрганишга жалб этишдир.

Дон экинларининг умумий майдони пахтадан олдин биринчи ўринда туради. 1997 йилда уларнинг салмоғи жами экин майдонларининг 37,2 фоизини ташкил этган. Маккажӯхори, шоли, оқжӯхори, шунингдек, дуккакли дон экинларининг кўпи сугориладиган ерларга экиласди. Бу ернинг аксари қисмини (500 минг гектарни) буғдой ва арпа экинлари ташкил этади ҳамда салмоғи жиҳатдан улар дон экинлари орасида биринчи ўринда туради.

Республикамизда асосий ғаллакор хўжаликлар Са-

марқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган. Фарғона водийси вилоятларида ҳам дон экини майдонлари кейинги йилларда анча кенгайди. Хоразм вилояти ва Қорақалпогистон Республикасида эса дон экинларидан асосан шоли етиштирилади.

Дон маҳсулотлари сифатини ошириш. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат, қайта ишлаш, енгил саноатлари учун хом ашё етказиб берадиган тармоқdir. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан донни кўпайтириш билан бир қаторда, унинг сифатини яхшилаш учун давлат томонидан барча имкониятлар яратилмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг сифатини белгилашда унинг истеъмол қийматини таъминлайдиган турли табиий белгилари ҳисобга олинади. Масалан, дон сифатига баҳо беришда унинг ташки кўриниши, йирик-майдалиги, яъни шакли, ранги, тўқималарининг кўриниши, техник кўрсаткичлари (ташишга, қайта ишлашга, зааркунанда ва касалликларга чидамлилиги ва бошқалар) ва истеъмол қиймати (таъми, озиқ-овқатлик қиймати, энергетик ва биологик даражаси хусусиятлари) эътиборга олинади.

Истеъмол қиймати ишсонни озиқлантириш мақсадида ишлаб чиқилади. Маҳсулотларнинг озиқ-овқатлилик қиймати унинг кимёвий таркибидағи озиқа моддалар миқдори билан баҳоланади. Энергетик даражаси эса у ҳазм қилингандан кейин ажralиб чиқадиган иссиқлик энергияси билан аниқланади. Маҳсулотнинг биологик қийматини унинг таркибидағи оқсилининг ва аминокислоталарнинг миқдори белгилайди.

Талабалар — бўлажак агроном, агрокимёгар ва иқтисодчилар муайян хом ашё сифатига, нав хусусиятлари ва етиштириш шароитининг сифатига таъсирини ўсимлиқшунослик, агрокимё, селекция, дехончилик ва бошқа фанлар орқали билиб оладилар. Маҳсулотларга ҳосил йиғиштириб олинганидан кейин ишлов беришни, сақлаш таъсирини эса фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси босқичида ўрганидилар. Чунки унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати, уларни давлат томонидан белгиланадиган навлари, шунингдек саноатнинг турли соҳаларида ишлатилишига қараб қўйиладиган талаблар ёритилган. Натижада, агроном, агрокимёгар ва иқтисодчи маҳсу-

лотнинг талаб қиймати тўғрисида кенг тасаввурга эга бўлади ҳамда шуларни эътиборга олган ҳолда ўз хўжалиги шаронтида юқори самарадорликка эришади.

Маҳсулотларни сақлаш тарихидан маълумот

Инсон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмол қила бошлагандан бўён уни сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланиб келган. Етиширилган маҳсулотни нес-нобуд қилмасдан ва сифатини пасайтирмасдан сақлаш, ундан унумли фойдаланиш қадимдан инсон эҳтиёжларининг асосларидан бири бўлган. Кўчманчи халқлар йиғилган мева ва ургуларни сақлаш учун маҳсус ертўлалар қўрнишган. Қабилалар ўтроқ бўлиб яшай бошлаган пайтда ортиқча маҳсулотларни сақлаш, шунингдек, заракунандалардан асрани ўргана бошлишган.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида олиб борилган археологик қазилмалар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш қулдорлик тузуми даврида ёқ амалга оширилганлигидан далолат беради. Бу ерда маҳсулотлар сақланадиган ўзи ва бошка турли идишлар топилган.

Урта Осиё, жумладан Ўзбекистон шаронтида ҳам калимдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга эътибор бериб келинган. Минтақамизда об-ҳаво йил ва бир кечакундуз давомида ўзгарувчан бўлганлиги сабабли гўшт, ёғ. сут, балиқ, тухум каби маҳсулотлар иссиқда тез айнийди, жуда қаттиқ совуқда эса сабзавот ва мевалар музлаб қолади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг энг қадимги усулларидан кўмиб ёки осиб сақлаш, қоқи қилиш, қуритиш қабилалар кенг қўлланилган. Маҳсулотларни сақлаш, қайта ачитиш, сабзавот, дон, мева, гўшт, қази ва тухумни кўмиб сақлаш, полиз маҳсулотларини осиб сақлаш, тўрли мева, қовун, помидордан қоқи тайёрлаш, узум, укроп,райхон, кашнич, жамбил ва қизил қалампирни қуритиш амалда кенг қўлланилиб келинган. Асосан, қуруқ маҳсулотлар тез бузилмайдиган маҳсулотлар ҳисобланниб, улар қуруқ жойда, шиша, чинни ёки сопол идишларда, ёпиладиган қофоз қутиларда сақланган. Дон ва ун асосан қопларда ёки қутиларда сакланган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича Марказий Осиёда IX—XII асрларда бир қатор асарлар яратилди. Ибн ал Хайсам (965—1035),

Ибн Хатиб ар Розий (1149—1209), Ибн Рашта (XII аср), Ибн Хаммар (942 йилда туғилған), Мұҳаммад ибн Баҳром (1194 йилда вафот этған), Абу Ҳамид ибн Умар, Ҳасрат Маңғадий Сайид Мұҳаммад (XVII аср) кабиларнинг асарларида дәхқончилик маҳсулотларини қайта ишлаш тилга олинған. Улар бу маҳсулотларнинг фойдалилигини ва уларни қишин-ёзин истеъмол қилиш зарурлигини батағсил баён этгандар.

Д. И. Менделесев немис олимни Вагнер ёзган «Технология» (1862—1879) асарининг 9 жилдини рус тилига ўғирған. Ушбу асар асосан қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашга бағишиланған. Олим, шунингдек, баъзи ишлаб чиқариш тармоқлари тўғрисида тўхталиб, Россия тегирмонларида олинадиган ун сифати Европанинг қатор давлатларига нисбатан юқори эканлигини таъкидлайди.

XIX—XX асрда Д. Н. Прянишников, Я. Я. Никитинский, П. А. Афанасьев, Н. И. Васильев, В. С. Пустовойт, П. П. Лукьяненко, Л. А. Трисвятский, А. И. Опарин, В. Л. Кретович, В. В. Тугарин, Н. В. Сабуров ва бошқалар маҳсулотларни сақлаш ҳамда қайта ишлаш бўйича дарслилар чоп этишли.

Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари ҳозирги ҳолга келгунча узоқ ривожланиш йўлнини босиб ўтди.

Дон тегирмони тарихи машина системасини аста ривожланиши ва ишлаб чиқариш усулларини ўзгаришини ўз ичига олади. Маълумки, тегирмон механизми уч турли қисмдан ташкил топган двигател, узатувчи механизм ва ишчи-машинадан иборат. Бу тегирмоннинг биринчи қисмини ҳаракатга келтиришда инсон қўл кучидан бошлаб электр двигателларигача фойдаланиб келди. Сув қувватидан фойдаланиш биринчи марта эрамиздан аввалги минг йиллик бошларида қулдор Урарту давлатида сув ғидираклари ўрнатилған тегирмонларда қўлланилған. Кейинчалик донни янчишда шамол ёрдамида ишлатиладиган тегирмонлардан фойдаланилған. Тегирмонларни ишлатишда энг мукаммал қувват ҳозиргача буғ ва электр қуввати ҳисобланған.

Инсон қачондан бошлаб донни озиқ-овқат сифатида истеъмол қилаётганини аниқ айтиш қийин. Тарихчи ва қадимшунослар фикрича, дондан фойдаланиш инсон ҳаётida оловни юзага келиши билан боғлиқ. Унинг ёрдамида аввал донни қовуришган, сўнг суюқ овқат ва ҳозирги «ловаш» оби нон (Кавказда) тайёрлашган. Ке-

йинчалик эса турли аралашмалардан фойдаланиб нон тайёрлашга ўтилди. Донни янчишда иккита ясси тошдан фойдаланишди. Сўнг турли мосламали ҳовонча ёки ўгирларни ишлатиши. Бироз вақт ўтгац, қўл кучи ёрдамида ҳаракатга келувчи тегимончалар (жернова) юзага келди. Бу оғир меҳнат қуллар томонидан бажарилган. Қўл кучи ёрдамида ишлатиладиган тегирмонлар ҳозирги кунгача бъэзи давлатларда қўлланилиб келинади.

С. Симонов сабаки *С. Симонов*
Тегирмон тузилиши мукаммаллашиб оорган сари ун ишлаб чиқариш жараёни такомиллаши. Дон қайта ишлашдан олдин турли аралашмалардан тозаланган, нам бўлса қуритилган. Сифатли ун олиш мақсадида элак ишлатиш йўлга қўйилган. Дон янчиши ривожланшининг кейинги босқичида юқори навли ун олиш талаби кучайиши муносабати билан буғдой донини бир неча марта қайта янчиш қўлланила бошланди. Бунга ҳозирги даврда ҳам амал қилинмоқда.

Маълумки, феодал жамиятида ишлаб чиқариш, жумладан ун саноати суст ривожланди. Агар ун ишлаб чиқарип корхоналари бошқа давлатларда XIX аср бошлари ва иккинчи ярмида ишга тушган бўлса, Узбекистонда бундай корхоналардан биринчиси Тошкент шаҳрида 1910 йилдан бошлаб фаолият кўрсатди. Бу корхона ҳозирги кунда йирик ун комбинатларидан бирига айланган. Узбекистонда эндиликда ўнлаб шундай корхоналар иштаб турибди. Ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган анжом-ускуналар билан жиҳозланган бу корхоналар бир кеча-кундузда озиқ-овқат саноати ва аҳоли истеъмол эҳтиёжлари учун 300—600 тоннагача ун ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Фан-техниканинг жадал ривожланиши барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, жумладан, доннинг сифати ва кимёвий таркибини аниқлаш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш мажмуини яратиш учун кенг йўл очиб берди.

Буғдой ер юзида тарқалган энг қадимги экинлардан бири ҳисобланади. Унинг келиб чиқиши ва дастлаб қаерда экилганлиги тўғрисида ҳали аниқ маълумот йўқ. Осиё ва Африкадаги айрим мамлакатларда буғдой бундан 10 минг йиллар илгари, яъни деҳқончилик вужудга келиши билан экида бошланган, 6,5 минг йилдан кейин Ироқда ҳам экилган. Эрамиздан 6 минг йил муқаддам эса буғдой Мисрда пайдо бўлган.

Узбекистонда буғдой жуда қадимий экинлардан



1-расм. Қадимги дон тозалагич.


лади. Арпа дони чорва моллари учун түйимли ем ҳисобланади. Айниқса, чүчқаларни бўрдоқига боқишида унинг аҳамияти бекиёсдир. Сомони чорва моллари учун ҳам яхши пичан ҳисобланади. 100 кг арпа донида ўртача 121 озиқ бирлиги ва 8,1 кг ҳазмланадиган протеин, 100 кг сомонида 36 озиқ бирлиги ва 1,2 кг ҳазмлана-диган протеин бўлади.

Арпа пиво ишлаб чиқариш саноатининг асосий хом ашёсидир. Щунингдек, донидан спирт, солод экстракти олинади. Уни буғдой ёки сули унига қўшиб (25 фоизгача) нон ёпиш учун ишлатилади. Арпа дони таркибида клейковина моддаси камлигидан соф ҳолда нон ёпиш учун ишлатилмайди.

Жавдар Марказий Осиёда унчалик кенг тарқалмаган. У минтақада асосий кўкат озиқ учун ўстирилади, дон ҳосили ҳам кузги буғдой ва кузги арпаники сингари юқори бўлмайди. Аслида кузги жавдар энг муҳим озиқ-овқат экинларидан ҳисобланади. Унидан ёпилган ноннинг таъми яхши, таркибида тўла қимматли оқсил ва витаминлар (A, B, E) кўп бўлади. Лекин ҳазм бўлиши жиҳатидан буғдой нонидан паст туради. Жавдар дони бутунлигича ёки майдаланиб молларга ҳамда бўрдоқига боқиладиган чўчқаларга берилади. Кепаги

ҳисобланиб, эрамиздан олдинги асримизда ҳо-зирги Фарфона водийисида экила бошланган. (1, 2, 3-расмлар).

Арпа ҳам қадимий экинлардан биридир. Қадимий Мисрда эрамиздан 5 минг йил аввал. қадимий Вавилонда 2—3 минг йил илгари маълум бўлган. Ҳозирги Марказий Осиё республикалари энг қадимий арпа экиладиган ҳудуд ҳисобланган. Бу ерларда арпа эрамиздан 4—5 минг йил илгари экила бошланган. Ундан ем-хашак мақсадларида фойдаланилади ва озиқ-овқатга ишлати-



2-расм. Ҳавончаларда дон яниш;

а) әгилувчан ёғоч ёрдамида; б) оёқ күчи билан в) сүп ёрдамида.

қорамолларга берилганды, улар тез семирады, гүшт ва сут маҳсулдорлиги ошады.

Сули қадимий экинлардан бириди. Халқ хұжалигидаги аҳамияти катта. Ү асосан, ем-хашак экинлари қаторига кирады. Дони отлар ва бошқа турдаги ёш дайвонлар учун энг мұхим күчли озиқ (ем) ҳисобланады. У омынта ёки мураккаб ем тайёрлашда ҳам ишлатиласы. Озиқлық қиммати жиҳатидан 1 кг сули 1 озиқ бирлігінде тенг. Сули сомони ва түпони ҳам молларга берилады. Түйимлилігі жиҳатидан у бошоқлы дон экинларининг похоли ва түпонидан устун турады. Таркибидаги оқсил, ёғ, витаминлар осон ҳазм бўлганлигидан уни озиқ-овқатга ишлатиш мумкин. Донидан ёрма, кисел ва галет тайёрлаш учун уни, толқон ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Бу маҳсулотлар асосан болаларга мўлжалланган ва парҳез таомлар пиширишда ишлатилади.

Сули арна экинлари орасыда бегона ўт сифатида ўсган. Европада сули эрамиздан 1500—1700 йил аввал маълум эди.

Маккажүхори энг қимматли ва серҳосил экинлардан ҳисобланады. У дунёнинг энг қадимий экинларидан бириди. Унинг ватани Марказий Америка (Мексика



3-расм. Ҳавончаларнинг ишлатилиши:
а) қадимги Мисерда; б) қадимги Юноистонда; в) бизгача етиб келган
ўғир ва келесои.

ва Гватемала) дир. Маҳаллий аҳоли маккажӯхорини эрамиздан аввалги 3400—2300 йилларда етиштира бошлаган. Ўрта Осиёга XVIII аср охирида Хитойдан келтирилган. У турли мақсадларда, чунончи, озиқ-овқат сифатида ишлатилади ва техникавий мақсадлар учун қайта ишланади, молларга берилади. Мамлакатимизда асосан кўк массаси ва дони учун экилади. Дони барча турдаги ҳайвон ва паррандалар учун жуда тўйимли, кучли озиқ ҳисобланади. Тўйимлилиги жиҳатидан бошқа ғалла экинлари донидан юқори туради. Озиқлик қиммати маккажӯхорининг 1 кг қуруқ дони таркибида ўртacha 78 г ҳазмланадиган протеин бўлгани ҳолда 1,34 озиқа бирлигига teng келади. Маккажӯхори дони омихта, ем тайёрлаш саноатида жуда кўп қўлланилади.

Оқжӯхори энг муҳим дон, ем-хашак, техника экинлари гуруҳига киради ва жаҳон деҳқончилигига буфдой, шоли ва маккажӯхоридан кейин бешинчи ўринда туради. У Осиё ва Африкадаги бир қанча давлатларда озиқ-овқатга ишлатилади (ун тортилади, ёрма тайёрла-

нади). Дони чорва моллари ва паррандаларни боқишда кўп ишлатилади, тўйимлилиги ва ҳазм бўлиши жиҳатидан маккажўхори донидан кам фарқ қиласди. 100 кг оқжўхорининг донида 118,8 озиқ бирлиги бор.

Техник мақсадларда кўп ишлатиладиган оқжўхорининг дони крахмал ва спирт саноати учун қимматли хом ашё ҳисобланади.

Шоли ер юзидаги энг қадими озиқ-овқат экинларидан бири бўлиб, инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. У Хитойда эрамиздан 2800 йил, Ҳиндистонда 2000 йил илгари маълум эди.

Шолининг келиб чиқсан маркази **Жанубий-Шарқий Осиё** деб тахмин қилинади, лекин жойи ҳали аниқ эмас. Академик Н. И. Вавиловнинг таъкидлашича, ёшли Ҳиндистондан келиб чиқсан. Шоли Ҳиндистондан Марказий Осиёга эрамиздан аввалги даврда тарқала бошлаган.

Экин майдони бўйича шоли бутун дунё деҳқончилигида иккинчи ўринда туради. Кўпгина давлатларда, айниқса, Осиё мамлакатларида асосий озиқ-овқат ҳисобланади. Таъми яхши, сифати юқори бўлиб, бошқа донларга қараганда инсон организмида тез ҳазм бўлади. Гуручнинг ҳазм бўлиш коэффициенти энг юқори 95,9 фоиз, калорияси 3594 кДж/г га тенг, яъни буғдой калорияси (3610)дан бироз кам. Шолини оқлаш вақтида чиқадиган оқшоқ спирт, ароқ, пиво ва крахмал тайёрлаш учун ишлатилади.

Тариқ Осиё ва Европада етиштирилаладиган энг қадими экинлардан биридир. Ватани Ҳитой бўлиб, у ерда эрамиздан 3000 йил илгари маълум бўлган. Дони ёрма бўладиган энг муҳим экинлар қаторига киради. Тариқ сўки жуда тўйимли, таъми яхши ва қўп тарқалган озиқа маҳсулоти ҳисобланади. Уни арпа унига қўшиб ишлатилади. Тариқ дони паррандалар, майдалангани чўчқалар учун қимматли озиқ ҳисобланади. 100 кг тариқ дони 96 озиқ бирлигига тенг. Ӯзбекистонда тариқ унча катта бўлмаган майдонларда, асосан, тоғолди ва тоғли лалмикор ерларда етиштирилалади.

Дуккакдошлар оиласига мансуб нўхат, ясмиқ, бурчоқ, хашаки дуккакдошлар, нут, соя, ловия, вигна, люпин дуккакли дон экинлари қаторига киради. Дуккакли дон экинларининг қиймати, энг аввало, донининг пояси ва барглари таркибидаги оқсил миқдори кўплиги билан белгиланади. Кўпчилик турларининг дони таркибида 20—30 фоиз оқсил бор. Бу ғалла экинлари донига қара-

ганды 2—3 марта күпдир. Баъзи ўсимликлар — соя, люпин дони таркибида 35—45 фоиз оқсил бўлади. Бу оқсил лизин, цистин, триптофан, валин аминокислоталарига бой бўлиб, улар организм учун ниҳоятда зарурдир. Таркибида юқори сифатли оқсил кўп бўлган лигидан дуккакли дон экинлари қимматли озиқ-овқат ва хашаки экин ҳисобланади.

Нўхат дуккакли экиндири. Нўхат Европадаги кўпгина давлатларда, шунингдек, АҚШ, Канада, Хитой ва Ҳиндистонда кўп тарқалган. Россия, Украина, Белоруссия ва Қозоғистонда ҳам кўп экилади. Республика мизда нўхат экин майдони унча катта эмас. Асосан суфоридалиган, қисман лалмикор ерларда етиширилади. Дони истеъмол қилинади, молларга берилади ва агротехникавий аҳамиятга эга. Нўхатнинг пишган ва хом (яшил нўхат) дони, шунингдек, дуккаги консерваланди. Нўхат молларнинг озиқ рационига киритилган. 1 кг нўхатда 1,17 озиқ бирлиги ва 195 г ҳазмланадиган протеин бор.

Нут қимматли озиқ-овқат ва хашаки ўсимлигидир. Оқ донли нут навларининг дони суюқ ва қуюқ овқат, шунингдек, палов ва бошқа ҳар хил таомлар тайёрлашда ишлатилади. Таъмига кўра нўхатга ўхшайди. Лекин оғирроқ ҳазм бўлади. Хом дони янгилигига истеъмол қилинади. Нутнинг дони моллар учун тўйимли, сероқсил озиқ. У молларга ёрма ҳолда ёки майдалаб берилади. Тўйимлилиги бўйича нўхатдан устун туради.

Бурчоқ дони сероқсил бўлгани учун озиқ-овқатга ишлатиш, молларга бериш ва техникавий мақсадларда фойдаланиш учун етиширилади. Дони молларга бутунлигича ёки майдалаб берилади. 1 кг дон таркибида 222 г оқсил бўлиб, у 1,03 озиқ бирлигига teng. Донидан олинидиган оқсилдан авиация ва тўқимачилик саноатида ишлатиладиган сифатли елим тайёрланади.

Бурчоқ Жанубий-Фарбий Осиё, Шимолий Америка, Ҳиндистон, Эрон, Миср, Сурия ва Жазоирда қадимдан экилиб келинади. Марказий Осиёда бурчоқ қадимги экин бўлиб, асосан лалмикор ерларга экилади. Ўзбекистонда, асосан, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятидаги тогли ва тоғ олди туманларида етиширилади. Ҳозир кам экилмоқда.

Ясмиқ энг аввалдан Ҳиндистонда, Мисрда экилиб келинган, қадимги Рим ва Грецияда ҳам маълум эди. Ясмиқнинг ватани Жанубий-Фарбий Осиё ҳисобланади. Таркибидаги оқсил миқдори мўллиги (30 фоизга

яқын), мөъёрида ҳазм бўлиши, таъми яхшилиги жиҳатидан нўхат, бурчоқ, ловиядан устун туради. Дони бевосита истеъмол қилинади ва суюқ, қуюқ овқатга зирavor сифатида, шунингдек, консерва тайёрлаш учун ишлатилади.

Ясмиқ молларга ҳам берилади. Дони сероқсил бўлиб, 1 кг дони таркибида 216 г оқсил бўлади ёки 1,2 озиқ бирлигига тенг келади. Қашқадарё вилоятининг тоғли туманларида экилади.

Ловия ҳам қадимги экинлар қаторига киради. Унинг йирик донли янги турлари қадим замонда тропик Америкадан келиб чиққан, майда донли эски дунё турлари (мош ва бошқалар) Осиё мамлакатларида бундан 6—7 минг йил илгари экилар эди.

Иирик донли ловия XVI асрда Марказий Америкадан Европага олиб келинган. Россияда XVIII аср охирида экила бошланган. Ловия қимматли озиқ-овқат ўсимлиги бўлиб, дони таркибида ўртacha 28 фоиз оқсил бор. Доннинг таъми яхши, енгил ҳазм бўлади. Етилган дони суюқ овқат, салат, қуюқ овқат, консерва тайёрлашда ишлатилади. Чала пишган дуккаги янгилигига ёки консерваланган ҳолда сабзавот сифатида ишлатилади. Ловия ер юзида кенг тарқалган экин бўлиб, майдони каталиги жиҳатидан дуккакли дон экинлари орасида иккинчи ўринни эгаллади. Республикамизда ловия суғориладиган ерларда экилади.

Мош майда донли Осиё ловиясининг кўп тарқалган турларидан биридир. Унинг дони озиқ-овқатга ишлатилади. У юқори калорияли, ширин, тез ҳазм бўлади. Хиндистон, Корея, Япония ва бошқа давлатларда экилади. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг суғориладиган ерларнда, қисман Қирғизистон ва Кавказ орти республикаларида кўп тарқалган.

Вигна тропик ва субтропик иқлим ўсимлигидир. У Африкадаги қатор давлатларда, Осиёда, шунингдек АҚШда кўп экилади. Таркибида ўртacha 27,6 фоиз оқсил бор. Асосан оқ донли навлар озиқ-овқатга кўп ишлатилади. Вигна дони таъми яхшилиги ва енгил ҳазм бўлиши билан фарқ қиласи. Сарсабил (спаржа) навларининг дуккаги суюқ, қуюқ овқатга зирavor сифатида қўшилади, салат қилинади ва консерваланади. Вигна ёрмаси ва уни концентрат сифатида қорамолларга, чўчқаларга берилади.

Ҳамдўстлик давлатлари орасида, асосан Марказий Осиё республикалари ва Кавказ ортида экилади. Ўзбекистонда у ловия номи билан аталиб, деярли ҳамма жойда — пахтачилик, сабзавотчилик ва бошқа хўжаликларнинг суғориладиган кичикроқ майдонларида экилади.

Соя энг қадимги дуккакли дон экини ҳисобланиб, соя хилма-хил мақсадларда ишлатилгани учун қимматли экинлар қаторига киради. Унинг ватани Жанубий-Шарқий Осиёдир. Европада XVIII асрда, ҳамдўстлик мамлакатларида XIX асрда (Россия ва Грузияда) экила бошланган. Ўзбекистонда XX асрнинг бошларида соя устида биринчи марта тажриба олиб борилган. Ҳозирги вақтда шоликор туманлардаги унча катта бўлмаган майдонларга экилади. У озиқ-овқатда фойдаланиладиган, ем-хашак тайёрланадиган техникавий экиндер. Таркиби 33—45 фоиз углеводлар, шунингдек, витаминалар, ҳам оқсил, ҳам мой кўп бўлган ноёб ўсимлиkdir. Унинг оқсили кимёвий таркибига кўра ҳайвонлар оқсилига яқин туради. Дони таркибida сутдаги каби казеин бор. Шунинг учун соя оқсили ачиганда сутга ўхшаб ивиб қолади. Соядан сут, сузма, қаймоқ, пишлоқ тайёрланади. Махсус усулда соядан тайёрланган сузма гўштнинг ўрнини босади ва турли овқатларга ишлатилади.

Соянинг дони озиқ-овқатга кўп ишлатилади. Унидан қандолат ва бошқа тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланади. Яшил дуккаги озиқ-овқат ва консерва саноатида ишлатилади. Ёғи озиқ-овқатга ишлатиладиган қимматли ўсимлик мойидир, шунингдек, совун, лак, бўёқ тайёрлашда ишлатиладиган техникавий хом ашёдир. Кунжарасини буғдој унига қўшиб нон ёпилади. Соя тўқимачилик, пластмасса саноати ва бошқа тармоқларда ишлатилади. Кунжара уни сероқсил концентрат сифатида молларга берилади (унининг таркибida 40 фоиз, кунжараси таркибida 47 фоизгacha оқсил бор).

Гречиха муҳим озиқ-овқат экинидир. У ёрма олиш учун экилади. Гречиха ёрмаси тўйимли, ниҳоятда таъми хуш ва енгил ҳазм бўлиши билан ажralиб туради. Айниқса, ошқозон касаллиги билан оғриган беморлар учун парҳез овқат ҳисобланади. Унидан қуймоқ, нон, баъзи қандолат маҳсулотлари тайёрланади.


Маҳсулотларни сақлаш жараёнида истрофарчиликка қарши кураш.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш босқичнинг асосий мақсадларидан биридир.

Озиқ-овқат саноати ва аҳолини ун маҳсулотлари билан тинимсиз таъминлаш учун ҳар бир маҳсулот турини етарли жамғармаси бўлиши керак. Шунингдек, чорвачилик учун ҳам кўп миқдорда дон зарур. Қолаверса, ҳосилнинг катта қисми уруғлик фонди сифатида сақланиши даркор. Бундан ташқари, ҳосил бўлмаган йиллар, табиий оғат ва бошқа эҳтиёжлар учун заҳира бўлиши шарт. Мамлакат бўйлаб истеъмолчига етиб боришида заҳираларни сақлаш қўйидаги чизмада амалга оширилади (1-чизма).

1-чизма

Ўзбекистон ҳалқ хўжалигидаги дон маҳсулотларини истеъмолчига етиб бориши



Ишлаб чиқарувчидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг оз қисми шахсий истеъмолчига етиб боради. Унинг катта қисми (баъзи хом ашё турлари тўлиқ) истеъмол эҳтиёжидан олдин сақланади, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида тайёрланади ёки қайта ишланади. Заҳираларнинг асосий миқдори хўжалик ва тайёрлов (давлат ва ҳиссадорлик) ташкилотларида мужассамлаштирилади. Фақат экиш учун мамлакатимизда юз минглаб тонна турли экинларнинг уруғи сақланади.

Катта миқдорда дон ва бошқа маҳсулотлар чорвалилари ҳамда парранда учун қолдирилади. Чорвачи-

ликнинг ривожланиши сабабли бунга эҳтиёж йилдан-йилга ошмоқда.

Барча экин турлари ҳосилдорлигини кўтариш ва ялпи ҳосил миқдорини ошириш мумкин, лекин истеъмолчига маҳсулотларни етказиб беришнинг турли босқичларида кўп миқдорда исрофгарчиликка йўл қўйилса ва сифати пасайтириб юборилса, унда натижалар самара-сиз бўлади. Айниқса, ҳосил йиғиб олингандан кейинги даврда маҳсулотларга нотўғри муносабатда бўлиш на-тижасида исроф миқдори юқори бўлиши мумкин. Бундан ташқари, маҳсулот бутунлай бузилиши ёки улар таркибида заҳарли хусусиятлар юзага келиши мумкин.

Фан ва техникани ривожлантиришга қарамай, ҳозирги даврда ҳосилнинг катта қисми исроф бўлмоқда. Теримдан кейинги даврда уюмдаги исрофни камайтириш ва сифатини сақлаш учун уни ташиш, сақлаш ва сотишга асосий эътиборни қаратиш керак.

Сақлаш даврида маҳсулот исрофгарчилиги уларнинг физик ва физиологик хусусиятлари натижасидир. Фақат маҳсулот табиатини, унда рўй берадиган жараёнларни, улар учун ишлаб чиқилган сақлаш режимларини яхши билиш исрофни камайтириш ва ҳосилдорлик ўсишини таъминлаш имконини беради.

Маҳсулотни сақлашда исроф икки турга бўлинади: миқдор ва сифат. Кўпчилик ҳолларда бу исрофлар ўзаро боғланган бўлади, яъни уюмдаги исроф сифатидаги исроф билан қўшилиб боради ва бунинг акси кузатилади. Табиатда исрофгарчиликлар физик, биоло-гик бўлиши мумкин. Сақлаш даврида доннинг исрофи 19-бетдаги 2-чизмадагидек бўлади.

Турли дон маҳсулотлари исрофгарчилигининг тўлиқ таҳлили тегишли бўлимларда таништириб борилади. Бу ерда фақат турли исрофгарчиликка муносабатни тўғри баҳолаш ва умумий аҳволини таъкидлаш зарур.

Миқдордаги исрофлар. Сақлашда маҳсулот миқдорининг камайиши физик хусусият ва физиологик жараёнлар натижасида рўй беради. Физик исроф мисолида маҳсулотдаги намликнинг атроф-муҳитга буғланиши тушунилади. Аммо бу турли маҳсулотларда ҳар хил кечади. Баъзи сабзавот ва меваларда оз миқдорда намликнинг буғланиши белгилари бўлиши қонуний ҳисобланади ва исрофни умумий чамасига киритилади. Дон ва уруғларни сақлашда эса буғланиш натижасида намликни камайиши исроф ҳисобланмайди.

Дон ва уругларнинг сақлашда истроф бўлиш турлари

Миқдор истрофи

Сифат истрофи

- | | |
|--|--|
| <p>Биологик хоссалари</p> <p>Нафас олиш</p> <p>Донларнинг унуси</p> <p>Микроорганизмларнинг ривожланиши</p> <p>Ҳашарот ва каналарнинг ривожланиши</p> <p>Ўз-ўзидан қизиши</p> <p>Кемирувчиларнинг йўқ қилиши</p> <p>Паррандаларнинг йўқ қилиши</p> | <p>Механик (физик) хоссалари</p> <p>Жароҳатлар</p> <p>Майда заррачалар</p> <p>Бўлаклар</p> |
|--|--|

Физик истрофнинг бошқа тури — маҳсулотни сақлаш даврида кўчириш, қайта тахтлаш жараёнида устки қатламларида майда қисмларни ажралишидир. Бу ҳолда маҳсулот омборхона сатҳида ёки дон билан доннинг сирғалиши натижасида ҳисобсиз майдаланиш юзага келади. Маҳсулот уюми жойдан жойга қанча кўп кўчирилса шунчалик майда заррачалар миқдори кўпаяди, эҳтиётсизлик натижасида, ҳатто сақлананаётган маҳсулотнинг ташқи қисми жароҳатланиши ва майда заррачалар ажралиши мумкин. Миқдорда бу катта истрофгарчиликка сабаб бўлади ҳамда сифатига ва келгусида маҳсулотнинг сақланувчанлигига таъсир этади.

Биологик жараёnlарнинг бошқа кўринишлари натижасида уюмдаги истрофгарчиликлар жуда юқори бўлиши мумкин. Чунки дон ва уругларнинг нафас олиши-

да қуруқ моддалар кўп сарфланади. Энг қулай тартибда сақланганда нафас олиш натижасида юз берадиган исроф оз миқдорни ташкил этади, баъзида донлар тортилганда унинг фарқи ҳатто сезилмайди. Айниқса, маҳсулотлар таркибида зааркунанда ҳашаротлар кўпайганда кўп исроф рўй беради. Аммо сақлашни тўғри ташкил этиш зааркунанда ва кемирувчилар фаоллигини йўққа чиқаради. Маҳсулотларни сақлаш нотўғри ташкил этилганда эса улар таркибида механик заарланган бўлаклар кўпаяди ҳамда кемирувчилар ва қушлар таъсирида исроф миқдори ортади.

Лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган амалий ва тажриба синовларининг кўрсатишича, дон сақлашни тўғри ташкил қилишда қуруқ модда миқдорининг исрофи йилига 0,07—0,3 фоизни ташкил этади. Сақлаш шароити қанчалик ёмон бўлса, шунча кўп дон исроф бўлади. Масалан, дон ўз-ўзидан қизиши натижасида сифати сезиларли пасайиши ёки бутунлай йўқолиши билан бирга, исроф 3—8 фоизни ташкил этиши мумкин. Сақлаш жойларида кемирувчи ва қушларнинг пайдо бўлиши катта исрофга олиб келади. Шундай қилиб, маҳсулотларни сақлаш жараёнида уюм исрофи муқаррар содир бўлади, аммо дон тўғри тартибда сақлансан исроф бошланғич миқдордан ошмайди ёки жуда оз бўлиши мумкин.

Сифат ўзгаришидаги исрофгарчилик. Сақлаш тўғри ташкил этилганда маҳсулот сифати бузилмайди. Исрофгарчилик сақлаш муддатининг чўзилиши билан боғлиқ бўлиб, маҳсулот чидамлилик муддатидан ўтганидан кейин рўй беради.

Маҳсулотларни сақлашда сифатининг салбий ўзгариши (муддатидан ортиқ сақлаш кўзда тутилмаган) асосан микроорганизм ва ҳашаротларнинг таъсири, кемирувчи ва қушлар томонидан заарланиши, шунингдек, техник заарланиши натижасида рўй беради.

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида маҳсулотлар сақлашни илмий асосда ташкил қилиш юқори малакали мутахассислар: товаршунос, иқтисодчи, технолог ва механиклар томонидан бошқарилади. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот сақлашни ташкил қилиш агроном, иқтисодчи ва зоомуҳандисларга узвий боғлиқ. Улар, шунингдек, барча қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ходимлари олдига маҳсулотларни сақлаш борасида қўйидаги вазифалар қўйилган:

— маҳсулотларни ва уруғлик заҳираларини имконияти борича йўқотмаслик ҳамда сифатини туширмаслик;

— сақланаётган даврда тегишли технологик усуллар ва тартибларни қўллаб, маҳсулот ва уруғ заҳираларининг сифатини янада ошириш;

— оз меҳнат ва сарф-харажат қилиб, маҳсулотларни иқтисодий жиҳатдан рентабел сақлаш.

Шу билан бир қаторда, иқтисодий масалалар муҳимдир. Чунки баъзи маҳсулотларни сақлашда сарф-харажатлар маҳсулот ишлаб чиқаришдаги қийматдан ҳам ошиб кетади. Бу харажатларни камайтириш уруғлик, озуқа ва бошқа маҳсулотлар таннархини туширишга ҳамда сотилганда фойда олишга сабаб бўлади. Иирик аҳоли манзиллари яқинида жойлашган жамоа, ферма ёки бошқа хўжаликларида дон ҳамда маҳсулотларни қишибаҳор фаслларида сотиш юқори иқтисодий самара беради.

Маҳсулотларни сақлашда мавжуд омборлардаги техника турли машина механизмларидан тўғри фойдаланиш шартинида маҳсулот чидамлиги ҳамда сифатини оширишга эришиш мумкин.

Хўжаликлар таркибида техника базаси корхоналарининг ривожланиши ўйналишига, хўжалик жойлашган ернинг об-ҳаво шароптига қараб жиҳозланиши керак. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш билан бир қаторда, юқори сифатли маҳсулотларни давлатга сотишда иқтисодий рағбатлантириш масаласи ҳам қўйилган.

Юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси соҳасида мутахассис ва раҳбарлар тайёрлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Жамоа, фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ўз хом ашёларидан кенг турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар. Хўжаликларда ун ва дон маҳсулотлари, жувозхоналарда ўсимлик уруғларидан ёғ олинади ҳамда жойларда кичик новвойхоналар нон ёпиш йўлга қўйилган. Шунингдек, баъзи ўсимлик маҳсулотларига бирламчи технологик ишловлар берилади (тамаки, каноп ва бошқа).

Хўжаликларда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар

ишлиб чиқариш ҳажмини ошириш кенг истеъмол моллари турини кўпайтиришга, меҳнаткашларининг ўсиб бораётган талабаларини қондиришга хизмат қилади. Хўжаликларда етиштириладиган маҳсулотлар давлат талабларига жавоб берадиган бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалик корхоналари билан қайта ишлаш саноати ўртасида алоқаларнинг ривожланиши ўз навбатида қабул қилинаётган хом ашёга янги талабларни қўяди. Бунинг учун кенг истеъмол моллари турларини чиқариш учун технологиянинг мукаммаллаштириш керак. Агроном, агрокимёгар ва иқтисодчилар олдида эса ушбу технология билан танишиш зарурияти туғилади.

Шунинг учун дарсликда элеватор, тегирмон ва бошқа корхоналарда бажариладиган технологик жараёнлар тўғрисида маълумотлар берилган. У ёки бу қайта ишлаш жарабёнининг физик, кимёвий ёки биологик асослари билан танишиб, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўзлари ишлиб чиқараётган хом ашёдан маҳсулотнинг миқдори ва сифатига таъсир этадиган турли хусусиятлар тўғрисида тушунча оладилар. Бу ўз йўлида агросаноат мажмуи ривожланиб мамлакатни озиқ-овқат ва хом ашё билан мўътадил таъминлашда асосий ўрин тутади.

Шундай қилиб, «Дон маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси» комплекс босқичидир. У катта масалаларни ўз ичига олади ва бўлажак қишлоқ хўжалик мутахассисларига маҳсулотлар сифатини кўтариш, сақлаш, тайёрлаш ва қайта ишлашдаги исрофгарчиликка қарши самарали курашишда хизмат қилади.

II боб. МАҲСУЛОТЛАР САҚЛАШНИНГ НАЗАРИИ АСОСЛАРИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Маҳсулот сифатининг шаклланишига турли омиллар таъсир этади. Асосийси географик омил бўлиб, бунга маҳсулот етиштириладиган табиий ҳудуднинг (тупроқ ва иқлим шароити) хусусиятлари киради. Технологик омиллар — деҳқончилик маданияти ва маҳсулот етиштириш технологияси ҳам маълум даражада маҳсулотнинг сифатини шакллантиради. Биологик омиллар — янги нав ва дурагайларни жорий қилиш ҳам маҳсулот сифатини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, маҳсулотнинг сифати тайёрлаш манзилининг, материал-техника базасининг тараққиёт даража-

си ва уни қабул қилиш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиясига чамбарчас боғлиқдир. Сифатли етиштирилган маҳсулот уни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш мобайнида дастлабки хусусиятини йўқотиб сифатсиз маҳсулотга айланиши мумкин.

Етиштирилган дон маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари маҳсулот етиштирилган шароитга, сақлаш ва бошқа ўтказиладиган қўшимча тадбирларга қараб турлича бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан дон маҳсулотлари сифат кўрсаткичларига қараб асоссан уч гуруҳга бўлинади:

1. Сифат кўрсаткичлари бўйича фойдаланишга яроқли бўлган, соҳа талабига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар.

2. Сифат кўрсаткичлари бўйича фойдаланиши лозим бўлган соҳа талабига тўлиқ жавоб бермайдиган, аммо бошқа соҳада фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар.

3. Фойдаланишга яроқсиз бўлган маҳсулотлар.

Айрим пайтда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари турли омиллар таъсирида ўзгаради (қизиш, чириш), ҳатто заҳарли бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини тўғри баҳолаш учун стандартлаш ва сифатни бошқариш тизими қабул қилингани.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида етиштирилладиган барча ўсимлик хом ашёсининг сифати 1-жадвалда кўрсатилганидек, кўпчилик омилларга боғлиқ.

Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қатори турли ўсимликлар дони ва уруғларининг озиқ-овқат ва технологик қиймати иқлим омилларига, ҳосилни териш шароити, усуслари ва муддатига, ҳосилни тергандан сўнг ишлов беришга, ташиш ва сақлашга узвий боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси, шунингдек, техник хом ашё — зигфир ва пахта толаларига ҳам таъсир этади.

Инсон табиатдан олган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга қадимдан ҳаракат қилиб келган. Ёввойи ўсимликларнинг мева ва уруғларини териб, ов ва балиқчилик билан шуғулланиб, қолган овқатларни бузилишидан сақлаш, уни ўз имконига қараб ҳайвон ва ҳашаротлардан ҳимоя қилиш усусларини қўллаган.

Ўтроқ хаётга ўтиш билан ўсимликларни парваришлаш, ўй ҳайвонларидан фойдаланиб деҳқончилик қилиш далаачиликни янада кенг ривожланишига ва ҳаёт манбай учун зарур бўлган жамғармаларни кўпайишига

Маҳсулотлар сифатига таъсир этувчи омиллар

Етиштириш босқичлари	Омиллар
Ургуғ	Тур, нав, репродукция. Ургуларни экинча тайёрлаш (аралашмалардан тозалаш, дорилаш ва бошқа). Ургуларни давлат стандарти бўйича классларга ажратиш.
Етиштириш шароити	Географик шароити (кенглик, деңгиз сатҳидан баландлиги, иқлими). Тупроқ таркиби, ишлов бериш. Алмашлаб экинчдаги олдинги ўсимлик. Ўғитлар турлари, қўллаш муддати, сугориш тури, муддати, сарфланадиган сув миқдори. Касалликлар билан зааррланиши (бактериоз, миқоз, вирус касалликлари). Заарркунанда ҳашаротларнинг таъсир этиши. Ўсув давридаги иқлим хусусиятлар.
Ҳосилни йиғишириб олиш шароити	Ҳосилни йиғишириб олиш усуллари ва муддатлари. Теримга зарур техник воситаларнинг ҳолати. Терим машиналаридан фойдаланиш тартиби. Об-ҳаво шароитлари.
Ҳосилни ташиш	Транспорт воситаларининг турлари ва ҳолати. Фойдаланиладиган идишлар тури ва ҳолати. Ташини давомийлиги (масофа, вақти). Об-ҳаво шароитлари.
Бирламчи ишлов берилли	Ўз вақтида ишлов бериш. Ишлов бериш тури ва усуллари. Машиналарнинг ишлаш режими. Об-ҳаво шароитлари.
Ҳосилни сақлаш	Сақлашга тайёрлаш. Сақлаш усуллари ва омбор турлари. Сақлаш тартиби. Сақланадиган маҳсулотларни назорат қилишини ташкил этиш.
Корхоналарда қайта ишлаш	Рецептура. Қўлланиладиган ускуналар. Технологик жараён тартиби.
Барча босқичларда	Ишлаб чиқаришда ходимларни технологик, техник ва иқтисодий малакаси ва уларни ўзлаштириш даражаси.

сабаб бўлди. Бу жамғармаларни бузилишидан, турли зараркунандалар емиришидан сақлаш керак эди.

Ҳозиргача сақланиб келган қадимги ёдгорликлар (археологик изланиш материаллари, қўлёзма ва китоблар) да кўпгина маълумотлар тўпланган бўлиб, улар инсон озиқ-овқат жамғармаларини қандай усуллар билан сақлашга интилгани акс эттирилган.

Маҳсулотларни миқдор жиҳатидан ҳамда сифатини

туширмасдан ҳар бир турини энг қулай шароитларда сақлашга эришиш мүмкин. Бу шароитларни ўрганиш маҳсулотларни сақлаш режими ва усусларини ишлаб чиқиш ва мукаммаллаштиришни ўз ичига олади ҳамда сақлашнинг назарияси ва амалиётининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу масалани ҳал этишда аввал сақлаш объекти сифатида маҳсулотнинг хусусиятларига эътибор берилади. Шунга асосланиб, унинг истеъмол хусусиятларини юқори сақлаган ҳолда режим ва усуслари аниқланади. Аммо бунда масаланинг иқтисодий томони ҳам инобатга олинади. Масалан, маҳсулотни сақлаш учун аъло шароит яратиш мүмкин, лекин бу ортиқча сарф-харажат ҳисобига эришилади. Харажатларни тўлиқ қоплаш учун сотишда фақат нархни кўтариш ҳисобига эришиш мүмкин. Шунинг учун амалиётда маҳсулотларни сақлашнинг турли усусларини қўллашда уларнинг хусусиятлари, баҳоси, хўжалик имконияти ва маҳсулотни қандай мақсадга мўлжалланганлигини эътиборга олиш, маҳсулотнинг ҳар бир турини сақлаш учун тегишли техник замин ҳам яратиш зарур.

Маҳсулотларни сақлашдаги чидамлилиги унинг кимёвий таркиби, физик тузилиши ва атроф-муҳит таъсирига боғлиқ. Сақлашда маҳсулот таркибидаги эркин сув миқдорининг кўплиги мушкуллик туғдиради. Бу сув ҳужайра ва тўқималарда алмашиш жараёнлари шароити учун зарурдир (2-жадвал).

2-жадвал

Турли дон маҳсулотларидағи сув миқдори

Маҳсулотлар номи	Сув миқдори, Фонз
Болпоқлilar дони ва вўхатлилар уруғи Мой экинлари уруғи	7—32 (кўпинча 12—22 оралиғида) 6—25 (кўпинча 7—20 оралиғида)

Дон маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш жараёни уларга микроорганизмлар кўп кирға оладиган шароитларда ўтади. Барча ўсимликлар ўзига хос ҳаётий микрофлорага эга, касалланган ўсимликлар эса юқумли касалликлар инфекциясини тарқатувчидир. Ҳосил йи-

ғишида микрофлора атроф-муҳитдаги микроблар билан (асосан тупроқдан) тўлади. Омборларда маълум шароитда тез кўпаядиган ва маҳсулотларнинг уюмига, шунингдек, сифатига таъсир этадиган микроорганизмлар мавжуд.

Дон маҳсулотларининг (дон, уруғ, сомон ва бошқа) заҳираси зааркундаларининг катта гуруҳи ҳашарот ва каналар учун яхши озиқа муҳити ҳисобланади.

Маҳсулотнинг ҳужайра ва тўқималари, микроорганизмлар, ҳашарот ва каналарнинг ҳаёт фаолиятига таъсир этувчи асосий омиллар ҳашарот, намлик ва атроф-муҳитнинг ифлосланганлигидир. Шунинг учун маҳсулотларни сақлаш режим ва усуллари сақланажак объект ҳамда унинг атрофидаги абиотик ва биотик муҳит ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганишга асослангандир.

Шундай қилиб, маҳсулотларни сақлашда уларнинг ҳолати, талаб қиймати ва миқдор исрофи, ҳажми асосан қўйидаги сабабларга: маҳсулотлардаги ҳужайра ва тўқималарда кечадиган биокимёвий жараёнларнинг жадаллиги; турли микроорганизмларни маҳсулотга таъсир этиш даражаси; маҳсулот массасида заҳира зааркундалари — ҳашарот ва каналарнинг ривожланишига боғлиқ.

Дон маҳсулотларини сақлашга таъсир этувчи асосий омиллардан бири унинг пишиб етилишидир. Етиштириш усуллари, айрим морфологик ва биологик хусусиятларига кўра, дон экинлари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга кирадиган ўсимликлар ҳақиқий дон экинлари ҳисобланниб, уларга буғдой, арпа ва сули киради. Тариқ-симонлар ҳисобланган иккинчи гуруҳда маккажўхори, оқжўхори, тариқ, шоли ўсимликлари бор.

Етилиши. Гул уруғлангандан кейин тугунча, уруғ ва муртак ривожланади. Баргларда тўпланган озиқ моддалар дон шаклланиши учун сарфланади. Бунда улар эрувчан шаклдан (қанд, аминокислота ва бошқа) эримайдиган шаклга (крахмал, оқсил, ёғ) ўтади. Доннинг етилишида сут пишиқлиги, мум пишиқлик ва тўла пишиқлик даври бўлади.

Сут пишиқлик даври ўсимлик гуллашдан 8—18 кун кейин бошланади. Бу даврда ўсимлик яшил бўлиб, фақат пастки қисмидаги барглар сарғаяди. Дони шаклланган, яшил рангда бўлиб, эзиз кўрилганда сутсимон суюқлик ажралиб чиқади. Доннинг намлиги 50 фоизни ташкил қиласи, унда органик моддалар тўпланиши давом эта-

ди. Бундай дон құритилгандың ұжымы учдан бир қисмінде киңраяды. Сут пишиқлик даврида доннинг унувчанлық құвваты юқори бўлади, лекин сақланғандың бу хусусият тез йўқолади. Доннинг сут пишиқлик даври жанубий туманларда 10—12 кунга етади. Бу даврда ҳосилни дон учун йиғиш мутлақо мумкин эмас.

Мум пишиқлик даврида бошоқли дон экинлари ва сули бутунлай сарғаяди, фақат поясининг уч қисми яшиллигича қолади. Маккажӯхори, оқ жўхори, тариқ, шоли ўсимлигининг туплари яшиллигича сақланаверади. Уларнинг дони сарғайнб, юмшоқ ҳолга келади, уни тирноқ билан ўйиш мумкин. Бу даврда доннинг намлиги 25 фоизни ташкил этади. Донда тўпланган озиқ моддалар доннинг тўла пишиқлиги давридагидан кам фарқ қиласади. Мум пишиқлик даврининг давомийлиги об-ҳаво шароитига қараб кескин фарқ қиласади. У жанубий туманларда 6—8 кунга етади, ҳаво нам бўлганида бундан ҳам чўзилиб кетиши мумкин. Бу давр ўсимлик олдин ўрилиб кейин йиғиб олинадиган дон экинлари учун энг қулай муддат ҳисобланади.

Тўла пишиқлик даврида ўсимлик тупининг ҳамма қисми сарғаяди, дони қотади, ҳажми бироз киңиклашади, намлиги 14—16 фоизгача (баҳорикор дон экинларида эса 8 фоизгача) камаяди. Тўла пишиқлик даврида ўчилилар галла экинларининг (маккажӯхори ва оқ жўкоридан ташқарн) дони тўклилади. Экинлар доннинг етилиши тупроқ, иқлим ва бошқа шароитларга боғлиқ. Дон механик таркиби енгил тупроқларда секин ва азотга бой тупроқли ерларда нисбатан тез етилади. Шунингдек, жанубий минтақаларда суфориладиган ерларга қараганда барвақт етилади. Тўла етилган дон экинлари ҳосили бевосита комбайнларда ўриб-йиғиб олинади. Ҳосилнинг анча эрта етилиши йиғим-терим ишларida техникадан унумли фойдланиш ва дон экинлари йиғим-терими давридаги ишларни камайтиши имконини беради. Маҳсулотларни сақлашда уларда кечадиган физиологик ва биологик жараёнлар катта аҳамиятга эга.

Маҳсулотларни сақлашнинг биологи асосларига аянниб, сақлаш усувлари биоз, анабиоз, ценоанабиоз ва биоз каби гурухларга бўлинади. Ушбу тартиб фанда абул қилинган бўлиб, сақлашнинг барча турларини ўзига олади (3-жадвал).

Биоз. Маҳсулотлар биоз у сулида тирик ҳолда сақла-

нади. Тирик организмларнинг табний иммунитет ҳоссалари бу усулда сақлашнинг асоси ҳисобланади. Биоз усули зубноз ва гемибиоз турларига бўлинади.

Тирик организмларни фойдаланиш давригача сақлаш эзубноз гурухасига киради. Уй ҳайвонлари, қуш, балиқ ва бошқа тирик организмлар фойдалангунга қадар тирик ҳолда эзубноз усулида сақланади. Ушбу усул халқни гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда катта аҳамиятга эга.

З-жадва

**Маҳсулотларни сақлаш (консервадаш) асослари
(Я. Я. Никитинский бўйича)**

Гурухлар	Гурухчалар	Гурухларга изоҳлар
I. Биоз	а) эзубноз б) гемибиоз	Ҳайвон ва қушларни тутиб турниш ҳамда тапниш, бошқа тирик жониворларни сақлаш Мева ва сабзавотларни соғ ҳолидаги сақлаш Маҳсулотларни совутилган ёки музлатилган ҳолда сақлаш Маҳсулотларни қисман ёки умуман қутишиб сақлаш Маҳсулотнинг осмотик босимини кўтариб сақлаш Маҳсулотда кислотали мудитни кислота ёрдамида яратиб сақлаш Анеестезик моддалар қўллаш сақлаш Маҳсулотда кислотали мудитни маълум топфадаги микробиорганизмлар ёрдамида ву жудга келтириш Микроорганизмлар ишлаб чиққан спирт ёрдамида консервалаш Юқори ҳароратда қизитиш
II. Анибиоз	а) термоанабиоз (психро ва криоанабиоз) б) ксероанабиоз в) осмоанабиоз г) ацидоанабиоз д) наркоанабиоз	Гурухларга изоҳлар
III. Ценоанабиоз	а) ацидоценоанабиоз б) әлкоголеценоанабиоз	Гурухларга изоҳлар
IV. Абиоз	а) гермостерилизация б) фотостерилизация в) кимёвий стерилизация г) механик стерилизация	Гурухларга изоҳлар

Маҳсулотларнинг қисман биоз усули гемибиоз («гемий» сўзи юонча бўлиб, ярим деган маънени англатади) усули деб юритилади. Бу усулда сақлаш уларнинг табиий сақланиши хусусиятига асосланади. Улар маълум муддатгача янги ҳолда бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир маҳсулотни тирик ҳолда сақлаш муддати турлича бўлади.

Маҳсулотларни узоқ вақт барра ҳолида сақлаш учун ҳавонинг ҳарорати ва намлигини бошқариб туриш лозим. Акс ҳолда маҳсулотлар тезда бузилиб, сифати пасаяди.

Анабиоз. Маҳсулотда бу ҳолатда биологик жараёнилар бутунлай ёки қисман тўхтаган бўлади. Ҳужайрада модда алмашинув жараёни сусаяди ва шу билан барча микроорганизмлар фаолияти ҳам тўхтайди. Лекин улар нобуд бўлмайди. Қулай шароитда микроорганизмлар тезда ривожланади. Шу сабабли анабиозни яширин ҳаёт қонунияти ҳам деб атайдилар. Анабиоз ҳаво ҳарорати пасайтирилиб, маҳсулот қуритилиб, улар ҳужайрасидаги осмотик босим ўзгартирилиб ва маҳсус анестезик моддалар қўллаш юзага келтирилади.

Термоанабиоз. Бу усулда маҳсулотлар ҳаво ҳарорати пасайтирилган муҳитда сақланади. Ҳароратнинг пасайиши микроорганизмларга салбий таъсир этади ва маҳсулотдаги биокимёвий ва физиологик жараёнлар фаоллигини пасайтиради.

Термоанабиоз психроанабиоз ва криоанабиоз турларига бўлинади.

Психроанабиоз. Маҳсулотлар совутилиб сақланадиган усулдир. Турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҳаво ҳароратининг пасайиши ҳар хил таъсир этади. Дон маҳсулотлари учун $+8^{\circ}$ ҳам совутилган ҳисобланади ва бунда микроорганизмлар фаолияти анча сусаяди.

Криоанабиоз. Маҳсулотлар музлатилиб сақланади ва бу ҳолатда нисбатан узоқ сақланиши мумкин. Бу кенг тарқалган усул бўлиб, уни совутиш технологияси, деган маҳсус фан ўргатади.

Маҳсулотларни музлатишда ҳаво ҳарорати билан бирга совутиш тезлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Музлатиш жараёнида маҳсулотларнинг физик, гистологик ва коллоид хусусиятлари маълум даражада ўзгаради. Шунингдек, маҳсулот микрофлорасида ҳам ўзгариш бўлади.

Криоанабиоз усули халқ хўжалигида кенг қўлланилимоқда. Кейинги йилларда хўжаликларда кўплаб совутиш тизимлари, совутгичлар ва совутиш хоналари қурилмоқда. Тез бузиладиган маҳсулотларнинг аксарият қисми асосан криоанабиоз усулида сақланяпти.

Криоанабиозда маҳсулотлар қуруқ ҳолда сақланади. Бундай сақлаш қадимдан маълум. Қуритилган маҳсулотларда ҳужайра муҳитининг концентрацияси ошади. Натижада ҳужайрада модда алмашинув жараёни сусайди ёки тўхтайди, микроорганизмнинг яшashi учун муҳит ҳам ноқулай бўлиб қолади. Шундай қилиб, маҳсулотнинг маълум даражада қуритилиши уларда биокимёвий жараёнларни бутунлай тўхтатади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўз турига қараб турли даражада қуритилади (намсизлантирилади). Масалан, дон маҳсулотлари қуритилиб, намлиги 12—14 фоизга туширилиши узоқ вақт сақланилишини таъминлайди. Маҳсулотнинг табиий намлигини камайтириш унинг таркибидаги намни юқори ҳароратда буғлатиб юборишга асосланган бўлиб, бу маҳсулотларни қуритиш деб юритилади. Маҳсулотларни қуритишда мураккаб физиологик, биокимёвий, физик, кимёвий жараёнлар бўлиб ўтади ва буларни илмий жиҳатдан бошқариш маҳсулот сифатини белгилайди.

Маҳсулотларни табиий усулда қуритиш Марказий Осиё республикаларида, жумладан, Узбекистонда қадимдан кенг тарқалган ва бу борада бой тажриба тўпланган. Ҳозирги даврда маҳсулотлар қуритишнинг замонавий усуллари (сублимация қуритиш усули, юқори тўлқинли ток ва инфрақизил нур ёрдамида қуритиш ва бошқалар) ишлаб чиқаришда кенг қўлланилимоқда.

Осмоанабиоз. Маҳсулот ҳужайра муҳитида юқори осмотик босим ҳосил қиласди. Бу усул ҳужайрада плазмолиз ҳосил қилиш хоссасига асосланган. Осматик босимни кўтариш маълум даражагача маҳсулотни микроорганизмлар таъсиридан сақлайди. Лекин айрим микроорганизмлар муҳит концентрацияси ошишига чидамли ҳисобланади, бу эса маҳсулотда фойдали микроорганизмларни бошқаришни таъминлайди.

Амалда маҳсулотлarda осмотик босимни оширувчи восита сифатида туз ва шакардан фойдаланилади.

Осмоанабиоз усули маҳсулотларда озиқ моддалар

ва витаминларни түлиқ сақланиб қолишини таъминлайди.

Ацидоанабиозда маҳсулотлар нордон муҳитда сақланади. Ушбу усул кўпгина заарли микроорганизмларнинг кислотали муҳитга чидамсизлигига асосланган. Шу сабабли маҳсулотлар маълум даражада консерваланади. Ўсимлик маҳсулотларини консервалашда сирка кислотасидан кенг фойдаланилади ва бу усул амалда сиркалаш деб юритилади.

Ишлаб чиқаришда нордон муҳит органик кислоталар — сирка кислотаси, узум ва мева сиркаси ёрдамида юзага келтирилади. Ушбу моддалар хушбўй бўлиб, маҳсулот таъмини бузмайди.

Наркоанабиоз. Бу усул айрим моддаларнинг маҳсулотларга анестезик таъсирига асосланган. Бунда хлороформ, эфир ва бошқа моддалардан фойдаланилади.

Маҳсулотларни кислородсиз муҳитда сақлаш аноксибиоз деб юритилади. Кислородсиз муҳитда кўпгина микроблар яшай олмайди ва маҳсулот консерваланади. Маҳсулотларни, айниқса дон маҳсулотларини ҳавосиз муҳитда сақлаш шу қонуниятга асосланган.

Ценоанабиоз. Маҳсулотларнинг микрофлорасини бошқариб, яъни фойдали микроблар сонини сунъий равишда кўпайтириб, заарли микроблар таъсирини сусайтириш мумкин. Сақлаш амалиётида микроорганизмларнинг иккита хили — сут кислотаси бактериялари ва ачитқилардан фойдаланилади. Биринчисининг бактериялари маҳсулотда 1—2 фоизли сут кислотасини, ачитқилар эса 10—14 фоизгача этил спиртини ҳосил қиласиди. Кўпинча заарли микроорганизмлар ушбу моддалар таъсирида ривожланмайди.

Сут кислотаси бактериялари маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлашда, ем-хашакдан силос тайёрлашда қўлланилади.

Абиоз. Маҳсулотларни сақлашнинг бу усулида тирек организмлар иштирок этмаслиги лозим.

Термостерилизация. Маҳсулотларга юқори ҳароратда ишлов бериш. Бу усул микроорганизмларнинг юқори ҳароратда (100°C ва ундан юқори) нобуд бўлишига асосланган ва халқ хўжалигида жорий қилинган. Ҳозирги вақтда стерилизация юқори ва ультра тўлқинли ток ёрдамида ҳам амалга оширилади.

Термостерилизация 65 — 85°C да ҳам амалга оширилади ва бу усул пастерилитация деб юритилади.

Кимёстерилизация. Бу маҳсулотларни кимёвий моддалар билан консервалаш. Ушбу моддалар маълум даражада антисептик хусусиятга эга бўлиб, айрим микроорганизмларнинг ривожланиш жараёнини тўхтатиб қўяди. Бундан ташқари, дон маҳсулотларини сақлашда натрий пиросульфат, пронион кислотаси ва бошқа препаратлардан фойдаланилади.

Кимёстерилизация донни ва омборларни дезинфекция қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Механик стерилизация маҳсулот сифатини бузувчи микроорганизмларни фильтрлайди ёки центрифуга ёрдамида маҳсулотдан чиқариб юборади. Бу маҳсулотларга нитрат ва нитритлар билан ишлов бериб унинг сақланувчанлигини ошириш ҳам мумкин.

Ультрабинафша, инфрақизил, рентген ва ионлашган нурлар ҳам маҳсулотлардаги микроорганизмларга салбий таъсир кўрсатади. Нурлар ёрдамида маҳсулотни стерилизация қилиш нур стерилизацияси (фото стерилизация) деб юритилади.

Маҳсулотни нур ёрдамида стерилизация қилишда нурнинг миқдори ва стерилизация муддати аниқ бўлиши лозим, акс ҳолда маҳсулотда бегона ҳид пайдо бўлади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга кескин ортиб бормоқда. Бу эса маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш усусларининг ривожланишини, бунда фан ва техника ютуқларидан атрофлича фойдаланишини, маҳсулот сақлашнинг янги усусларини яратишни тақозо этади.

И К К И Н Ч И Б Ү Л И М

ДОН СИФАТИГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

III бөб. ДОН ВА УРУҒНИНГ КИМЕВИЙ ТАРКИБИ

Дон ва уруғли донлар жамоа, фермер, деҳқон хўжаликларида, саноат корхоналари омборларида ва бошқа жойларда сақланади. Донни сифатли сақлаш муҳим ишлардан бири ҳисобланиб, сақлаш технологиясининг бузилиши унинг сифатини пасайишига олиб келади.

Дон етиштиришда уни сақлаш якунловчи босқич бўлиб, сақлаш объекти сифатида дон ва дон уюмига физикавий, кимёвий ва биологик омилларнинг таъсирини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Дон — дуккакли ўсимликлар меваси ва уруғидир. У бир уруғли қуруқ мева. Буғдой, жавдар, маккажӯхори ва арпа билан сулининг яланғоч донли хиллари пўстсиз, сули, шоли, тариқ ва бошқалар юпқа пўстли бўлади.

Доннинг асосида муртак қия ҳолда жойлашади ва бу қисем асоси (туби) деб аталади. Доннинг асосидан учигача бўлган оралиқ унинг узунлиги ҳисобланади. Доннинг юқори томонини пастга қаратиб қўйилса, горизонтал диаметри унинг энини, вертикал диаметри эса йўғонлигини билдиради. Доннинг эни йўғонлигидан каттароқ бўлади.

Дон тузилишига кўра учта асосий қисмдан: пўст, эндосперм ва муртакдан иборат. Доннинг пўсти юпқа бўлиб, тўртта қатламдан — икки қатлам мева қобигидан ва икки қатлам уруғ қобигидан ташкил топади.

Доннинг асосий қисми эндоспермдан иборат, ҳужайраларнинг кўп қисми эса крахмал ва оқсили моддалар билан тўлган бўлади. Эндоспермнинг четдаги қавати алайрон қават деб юритилади. Муртак доннинг асосида жойлашган бўлиб, у бўлажак ўсимлик муртакларидан иборат. Масалан, буғдой донининг вазни

81—84,2 фоиз эндосперм, 6,8—8,8 фоиз алейрон қават, 1,4—3,2 фоиз муртак ва 3,1—5,6 фоиз пўстдан иборат бўлади.

Доннинг ички тузилиши крахмал заррачаларининг йириклиги, жойлашиши ҳамда оқсилларнинг хусусиятлари ва тақсимланишига қараб шишасимон, яrim шишиасимон ва унсимон бўлади. Донларнинг хилма-хил ранги мева, уруғ пўсти, алейрон қатлами ёки эндосперм ва бошқа қисмларининг тусиға боғлиқ бўлади. Турли донларнинг қандай мақсадларга қараб ишлатилиши ҳамда фойдали эканлигини аниқ белгилаш учун, албатта, уларнинг кимёвий таркиби ва анатомик тузилишини чуқур билиш талаб этилади. Дон таркибида унинг тури, хили, етилиш даражаси ва бошқа кўрсаткичларига қараб ҳар хил ва турли миқдорда органик бирикмалар (оқсил, углевод, липид, пигмент, витамин, фермент), минерал моддалар ва сув бўлади. Бу моддаларнинг миқдори дон таркибида (ҳатто бир навда) ўсиш шароитига кўра (тупроқ, иқлим, агротехника ва бошқа) бир мунча ўзгариши мумкин. Лекин таркибидаги кимёвий моддалар миқдори ўзгаргани билан ҳар турдаги донлар ўзларига хос бўлган кўрсаткичларни сақлаб қолади.

Дон ва уруғнинг кимёвий таркиблари

Донлар кимёвий таркибига қараб уч гуруҳга бўлиниади:

1. Крахмалга бой; 2. Оқсилга бой; 3. Мойга бой.

Биринчи гуруҳдаги бошоқли дон экинлари ҳамда гречиха донида ўрта ҳисобда 70—80 фоиз углевод (асосий қисмини крахмал ташкил этади), 10—16 фоиз оқсил ҳамда 2—5 фоиз мой бўлади.

Иккинчи гуруҳга дуккакли дон экинлари киради. Бу экин донларининг таркибида ўртача 25—30 фоиз оқсил, 60—65 фоиз углевод, 2—4 фоиз мой бўлади.

Дон таркибида асосан мой кўп бўлган экинлар жамланган учинчи гуруҳ донлари таркибида ўртача 25—50 фоиз мой ҳамда 20—40 фоиз оқсил бўлади.

Халқ хўжалигига донлардан ун, ёрма, ем тайёрлаш ҳамда техник мақсадларда фойдаланилади. Нон учун унларнинг асосий қисми буғдой ҳамда жавдар донларидан, макарон маҳсулотлари учун ун қаттиқ буғдойдан тайёрланади. Гречиха, тариқ, сули ва бошқа

экин донларидан юқори қифатли ёрмалар тайёрланади.

Маккажұхори дони кенг мақсадларда ишлатилади. Бу дон туридан ун, ёрма, крахмал, глюкоза билан биргаликда ем ҳамда қиём тайёрлашда ҳам ишлатилади. Таркибида мой күп бұлған донлар асосан ёғ олиш учун ишлатилади (4-жадвал).

4-жадвал

Турли дон экинларининг ўртача кимёвий таркиби (фоиз ҳисобида)

Экинлар	Сув	Оксил	Мой	Моно-сахарид-лар	Крахмал	Клет-чакта	Кул	Энергетик қызмети ккал
Донлар								
Бұгдой	14,0	11,2	2,1	1,2	54,0	2,4	1,7	290
Баҳорғи юмшоқ бұгдой	14,0	12,5	2,3	0,9	54,0	2,5	1,7	291
Күзги юмшоқ бұгдой	14,0	13,0	2,5	0,8	53,0	2,3	1,7	301
Қаттық бұгдой	14,0	9,9	2,2	1,5	54,5	2,6	1,7	287
Жавдар	14,0	12,8	2,1	1,0	53,5	10,7	1,7	293
Сули	13,5	10,0	6,2	1,1	36,5	10,7	32	250
Арпа	14,0	10,3	2,4	1,3	48,1	4,3	2,4	264
Тариқ	13,5	11,2	3,9	1,9	52,7	7,9	2,9	311
Гречиха	14,0	10,8	3,2	1,5	52,9	10,8	2,0	295
Шоли	14,0	7,4	4,6	0,9	55,2	9,0	3,9	283
Оқжұхори	13,5	10,6	4,1	1,6	58,0	3,5	2,2	323
Маккажұхори	14,0	8,3	4,0	1,6	59,8	2,1	1,2	320

Дуккакли донлар

Яшил пүхат	14,0	20,5	2,0	4,6	44,6	5,7	2,8	298
Ловия	14,0	21,0	2,0	3,2	43,4	3,9	3,6	292
Мош	14,0	23,5	2,0	2,8	42,4	3,8	3,5	300
Чина	14,0	24,4	2,2	3,1	38,2	4,9	3,0	286
Ясмиқ	14,0	24,0	1,5	2,9	39,8	3,7	2,7	284
Жайдари пүхат	14,0	20,1	4,3	3,2	43,2	3,7	3,0	309
Соя	12,0	34,9	17,3	5,7	3,3	4,3	5,0	332

Дон ва уруғлар таркибиға киравчи моддалар таърифи

Кейинги йилларда дон маҳсулотларининг кимёвий таркибиға күра фойдаланиладиган соҳаларига қараб түғри тақсимлаш бўйича Ўзбекистонда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Кўп йиллардан бери дон маҳсу-

лотларининг кимёвий таркибини ўрганиш бўйича жаҳон халқаро жамияти фаол иш кўрсатиб келмоқда.

Сув. Дон маҳсулотларининг кимёвий таркибида ҳамма вақт белгиланган миқдорда сув бўлиб, доннинг тури, етилиш даражаси, анатомик тузилиши, гидрофил коллоидларнинг жойланиши, йигиштириб олиш шароити, ташиб, сақлаш усуллари ва бошқа кўпгина омилларга боғлиқ. Сувнинг дон таркибидаги моддалар билан боғлиқлиги турличадир. Бу боғлиқлик П. А. Ребиндер классификацияси бўйинча қўйнадиги турларга бўлинади:

1. *Кимёвий бириккан сувлар* — бу асосан дон таркибидаги ҳужайраларда аниқ белгиланган миқдорда бўлади. Бу сувни фақат кимёвий таъсир этиш йўли билан ажратиб олиш мумкин. Бу ҳолда дон таркибидаги моддалар жойлашиши бузилади. Физик-кимёвий бириккан сувларга эса асосан адсорбцион бириккан, осмотик сингдирилган сувлар киради. Дон таркибидаги бу сув миқдори дон маҳсулотларининг турига, ҳолатига қараб ўзгарувчан бўлади.

2. *Механик бириккан сувлар* эса дон таркибидаги микро ва макрокапиллярларда жойлашган бўлиб, ташки мұхит шароитига қараб кўпайиши ёки озайиши мумкин. Шунинг учун ҳам дон таркибидаги бу сув эркин сув деб аталади. Чунки дон қуритилганда намлиқ шу ҳисобдан камайса, ҳаво намлиги ошган тақдирда шу намлиқ ҳисобидан дон намлиги ҳам ошиши мумкин.

Азотли моддалар. Дон таркибидаги азотли моддаларнинг асосий қисмини оқсиллар ташкил этади. Оқсилсиз азотли моддалар миқдори тўлиқ пишиб етилган, қизимаган, кўкармаган, яъни стандарт талабига жавоб берадиган донларда 2—3 фоиздан ортиқ бўлмаслиги лозим. Оқсилсиз азотли моддалар миқдори тўлиқ пишмаган донлар таркибидаги кўп бўлиб, сақлаш даврида дон массаси қизийди ҳамда микроорганизмларнинг ривожланиши натижасида бундай моддалар миқдори кескин кўпаяди. Бу эса дондан ун ҳамда нон тайёрлашдаги сифат кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлади. Оқсилсиз азотли моддалар асосан аминокислоталардан ҳамда амидлардан ташкил топгандир.

Дон таркибидаги оқсил моддалар оддий оқсил-протеинлардан ҳамда мураккаб оқсил-протеидлардан ташкил топган. Мураккаб оқсиллар дон таркибидаги миқдорда бўлиб, улар асосан липопротеид ҳамда нуклеопротеидлардан иборат. Оқсилнинг фақатгина миқдори

эмас, балки биологик хусусияти ҳам дон таркибидаги аминокислоталарнинг турлича эканлигига қараб ўзгарувчан бўлади.

Оқсиллар эриш хусусиятига кўра сувда эрийдиган (глюбулин) ва ишқорда эрийдиган (глиадин) тоифаларга бўлинади.

Сувда эримайдиган оқсилларга (глюмин, глютеин, глиадин) клейковина дейилади. Клейковина хамирдаги крахмални сув билан ювилгандан сўнг қоладиган чўзилувчан ва эгилевчан моддадир. Ноннинг ҳажми ва фоваклиги клейковина миқдорига боғлиқ бўлиб, у хамир ичидаги газни ушлаб туради. Натижада у яхши кўпчииди, ноннинг фоваклиги ошади.

Аминокислота таркибида қараб дуккакли дон экинларининг таркибидаги оқсиллар миқдори белгиланади. Биологик кўрсаткичларига кўра шоли, жавдар, сули, буғдоӣ, арпа таркибидаги оқсиллар маккажӯҳори ҳамда тариқ таркибидаги оқсилларга нисбатан устунилик қиласиди. Масалан, буғдоӣ таркибидаги оқсиллар хамир тайёрланганда яхши чўзилувчан бўлади, тайёрланган маҳсулот сифатига ижобий таъсири этади.

Углеводлар. Бошоқли дон ҳамда дуккакли донларнинг таркибидаги углеводларнинг асосий қисмини полисахаридлар, шулардан кўп қисмини крахмал ташкил этади.

Мойли донларнинг таркибида бошқа донларга нисбатан углевол билан бирга, крахмал миқдори бирмунча кам бўлади. Тўлиқ пишиб етилган, яхши сақланган дон таркибида шакарлар (моно ва дисахаридлар) миқдори 2—7 фоиз атрофида бўлади. Етилмаган дон таркибида ёки сақлаш даврида қизиган ҳамда кўкарган донларда шакар миқдори ошади. Бу эса доннинг ун ҳамда нон тайёрлашдаги сифат кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади.

Дон таркибидаги клетчатка ҳамда гемицеллюзоза миқдори доннинг анатомик тузилишига ҳамда етилиши даражасига қараб жуда ўзгарувчан бўлади. Ундаги углевод миқдори ва турлари фақатгина доннинг сифат кўрсаткичларини, яъни қандай мақсадларда фойдаланиши самарасини билдирибгина қолмай, балки қайта ишлаш жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Липидлар. Дон таркибидаги юқори қувватли моддалар — липидлар (асосий қисмини мойлар ташкил

этади) дон уюмини сақлаш даврида нафас олиш жараёнини ўташида сарфланади.

Үсимлик мойи асосан уч гуруұға бўлинади:

1. Тез қурийдиган.
2. Маълум вақтдан кейин қурийдиган.
3. Қуримайдиган.

Биринчи гуруұғ үсимлик мойларидан асосан алиф волак тайёрлашда фойдаланилади. Бу мойлар суртилганда чидамли юпқа ҳолида узоқ муддат сақланиш хусусиятига эгадир. Бу мойлар асосан зифир, каноп каби үсимликлар донидан олинади.

Иккинчи гуруұға кирадиган мойларни чигит ва кунгабоқардан олиш мумкин. Соя, маккажұхори, буғдой, жавдар таркибидан ҳам оз миқдорда шу гуруұға таалуқли мойлар бор.

Учинчи гуруұға кунжут, панаҷакчак мойлари киради. Ҳар қайси гуруұға кирадиган мойлар физик ва кимёвий кўрсаткичларига кўра бир-биридан фарқ (қаттиқлиги, қуюқланиши, кислота ҳамда йод мавжудлиги ва бошқа) қилади.

Минерал моддалар. Дон таркибидаги минерал ёки кул моддалар миқдорининг ўзаро нисбатини донни 600–900° ҳароратгача куйдириб, майдалаб аниқлаш мумкин. Дон таркибидан фосфор, калий, магний, кальций, натрий, темир, хлор ва бошқа моддалар бўлади. Жуда кам миқдорда марганец, никель, кобальт ва бошқа моддалар ҳам учрайди. Бу элементлар турли органик бирикмалар таркибига киради.

Дон таркибидан турли миқдорда бўлган пигмент, витамин ҳамда ферментлар донни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида сифат, шунингдек, миқдор жиҳатидан ҳам ўзгариб туради. Масалан, сақлаш даврида дон уюми ўэ-ўзидан қизий бошласа, дон таркибидаги оқсил ва крахмаллар парчаланиши натижасида қўнғир рангга киради. Бу эса маҳсулот сифатини нафақат пасайишига, балки яроқсиз ҳолга келишига таъсир этади.

Маҳсулотларнинг кимёвий таркиби

Буғдой нони тенги йўқ озиқ-овқат маҳсулотидир. У жуда хуштаъм, тўйимли ва инсон организмида яхши ҳазм бўлади. Юмшоқ буғдой донининг кимёвий таркиби абсолют қуруқ вазнига нисбатан олганда 13,9 фоиз оқсил, 17,9 фоиз крахмал, 2,0 фоиз мой, 2,3 фоиз клетчатка, 1,9 фоиз кулдан иборат.

Буғдойнинг сифатлилiği, биринчи навбатда, таркибидаги оқсил миқдорига боғлиқ. Тупроқ-иқлим шароитига, унининг хусусиятларига, берилган ўғит ва бошқаларга қараб буғдой дони таркибидаги оқсил миқдори 11 фоиздан 24 фоизгача ўзгариб туради. Поволжье шароитида ўстирилган баҳорги буғдой дони таркибидаги оқсил миқдори 18—24 фоиз бўлгани ҳолда, Англияда 11—12 фоиз, Аргентинада 12—13 фоиз, Швецияда 14—15 фоиз ва АҚШда 16—17 фоизни ташкил этади. Ўзбекистоннинг кўпчилик туманларида етиширилган баҳорги буғдой таркибидаги оқсил 17—18 фоизга етади.

Буғдой дони таркибидаги оқсилнинг асосий қисмими клейковина ташкил қиласди, унинг миқдори ва сифати буғдой унининг афзалигини белгилайди. Баҳорги буғдой дони таркибидаги клейковина миқдори 35—40 фоиз ва ундан ҳам юқори бўлади.

Одатда, тиниқ дондан тортилган ун оқсил ва клейковинага бой бўлади. Ўзбекистонда етиширилган буғдой дони чет эл навларига қараганда анча тиниқлиги ва тўйимлиги билан ажralиб туради. Баҳорги буғдой донининг 90—95 фоизи тиниқ бўлади.

Ўзбекистонда кичик майдонларда юқори сифатли қаттиқ ва тўйимли буғдой етиширилади. Тўйимли буғдой сифати паст буғдой унининг сифатини анча яхшилаши мумкин. Қаттиқ буғдойнинг уни нон ёпишдан ташқари, кондитер саноатида макарон, вермишел, манин ёрма ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашда ҳам кўп ишлатилади. Ундан спирт, крахмал, клейковина ва декстрин олинади.

Энг муҳим дон экинларидан бирни бўлган арпа ем-хашакка, техник мақсадларга ва озиқ-овқатга ишлатилади. Арпа донидан ҳамма қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари учун тўйимли ем сифатида фойдаланилади. Кимёвий таркибиға кўра, арпа дони таркибидан ўртача 13 фоиз сув, 12 фоиз оқсил, 64 фоиз азотсиз экстрактив моддалар, 2,1 фоиз мой ва 2,8 фоиз кул бор. Лекин экиннинг нави, етишириш шароитига қараб, унинг дони таркибидаги оқсил миқдори кескин ўзгариши мумкин. Масалан, лалмикор шароитда у 8—18 фоиздан 19,9 фоизгача ўзгариб туради.

Сули, асосан, ем-хашак экинлари қаторига киради. Сули дони отлар учун ва бошқа турдаги ёш ҳайвонлар учун энг кучли озиқа (ем) ҳисобланади. У мураккаб ем тайёрлашда ҳам ишлатилади. Дони 14 фоиз намли-

года ўрта ҳисобда таркибида 11,4 фоиз оқсил, 55,7 фоиз оқсилсиз экстрактив моддалар, 4,5 фоиз ёғ, 11,4 фоиз клетчатка, 3,5 фоиз кул бўлади.

Маккажўхори энг қимматли ва серҳосил экинлардан ҳисобланади. Таркибида (намлиги 13 фоиз бўлганда) ўрта ҳисобда 10,6 фоиз оқсил, 69,2 фоиз азотсиз экстрактив моддалар (крахмал), 4,3 фоиз мой, 2 фоиз клетчатка, 1,4 фоиз кул бўлади. Маккажўхори дони муртагидаги мой 40 фоизгача етади. Тўйимлиги жиҳатидан бошқа барча ғалла экинлари донидан юқори туради.

Маккажўхорининг дони тўйимли бўлганлиги сабабли озиқ-овқат саноатида кўп ишлатилади. Донидан ун тортилади, ёрма олинади, ширин маккажўхори таёқчалари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Маккажўхори уни буғдој ёки жавдар унига аралаштириб нон ёпишда ва кондитер маҳсулотлари тайёрлашда ишлатилади.

Думбул сўталари (айниқса, ширин маккажўхориники) қайнатилган ҳолда хуш кўриб истеъмол қилинади, шуинингдек консерва қилинади. Маккажўхори донининг муртагидан олинадиган мой юқори озиқлик қиймати, таъми ва шифобаҳш хусусиятлари билан фарқ қиласди.

Маккажўхори донини саноатда қайта ишлаш йўли билан турли хил маҳсулотлар: крахмал, спирт, глюкоза, қиём, сирка кислотаси ва бошқа кўп маҳсулотлар олинади. Маккажўхоридан ҳаммаси бўлиб 200 дан ортиқ озиқ-овқат, ем-хашак ва техникавий маҳсулотлар тайёрлаш мумкин.

Оқжўхори энг муҳим дон, ем-хашак ва техникавий экинлар гурӯҳига киради. Дони таркибида ўрта ҳисобда 70 фоиз оқсил ва 3,5 фоиз мой бўлади. У Осиё ва Африкадаги бир қатор давлатларда озиқ-овқатга ишлатилади (ун тортилади, ёрма тайёрланади).

Ширин оқжўхори поясининг таркибида 15 фоизгача қанд бор, шунинг учун поясидан олинган шарбат қиём тайёрлашда ишлатилади.

Шоли ер юзидағи энг қадимий озиқ-овқат экинларидан ҳисобланади. Оқланган гуруч таркибида 75,2 фоиз углеводлар (асосан крахмал), 7,7 фоиз оқсил, 0,4 фоиз ёғ, 2,2 фоиз клетчатка, 0,5 фоиз кул моддалари ва 14 фоиз сув бўлади. Гуручнинг таъми яхши, сифати юқори бўлиб, бошқа донларга қараганда инсон организмида бир неча марта тез ҳазм бўлади, шунга кўра,

парҳез таом сифатида кўп ишлатилади. Қайнатилган гуруч суви дори-дармон сифатида қадимдан маълум. Гуручдан камдан-кам ҳолда ун тортилади. Таркибида клейковинанинг йўқлиги сабабли ундан нон ёпилмайди. Гуручдан бошқа давлатларда асосан ширгуруч пиширилади ва биринчи ҳамда иккинчи таомлар учун гарнир сифатида ишлатилади. Марказий Осиёда гуручдан аҳолининг энг севимли миллий таоми ҳисобланган палов, Европада пуднинг, жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида энг кўп тарқалган таомкари пиширилади.

Шоли оқшоғи таркибида 10—13,7 фоиз оқсил, 14 фоизгача ёғ, кўпгина фосфорли бирикмалар бўлиб, уларда ёш молларни боқиш учун зарур бўлган фосфор-органик моддалар — фитин, лецитин ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга. Кепагидан сифатли озиқ-овқат ва техникавий ёғ (ёғ чиқиши 10 фоизгача) олинади.

Тарик дони ёрма бўладиган энг муҳим экинлар қаторига киради. Сўки таркибида (қуруқ модда ҳисобида) 12 фоиз оқсил, 81 фоиз крахмал, 1,7 фоиз қанд, 6 фоиз мой ва 1 фоиз целлюлоза бор. Тарик уни арпа унинга қўшиб ишлатилади.

Гречиха таркибида ўрта ҳисобда 8,9 фоиз оқсил, 1,6 фоиз мой, 71 фоиз крахмал ва 0,3 фоиз қанд витаминалар бор. Шунингдек, органик моддалар, турли хил тузлар ва В, В₁ витаминалар кўп. Гречиха ёрмаси, айниқса, ошқозон ва қанд касалликлари билан оғриган беморлар учун парҳез маҳсулот ҳисобланади. Гречиха унидан қўймоқ, нон, баъзи печеньелар пиширилади.

Намлиги 14 фоиз бўлган дуккакли дон экинлари донининг ўртacha кимёвий таркиби (фоиз ҳисобида) 5-жадвалда келтирилган.

Айрим дуккакли дон экинлари донининг таркибида маълум миқдорда оқсил бўлиши билан бирга, анчагина (сояда 19 фоиз, нутда 4,5 фоиз, люпинда 5 фоиз) мой ҳам бор. Бу экинларнинг дони ва вегетатив органлари таркибида минерал моддалар: А, В, В₁, С, Д, Е, РР ва бошқа витаминалар кўп. Бу уларнинг озиқ-овқатлик ва ем-ҳашаклик қимматини янада оширади.

Кўпчилик дуккакли ўсимликларнинг дони озиқ-овқат саноати ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларинда қимматли хом ашё ҳисобланади (яшил нўхат, дуккак ва ловия консерваси, ёрма, ун, мой, ўсимлик казенини, пак, эмал, пластмассалар, сунъий тола тайёрланади ва ҳоказо).

**Дүккәкли дон экинларининг ўртача кимёвий таркиби
(фонар ҳисобида)**

Экинлар	Оқсил моддалар	Азотли моддалар	Мойлар	Целлюлоза	Кул
Нұхат	27	52	1,5	3,5	2,0
Ясмиң	28	50	2,0	3,0	3,0
Бурчоң	27	48	2,0	6,0	3,0
Нут	25	49	4,5	4,0	3,5
Соя	34	24	1,9	4,0	5,0
Ловия	28	49	2,0	4,0	3,0
Вигна	28	48	1,7	5,4	2,9
Хашаки дүккәклілар	30	45	1,5	6,0	3,5
Лючин (нигичка баргли)	40	24	5,0	12,9	4,5

**Дон ва уруғларнинг таркибий қисмларига
моддалар тақсимланиши.**

Дон ва уруғлар таркибига кирадиган моддалар уларнинг анатомик қисмларига жуда нотекис тақсимланган. Товар түпламларининг сифатини баҳолашда ҳамда сапноатининг турли жабжаларида технологик жараённи ташкил этишда буларни билиш ниҳоятда зарурдир. Клетчатка, гемицеллюз, пентозан ва минерал моддаларнинг асосий миқдори күпинча түқималар қатламларидан кузатилади. Негизида юқори миқдорда оқсил, қанд ва ёғлар жойлашади. Доннинг ички қисмидә (эндосperm) крахмалнинг деярли ҳаммаси ва оқсилнинг асосий қисми жойлашган бўлади. Мойлик донларда деярли барча ёғ ва оқсилнинг катта қисмини ички уруғ палласида ёки асосида бўлади. Буғдой мисолида доннинг таркибий қисмларга тақсимланишини 6, 7-жадвалларда кўриш мумкин.

Дон ва уруғларнинг алоҳида қисмлари чегарасида моддалар тақсимланиши кузатилади. Масалан, клейковинани ташкил этувчи оқсиллар эндосpermда нотекис жойлашган. Клейковина эндосpermнинг марказига нисбатан атрофидаги қисмларида жуда кўпdir (4-расм).

6-жадвал

Бүгдой донининг кимёвий таркиби
(умумий қуруқ модда миқдорига нисбатан фонз ҳисобида)

Дон қисмлари	Кисм- тарник отирилик нисбати	Оксил- лар	Крахмал	Қанд- лар	Клет- чатка	Пенто- занлар	Мол	Күп
Бутун дон	100,00	16,06	63,07	4,32	2,76	8,10	2,24	2,18
Эндосперм	81,60	12,91	78,82	3,54	0,15	2,72	0,68	0,45
Муртак	3,24	37,63	0	25,12	2,46	9,74	15,04	0,32
Алейрон қатлам- ли қобиг	15,48	28,75	0	4,18	16,20	35,65	7,78	10,51

7-жадвал

Бүгдой дониниң моддаларининг таркиби қисмларига
тақсимланиши

Моддалар	Эндосперм	Алейрон қатлами	Қобиглар	Муртак
Крахмал	100	0	0	0
Оксиллар	65	≈ 20	≈ 5	< 10
Ер	25	55	0	20
Клетчатка	< 5	15	75	≈ 5
Қандлар	80	≈ 18,5	0	≈ 1,5

Алейрон қатламига ён дошган эндоспермнинг чекти қисмларида бўлади. Доннинг турли қисмларида жойлашган бир гуруҳга қарайдиган моддаларда сифат фарқлари кузатилган. Масалан, эндосперм ва муртак ёғи бир-бираидан ёғи константлари бўйича кескин фарқ қиласди.

Кимёвий моддаларнинг тақсимланиш ху-



4-расм. Бүгдой донидаги эндосперм бўйича қисмларда клейковина тақсимланиши: 5 дан 1 гача камайиб бориши; 1 дан 5 гача ортиб бориши.

сусиятларидан дон ва уруғлар сифатини баҳолашда ва қайта ишлашда фойдаланилади. Тўлиқ етилмаган донда (оз фоизли эндоспермли, пуч) клетчатка миқдори кескин ортади. Шўнингдек, пентозан ва кул элементлари кўпаяди ва шу билан бирга крахмал миқдори жуда камаяди. Бундай дондан оқ ун чиқиши камаяди ва унинг сифати ёмон бўлиши мумкин. Оқси́лларни эндоспермда нотекис тақсимланиши натижасида бир дон тўпламидан турли мақсадларда фойдаланиладиган икки турдаги —оқси́лга бой (бойитилган) ва оқси́лга камбағал ун олиш мумкин, аммо юқори крахмал миқдорига эга бўлган унлар олинади.

IV боб. ОЗИҚ-ОВҚАТ, ЕМ-ХАШАК ВА ТЕХНИК МАҚСАДГА МУЛЖАЛЛАНГАН ДОН ВА УРУҒ ТЎПЛАМЛАРИНИНГ УМУМИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Дон экинларининг уруғлари сақлашга анча чидамли ҳисобланади. Экиладиган дон уруғлари учун давлат стандарти белгиланган. Биринчи ва кейинги репродукция уруғлари нав тозалигига кўра учта даражага бўлинади. Уруғлик экилган майдонлардаги уруғнинг нав тозалиги кўрсатмага асосан аниқланади. Агар уруғнинг нав тозалиги 99,5 фоиз бўлса — биринчи, 98 ва 95 фоиз бўлса — иккинчи ва учинчи даражага ажратилади. Элита уруғларининг нав тозалиги 99,7 фоиз бўлиши керак.

Дон экинлари уруғнинг сифат кўрсаткичлари асосан қуйидагилардан иборат: асосий уруғ миқдори (тозалиги)нинг ифлосланганлиги ва унувчанлиги. Шу кўрсаткичларга қараб уруғлар турли классларга ажратилади (8-жадвалга қаранг).

Уруғнинг муҳим аҳамиятга молик бўлган сифат кўрсаткичи унинг унувчанлиги ҳисобланади. Дон уруғларининг кўпчилиги учун унувчанлик даражаси класслар бўйича 95,92 ва 90 фоиз қабул қилинган. Уруғлик учун қабул қилинган стандартларда ифлосланганлик меъёри ҳам берилган. Бунда 1 кг уруғда бошқа экинлар уруғи, шу жумладан, бегона ўсимликлар уруғларининг сони ҳам ҳисобга олинади. Уруғлик доннинг намлиги ҳам стандарт талабларига жавоб бериши керак. Ўзбекистон Республикада дон уруғларининг намлиги барча классларда 14 фоиз қабул қилинган. Махсус жиҳозланган уруғлик дон сақлайдиган жамоа, фермер, давлат ва бошқа корхоналарда дон сотилишгача аниқ белгилан-

8-жадвал

Айрим экин уругларининг сифатига бўлган стандарт талаблар

Экинлар тури	Уруг кла- сифика- цияси	Уруг то- залиги, фоиз ҳисобида	Бошқа ўсимлик уругининг миқдори, кг ҳисобида		Уругнинг унувчан- лиги, фоиз ҳисобида
			жами	шу жум- ладан, бегона ўсимлик- ларники	
Юмшоқ бугдой	1	99,0	10	5	95
	2	98,0	40	20	92
	3	97,0	200	70	90
Жавдар	1	99,0	10	5	95
	2	98,0	80	40	92
	3	97,0	200	70	90
Арпа, сули	1	99,0	10	5	95
	2	98,0	80	20	92
	3	97,0	300	70	90
Маккажўхори	1	99,0	5	—	96
	2	98,0	5	—	90
Тритикале	1	99,0	20	10	92
	2	97,0	200	70	97
Яшил нўхат	1	99,0	рухсат этилмайди	95	
	2	97,0			90
Ловия	1	99,0	рухсат этилмайди	95	
	2	98,0			90
Шоли	1	99,0	—	5	95
	2	98,0	—	40	90
Тариқ	3	97,0	—	100	85
	1	99,0	16	10	95
	2	98,0	100	75	90
	3	97,0	200	150	85

ган шароитларда сақланиб, унинг униш хусусияти фагатгина сақланибгина қолмасдан, балки яхшиланади ҳамда экишга тайёрлаш жараёнларини ҳам ўтказиши имкониятларига эга бўлинади. Уруглик донларни сақлашда унинг унувчанлиги билан нав тозалигига эътибор бериш талаб қилинади. Дон қаерда сақланишидан қатъий назар сифат кўрсаткичларини давлат стандартин талабига тўлиқ жавоб берадиган даражада сақлаш имкониятини яратиш лозим.

Сақлаш даврида уруглик дон унувчанлигининг камайиши хўжалик учун жуда қимматга тушади, яъни экиш меъерининг ортишига ва дон экинлари ҳосилдор-

лигининг кескин камайишига олиб келади. Донни сақлаш даврида ўтказиладиган технологик жараёнларнинг сифатли ўтказилиши ҳам доннинг унувчанлигига кучли таъсир этади. Донни қуритишда унинг биологик хусусиятларига, дастлабки намлигига, физикавий хоссаларига ва бир қанча кўрсаткичларига эътибор берилмаса, уруғнинг унувчанлиги пасаяди.

Уруғлик донларни сақлашда сифат кўрсаткичлари унувчанлигига қараб учта гуруҳга бўлинади. Уруғлик донлар гуруҳини сақлашни тўғри ташкил этиш бир-биридан фарқ қиласидиган бир нечта кўрсаткичларга эга.

Уруғлик донларнинг унувчанлиги юқори бўлса, у биринчи гуруҳга киради ҳамда давлат стандарти талашиб бўйича биринчи классга мансуб бўлади. Унувчанлик паст бўлса, иккинчи гуруҳдан жой олади. Бундай донларни сақлаш учун қулай шароит яратиш, яъни қайта етилиш жараёнининг ўтиши билан унувчанлигини яхшилашга эришиш мумкин. Учинчи гуруҳдаги донларнинг унувчанлиги жуда паст даражада бўлганлиги учун уруғликка яроқсиз ҳисобланади, шунинг учун бошқа соҳаларда фойдаланиш тўғрисида аниқ кўрсатма берилishi керак. Уруғлик донларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда таҳлил қилинадиган намуналарни жуда аниқлик билан кўрсатилган қоида бўйича олиш талаб этилади. Чунки дон уюмининг юқори қисмидаги дон унинг кўпгина сифат кўрсаткичлари, яъни унувчанлиги, намлиги, заарланиш даражаси бўйича маълум дон тўплами учун умумий кўрсаткич бўла олмайди.

Маҳсулот сифатини назорат қилиш ва сақлаш

Дон маҳсулотларига технологик, физиологик ва эстетик талаблар қўйилади. Шунинг учун унинг сифати маълум бир кўрсаткич бўйича баҳоланиши учалик тўғри бўлмайди. Сифат комплекс баҳоланиши лозим. Маҳсулотни ишлатиш мақсадига қараб унинг сифатига қўйиладиган талаблар ҳам ўзгаради. Масалан, озиқовқатга ишлатиладиган арпага қўйиладиган талаб билан ем-ҳашак мақсадида ишлатиладиган арпага ёки уруғлик арпага бўлган талаб бир-бирига мос келмайди. Турли мақсадда ишлатиладиган арпанинг сифат кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қиласиди. Маҳсулотнинг кўрсаткичи унинг маълум бир хоссасига миқдор жи-

ҳатдан таъсири ҳисобланади ва маълум шароитда сифатини белгилайди. Сифат кўрсаткичлари маълум бирликларда ифодаланади ва стандартларда якка ёки комплекс тартибда ўз аксини топади.

Маҳсулотнинг намлиги, ифлослиги, унувчанлиги, маълум кимёвий ва органик моддаларнинг миқдори (оқсил, крахмал, углевод ва бошқ.), технологик, агрономик, иқтисодий ва бошқа кўрсаткичлари унинг бир кўрсаткичли сифат белгиси ҳисобланади. Маҳсулотнинг товар нави комплекс кўрсаткичи ҳам мавжуд бўлиб, бир қатор хоссаларни ўз ичига олади.

Маҳсулотнинг сифатини иқтисодий жиҳатдан баҳолайдиган кўрсаткич — интеграл кўрсаткичdir. Интеграл кўрсаткич маҳсулотнинг фойдали томонлар йифиндишини ажратиш, ишлатиш ва истеъмол қилиш учун сарф бўлган харажатлар нисбати орқали ифодаланади. Бу эса маҳсулот сифатининг рентабеллигини, яъни сарф қилинган сўмга тушадиган фойдани белгилайди. Давлат стандартларида дон маҳсулотлари сифат кўрсаткичлари нинг мажмуасини ҳисобга олган ҳолда товар навларга ва классларга ажратилади. Маҳсулотнинг товар нави (сорти) маълум сифат кўрсаткич турлари бўйича маҳсулотларнинг градацияси ҳисобланади. Маҳсулотларнинг класси маҳсулот ёки хом ашёларнинг сифат гуруҳидир. Масалан, дон маҳсулотлари технологик кўрсаткичлар бўйича гуруҳларга — классларга бўлинади. Маҳсулотларнинг сақланувчанлигига қараб ҳам гуруҳларга ажратилади, яъни узоқ вақт сақланадиган ва қисқа вақт сақланадиган маҳсулотлар бўлади.

Дон маҳсулотларининг қайта ишлашга мойиллигини билдирувчи кўрсаткичлари қайта ишлаш саноатида кам харажатли ҳамда тўлиқ (нон) тайёр маҳсулот олиш билан аниқланади.

Қишлоқ хўйжалигига назорат объекти асосан маҳсулот ёки хом ашё ҳисобланади. Маҳсулот сифатини белгилаш учун уни холис баҳолаш лозим. Чунончи, маҳсулот сифатини баҳолаш унинг ишлатиш соҳасини ҳам ёлгилайди. Маҳсулот сифатини назорат қилиш унинг миқдор ва сифат хоссаларига таъсири этиб, бунда маълум турдаги ўлчаш асбоб-ускуналаридан ва турли усулардан фойдаланилади. У ишлаб чиқариш ва ишлатиш эксплуатация) даврида назорат қилинади. Маҳсулот ифатини ишлаб чиқариш мобайнида назорат қилишда утакассислар асосий ўрин тутадилар. Улар маҳсулотни

сифатли етиштиришни, ўз вақтида йиғиштириб топширишни таъминлашлари керак. Шу билан бирга, уларни қайта ишлашни ҳам тўғри ташкил қилиш зарур.

Дон маҳсулотларининг сифати уларни давлатга ёки истеъмолчига топширишда назорат қилинади. Бу жараён маҳсулотни қабул қилиш жойларида амалдаги стандарт ва синаш усуслари ёрдамида амалга оширилади.

Дон маҳсулотларини қабул қилишда, қабул қилинган маҳсулотларнинг сифатини текширишда инспекцион назорат ўрнатилади. Бунда тайёрлаш манзили томонидан маҳсулотлар қабул қилиниши, стандартдан тўғри фойдаланиш, синаш усусларининг стандартга тўғри келиши, маҳсулотларнинг сақланиши, навларга ажратилиши, жойлаштирилиши, текширилиши керак. Маҳсулотнинг сифатини назорат қилишда қўлланилайдиган ўлчов воситаларига қараб назорат турлари қўйидагиларга бўлинади: ўлчаш, органолептик, қайд қилиш, ҳисоблаш, социологик ва эксперт назорати.

Ўлчаш усули. Дон маҳсулоти сифатини ўлчаб назорат қилиш маълум бир ўлчаш асбоб-ускуналари ёрдамида амалга оширилиб, усульнинг асосига қараб кимёвий, физикавий, биологик, механик, микроскопик, физик-кимёвий, технологик ва физиологик бўлиши мумкин. Маҳсулот сифатини аниқлашда кимёвий усул кенг тарқалган бўлиб, маҳсулотнинг озиқ-овқатлик ва технологик қиймати тўғридан-тўғри унинг таркибига кирувчи органик ва минерал моддаларнинг оз ёки қўплигига чамбарчас боғлиқдир. Масалан, оқсили, углевод, ёғ, крахмал, витамин ва бошқа моддаларнинг миқдори аниқланиши мумкин. Дон маҳсулотларининг сифатини бирмунча аниқ белгилайдиган кимёвий усул объектив усул ҳисобланади. Маҳсулотнинг кимёвий таркибини аниқлашда органик, анерганик, аналитик ва коллоид кимёвий услубларда қўлланилайдиган аниқлаш усуllibаридан фойдаланилади. Дон маҳсулотларининг сифатини физик усуlda аниқлаш маҳсулотнинг физик хоссаларига асосланган. Маҳсулотнинг физик хоссаларига унинг эгилиувчанлиги, тўқилювчанлиги, намлиги, ифлосланганлиги, иссиқлик ва бошқа хоссалари киради. Дон маҳсулотларининг физик хоссаларини аниқлашда диэлектрик, рефрактометрик, реологик ва полярометрик усуллардан кенг фойдаланилади. Диэлектрик усулда маҳсулотнинг намлиги, ранг ўлчагичда унинг тиниғ ранги аниқланади. Рефрактометрик усулдан маҳсулот

нинг сифатини, унинг асосий кимёвий моддаларини аниқлашда фойдаланилади. Полярометрик усул моддаларнинг оптик хоссасини, реологик усул маҳсулотларнинг таркибини ва механик хоссаларини аниқлашга асосланган. Масалан, маҳсулотнинг шакли, катта-кичиклиги, ҳажми, эгилувчанлиги, бир хиллиги, ҳажм оғирлиги ва бошқа кўрсаткичлардир.

Маҳсулотларнинг сифатини аниқлашда қўлланилайдиган хромотографик, колориметрик, секстроскопик, люминесцент усуллар **физик-кимёвий усулга** кириб, ҳозирги вақтда улардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Биологик усул кенг тарқалган усул бўлиб, унда уруғларнинг унувчанлиги, улардаги заҳарли моддалар, микроорганизмлар, касаллик ҳамда зааркунандалар билан таъсиrlаниши аниқланади.

Физиологик усулда дондаги озиқа моддаларнинг озиқлик қиммати, калорияси ва биологик қиммати аниқланади. Донлардаги айрим заарали микроорганизмлар ва заҳарланиш даражаси микроскопик усулда аниқланади. Дон маҳсулотларининг технологик хоссалари ва қиммати **технологик усулда** аниқланади. Доннинг технологик хоссалари унинг сифати билан тўғридан-тўғри боғлангандир.

Органолептик усул дон маҳсулотлари сифатини аниқлашда асосий усул ҳисобланади. Бу усулда кишининг сезги органлари (кўриш, таъм ҳамда ҳид билиш, эшитиш, қаттиқликни сезиш ва бошқалар) хизмат қиласди. Органолептик усул оддий бўлиб, маҳсус асбоб-ускуналар талаб қилмайди. Шу билан бирга, усулнинг бир қатор камчиликлари ҳам бор. Бу усулда дон сифатини аниқлашда сифат кўрсаткичлари нисбий характеристерга эга бўлиб, у ҳақда тўлиқ маълумотлар йўқ.

Органолептик усулда доннинг сифатини аниқлашда маҳсулот ўюми кўздан кечирилади ва шундан кейин идишлар очилиб унинг ҳолати, кўриниши, ранги ва гуси, ҳиди кабилар аниқланади. Дон маҳсулотини органолептик усулда баҳолашда жойнинг ёруғлиги, маҳсулотни текширувчилар сони ва синовчининг малакаси каби омиллар катта таъсири кўрсатади. Дон маҳсулотининг сифатини органолептик усулда аниқлашда эталонлардан ва стандарт намуналардан фойдаланилади. Этalon ва стандарт намуналар ҳар йили давлат стандарти талабига мувофиқ тузилади.

Қайд қилиш усули. Дон маҳсулотларини мунтазам

равишида кузатиш ва харажатларни ҳисобга олиш қайд қилиш усулининг асоси ҳисобланади. Масалан, маҳсулотнинг қайтарилишида улардаги нуқсонларнинг миқдори ва ҳажми ҳисобга олинади. Маҳсулот сифатини баҳолашда шундай ахборотларга эътибор берилади.

Ҳисоблаш усули. Маҳсулотнинг сифати бу усулда назарий ва эмпирик кўрсаткичларнинг маҳсулот сифати кўрсаткичлари билан боғланиши орқали амалга оширилади. Ҳисоблаш усулидан дон маҳсулоти етиширишда фойдаланилади. Дон маҳсулотининг сифат кўрсаткичлари ўртасидаги боғланиш ҳам шу усулда аниқланади.

Эксперт усули. Дон маҳсулотининг сифат кўрсаткичлари мутахассис эксперталарнинг қарорига асосан аниқланади. Кўпинча дон маҳсулотининг сифатини объектив усулда аниқлаш қийин бўлан тақдирда эксперт усулдан фойдаланилади. Бу усул одатда маҳсулотнинг сифатини органолептик усулда аниқланган вақтда керак бўлади. Маҳсулот сифатини эксперт усулда аниқлашда мутахассислардан иборат эксперт ҳайъати тузилади ва шу ҳайъатнинг умумий қарори билан маҳсулот сифатига баҳо берилади. Дон маҳсулоти сифатини аниқлашда дон уюмидан ўртача намуна олинади. Ўртача намуна ҳамма дон уюмини тавсифлаши лозим. Дон маҳсулоти тўпламишининг маълум жойларидан дастлабки намуналар олингач, улардан ўртача намуна ҳосил қилинади. Намуна олиш қоидалари тегишли стандартларда кўрсатилади.

Социологик усул — истеъмолчиларнинг дон маҳсулоти сифатига берган баҳоларини йиғиш ва билдирилган фикрларни таҳлил қилиш асосида унинг сифатига баҳо бериш усулидир. Бунда истеъмолчиларга анкеталар тарқатилади, фикрлари сўраб олинади, маҳсус конференция, йиғилишлар, кўргазмалар ўtkaziladi.

Дон экинлари маданий ўсимликларнинг энг муҳим гурӯҳи бўлиб, асосий озиқ-овқат маҳсулоти, чорва моллари учун ем, саноат учун муҳим хом ашё ҳисобланади. Ўзбекистон республикасида аҳолининг кўпайиб бориши натижасида кишиларнинг турли-туман ва сифатли дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тобора ортаётганлиги туфайли ҳам ғалла етиширишни йилдан-йилга кўпайтириш зарур. Дон маҳсулотлари етишириш мавсумий бўлганлиги сабабли уни маълум вақтгacha сақлаш тақозо з этилади. Шу сабабли, дон маҳсулотларини сақлашда

замонавий технология ва техникадан фойдаланиш унинг нобудгарчилигини анча камайтиради ва маҳсулот сифатини бирмунча яхшилади. Дон ўюмини сақлашдаги қонуниятларни чуқур билиш унинг илмий асосланган тадбирлар системасини (тизимини) яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишга, маҳсулотнинг миқдор ва сифат жиҳатдан сақланишига имкон яратади.

Доннинг ташқи кўриниши. Дон ва уруғлар тўғрисида уларни кўздан кечириш ёки намунани таҳлил қилиш орқали тасаввурга эга бўлинади. Тўлиқ етилган, дала-да, омборхоналарда яхши сақланган дон ва уруғлар ўзига хос морфологик бегиларга (шакл, катта-кичичилиги, қобиқ тўқималари ҳолати, ранги ва бошқ.) эга бўлади. Ҳар бир ўсимлик дони ва уруғлари учун маълум ҳид ва таъм ўзига хосдир. Бу белгиларнинг ўзгариши донни ёки урганинг ички табиатини ҳамда сақлаш, фойдаланиш даражасини ўзгартиради. Шунинг учун органолептик (сенсор) аниқланадиган бу белгилар асосий ўрин тутади ва давлат кўрсаткичларини норматив белгиланишига киради.

Дон тўпламининг кўрсатилган белгили ҳолати умумий софлик деб номланди. Чет элда кўпинча «соғлом дон» термини билан алмаштиришади. Ушбу белги кўп сабаблар билан ўзгариб туради. Уларнинг асосийлари: шаклланиш ва етилиш даврида ноқулай шароитда (иссиқ, шамол бўлиши, эрта совуқ тушиши, бошоқда донни униши ва бошқ.); дала, шунингдек, омборларда донларга зааркунанда ҳашаротларнинг таъсири, фитопатоген ёки сапрофит микроорганизмларнинг фаол ривожланиши; дон ўюмларига нотўғри ишлов бериш (қутиш, тозалаш, заарсизлантириш ва бошқ.): Масалан, ўсимлик илдизини совуқ уриши доннинг ташқи кўриниши ва технологик хусусиятларига кескин таъсир этади. Эрта совуқ тушиши билан доннинг шаклланиши бузилади.

Совуқнинг салбий таъсири, айниқса, доннинг сут етилиш фазасида аниқ билинади. Дон пуч, хира, кўриниши оқиши ёки яшил буришган ҳолда бўлади. Кейинги фазаларда совуқ таъсир этганда дон бўлиқ, одатдаги катталикда ва шаклда бўлади, аммо нормал етилганларга нисбатан оқишлиги ва ташқи қиёфаси билан фарқ қиласди. Ушбу белгилар доннинг кимёвий чекланишидан ҳам далолат беради. Салбий ҳарорат таъсирида доннинг шаклланиши эртаги фазаларда узилади, озиқа моддаларнинг келиши тўхтайди, оддий

моддалардан юқори молекуляр бирикмалар шаклланиши тугалланмайды. Бундай донларга оз миқдорлик эндосперм, юқори миқдорлик сувда аралашадиган моддалар, ферментлар, жумладан А-амилазалар фаоллиги активлашади. Үсимлик илдизининг совуқ олиши, шунингдек, дон таркибидаги клейковина миқдорига ва сифатига кучли таъсир этади. Бу пайтда у кучсиз сув сингдириш қобилиятига, ёмон эгилувчанликка эга бўлиб, ушоқланадиган ва калта узилувчан бўлиб қолади. Бундай ундан тайёрланган нон оз ғоваклиги, сифатсиз таъми билан ажralиб туради.

Дон тўпламида бўртган ва уна бошлаган донларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Баъзида донлар уна бошлаганда ҳам амилолитик ва протеолитик ферментларнинг, қандларнинг юқори миқдорлиги ва бошқа сувда аралашадиган моддаларнинг активлиги кузатилади. Буларнинг ҳаммаси доннинг технологик қийматини туширади ва унинг фойдаланиш имкониятиларини чеклайди. Үнган донлардан ун чиқиши миқдори камаяди, яхши сифатли нон олинмайди; мойли экинлар уруғидан нордон бўлади.

Доннинг ташқи кўринишидаги белгилари заараркунанда ҳашаротлар таъсири натижасида ҳам ўзгариши мумкин. Масалан, бошоқда буғдој донини бургатошбақачалар билан заарланишида нафақат унинг ташқи кўриниши (бўлиқлиги ва ранги) ўзгаради, балки биокимёвий хусусиятлари ва нон ёпилиш хоссалари ҳам ўзгаради.

Дон бошоқнинг ўзида дон қурти (тунлами) томонидан емирилиши, дон миталари билан яширин заарланиши ва шоли узунтумшуқ қўнғизи бўлиши мумкин. Сақлашда яширин заарланиш (омбор ва шоли узунтумшуқ қўнғизлари билан), шунингдек, у ёки бу дон жамғармалари заараркунандалар билан таъсирланиш эҳтимоли ортиб боради: Емирилган дон мавжуд миқдорига қараб, баъзида эса яширин заарланиш белгилари бўйича (тишланган нуқталари ва тамғаларини аниқлаб) ушбу уюм сифати тўғрисида тасаввурга эга бўлинади.

Доннинг ташқи кўриниши, унинг ранги ва ялтироқлигининг ўзгаришига микроорганизмлар таъсир этиб, уларнинг дала шароити ва омборхоналарда фаол ривожланиши кўпинча дон ёки уруғнинг шакл ўзгариши (деформация), ранги, қатлам тўқималари кимёвий тар-

киби ва технологик хусусиятларининг ўзгариши билан боғланиб боради. Баъзи бактериоз ва микозларнинг (фузариоз, гельминтоспориоз ва бошқ.) ривожланиши натижасида дон пучқоқ, буришган, унчалик ривожланмаган эндосперм билан қолади. Бунда кўпинча унинг ранги ўзгаради: қора доғлар (қора байтериоз), бинафша ранглар (конидий фузариум юзага келади), қорайган муртаклар (гельминтоспориум ривожланишидан) ва бошқалар пайдо бўлади.

(Стерил мицелий ордин деб аталмиш замбуруғнинг муртак қисмида ривожланиши натижасида буғдой ва жавдар донларида бинафша ранг юзага келади, уларнинг гифларида қизил пигментлар пайдо бўлади. Ушбу мицелий фузариум замбуруғларига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Агар тўпламда қаттиқ бошоқли халтачалар учраса, баъзида дон фақат замбуруғ споралари билан ифлосланган бўлади. Халтачаларнинг бузилиши натижасида споралар донларга ёпишади ва уларнинг қиёфасини бузади. Донларнинг заҳарлиси қора тусли (қопқорагача) бўлиб, далада илдизда қишлиш натижасида пайдо бўлади.. Юқори намлиқдаги омборларда сақлашда кўпчилик сапрофит микроорганизмларнинг вакиллари ривожланиши мумкин. Шундай пайтларда баъзи донларда бактерия ёки моғор замбуруғлари колониялари учрайди. Буниг натижасида уларнинг ялтироқлиги йўқолади, олачипор (сиртини қорайишидан ёки моғор замбуруғлар колонияларининг турли рангларга бўялишидан) бўлади. (Дон ўз-ўзидан қизиб кетишдан ҳам қораяди. Дон ёки уруғ учун хос ялтироқлик ва ранг дон тўпламларига нотўғри ишлов бериш натижасида (дон қуритгичларда қуритиш, газлаш ва ҳ.к.) йўқолади). Турли даражада (ривожланишдаги ноқулай шаронт таъсирида, йиғини ёки сақлашда) йўқотилган доннинг табиий ялтироқлик ва рангини ўзгариши рангсиз деб баҳоланади.

(Дон ва уруғларнинг ранги кундузи, ёруғда эталон билан солишириб аниқланади. Юқорида баён этилган рангдаги чекланишли дон аралашмалари таҳлил қилинганда улар сифати паст ҳисобланниб дон ёки ифлос аралашмаларга қўшиб юборилади. Шаффоф пўстлоқли ёкин уруғларининг ташқи кўринишларида сезилмайдиган бузилиш ҳоллари учраб туради, давлат стандарти

томонидан эса жароҳатланган донларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Ҳид. Дон ёки уруғ түпламларида ушбу экинга хос бўлмаган ҳидларнинг пайдо бўлиши ноқулай шароитлар натижасида нормадан чекланишлар мавжудлигидан далолат беради.

Биринчи гуруҳ ҳидлар дон ва уруғлар томонидан уларнинг сорбция хусусиятлари туфайли пайдо бўлади. Сорбциялашган буғ ва газларнинг табиатга ва уларнинг дон сифатига таъсирига қараб қўйидаги ҳидларга бўлинади: эфир мойли ўсимликлар уруғ ёки қисмлари (шувоқ, кашнич, ёввойи саримсоқ ва бошқ.) тегиши натижасида пайдо бўладиган эфир мойларининг ҳиди; ишлов беришда ўзлаштирилган (масалан, нотўғри иссиқ қуритиш оқибатида) «тутун билан» (фумигациядан кейин) ишлаш қоидалари бузилиши натижасида дон ўзлаштирган бегона (нефть маҳсулотлари ҳиди) ҳидлар.

Иккинчи гуруҳ ҳидлар дон уюмининг ўзида рўй берадиган биологик жараёнлар натижасида юзага келади. Уларнинг ҳаммаси парчаланиш ҳидлари номини олган, чунки улар у ёки бу органик моддаларнинг парчаланиши натижасида юзага келади. Омбор, солод, мөгор ва қўланса ҳидлари ушбу гуруҳга хосдир. Омбор ҳиди донни узоқ мuddат давомида, дон уюмида жадал суратда анаэроб нафас олишда кузатилади, донларни аралаштирмаслик бунинг сабаби бўлиб, оқибатда этил спирти ва бошқа маҳсулотлар чиқиши кузатилиб борилади. Уни енгил, яъни шамоллатиш йўли билан бартараф қилиш мумкин. Солод ҳиди донларни ўсишида пайдо бўлади. Мөгор ҳиди дон сатҳи ва ичидаги мөгор замбуруғларининг ривожланиши натижасида, қўланса ҳид — ўша мөгор ва бошқа микроорганизмларнинг янада жадал ривожланиши оқибатида пайдо бўлиб, дон тўқималарини парчаланиши билан кузатилади. Ҳид сенсор ҳолда бутун ёки янчилган донда аниқланади. Ҳидни яхши аниқлаш учун 100 г донни қиздириш тавсия этилади. Бунинг учун уни сим тўрга ёйиб буғ устида ёки шлифли колбага жойлаб, сув ҳаммомида 35—40 дақиқа ушлаб турилади.

Таъм. Ташқи кўриниш ва ҳид дон уюмларининг соғлиги тўғрисида етарли даражада тушунча беради. Ҳидни аниқлашда гумон пайдо бўлса таъми текширилади. Масалан, донда солодли ёки полин ҳиди бўлса шундай қилинади. Бошоқли ва гречихаларнинг нормал донлари таъми, шунингдек, кўпчилик нўхат экинлари

уруғларининг таъми суст ифодаланган. Кўпинча у чу-
чук, эфир мояли экинларнинг уруғида эса чучмал
бўлади.

Титрланган нордонлик (кислотность). Донларнинг соғлигини таърифлашда лаборатория усулида аниқланган қўшимча белгилар титрланган нордонлик сифатида хизмат қиласи. У даражада билан ифодалана-ди, миқдорий кўриниши 100 г маҳсулотда мавжуд нор-
дон таъсири этувчи моддаларни нейтраллаш учун сарф-
ланадиган миллилитр миқдорига тўғри келади. Нордон-
ликнинг даражаси қанчалик юқори бўлса, уруғ ёки
дон шунчалик кўп фермент ва микроорганизмлар то-
монидан таъсири этилгани ҳамда унинг бузилганлигини
билиради. Етилмаган донда юқори нордонлик бўлади.
Буғдоининг соғ донида нордонлик 3—4, жавдарда 3—5
даражадир. Донни майдалаб, ун атласида сувли,
спиртли ёки эфирли аралашмада сўриб олиш билан
нордонлик аниқланади. Дон учун стандарт сифатида
атала услуби қабул қўлинган.

Дон заҳираларининг зааркунандалар томонидан
таъсиrlаниши ва шикастланиши. Дон заҳираларининг
зааркунандалари сифатида юздан ортиқ ҳашарот ва
ўнлаб кана турлари маълумдир. Дон маҳсулотларининг
ушбу зааркунандалардан ҳимоя қилиш давлат аҳамия-
тига молик тадбирга киради. Дон сифати белгиланади-
ган барча давлатларда дон заҳираларини зааркунанда-
лар билан заарланиш кўрсаткичи мажбурийдир. Дон ую-
мида ҳашарот ва каналарнинг ҳар хил турлари бўли-
ши мумкин. Уларнинг кўплари омборхонада ривожла-
нади, табиатда эса учрамайди.

Давлатимизда тарқалган ҳамда келтирилаётган за-
вари бўйича энг катта хавф солаётганлари омбор узун-
тумшуқлари, кичик ун хрушаки, дон митаси, муғомбир-
чери, дон чаҳлагич, ун ейдиган малла, тегирмон оловдори
ва бошқалардир. Каналар ҳашаротларга нисбатан ун-
алик хавфли эмас.

Дон тўпламларининг зааркунанда ҳашаротлар би-
лан заарланган давлат томонидан белгиланиши бў-
йича нокондицион ҳисобланади. Дон қабул қилувчи
омборхоналар зааркунанда ҳашаротлар билан заар-
ланган донни қабул қилмайди. Каналар билан заар-
ланган дон уюмларини қабул қилишда сотиб олиш
архи чегириб ташланади.

Ҳашарот ва каналар омборхоналарда транспорт

воситаларини, дон тозалагич машиналарини, жиҳозларни ва идишларни заарлайди. Токларда ўтган йилги органик қолдиқларни йўқотиш, омборхоналарни, идишларни, қоп ва транспорт воситаларини янги ҳосилни йиғишидан олдин дезинфекция қилиш, одатда, янги йиғилган донни заарланишидан сақлади. Заарланиш 1 кг дондаги тирик заараркундаларнинг нусха миқдори билан ифодаланади. Ўликлари ифлос аралашмага қўшилади ва заарланиши аниқланадётгандага ҳисобга олинмайди.

Энг кўп тарқалган заараркундаларнинг таъсирлашиш даражаси аниқланган (уларни 1 кг дондаги миқдори бўйича). Каналар учун биринчи даража 1 дан 20 гача нусха; иккинчиси 20 нусхадан ортиқ; учинчи даража — ёриқларда юзага келадиган тукка ўхшовчи (туклар тўплами) каналар уюми. Узунтумшуқлар учун биринчи даражалиги 5 нусхагача; иккинчиси 6—10, учинчиси 10 дан ортиқ. Заараркундалар томонидан доннинг муртаги ёки мағизи қисман ёки бутунлай емирлигларни заарарланганлар тоифасига киради.

Дон сифатини таърифлайдиган ҳужжатларда, албатта заарланиш кўрсатилиши керак. Агар олинган намуналарда тирик заараркундалар топилмаса, бу ҳолда «заарланиш аниқланмади» деб қайд этилади. Бундай ифодалашнинг сабаби, катта дон уюмининг фақат кичик қисми таҳлил қилинади ҳамда уларда заараркундаларнинг ягона нусхалари, яъни нуқта намуналарига тушмаганлари бўлиши мумкин. Ундан ташқари, баъзи заараркундалар (масалан, омбор ва шоли узунтумшуқлари, нўхат дони ва дон митаси) яширин шаклда заарарланган бўлиши мумкин, чунки уларнинг ривожланиш фазалари дон ичидаги кечади. Доннинг заарланиши ва шикастланишини аниқлаш усулларин давлат стандартида ва амалий машғулотлар ўқув қўлланмасида баён этилган.

Дон ва уруғларнинг намлиги. Дон ва уруғ тўпламиридаги намлик деганда тўқималарда мавжуд бўлган мураккаб физик-кимёвий ва механик сувлар йиғиндиси тушунилади. Намликни аниқлаш учун доннинг ўртача намунасидан олинади, унинг таркибида тўпламдаги бошқа аралашмалар ҳам бўлади. Аралашмалар (айниқса, ёввойи ўсимликларнинг уруғлари) намлиги эса асосий экин донларига қараганда кескин фарқ қилиши мум-

кин. Одатда, кескин фарқ янги йиғилган дон уюмидан күзатиласы.

Намлик дон сифатининг кўрсаткичи бўлиб, иқтисодий ва технологик аҳамиятга эга. Донда сув эмас, балки қуруқ модда баҳоланади. Шунинг учун сув миқдори белгиланиб, қуруқ модда миқдорига қараб ҳақ тўланади.

Дон учун ҳисоблаш асосида намликнинг базис нормаси белгиланган. Ундан четлашиш келтирилган дон тўпламининг физик уюмига ҳақ тўлашнинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, базисга нисбатан ҳар бир ортиқча намлик учун уюмдан нарҳ чегирилади (яъни фоизга фонз), агар базис намликка нисбатан ҳар бир фоизга ёки ундан ҳам кам бўлса, тегишли қўшимча ҳақ тўланади. Давлат томонидан сотиб олинган юқори намлиқдаги дон тўпламлари тезда қуритилиши зарур, аks ҳолда уни қайта ишлаш у ёқда турсин, балки сақлаб ҳам бўлмайди. Шунинг учун физик уюмдан асли чегиришдан ташқари, дон қабул қилиш корхоналари харажатларни қоплаш мақсадида дон ва уруғларни қуритиш учун ҳам ҳақ олади.

Намликнинг технологик аҳамияти ҳам беқиёсdir. Дон маҳсулотлари қуруқ ҳолатда бўлса, уларни узоқ муддатда сақлаш мумкин. Донни муддатли миқдори бўлиши керак: бошоқли ва дуккаклилар учун одатда 14—16 фоиз оралиғида, мойли экинлар учун эса камроқ 10—14 фоиз.

Юқори намлиқда кўп маҳсулотларни умуман ишлаб чиқариш мумкин эмас. Масалан, дондан ун тортиш ёки уларни ёрмага айлантириш, мойли экин ўсимликлар уруғларидан мой олиш ва бошқ. Стандартларда дон ва уруғларнинг намлиғига қараб, тўрт ҳолатга ажратилади: қуруқ, ўртacha қуруқ, нам ва ҳўл. Буғдой, жавдар, арпа, шоли ва гречиханинг кўрсатилган намлик ҳолати чегараси қўйида келтирилган:


қуруқ 14% гача;
ўртacha қуруқ 14—15,5% гача;
нам 15,5—17% гача;
ҳўл 17% дан юқори.

Мойли экин уруғида намлик кам (7-8% деб таърифланади, баъзи дуккаклилар уруғларида намлик бироз кўпроқ бўлади).

Қуруқ дон яхши сақланади, уни 30 метрдан ҳам

юқори баландликдаги хирмонларда сақлаш мүмкін. Бундаій донда сув гидрофилл коллоидлар билан болған бўлиб, ҳаракатсиз ва моддалар алмашининиң реакцияларида иштирок этмайди. Шу сабабли дондаги ҳаёт жараёнлари (нафас олиш ва бошқ.) секинлашади, микроорганизмлар ривожланиши учун шароит бўлмайди. Бундаій донни тортишдан олдин унга 15,5—16 фоизгача намланади.

Ўртача қуруқлик ҳолати донда унчалик катта бўлмаган миқдорда эркин сув (айниқса, унинг миқдори 15—1,5 фоизга етганда) юзага келиши билан таърифланади. Эркин сув пайдо бўлган даражаси таңг (критик) намлик деб аталади. Бундай намлика сезиларли тарзда донларнинг жадал нафас олиши ва маълум шароитларда микроорганизмларнинг фаол ривожланиши учун имконият ортади.



5-расм. Дон намлигини дистилляцион усулда аниқлайдиган ашаратнинг тузилиши:

1 — колба; 2 — сув; 3 — со-
вутчи; 4 — градуиранган
менаурка; 5 — кўчма исит-
гич; 6 — дон, 7 — мой.

ва шу ернинг ўзида озгина йўқотилган сувни ҳисобга олган ҳолда ўлчанади.

Намлики аниқлашнинг билвосита усуллари ҳам қўлланилади. Бу қуруқ қолдиқ бўйича аниқлаш усули бўлиб, сув миқдори уюмидан олинган намуналар фар-

қиң билан, қуришидан олдин ва кейин бир қатор модификациялар қўллаб белгиланади.)

Дон ва уруғлар турли хил жавонларида қуритилади. Уларнинг ичидағи энг мукаммалашганлари — электр иссиқлик берувчи ва ҳароратни автоматик бошқарадиганлари ҳисобланади.

Бошқа давлатлардаги сингари бизда ҳам намликин аниқлашнинг намунали (эталон) усули қўлланилади. Дон намуналарини майдалаш маҳсус мосламали боксларга жойланади ҳамда вакуумда қуритилади. Бу усул шунингдек, бошқа усулларда олинган натижаларнинг тўғрилигини текширишда, асбобларни градуирлашда, хусусан электр нам ўлчагичларни мослашда қўлланилади.

Ифлослиги (аралашмалар миқдори). Озиқ-овқат, озиқа-ем ва бошқа дон тўпламларида аниқланган аралашмалар миқдори унинг умумий уюмига нисбатан фоизда ифодаланиши ифлослиги дейилади. Дон тўпламларидаги аралашмалар таркиби ва миқдори агротехника (экинлар тозалигига) даражаси, ҳосилни йиғиш усуллари ва техникаси, дон уюмларига кейинги ишлов берилиши ҳамда уларга тўғри муносабатда бўлишга узвий боғлиқдир. Келиб чиқинишига қараб, ўсимлик, чорва ва минерал аралашмалари бўлади. Ҳар бир гурӯҳ хилма-хил обьектлардан иборат бўлиб, тўпламлардан фойдаланиши имкониятларига ва улардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатига турлича таъсир этади. Шунинг учун аралашмалар таркибини билиш, уларни турлар бўйича туркумлаштириш ва белгилаш зарур.

Кўпчилик аралашмалар, айниқса ўсимликдан чиққанлари (ёввойи ўсимлик уруғлари, ўсимликларнинг яшил қисмлари ва бошқ.) ҳосилни йиғиш ва уом ташкил этиш пайтида юқори миқдорда намликка эга бўлади. Натижада улар физиологик жараёнларнинг нозарур флооллашишига олиб келади. Ифлосланган дон тўпламларида ўз-ўзидан қизиш жараёни жуда енгил юзага келади ва тез ривожланади. Дон тўпламларини аралашмалардан тозалашда катта энергия қуввати, ишчи кучи, ишлаб чиқариш майдонлари ва яхлит дон тозагичлар мажмуй талаб қилинади.

Товар донларидаги аралашма туркумлари ушбу аралашма турининг ишлаб чиқариладиган маҳсулогининг чиқиши ва сифатига таъсир даражасига, озиқа-ем донида эса аралашманинг озиқа-ем қийматига сабаб

бўлади. Юқорида баён этилганларга асосланиб, дон тўпламидаги ҳамма аралашмалар уч гуруҳга бўлинадиган асосий дон, дон аралашмалари ва ифлос аралашмалар. Дон зайдираларида аниқланган тирик зааркундалар алоҳида кўрсаткич билан «заарланган» деб ажратилиб ёзилади.

Мойли экинларнинг уюмида «дон аралашмаси» терминини «мой аралашмаси» термини билан алмаштирилган, эфир-мойли экинлар тўпламларга мувофиқ «эфир мойли аралашмаси» деб юритилади. Аралашмаларнинг тўлиқ тасвири ва таснифлари амалдаги стандартларда ёритилган (3-чизма).

3-чизма

Озиқ-овқат, техник ва ем-озуқа мақсадларига мўлжалланган уюmlаридаги арадашмалар таснифи

Асосий дон	Аралашмали дон намунаси	Дон аралашмаси
<p>а) Асосий экиншинг нормал донлари;</p> <p>б) емирилган ва уринган дон (доннинг ярмидан ортиги);</p> <p>в) қиймати бўйича асосий дондан кам бўлмаган ҳамда худди шу донлар сингари фойдаланиладиган донлар.</p>	<p>1) Асосий дон экинлари:</p> <p>а) шаклини йўқотганлар (уринганлар, пучлар, эзилганилар, қутишида шишганлар);</p> <p>б) етилмаганлар (яшил, соvuқ урганилар);</p> <p>в) қутиши ёки ўз-ўзида қизишка заарланган;</p> <p>г) емирилган ва уринган (лон ярмидан кам қолган).</p> <p>2. Қиймати бошқа дон экинларига яқин бўлади ва улар маълум даражада мақсадли фойдаланиши мумкин.</p>	

Ифлос аралашмалар			
Органик ва мінерал хасчўплар. Алоҳида ҳисобдаги аралашмалар металл-аралашмалар ва тош миқдори	Шикастланган дон	Заарли аралашмалар	Еввойи ва маданий экинларнинг уруғлари (асосий дон, дон ва зааррли аралашмаларга қўшилганлари).

Доннинг ифлослигини таҳлил қилиш сермеҳнат йишдир. Бир қатор мамлакатларда уни механизациялашибтиришга жуда кўп ҳаракат қилинган. Аммо у ёки бу сабабларга кўра булар кенг қўлланилмади.

6 боб. ДОН ВА УРУГЛАРНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Асл кўриниши (натура). Дон уюмини маълум кўринишида ҳажми ёки асл кўриниш деб атасади. Метрик тизим қўлланиладиган давлатларда у грамм литрга ёки килограмм гектолитрга нисбатан ўлчанади.

Буғдой, жавдар, арпа ва сули донларини етарлича барқарор шароитни таъминловчи маълум қоидаларга намал қилган ҳолда ҳар қандай мосламага жойлаштиrsa бўлади. Бунда жойлаш зичлиги, дон уюмининг ҳажми катто бир экиннинг ўзида турлича бўлиши мумкин (9-жадвалга қаранг). Бунинг уч сабаби бор: донни турлича етилиши; дон уюмидаги аралашмаларнинг ҳар кил миқдори ва таркиби; доннинг намлиги.

9-жадвал

Дон ва уругларнинг асл кўриниши, г/л

Экин	Чекланиши		Экин	Чекланиши	
	Максимум ва минимум	Энг кўп учрайди-ган		Минимум ва максимум	Энг кўп учрайди-ган
Буғдой	700—810	730—785	Арпа	530—680	570—650
Жавдар	650—735	680—715	Сули	440—590	460—550

Асл кўринишга ифлос аралашмаларнинг турли фракциялари сезиларли таъсир этади, чунончи енгил аралашмалар унинг кўринишига сезиларли таъсир этади, минеал аралашмалар эса бироз ёмонлаштиради.

Юқори намлик ифлосланган дон тўпламларида асл ўриниш дон уюмининг суст тўқилувчанлиги сабабли ёз беради. Тозалаш ва қуритишдан кейин асл кўриниш хшиланади, аммо донларнинг етилмаганилиги сабабли ўнгилдагидек бўлмайди.

Доннинг тўлиқ етилиши катта технологик аҳамиятга ва у озиқ-овқат қийматини таърифлайди. Яхши тилган донда кўп эндосperm (мағиз) бўлади. Ноқулай шароитда шаклланган донларда пўст ҳажми ортиб бо-

ради, мағіз миқдори эса камаяди. Пўстлоқнинг сезидарларли кўпайиши, қимматли маҳсулот қисми (ун, ёрма, ўсимлик мойи ва ҳоказо) чиқишининг камайишига олиб келади.


Доннинг етилганлигини унинг зичлигини аниқлашорқали билса бўлади. Донда қанчалик мағиз (эндосперм) кўп бўлса, унда шунчалик максимал зичликка эга бўлган углевод ва оқси́ллар кўп бўлади. Крахмалнинг зичлиги 1,5, оқси́лларники 1,24-1,31, мойники 0,9-0,98. Қишки буғдой зичлиги 1,374 бўлганда, уни ташкил этувчи анатомик қисмларнинг зичлиги қўйидагича мағизники 1,472; муртакники 1,275; қобиқларники 1,106. Қобиқлар таркиби клетчатканинг кўплигига қарамасдан кам зичликка эгадир, чунки уларнинг тузилиши бўшидир. Шу сабабли емирилган ёки мағиз шаклини йўқотган (совуқ урган, бурга-тошбақачалар зарап етказган ва бошқ.) дон уюmlари салбий зичлиги билан таърифланади.

Давлатга яхши, асл кўринишли, базис кондициядаги кўзлангандан юқори донларни сотишда хўжаликларга ҳар 10 г. л. учун қўшимча 0,1% миқдорида ҳақ тўланаади. Худди шу тарзда паст асл кўринишига базисга нисбатан ҳақ чегириб ташланади.

Асл кўриниш маҳсус асбоблар — пуркаларда аниқланади. (б-расм.) Бу кўрсаткич қўлланилгандан берарбарча давлатларда пуркаларнинг 80 тури мавжуд. Жаҳон савдо амалиётида 20 литр ҳажмли пурка қўлланилади.

Ўлчов стаканида бошқа жиҳозлар донни нисбатан мўътадил тўкиш ва зич жойлаштириш шароитини яраттиш учун мўлжалланган. Кўпчилик экинларнинг (манжажӯхори, тариқ, гречиха, шоли, нўхат ва бошқ.) дон уюmlарida асл кўриниши аниқланмайди.

Ҳажм кўрсаткичлари хирмон ва омборларни зарур сифимини ҳисоблашда ёки сақланадиган доннинг уюмининг физик ҳажмини тахминан аниқлашади. Қуйи кўринишли донга нисбатан юқори кўринишли дон учун камроқ ҳажм талаб қилинади. Буғдой ва тариқ дони хирмонининг ҳажми 100 тоннада уюмда ҳажм бирлиги нисбати 075 ва $0,45 \text{ т. м}^3$ бўлганда $100:0,75 = 133 \text{ м}^3$; $100:0,45 = 222 \text{ м}^3$ ни ташкил этади. Демак, тариқ уюмини сақлаш учун катта ҳажмдан омбор талаб қилинади. Дон хирмонини омбор ёки салосда ҳажмини аниқлаб, унинг асл кўринишини билиш



6-расм. Доң асلىни аниқлайдыган литрли пурка:

1 — ўлчов стакани; 2 — түлдириш цилиндр; 3 — воронкалы цилиндр;
4 — воронка; 5 — түшадыган юк; 6 — пичоқ; 7 — торози коромисласи;
8 — тошлар; 9 — гилоф; 10 — торози штативи; 11 — тош палласи.

сақланыптаған түплем түғрисида тасаввурға эга бўлиниади.

Доннинг йириклиги ва силлиқлиги. Силлиқлик деб, доң түпламидаги донлар йириклигининг бир хиллигига айтилади. Агар доң түпламда катталиги бўйича асосан бир хил бўлса бир текис доң ҳисобланади.

Донни бошоқда, попук ва супургисида шаклланиши, түпгулларнинг ўсимликда жойлашиши, агротехник тадбирлар, об-ҳаво шароити бир текислик ва йириклика таъсир кўрсатади. Бир текисдаги доң уюмлари доң тозалагич ёки маҳсус сараловчи машиналарда саралангандан (сепарация) кейин олинади. Қайта ишлашда текис донлардан маҳсулотларнинг чиқиши ва уларнинг сифати юқори бўлади. Яхши текисланган донлардан юқори сифатли солод чиқади.

Майда доң паст баҳоланади. Тозалашда улар кўпинча майда аралашмалар билан чиқиндига қўшилиб кетади ва шу билан маҳсулот чиқиншини камайтиради. Бундай донни чиқиндилар ичидан ажратиб олиш жуда қийин. Майда доңда унинг ҳажмига нисбатан қобиғ

Миқдори йирик донларга нисбатан күпdir. Шундай доннинг пўсти ёмон тозаланади, қайта ишланаётган маҳсулотлар таркибига қўшилади ва уларнинг сифатини туширади. Одатда майда дон чорва ва парранда учун озиқа-ем сифатида фойдаланилади ёки мураккаб озиқа-ем саноатига юборилади.

Дон ва уруғларнинг текислигини етиштириш ва ишлатиш мақсадига қараб белгилаш уларнинг намуналарини турли катталик ва шаклдаги элаклар орқали ўтказиш йўли билан аниқланади.

Пўст ва мағиз миқдори. Ёрма экинлари донларининг стандартларида кондицияли дон учун мумкин бўлган мағиз миқдори сули учун 62% дан кам эмас, гречихада 71%, тариқ ва шолида 74% га тенг бўлади.

Ушбу тўпламда аниқланган ва фоизда ифодаланган мағиз миқдори арифметик фарқ эмас. Пўст — асосий экиннинг тоза донларида, яъни уюм ва намуналарда ифлос ва дон аралашмаларини ҳисобга олмаган ҳолда аниқланади.

Тариқ, шоли, сули ва гречиханинг пўстини аниқлаш учун пўст билан қопланган бутун донлар олиниади ва уларнинг ҳар бири қобигидан тозаланади. Пўсти тозаланмаган дон уюмiga нисбатан қобигларнинг ялпи улуши фоизда ифодаланиб, пўстнинг катталигини ташкил этади. Дондаги тоза мағиз миқдори стандартда кўрсатилган махсус формулалар ёрдамида ҳисобланади.

Шоли, тариқ, гречиха ва сули донларининг пўстлиги давлат стандартларига мувофиқ аниқланади. Турли экинларнинг дон пўст кўрсаткичлари 10-жадвалда келтирилган. Бир экин доирасида кўрсатилган маълумотларнинг ўзгариб туриши доннинг нав хусусиятлари ва турлича етилиши билан боғлиқdir.

10-жадвал

Турли донларнинг пўстлиги, %

Экин	Чекланиши		Экин	Чекланиши	
	Минимум ва максимум	Энг кўп учрайдинган		Минимум ва максимум	Энг кўп учрайдинган
Тариқ	12—25	15—19	Шоли	15—24	17—20
Сули	20—42	24—32	Арпа	9—16	10—13
Гречиха	17—26	19—22			

Кунгабоқар ууруғи мағизнинг ўзига хос «пўстлоқлиги» ва турли миқдори билан ажралиб туради. Уруғнинг дағал ва пишиқ қобиғи лузга деб аталади. Мойли кунгабоқар ууруғида лузга 27—39%, чақиладиганларда эса 65% га етади.

Эндосперм консистенцияси. Эндосперм консистенцияси ўсимлик донларининг технологик ва озиқ-овқат қимматига таъсир этади. Масалан, маккажүхоридан тайёрланган ёрма, дон, маккажүхори таёқчалари ва бошқа маҳсулотлар маккажүхорининг ойнавандли эндоспермли донларидан олинади.

Қайнатилган гуруч сифати (ош, суюқ, ош, бүтқа, гарнир ва бошқ.) кўп жиҳатдан ёрмани қандай хом ашёдан тайёрланишига боғлиқ. Ойнавандли гуруч донининг консистенцияли дони чидамли бўлиб, қайта ишлашда ёрманинг катта миқдори бутун ҳолда чиқади, қайнашда бундай ёрмалар дони яхлитлигини сақлайди. Унлик консистенцияга эга бўлган эндоспермлар жуда мўрт ва синувчан бўлади ва овқат тайёрланишида эзилиб ҳамда аралашиб кетади. Бундай донлар аъло навли ёрмалар чиқишини камайтиради.


Буғдой дони консистенцияси эндосперми алоҳида ўрин тутади. Ташқи қиёфаси бўйича ойнаванд донлар бир турли мумни эслатувчи тузилиши билан ажралиб туради. Эндосперм консистенцияси оқсил моддалар крахмал заррачалари билан бирнишига асосланган-дир. Ойнавандли эндоспермда оқсилиниг катта қисми крахмал заррачалари билан маҳкам бофланиб, кенг қатламни юзага келтиради ва бу қатлам жадал механик ишлов беришда ҳам қийинчилик туғдиради. Оқсилининг бошқа қисми янчиш пайтида енгил ажралади. Бу жараён оқсил оралиқ деб аталади. Ойнавандли эндоспермли дон катта механик чидамликка эга бўлиб, у ёрма ва ун олиш жараёнини сифатли бўлиш имконини беради.

Ун тайёрлаш корхоналарида ойнавандли донни майдалаш жараёнида у йирик унга айланади ва кейинги янчишдан олдин яхшилаб сараланади. Ойнавандли дондан олинадиган уннинг ранги — оқ сарғиш, қопда эса — оқ кўкимтири тусда бўлади Юқори ойнавандли буғдой донида одатда яхши сифатли клейковинани ташкил этадиган оқсил миқдори кўп бўлади. Шу сабабли бу ундан ёпиладиган нон сифатли ҳисобланади.

Одатда, қаттиқ буғдой дони консистенцияси ойна-

ванд, юмшоғиники турлича бўлиб, навга, агротадбирга, географик ва тупроқ шароитларига боғлиқдир. Шунинг учун юмшоқ буғдој донининг ойнавандлиги кеноралиқда — 20-30 дан 90-100% гача кузатилади. Байзизда бир доннинг ичида эндосперм консистенцияси турлича: ойнаванд, қисман ойнаванд ёки унсимон бўлади. Зич тузилиши, кесма бўйича тўлиқ ойнаванд эндосперм ва махсус мосламада яхлит ёруғ ўтказадиганлари ойнавандли дейилади. Бўш тузилиши ва тўлиқ унли эндоспермли, махсус мосламада ёруғ ўтказмайдиган донларга унли деб айтилади. Қисман ойнаванд ва қисман унсимон тузилиши донлар қисман ойнавандли деб аталади.

Буғдој донларининг ойнавандлиги ноң тайёрлаш учун қабул қилувчи корхоналарда, маҳсулотни қайта ишлашга тайёрлашда ва экспортга чиқаришда, шунингдек, ун корхоналарида аниқланади. Ойнавандлик давлат стандарти ёрдамида аниқланади. У ташки кузатиш, ёритни ёки донни кесиш билан аниқланади. Уни аниқ ва қулай аниқлашда диафанскооп ДСЗ-2 дан фойдаланилади (7-расм). Ҳаракатланадиган кассета уяларига жойлаштирилган юзта дон электр ёруғлигига кузатилади ва асбоб комплексидаги ҳисобчи ёрдамида саналади. Доннинг умумий ойнавандлиги ойнаванд донларнинг фоиз йигиндиси билан ва қисман ойнавандларни эса ярим фоиз билан ифодаланади.



7-расм. ДСЗ-2 диафанскоопи:

1 — корпус; 2 — мослама дастаси; 3 — дон учун уячалар кассетаси;
4 — окуляри; 5 — ҳисоблагич; 6 — ҳисоблаш таблоси.

Доннинг тузилиши — механик хусусиятини таърифловчи яна бир кўрсаткич дон қаттиқлиги ишлаб чиқилган. Майдалаш жараёни доннинг парчаланишини йўққа чиқаришдаги қаршилик даражасидир.

Доннинг униш кучи ва қобилияти. Дон ун ва ёпилган нон ишлаб чиқариш учун юқори қимматли биологик хом ашёдир. Доннинг униш кучи ва қобилияти кўрсаткичлари фақат солод олишга мўлжалланган тўпламларда чамаланади. Униш кучи кўрсаткичлари деб, 3 сутка давомида унган дон фоизига, униш қобилияти деб, 5 сутка давомида унган дон фоизига айтилади. Ушбу белги пиво учун мўлжалланган арпа тўпламларида инобатга олинади. Донлар униш қобилиятининг стандартда кўрсаткичи 95% дан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, спирт саноатида фойдаланиладиган дон ўюмларида ҳам унувчанликка юқори талаблар қўйилади. Спиртнинг чиқиши нафақат дондаги углеводлар (крахмал ва қандлар) миқдорига, балки крахмални гидролизланиш даражасига ва унинг қандга айланишига ҳам боғлиқдир. Шу мақсадда дон корхоналарда таркибида кўп миқдорда қанд, кейинчалик крахмални ферментли парчаланишини таъминлайдиган фаол амилазага эга бўлган солодга айлантирилади. Жавдар, арпа ва тариқнинг униш қобилияти 92% дан, сулиники эса 90% дан кам бўлмаслиги шарт. Униш кучи ва қобилиятини аниқлаш услублари давлат стандартида баён этилган.

VI боб. БУҒДОЙ ВА ЖАВДАР ДОНЛАРИДАН УН ТОРТИШ ВА НОН ЁПИШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Дондан нон ёпилиш хусусиятлари. Буғдой ва жавдар доннинг сифатини баҳолашда улардан ун тортиш, айниқса нон ёпиш хусусиятларини аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Истеммолчи ёпилган ноннинг сифати, озиқ-овқатлилиги ва ҳазм бўлишилиги билан кифояланмай, ноннинг ташқи қиёфасига (шакли, ранги ва бошқ.) ғоваклиги, тузилиши, таъми ва хушбўйлигига катта эътибор беради. Қайд этилган белгилар ёпилган нонга тегишли давлат стандартларида акс эттирилган.

Ёпилган нон сифатига донларнинг нав хусусиятлари, етиштириш шаронтлари, сақлаш, қайта ишлашга тайёр-

лаш ва бошқа омиллар таъсир этади. Хамирнинг газ ҳосил қилиш қобилияти турлича бўлиб, асосан клейковина миқдори ва сифатига боғлиқ. Яхши ва етарли миқдорда клейковинанинг бўлици хамирни тайёрлашнинг сўнгги даврида ҳам (кўпчиши ва хамирнинг шаклланган ҳолида) жуда равон бўлади ва диоксид углеродни яхши ушлайди. Шунинг учун 100 г унга ҳисобланган ноннинг чиқиш ҳажми 400-500 мл ва ундан ҳам ортади. Хамирнинг ёмон газ ҳосил қилиш натижасида ноннинг чиқиш ҳажми 250—300 мл дан ошмайди.

Клейковинанинг таркиби ва хусусиятлари. Клейковина — бу дондаги оқсил моддалар комплексини сувда бўртиши натижасида ёпишқоқ эгилувчан қориshmaga айланишидир.


Хамирнинг бир бўлагидан юлиб олинган хом клейковинада 70% гача сув бўлиб, кўпчиган суюқ (гидротирланган) бўтқа таркибига киради. Қуруқ моддага айлантирганда клейковина таркибининг 82-88% ни оқсиллар ташкил этади. Унда шунингдек, крахмал — б-16%, мой 2-2,8%, оқсилизиз азотли моддалар 3-5%; қанд 1-2%, минерал бирикмалар — 0,9-2% ни ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси клейковина бўтқасига киради ва яхшилаб ювилганда ҳам унинг таркибида қолади. Клейковинадаги асосий оқсил миқдорини глиадин ва глютенин ташкил этади. Донда моддаларнинг нотекис тақсимланиши клейковинадаги компонентларнинг сифати ҳамда миқдорида акс этади.

Буғдой таркибидаги клейковина миқдори 7-50% ораглинида бўлади. Таркибида 28% дан ортиқ клейковинага эга бўлган буғдой донлари юқори клейковина ҳисобланади. Унинг миқдори ундан тайёрланган (25 г) хамирни ювиб аниқланади. Хамир аралаштирилгандан кейин 20 дақиқа давомида тиндирилади. Бу оқсилларни яхши кўпчишига ва чидамли клейковина қоришмасини ташкил этишга хизмат қилади. Ювиш натижаси кўп нарсага, яъни сув таркиби, унинг қаттиқлиги ва бошқа элементларнинг мавжудлиги ҳамда ҳароратга ($18+20^{\circ}\text{C}$) боғлиқdir. Ушбу мақсад учун махсус асбоб — сув стабилизатори ишлаб чиқилган. Айниқса, иш бошланишида клейковинанинг бир қисмини исроф қилмаслик учун эҳтиёткорлик билан ювиш муҳим аҳамиятга эга.


Клейковина миқдори қўлда ёки «теби» асбоби ёрдамида аниқланади. Аммо бу асбоб клейковинанинг турли

сифатлари билан ювилишида етарли дара жада аниқлик бермайды. Бундан ташқари, кейинчалик чаласини қайта ювишга түфри келади.) Шунингдек, МОК-1, ТЛ-1-75 хамир аралаштиргич тадбиқ этилган бўлиб, унда хамир зувалачаси 35 сонияда аралашибди (8-расм). Бундан ташқари, ДВЛ-3 сув дозатори (9-расм), клейковинани шакллантирадиган УІ УФК ва УІ ЕСТ, сув ҳароратини ўлчайдиган стабилизатор ҳам бор. Эгилувчанлик ва чўзиулувчанлик клейковинанинг физик хусусиятлари ҳисобланади, шунингдек, у бўртиши қобилиятига ҳам эгадир. Эгилувчанлик деб клейковинани деформация таъсиридан сўнг яна илгариги холига қайтишига айтилади.


Клейковинанинг физик хусусиятларини аниқлаш учун маҳсус асборлар АВ-1 плас-тометр (қатлам ўлчагич), пенетрометр ва бошқалар ишлаб чиқилган. Клейковина



8-расм. Лабораторияда хамир аралаштирувчи ТЛ-1 ускунаси:
1 — айланувчи бош бармоқлари; 2 — дежа;
3 — ишга туширувчи тұгмача; 4 — тұмблөр.



9-расм. ДВЛ-3 сув дозатори:
1 — ишга туширувчи даста;
2 — шприц; 3 — сув ўтказгич.



10-расм. ИДК-1 ускунаси:

1 — улаш тумблёри; 2 — тушадига юз; 3 — клейковина соққаси учун хонтахтасы; 4 — «калибрлаш» амперметрини соолагич; 5 — «ишга тушириш» тұгма-часы; 6 — «хисоб» чироги; 7 — «тармоқ» чироги.

налаётган клейковинанинг соққаси қанчалик әгилувчан бұлса, у шунчалық кам әзилади ва асбоб шкаласида кattалиғи оз акс эттирилади. Клейковинанинг әгилувчанлик күрсаткичлари 11-жадвалда күрсатилған.

Бириңчи гурухдаги клейковина етарлы даражада юмшоқ, катта ұажымда чиқиши билан, бир текис ва юпқа ғовакли нон олиш имконини беради. Иккінчи гурухдаги клейковинанинг етарлы миқдори одатда газ-

11-жадвал

**Бүгдой унидаги клейковинанинг миқдори
ва кимёвий тарқиби (%)**
(В. С. Смирнов маълумотлари бўйича)

Күрсаткичлар	Ун чиқиши, %	
	30	96
Оқсил	16,85	18,28
Клейковина: қуруқ	9,12	14,4
хүл	29,6	36,0
Қуруқ клейковина тарқиби:		
кул элементлари	0,92	2,0
умумий оқсил	88,4	86,53
Шу жумладан: глиадин	50,2	43,02
глютенин	34,85	39,1
Бошқа азотли моддалар	3,35	4,41
мой	2,12	2,8
қанд	1,20	2,13
крахмал	6,72	6,45

деформациясининг ИДК-1 үлчагици яна-да мукаммал аниқ-лайди. (10-расм). Ушбу асбобда де-формация юклама-сининг юк (120 г) босими юзага кел-тирилиб, у клейко-вина соққасига (4 г) эркин тушади ва уни 30 сония давомида қисиб туради.

Клейковинанинг әгилувчанлигини үл-чаш натижалари шартлы белгиларда асбоб шкаласида күрсатилған. Си-

ҳосил қилиши кам бўлиб, бу кичик ҳажмда нон чиқишига олиб келади. Клейковинанинг учунчи гурӯҳдаги донлардан (ун) қўйиғонакли, ташқи белгилари давлат стандартларига жавоб бермайдиган кичик ҳажмда нон чиқади.

ИДК-1 асбоби йўқлигига клейковинанинг эгилювчанилиги органолептик усулда аниқланади. Бунинг учун клейковина соққаси эзилади ва дастлабки шаклига қайтиш тезлигига қараб унинг эгилювчанилигига баҳо берилади. Агар деформация таъсиридан кейин старли даражада дастлабки шаклини тез тикласа, унда яхши эгилювчаниликка эга бўлади. Деформациядан кейин тикланимайдиган клейковина қониқарсиз ҳисобланади. Ортиқча, шунингдек, оз эгилювчанилик ўринсиз ҳисобланади.

Клейковинанинг узайиш хоссаси чўзилювчанилик деб аталади. Узилиш жараёни 10 сониягача давом этиши керак. Клейковина узилгуича қанчалик чўзилишинига қараб узунлиги (сантиметрда) белгиланади. Калта чўзиладиган клейковина одатда хамиринг меъёрида юмишоқлигини таъминламайди, бу ҳол кучли чўзиладиганларда ҳам кузатилади (ўз тоши оғирлигидан илиниб ва узилиб туради). Эгилювчанилик ва чўзилювчанилик клейковинанинг таранглигидан далолат беради.

Клейковинани ташкил этувчи қуруқ моддаларнинг бўртиш хусусияти ҳар хилдири. Унинг сув ютиш хусусияти (гидротация) катта оралиқда ўзгарувчан бўлади. Юқори бўртиш ойнаванд буғдои клейковинаси учун тааллуқлидир. Шу сабабли, нам ва қуруқ клейковина миқдори ўртасидаги нисбат белгиларидан бири бўлиб хизмат қиласди.

Клейковина оч, бўз ёки тўқ рангли бўлиши мумкин. Биринчиси, кўпинча яхши чўзилювчан ва эгилювчаниликка мойил бўлади. Тўқ ранглилар одатда доннинг етилишида, сақлашда ёки қайта ишлашдаги салбий таъсиrlар натижасида юзага келади.


Жавдар клейковинасидаги моддаларини намакоб билан енгил ювиб йўқотиш мумкин. У буғдоидан тўқ ранги билан фарқ қиласди. Занг тусли хамироғда боғловчи клейковина бўлмайди, чунки у деярли тўлиқ йўқолган бўлади. Шу сабабли жавдарлар иони ёпишда хамир қориш буғдои унидан тубдан фарқ қиласди. Амалда жавдар клейковинаси ювилмайди. Тритикала клейковинаси жавдарга яқин бўлади, аммо у ҳам буғдои сингари ювилади.

Клейковина миқдори ва сифатига таъсир этувчи омиллар. Буғдой донидаги клейковинанинг миқдор ва сифатига жуда кўп омиллар таъсир этади. Нав хусусиятлари, ҳосилни етиштириш ва йиғиш шароитлари, салбий таъсиirlар, яъни донни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида учрайдиган омиллар уларнинг асосийлари ҳисобланади.

Клейковина миқдори ва унинг сифат белгилари гарчи кўп томондан етиштириш шароитига боғлиқ бўлсада, ирсий хусусиятлари асосийси ҳисобланади. Янги буғдой нави яратишда селекциянинг энг биринчи босқичларида донда оқсил ва клейковина миқдорини оширишга ҳаракат қилинади. Бу сифатли нон ёпилишига асос бўлади. Буғдойни озиқ-овқат ва уруғлик мақсадида келажакда кенг тарқалишида фақат қониқарли технологик хусусиятли навлар ўрин тутади.

Бизнинг мамлакатимизда тарқалган буғдойнинг қишки ва баҳорикор навлари қониқарли, яхши, баъзилари эса аъло хусусиятлари билан таърифланади. Аммо буғдойни етиштиришдаги салбий шароитларнинг юзага келиши натижасида доннинг технологик ва озиқ-овқат хусусиятлари кескин пасайиб кетиши мумкин. Тавсия этилган алмашлаб экиншга риоя қиласлик, тупроқда азотнинг етишмаслиги, ҳашаротларнинг (бурга-тошбақачалар) таъсири, совуқнинг эрта тушини, етилмаган ҳолатда йиғиш (сут-мум етилиш), нам клейковина миқдорини камайтиради ва унинг сифатини пасайтиради. Шуни эслатиб ўтиш керакки, клейковина миқдори ва унинг сифатига об-ҳаво хусусиятлари ҳам таъсир этади.

Яхши нон ёпилиш хусусиятларига эга бўлган буғдой дони етиштириладиган майдонларда клейковина миқдори ва сифатига, бурга-тошбақачалар таъсир этади. Улар энг катта зарарни донларни сут етилиш даврида етказади, яъни мавжуд суюқликни сезиларли сўриб олади (11-расм). Дон пучлашади устки қисмда



11-расм. Бурга-тошбақачалар билан шикастланган донлар:
1 — сут етилиш даврида; 2 — мум ва тўғлиқ етилиш даврида.

кўплаб эзилганлари юзага келади. Мум етилиш даври эндоспермдаги ташки қатламнинг алоҳида қисмлари зарарланиши билан чегараланади. Аммо бу ҳолатда донда эндосперм тузилиши ўзгаради; у юмшоқ

бўлади, крахмал заррачалари эзилиши сезиларли кузатилади.

Дон моддаларига бурга-тошбақачалар кўрсатадиган кучли таъсиринг асосий сабаби уларнинг сўлагида фаол протеолитик ва амилолитик ферментлар борлигидир. Протеиназлар оқсилни нарчалайди, шунингдек, клейковина хусусиятларини ўзгартиради. Шундай дондан ювилган клейковина дарҳол ёки қисқа муддатдан кейин хиралашади, эгилувчанилигини йўқотади ва кейинчилик сақланишида қаймоқсимон бўтқага айланади. Шунингдек, жадал гидролиз хамирда ҳам кузатилиб, ундаги кўпчиш даврида протеиназлар қатори амилазалар ҳам фаол ҳаракат қиласи. Натижада сузувлчан хамир юзага келиб, унинг газ ҳосил қилиш қобиљияти жуда сустлашади. Бундай хамирлардан кичик шаклларда ёпилган ионларнинг ғоваклиги ёмон, асоси эса ёнишқок бўлади.

Жавдар унидан нон ёпилишини баҳолаш. Жавдар унидан тайёрланган хамирни боғловчи клейковинани ташкил этишининг удасидан чиқолмаслик унинг газ ҳосил қилиш хусусиятини сусайтиради. Шунинг учун жавдар хамирида бугдоига қараганда углевод, айниқса, крахмал ва шиллиқ моддалар катта ўрин тутади. Крахмал ҳолати, унинг гидролизланиши даражаси, шиллиқ моддаларнинг физик хусусиятлари амилолитик ферментларнинг фаоллигига қараб, жавдар хамирини чўзилувчилик хусусиятларida сезиларли четга оғишлар кузатилади. Крахмал ва шиллиқ моддаларни полимерланиш даражасининг камайиши, амилазаларнинг фаоллиги натижасида анча сифатсиз нон чиқадиган сузувлчан хамир юзага келади.

Жавдар унидан тайёрланган нонни баҳолашда ёниш сусли қўлланилади. Аммо кўпинча а-амилаза фаоллиги ёки уни углеводларга (сув-ун суспензиясининг ёпишқоқлиги, қанд миқдорининг ўзгариши ва бошқ.) таъсирини аниқлашга асосланган бевосита усуллардан фойдаланилади.

Ундан тайёрланган суспензияларда крахмал мўътадил ҳолатда бўлиб, ҳарорат кўтарилиши билан крахмалнинг клейстрланиши натижасида ёпишқоқлик янада ортади. Юқори фаоллик а-амилазани шунга ўхшаш шароитларда синашда ёпишқоқликда кўрсаткичлари паст бўлади. Бу, айниқса, унган (ёки уна бош-


лаган) дондан олинган уини текширши патижасыда яққол намоён бўлади.

Ёпишқоқлик бўйича эгри чизиқларни механик ёзиш Брабендер амилографи ёрдамида амалга оширилади. Суспензияни, кейинчалик клейстернинг қаршилигини ёзув асбоби дастаклари (ричаг) орқали маҳсус қофоз лентада қайд этади. Эгри чизиқлар қанча юқори бўлса, клейстернинг ёпишқоқлиги шунчалик кучли бўлади ҳамда хамир тайёрлаш ва нон ёпиш учун крахмалнинг ҳолати яхши ҳисобланади.

Жавдар уни амилограф бўйича камидаги 400 бирлигига яхши нон ёпилиш хусусиятларига эгадир. Мўътадил етилган ва яхши сақланган жавдарнинг аъло навли донларига юқори ёпишқоқлик кўрсаткичлари тааллуқлидир (500—800, баъзида ундан ҳам ортиқ бирлик тўғри келади). Уюмда унган донларнинг борлиги ушбу кўрсаткичларни кескин тушириб юборади.

Амилографлар буғдой унини, крахмал ва бошқа баъзи маҳсулотларни баҳолашда қўлланилади. Янги такомиллашган амилограф Брабендер-вискограф бўлиб, ёпишқоқликни доимий $20-150^{\circ}$ оралиғида ўлчаш имконини беради.

Кўп ҳолларда Хагберг-Пертен (12-расм) ускунасидан фойдаланилади чунки у ўзича ботириладиган вискозини



12-расм. Хагберг-Пертен ускунаси:

1 — лаборатория тегирмончаси; 2 — автоматлаштирилган сув дозатори; 3 — суспензия учун пробиркалар; 4 — электрон ҳисоблагич; 5 — сув ҳаммоли.

метрдир. Клейстрланган сув—сусензиялар түлдирилган пробиркада плунджернинг тушиш тезлиги (сония)га қараб уннинг афзаллиги түгрисида фикр юритилади. Тушиш миқдори 160 сония ва ундан юқориси жавдар донининг нон ёпилиш сифатини таъминлайди; 120—150 сония ўрта дон учун хос; 100 ва ундан ками — қуий нон ёпилиш билан таърифланади.

Янчилган доннинг ун хусусиятларини баҳолаш. Дон сифатини янчишнинг маълум схемаси режимида синалаётган дон намунасига қараб ҳам аниқланади. Доннинг майдаланиш жараёни түгрисида тасаввурга эга бўлиш жуда муҳимдир: уннинг майда фракциялари юзага келиши билан эндосперм дарров янчилаяптими ёки уннинг катта қисми крупаларга (ёрмаларга) айланаяптими, чунки уларни саралаб, пўстлоқсиз юқори сифатли ун бўлгунча янчишини давом эттириш мумкин.

Бир неча килограмм донни тажриба мақсадида янчиш донни майдалайдиган, оралиқ маҳсулотларни фракциялар бўйича саралайдиган ва бошқа хусусиятларга эга бўлган маҳсус тегирмон лабораторияларида амалга ошириллади. Текшириш учун 70 фоиз ун чиқадиган 100—200 грамм ҳажмли дон намуналари «Квадрумат-Юниор», «Седимат-Юниор» ва бошқа тегирмонларда янчилади. Донлардан навли унлар олиш учун янчиш синаб ёпишда, хамирнинг чўзилувчалик хусусиятларини аниқлашда, амилографик баҳолашда ва седиментал таҳлил учун зарурдир.

Макарон маҳсулотларини баҳолаш. Макаронлар — ундан тайёрланадиган маҳсулот турларидан биридир. У намлиги 13 фоизли чучук хамирнинг консерваланган ҳолдаги маҳсулотидир. Мамлакатда макарон маҳсулотлари маҳсус таомлар ва гарнир сифатида фойдаланилади. Яхши сифатли макарон куруқ ҳолида жуда пишиқлиги, сариқ ёки оч-сариқ, бўз, туссиз рангли (сирти ва синган ерида), қайнашга чидамлилиги (қисмлари ва ёпишқоқлигини йўқотмасдан ҳажми каталашади) билан таърифланади. Юқори сифатли макаронлар қаттиқ (пишиқ) ёки юқори ойнаванд юмшоқ буғдойнинг бир неча навларидан тайёрланади. Қаттиқ буғдойнинг қимматлигини аввало уни кўп тарафлама юқори ва биринчи навли маҳсус йирик шаклдаги макарон унининг ишлаб чиқарилишига қараб аниқланади. Одатда яхши, қаттиқ буғдойлардан 60 фоиздан ортиқ юқори навли ун олинади.

Фақат етарли юқори оқсиллик ва юқори ойнавандлы ҳамда клейковина (унда 28 фоиздан оз әмас) миқдори күп бўлган қаттиқ буғдой донларидан аъло сифатли макаронлар ишлаб чиқарилади. Кам оқсилли ва оз клейковинали қаттиқ буғдой донлари макарон уни олишга яроқсизdir, улар юмшоқ буғдой донлари билан аралаштирилиб нон ёпиш мақсадида ишлатиладиган ун ишлаб чиқарилади. Шунинг учун қаттиқ буғдой дони ўз сифати (синфи)га кўра юмшоқ буғдой донига қарангда юқори нархда сотилади.

**УЧИНЧИ БҮЛІМ
ДОННИ ОЗИҚ-ОВҚАТ, УРУҒЛИК ВА ЕМ-ОЗУҚА
МАҚСАДИДА САҚЛАШНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЕТИ**

VII бөб. ДОН ҮЮМЛАРИНИ САҚЛАПІ

**Дон үюмининг таркиби ва уннинг
компонентлари таърифи**

Донлар бир-биридан ташқи күрінниши ва ички тузилиши билан фарқланса-да, сақлаш обьекти сифатида күпгина ўхшашликларга эга. Тұкиб сақланадыган дон тұпламини «дон үюми» деб аташ қабул қилинганды. Ҳар хил мақсадларда ишлатыладыган дон ёки бошқа әкінлар уруғларини оиласы, туридан қатъий назар улар учун құлланиладыган «дон үюми» деган иборани техник жиҳатдан мойил термин сифатида тушуниш керак. Ҳар қандай дон үюми қуйидагилардан ташкил топған:

1. Асосий әкін дони (уруги).
2. Арапашмалар.
3. Микроорганизмлар.

Дон ва арапашмалар шакли, катта-кичиклиги ҳар хил бұлған ұажмға жойлаштырылғанда ұаво билан тұлған бўшлиқ ҳосил қиласы. Бу эса дон үюмини таркиби бўйича, ҳарорати ва ҳатто ұаво босимини фарқи билан алоҳида ажратып турасы. Шу боисдан донлар орасидағи бўшлиқ дон үюмини ташкил қилувчи компонентлар қаторига киритилған. Кўрсатиб ўтилған доимий компонентлардан ташқари, айрим дон тұпламларыда зааркундалар бўлиши мумкин. Дон үюми улар учун озуқа манбай бўлғанлиги сабабли мавжуд донларнинг ҳолатига таъсир кўрсатади. Шунинг учун улар дон үюмининг қўшимча энг керак бўлмаган бешинчи компоненти ҳисобланади. Шундай қилиб, дон үюмини сақлашда ва ишлов беришда энг аввало уларни комплекс тирик

организмлар, деб қараң керак. Микроорганизмлар дон уюмининг доимий мұхым компонентлари дидир. Үнинг 1 грамнда ўнлаб, минглаб ҳаттоқи миллионлаб микробиологик дунё вакилларини топиш мүмкін.

Маълумки, ўсимликнинг юзасида эпифит деб номланған микроорганизмлар мавжуд. Ўсимликда мевалар ва уруғ ҳосил бўлганда, эпифитлар уларнинг юзасига тарқалиб жойлашган бўлади. Айни вақтда оддий шароитда соглом ўсимликда ривожланиб унинг тўқималарига салбий таъсир этмайди. Улар ўсимликнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган ҳужайра ва тўқималар озуқа моддаларі билан озиқланади. Бизни қизиқтираётган дон ўсимликлари эпифик микрофлораси турларининг таркиби асосан бир хил бўлиб, улар бактериялардан иборатдир. Эпифит турига қуйндаги *Ps herbicola*, *Psxlougevicens* ва бошқа бактериялар мисол бўлиши мүмкін. Донда сўнгги микроорганизмларнинг тўпланиши асосан ҳосилни йигиштириб олиш пайтига тўғри келади. Органик ва минерал моддаларининг чангли заррачалари билан, бегона ўт уруғлари ва бошқа ўсимлик қисмлари билан, сапрофит микроорганизмлар тупроқдан дон уюмига ўтиши мүмкін. Мева ва уруғнинг юза қисмida микроорганизмларнинг тўпланишига уларнинг морфологик хусусиятлари ёрдам бериши мүмкін: юзасининг бўғимлиги, ғадир-будурлиги, узун чуқур йўлчаларнинг бўлиши ва ҳоказолар. Шундай қилиб, дон уюмининг микрофлораси сапрофит, фитопатоген ҳамда одам ва ҳайвонлар учун патоген микроорганизмлардан ташкил топган. Микрофлоранинг кўпчилик қисмини сапрофитлар ташкил этади. Уларнинг ичида кўпчилиги эпифит бактериялардир. Тўғри ўриб олинган янги дон уюмидан бактерияларнинг сони 96—99 фоизгача етиши мүмкінлиги кўпгина изланишлар бўйича исботланган. Қолгандарни замбуруғ ва актиномицетларни ўз ичига олади. Маккажўхори сўталарининг микрофлораси унинг етилиш давридаёқ моғорлаган замбуруғларнинг сони кўплиги билан фарқди равишда ажралиб туради. Худди шундай микрофлорани ажралиб туриши маккажўхори донинга ҳам хосдир. Мева ва уруғ пўстлоғининг ғоваклиги микроорганизмларни унинг ички тўқима ва куртаклари орасигача ўтиб кетишига имкон яратади. Микроорганизмларнинг бундай тарқалиши кунгабоқарнинг уруғи, соябондошлар оиласига киравучи сабзавот экинлари уруғларига хосдир. Шундай қилиб, уруғларда

субэпидермик микрофлора юзага келади. Субэпидермик микрофлоранинг тўпланишига уруғларни етилиш давридаги ҳавонинг юқори даражадаги намлиги, ёғингарчилик кўп бўлиши имконият туғдиради. Донни сақлашда, унинг юқори даражадаги намлиги қўл келади. Субэпидермал замбуруғли микрофлоранинг таркибига қараб, микроорганизмларнинг дон уюмига таъсир этиш даражасига кўра холоса чиқариш мумкин. Субэпидермал микрофлора бошланишида дон учун унчалик зарарли бўлмаган дала моғорлари (*Dermatirum*, *Clado-Sporium* ва *Alternaria* бўлади). Қейинчалик бу моғорлар *Aspergillus* турига мансуб замбуруғлар билан йўқотилиб ташланади. Бу тур донда яхши ривожланиб, уничг муртагигача салбий таъсир этиб, доннинг сифат кўрсаткичларининг пасайшишига олиб келади. Кўп миқдорда дон маҳсулотларининг нобуд бўлиши уюмлардаги ҳар хил ҳашарот ва каналарининг куйиб кетиши оқибатида рўй беради. Дон уоми хусусиятларини ўрганишдан маълум бўлдики, улар ўзининг табиатига кўра иккя груп — физик ва физиологик групга бўлинади. Ҳар бир групнинг хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғланганлигини ҳисобга олган ҳолда дон уюмларини сақлашни маҳсадга мувофиқ ҳолда амалга оширса бўлади.

Маҳсулотларнинг физик хусусиятлари. Дон ўзига хос физикавий хусусиятларга эга бўлиб, улар дон тури, анатомик тузилиши, пўст қобиғи, силлиқлиги, намлиги, ифлослиги ва бошқа кўрсаткичларга қараб бирмунча фарқ қиласди. Донни сақлашда, қайта ишлашда, ортиш ва туширишда бу хусусиятлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улардан тўғри фойдаланилса сақлаш даврида нафақат нобудгарчилик миқдори камаяди, балки маҳсулот сифатига зарар етмайди ҳамда сақлашни ташкил этиш учун сарфланадиган харажат ҳажмининг камайишига олиб келади. Замонавий элеваторда ва дон сақлайдиган омборларда дон ортиш, тушириш ва бошқа тадбирлар автоматлаштирилган бўлиб, барча ишлар механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Бу жараёнларни сифатли ва исрофсиз ўтказиш учун доннинг қуидаги асосий физик хусусиятларини инобатга олиш зарур: тўкилувчанлиги, ўз-ўзидан сараланиши, ғоваклиги, ўзига турли ҳид ва намликни сингдириш (сорбция) ва чиқариши (адсорбия), иссиқлик ўтказиш, сақлаши ва бошқалар.

Доннинг тўкилувчанлиги. Дон уоми тўкилувчан бўл-

ганлиги сабабли уни ортиш, тўкиш, элеватор ва омборларга жойлаштириш, транспорт воситаларида ҳаво босими ёрдамида донни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш бирмунча енгиллашади. Дон уюми тўкилувчанлигининг яхши бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Барча тегирмон, элеватор, ёрма тайёрланадиган корхоналарда донларни саралаш, уларга ишлов бериш ва сақлаш, қуритиш жараёнлари донларнинг тўкилувчанлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Элеваторларда донлар транспортёр ёрдамида юқорига чиқарилиб, пастга, яъни тегирмонга тушгунча бир қатор технологик ишловлардан ўтказилади (тозаланади, қуритилади). Бу жараёнлар донларнинг ўз-ўзидан тўкилиш қонуниятни асосида рўй беради.

Тўкилувчанлик нафақат доннинг майдалигига, ташки қиёфа тузилишига, қобиғининг силлиқлигига боғлиқ бўлибгина қолмасдан, балки доннинг намлиги, ифлослиги ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқдир. Доннинг тўкилувчанлиги қанчалик яхши бўлса, дон сақланадиган элеватор ҳажмларига дон шунчалик тез жойлаштирилиши мумкин. Дон уюмининг тўкилувчанлиги унинг ишқаланиш ва қиялик бурчагининг бир-бирига бўлган инсбати билан таърифланади.

Доннинг ишқаланиш бурчаги деб унинг силжиб борадиган қиялигига айтилади. Доннинг тўкилишидаги қиялик бурчаги деганда унинг бир-бирига тегиб сирғалиши тушунилади. Энг кам ишқаланиш ва қиялик бурчакли ёки энг яхши тўкилувчан донларга юзаси силлик ҳамда юмалоқ шаклда бўлган дон турлари (тариқ, мөш, нўхат, ловия) киради.

Доннинг пўст қобиғи қанчалик нотекис, шакли турлича бўлса дон уюмининг тўкилувчанлиги шунчалик ёмон бўлади. Буларга арпа, шоли, сули ва бошқа донлар киради.

Дон уюмида бегона аралашмалар қанча кўп бўлса, доннинг тўкилувчанлиги шунчалик ёмонлашади. Айниқса, кўп миқдорда сомон, дон қобиғи сингари енгил аралашмалар кўп бўлса доннинг тўкилувчанлигига салбий таъсир этади.

Дон уюмининг намлиги юқори бўлса ҳам доннинг тўкилувчанлиги ёмонлашади. Аммо бу кўрсаткич ҳам доннинг шакли ва қобиғининг силлиқлигига қараб бирмунча ўзгаради. Дон уюмини сақлаш даврида ҳам доннинг тўкилувчанлиги донларни сақланиш қобилия-

тига қараб ҳам ўзгариши мумкин. Масалан, қизиган донларнинг тўкилувчанлиги кескин ёмонлашади. Шунингдек, дон уюмининг турлари бўйича талаб этилган шароит яратилмаган ҳолда уларнинг тўкилувчанлиги умуман йўқолиши мумкин. Масалан, арпа донининг тўкилиш табиий қиялиги 28 дан 45° гача, буғдойники 23— 38° гача, тариқники 20 дан 27° гача бўлиши мумкин. Доннинг тўкилувчанлиги, тўкилиш табиий қиялигини билмаган ҳолда донни қабул қилиш, ишлов бериш ҳамда ташишда ишлатиладиган техника воситалари, транспортёрлардан тўғри ва унумли фойдаланиш имкониятига эга бўлмаймиз. Айниқса, дон сақланадиган омбор, элеваторларнинг лойиҳаларида, дон ортадиган ва тушириладиган механизмларни ўрнатишда ҳам дон уюмининг тўкилувчанлигини билиш шарт.

Доннинг ўзи-ўзидан сараланиши. Донни қабул қилишда, яъни омбор ёки элеваторларга жойлаштиришдаги тўкилиш жараёнида дон оғирлиги ва таркибидаги турли аралашмалар миқдори ҳамда турига қараб, ўз-ўзидан сараланиб жойлашади, бу эса дон уюмини сақлаш даврида салбий жараёнларнинг кечиши учун қулай шароит яратади. Айниқса, этилмаган пуч донлар, бегона аралашмалар бир жойга тўпланиб қолган тақдирда турли микроорганизмларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратилади ҳамда дон уюмининг ўз-ўзидан сараланиши уларни вагон, автомашиналарга юклашда, ташнида тез ўтади. Силкиниши натижасида оғир, бўлиқ донлар пастки қаватга тўпланиб, пуч ва енгил донлар, турли аралашмалар дон уюмининг юқори қисмида ажралиб қолади. Доннинг сараланиши, айниқса, узоқ муддатга сақлаш учун мўлжалланган дон уюмлари учун жуда хавфлидир. Омбор ёки элеваторларга донларни жойлаш жараёнида дон уюмининг қисмларидағи говакликда физиологик фаол донлар ажралиб жойлашади. Доннинг бу физик хусусияти уни сақлашда салбий таъсир этади. Шунинг учун ҳам дон уюмини жойлаш, ташиш ва сақлашда имконияти борича донларнинг сараланишига йўл қўймаслик керак. Бундан ташқари, доннинг ифлосланганлиги ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун, олинадиган намуналарнинг аниқ бўлишида дон уюмининг шу физик хусусиятини эътиборга олиш лозим.

Дон уюмининг говаклиги уни сақлаш даврида кечиладиган барча физиологик ва биологик жараёнларга

таъсир этади. Ғоваклик фақатгина доининг морфологик тузилишига, йирик ва майдалигига бўлибгина қолмай, балки унинг намлиги, қалинлиги, бегона аралашмалар миқдори ҳамда унинг бир текислигига бўлиқдир. Дон ўюмининг ғовакларидағи ҳаво ўюндаги ҳар бир тирик организмни узоқ муддат ҳаво билан таъминлаб туради. Шунингдек, дон ўюми оралиғидаги ҳаво уруглик донларни униш қобилиятининг сақланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Дон ўюми жойлашида зичлик қанчалик кам бўлса, ғоваклик шунчалик катта бўлади. Бу эса ўз навбатида кўп жойни талаб этади.

Дон ўюмидаги ғоваклик ҳажми дон тури, намлиги ва бошқа кўрсаткичларга қараб турлича бўлиши мумкин. Масалан, буғдоини 1,2—1,4 г. см³ ҳажмда зичланганда унинг асл оғирлиги шунга мувофиқ 730—820 г.л. бўлади. Доининг зичланиши билан натура орасидаги фарқ доининг ғоваклик ҳажмини аниқлайди. Шундай қилиб, доининг ғоваклиги оралиғидаги ҳажми дон ўюмини эгаллаган умумий ҳажмга нисбатан белгиланади. Дон ўюми ғоваклигини (S) қўйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$S = \frac{W - V}{W} \cdot 100$$

бунда: W — дон ўюми эгаллаган умумий ҳажми, м³; V — ҳақиқий дон эгаллаган ҳажм, м³.

Дон ўюмининг ичида йирик ва майда донлар аралаш бўлса, дон ўюми зич жойлашиб, ғоваклиги бирмунча кам бўлади, донлар йирик-майдалиги бир текис бўлса, юмалоқ ҳамда пўсти нотекис бўлган донларда ғоваклик бирмунча кўп бўлади (12-жадвалга қаранг).

Дон ўюмидаги намлик қанча кўп бўлса, тўкилувчаник шунчалик қийинлашади ҳамда ўюмининг зичлиги ошади ва бу ҳол дон ўюми орасидаги ғовакликнинг камайишига олиб келади. Донларнинг сараланиши дон ўюмининг ўзгаришига сабаб бўлади. Бу фарқ фаол шамоллатиш, қуритишда турли қаватларида ҳаво билан нотекис тақсимланишига олиб келади.

Дон ўюмининг сорбция хусусиятлари. Дон ўюми намлик, буғ ва ҳидларни ташқи муҳитдан ўзига сингдириб олиш ва чиқариш қобилиятига эга. Дон ўюмидаги ғоваклик, унда капиллярлар бўлиши яхши сорбент эканлигини билдиради.

Дон уюмининг ҳажми ва ғоваклиги
 (Л. А. Трисвятский бўйича)

Экин турлари	Ҳажми, 1м ³ кг	Ғоваклик, %
Буғдои	730—840	35—45
Арса	580—700	45—55
Сули	400—550	50—70
Жавдар	680—750	35—45
Шоли	440—550	50—65
Маккажӯхори	680—820	35—55

Буғ, ҳид, нам ва бошқа суюқликларни дон уюми томонидан сингдирилиши сорбция, унинг акси, яъни дон уюмидан чиқарилиши адсорбция хусусиятлари ҳисобланади. Дон уюмларининг углерод, азот, аммиак, турли кислота ва бошқа бирималардан юзага келадиган газларни ўзига сингдириб олиши, айниқса, кучлидир.

Транспорт воситаларининг ишлаши натижасида чиқадиган турли газ ва буғларни ҳам дон уюми ўзига енгил сингдиради. Дон уюми томонидан сингдирилган нефт маҳсулотлари ҳидини йўқотиш жуда қийин. Шу бонсдан дон уюмининг сорбция хусусиятларини чуқур билиш зарур. Дон сақлаш омборлари ва транспорт воситалари умуман бегона ҳидсиз бўлиши шарт.

Дон уюмини сақлашдаги бунинг ижобий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, донни сақлаш жойларини фаол шамоллатиш, бегона ҳид ва газлардан ҳоли этиш каби тадбирлар дон уюмининг сорбция хусусиятига узвий боғлангандир.

Ҳаводаги намликини дон уюми томонидан сингиши, капиллярлик ғовак тузилишга хослиги унинг сувга таъсиричан маҳсулот эканлигини билдиради. Ушбу хусусият дон уюми таркибий қисмларининг ҳаммасида — дон, микроорганизм ва зааркунандаларда ҳаёт фаолияти давом этади. Дон сиртида сув буғи сингдирилиши ва намлигининг ошиши ҳавода сув буғининг босими дон юзасидаги сув буғининг босимидан юқори бўлса рўй беради.

Дон юзасидаги сув буғининг босими ҳавоникидан паст бўлса, дон уюмидаги сув буғи ҳавога тарқалади ва намлик пасаяди.

Нам алмашинув жараёни дон ўюми билан ҳаво ўртасида узвий боғланган ҳолда ўтиб, улардаги сув буғининг босими тенглашгунча давом этади. Дон ўюми ва ҳаво намлиги босимларининг тенглашгандаги даражаси доннинг мувозанат намлиги деб аталади.

Дон экинлари маҳсулотининг мувозанат намлиги, ташқи кўриниши, етилганлиги маҳсулот ўлчамлари ва асосан кимёвий таркибига ҳам боғлиқdir. Айниқса, мойли ўсимликлар донлари мувозанат намлиги фалла экинлари донларига нисбатан кескин фарқ қилиб, деярли икки баробар камдир.

Дон ўюмининг иссиқ-физик таърифи. Иссиқ-физик хусусият асосан дон ўюмидаги иссиқлик алмашинувини натижасида рўй беради. Бу хусусиятни сақлаш, қуритиш ва фаол шамоллатишда инобатга олиш зарур.

Дон ўюмларининг иссиқлик ўтказиш коэффициенти 0,42—0,84 кДЖ ($\text{kg}^{\circ}\text{C}$) атрофида, буғдойнинг алоҳида донида эса 0,68 кДЖ бўлади. Дон ўюмининг паст даражада иссиқлик ўтказиш қобилияти унинг органик таркиби ва ҳавонинг мавжудлигига боғлиқ бўлиб, унда иссиқни ўтказиш коэффициенти бор-йўғи 0,084 кДЖ ни ташкил этади. Дон ўюмидаги намлик миқдори ортиши билан унда иссиқлик ўтказувчанилиги кучаяди (сувни иссиқ ўтказувчанилиги 2,1 кДЖ), аммо нисбатан пастлигича қолади. Дон ўюмининг иссиқ ўтказувчанилигининг сустлиги паст ҳарорат ўтказувчанилиги билан бирга, сақлаш даврида ижобий ва салбий томонлари ҳам бор.

Ҳарорат ўтказувчанилик коэффициенти маҳсулотларда ҳарорат ўзгаришининг тезлиги, унинг иссиқ инерция хусусиятларини билдиради. Дон ўюми жуда паст ҳарорат ўтказувчанилик хусусиятига, яъни юқори иссиқ инерциясига эгадир. Дон ўюмларининг ҳарорат ўтказувчанилик коэффициенти пастлигининг ижобий аҳамияти шундан иборатки, яхши режимда ташкил этилган (вақтида совутилган) йилнинг иссиқ даврида ҳам дон ўюмидаги қўйи ҳарорат сақланади. Шунингдек, дон ўюмини совуқ усулда консервалаш имконияти туғилади. Ҳарорат ўтказувчаникни салбий томони шундаки, физиологик жараёнларни қулай шаронтларда фаол ўтиши натижасида (дон, микроорганизм, ҳашарот ва каналарнинг ҳаётийлигин) ажralадиган иссиқлик дон ўюмларида ўрнашиб қолиши ва унинг ҳароратини ошириши, яъни ўз-ўзидан қизишини юзага келтириши мумкин.

Дон ўюмидаги ҳароратнинг ўзгариш тезлиги донни

сақлаш усули ва омборхона турига боғлиқларини назарда тутмоқ керак. Оддий омборларда дон уюмининг баландлиги унчалик юқори эмас. Шу сабабли атмосфера ҳавосининг таъсир этиш даражаси юқоридир. Бу ерда ҳарорат ўзгариши элеватор хирмонларига қаранганд сезиларли даражада жадалдир. Элеватор хирмонларидаги эса атмосфера ҳавосининг таъсири жуда сукт, чунки ёмон иссиқ ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган деворлар билан ҳимояланган бўлади.

Ҳароратли намлик ўтказувчанликни, ўз-ўзидан қизиши жараёнининг келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганиш, унинг мазмуни бошқа бобда келтирилган. У кўрининишича, намли дон уюмида иссиқлик билан қўчали. Дон уюмидаги намликнинг бундай ҳаракати ҳарорат градиентига асосланган бўлиб, ҳароратли намлик ўтказувчанлик деб аталади.

Бу хусусият амалиётда катта аҳамиятга эгадир. Иssiқ ва ҳарорат ўтказувчанилиги ёмон бўлган дон уюмларининг баъзи қисмларида, айниқса энг четки қисмларида (хирмон усти ҳамда омбор девори ёки сатҳига ёндошган) ҳарорат кескин ўзгариб туради, бу эса ўз навбатида намликнинг (асосан буғ шаклида) иссиқ тўлқини йўналишида ҳаракат қиласди.

Натижада дон уюмининг у ёки бу чет қисмидаги намлик сатҳида кондицион иссиқлик юзага келиши билан кўтарилади.

Дон экинлари ҳосилини йигиштириш ва қабул қилиш. Дон экинлари ҳосилини йигиб-териб олиш дон етишириш ва унинг ялпи ҳосилини оширишдаги энг сўнгги масъулиятли давр ҳисобланади. Үрим-йигим ишларини ўз вақтида ва қисқа мuddатда тугаллаш, нобудгарчиликнинг олдини олиш дон экинларидан мўл ҳосил етиширишининг асосий гаровидир. Мамлакатимизда дон экинлари ҳосилини олдин ўриб, кейин йигиб олиш асосий усул ҳисобланади. Бунда экинлар дони мум пишиқлик даврида ўроқ машинада ердан 15—25 см баланддан ўрилиб, қуритиш учун анғизга ташлаб кетилади. Ўрилган дон экинлари қуриши пайтида дони пишиб етилади. Донининг қуришига қараб ўриб қўйилган дон экинлари йигиштиргич ўрнатилган комбайнда йигилади ва янчилади. Қуруқ похоли тезда даладан ташиб кетилади, қуруқ ва тоза дон қўшимча равишда тозаланмасдан ва қуритилмасдан тайёрлов пунктларига топширилади. Ҳосилни олдин ўриб, кейин йигиб олиш усули-

нинг афзаллиги шундаки, у тўғридан-тўғри ўриб янчишга қараганда ўримни 5—6 кун эрта бошлашга имкон беради, нобудгарчилик кескин камаяди. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини оширади, натижада ўрим-йигим муддати анча қисқаради. Дон экинлари ҳосили олдин ўриб, кейин йигиб олингандан доннинг физикавий, уруғлик ва унининг нон ёпилиш сифатларин тўғридан-тўғри ўриб янчилган донникига қараганда яхши бўлади. Айниқса, қалин ва баланд бўйли, шунингдек бегона ўт босган, бир текис етилмаган ва ерга ётиб қолган дон экинлари ҳосилини йигиб олишда бу усул яхши натижка беради.

Ҳосили етилиб дони тўкила бошлаган пайтда, яъни ўрим-йигим кечиккандан, шунингдек, ўсимликлар паст бўйли ёки сийрак чиққан ерларда ҳосил бевосита ўриб олинади.

Олдин ўриб, кейин йиғиши усули тўғридан-тўғри ўриб яниш усули билан боғлаб олиб борилса, ўрим-йигим ишлари муддати анча қисқаради ва нобудгарчилик камаяди. Ҳосилни комбайнда ўриш учун далалар бегона ўтлардан тозаланган, экин текис ўсган ва ҳосили бир вақтда етилган бўлиши керак. Умуман дон экинларни ҳар хил муддатда етилади. Масалан, кузги арпа кузги жавдарга қараганда эрга, кузги жавдар кузги бугдойга қараганда барвақт етилади. Кузги буғдој эса баҳорги дон экинларидан барвақт пишади. Булардан энг аввал арпа, кейин буғдој ва сули етилади.

Республикамизнинг жанубий туманларида дон экинлари шимолий туманлардагига қараганда 10—11 кун илгари етилади. Тоғли ҳудудларда ҳосилнинг етилиши ва ўриб-йигиб олиш муддати 30—40 кунгача кечикиши мумкин. Лалмикор ва сугориладиган ерларда кузги ва баҳорги буғдоининг ҳосили етилса ҳам, дони тўкилиб кетмайди, ўриб ётқизиб кетилганда вақт ўтиши билан янада яхши етилади. Лекин ўрим-йигим ишлари кечиктирилса, доннинг тўкилиши, бошоқларнинг синиши, донни паррандалар ва зааркунандалар еб кетиши ва бошқалар ҳисобига нобудгарчилик ортади. Масалан, буғдој кеч ўрилса, далани ўт, айниқса янтоқ босади, улар комбайн бункерига тушиб доннинг намлигини, бу эса донни қуритиш харажатларини оширади. Шунга кўра, дон пиша бошлаши биланоқ комбайн билан ўришга киришин керақ. Кузги ва баҳорги арпа эрта, деярли бир текис пишади, улар ўрилгандан кейин қуриш вақ-

тида яхши етилади. Улар тұла пиша бошлаганда комбайнда ўрилади. Щрим-йиғим бундан кечикирилса, арпа бошоғи ерга ётиб, мұрт бўлиб қолади, дони тўкила бошлайди, натижада анчагина ҳосил нобуд бўлади. Айниқса, кўп қаторли арпа кеч ўрилса, дони кўп тўкилади.

Кузги жавдар бир текис етилади, лекин ўрим кечикирилса, унинг дони ҳам кўплаб нобуд бўлади. Шунинг учун уни мум пишиқлик даврининг охирида қисқа муддатда ўриб олиш керак. Сули бир вақтда пишмайди. Аввал рўвачининг юқорисидаги бошоқчалари етилади. Сули рўвачининг юқори қисмидаги донлар мум пишиқлик даврининг охирида — олдин ўриб, кейин йиғиб олинади. Рўвачининг ўша қисмидаги донлар тұла пишганда бевосита комбайнда ўрилади. Республикаизнинг лалмикор туманларинда дон ўришнинг асосий усули бевосита ўриб янчишдан иборат. Лекин дон экинларини олдин ўриб, кейин янчиш усули катта афзалликларга эга бўлишига қарамасдан, уни рељефи текис, кўчатлар қалинлиги яхши бўлган майдонларда тўғри қўллаш керак бўлади. Ана шу хилдаги майдончаларда ўрим-йиғимни дон экинларининг мум пишиқлик даврида, яъни тұла пишишидан 7—8 қун олдин бошлиш керак. Ҳосил июн-июл ойларинда ўриб йиғилса, доннинг намлиги кўпинча 6—7 фонзгача камайиб кетади, бундай құруқ дон янчиш вақтида майдаланиб кетади (унинг оқшиқ миқдори 6—8 фонзгача етади). Бундан ташқари, дон дарз кетади, муртаги зарарланади, бу эса урғеликнинг сифатини пасайтириб юборади. Бунга йўл қўймаслик учун комбайннинг қисмлари ўриладиган экиннинг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда созланади. Дон экинлари энг қиска муддатда — дони пиша бошлагандан кейин 10—12 иш кунида ўриб-йиғиб олинади. Ўриш баландлиги 15—20 см дан ошмаслиги керак. Агар бунлан баланд ўрилса, кўплаб бегона ўтлар далада қолиб кетиб, кейин далани жуда ҳам кўп ўт босади.

Суфорнладиган ерларда кузги ва баҳорги дон экинларини, албатта олдин ўриб, кейин йиғиб олиш керак. Бунда нобудгарчиллик камаяди ва дала барвақт бўшайли. Дон экинлари ҳосили, одатда гуруҳ усулида ўриб-йиғилади, натижада агрегатларга техникавий хизмат кўрсатиш осонлашади ва дон ташладиган машиналардан самараали фойдаланилади.

Силос учун экилган маккажӯхори ҳосили дони сут

пишиқлик давридан ўрила бошланиб, мум пишиқлик даврида ўрим тугалланади. Бу даврда маккажўхори энг кўп озиқа бирлиги тўплайди, намлиги 65—70 фоиз бўлади ва яхши силосланади. Ўрим бундан кечикса яшил уюм ҳосили дағаллашади ва суви қочиб қолиб, қўшимча равишда намлаш керак бўлади. Агар муддатидан эрта ўрилса, ҳосили камаяди, силоснинг сифати ва тўйимлилиги пасаяди.

Комбайнларнинг ишлаши гуруҳ усулида ташкил этилади. Бўйи 4—5 метр ва ундан юқори бўлган маккажўхори ҳосили қайта ускуналанган силос қирқадиган комбайнларда ўрилади. Хирмонга келтирилган сўталар ўрама барглардан тозаланади. Тозаланган сўталар ерга юпқа қилиб ёйиб қуритилади. Шундан сўнг, яхшилаб сараланади ҳамда хом, касаллик ва зааркунандалар билан таъсирангандарни, шу нав учун хос бўлмаган сўталар ажратиб олинади. Турли маҳсулотлар тайёрлаш учун экилган маккажўхорининг қуруқ сўталари маҳсус омборларда сақланади. Кўкат озиқ учун экилган маккажўхори рўвак чиқаргунга қадар ўриб олинади, чунки бу даврда ҳали яшил пояси дағаллашмаган бўлиб, таркибида озиқ моддалари кўп (поясида 5 фоизгача қанд моддаси) бўлади. Бунда маккажўхори пичан ўриш машинасида поясининг пастидан кесиб ўрилади.

Шоли ҳосили етилганда унинг пояси яшил рангини ва намлигини сақлаб қолади. Шунга кўра, шоли ёппасига ерга ётиб қолиши мумкин. Шоли муддатга мувоғиқ ўрилганда похолнинг намлиги 60—70%, доннинг намлиги 22—26% ни ташкил қиласи. Шолини янчишда дони енгил янчилади ва кепагидан яхши ажралади, ёйиб қўйиб қуритилганда эса ёрниб кетади. Ўрим-йиғим ишлари бошлангунча далани яхшилаб қуритиш учун шоли донининг сут пишиқлик даври бошларида полларга сув кам қуйилади, мум пишиқлик даври бошларида эса бутунлай суғорилмайди.

Шоли рўвакларининг уч қисмидаги бошоқчалар энг олдин етилади. Товар маҳсулоти учун шоли ўсимлигининг 75 фоизида рўвакларнинг ўрта қисмидаги бошоқчалар етилганда, уруғлик учун эса 90—95 фоизи етилганда ўрилади.

Ҳосилни ўриб-йиғиб олишнинг асосий усули комбайнда олдин ўриб, кейин йиғиб олиш, айрим ҳолларда комбайнда тўғридан-тўғри ўриб янчишдан, шунингдек, кичик-кичик поллардаги ҳосилни қўлда ўриб олишдан

иборат. Шоли ердан 15—18 см баланддан ўрилади. Шоли бундан паст ўрилиб, ёйиб қўйилганда ерга тегиб қолади, яхши қуримайди, натижада могорлаб, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади. Янада баланддан ўрилганда эса паст бўйли шоли рўвакларининг баъзилари ўрилмай қолиши натижасида ҳам ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади, ўрилган шоли уюмлари ерга тўкилиб кетади. Ўрилган шоли уюмларининг кенглиги 1,5 м гача, қалинлиги 15—18 см бўлиши керак. Шунда шоли рўвакларининг 80 фоизи уюмининг устида бўлади. Қаторлаб экилган шоли сеялка юришига нисбатан кўндаланг ўрилади. Бунда ўриб анғизига ётқизилган шоли ерга тегиб қолмайди. Ерга ётиб қолган шоли ўроқ машинада ётган томонига қарама-қарши юргизиб ўрилади. Ўриб қўйилган шоли поясининг намлиги 20 фоизга, донининг намлиги 16—17 фоизга келганда янчилади. Кейинги йилларда шолини ўриш олдидан десикация қилиш усули кенг қўлланилмоқда. Шоли тупларини ўриши олдидан жойида десикантлар билан қуритиш уни бевосита комбайнда ўриб-янчиб олишга имкон беради. Десикантлар билан ишлов берилгандан кейин 5—7 кун ўтгач, ҳосили бевосита комбайнда ўриб-йифиб олинади.

Нут — дуккакли дон ўсимлиги бўлиб у ёзниг энг иссиқ даврида — июн, июлда пишади. Пишганда, мева банди ва дуккак чаноқлари тез қуриб қолади, агар тез ўриб-йифиб олинимаса, ҳосилнинг кўпчилик қисми нобуд бўлади.

Нут ўроғи ва майдалагич аппарати тўғри жиҳозланган комбайнда йифилади. Паст бўйли ва дуккаги пастда жойлашган ўсимликларни механизм ёрдамида йигиштириш қийин бўлади. Шунинг учун, нутни комбайнда ўриш учун уни текис далаларга экиш, юқори агротехникада парвариш қилиш, шудгорни текислаш учун экин экишдан олдин мола бостириш ва комбайнни паст ўришга созлаш керак.

Мош ўсимлигининг 70 фоиз дуккаги пишганда дон учун йигиб олинади. У эрталаб ёки кечқурун ўрилади, бу донининг тўкилиб нобуд бўлишини камайтиради. Мош асосан олдин ўрилиб, кейин йифиб олинади. Пастдан ўрилган мош даланинг ўзида 3—4 кун қуритилади, сўнгра комбайнда йифиб олиниб янчилади. Қичик майдонлардан ўриб олинган мош янчиладиган жойга ташилади, у ерда қуритилиб, сўнг янчилади.

Кўкат-озиқ ва пичан учун мош ёппасига гуллаганда

ўриб олинади, күкат ўғит учун дуккак ҳосил қила бошлаганда, ўроқ машинада ўрилиб, тупроққа құшиб ҳайдаб юборилади. Вигна ўсимлигіда ҳам 79 фоиз дуккак пишганда дон учун йиғиб олинади, у асосан олдин ўрилиб кейин йиғилади.

Вигна ўроқ машинада ўрилади, қуригандан кейин туплары йиғилиб, дакқаклы дон әкинлари учун мослаштирилган комбайнда янчилади. Бошқа дуккаклы донлар ҳам шу тариқа йиғиштириледи.

Донларни қабул қилиш. Жамоа, фермер, давлат ва бошқа турдаги хұжаликтарда етиштирилиб тайёрланған донлар дон сақлаш учун мослаштирилған омбор, элеватор ва бошқа дон қабул қилувчи ташкилоттар омборларига жүннатилади. Бундан ташқари, айрим ҳолларда янги ҳосил донларини қайта ишловчи йирик корхоналар, жумладан, ун, ёрма, оміхта ем ва ёғ заводлари ўз омборхоналарыда сақлаш учун донларни қабул қилиади.

Дон, уруғлик донларни сақлаш бүйича юқори ташкилоттар ишлаб чиққан күрсаткичларга асосан жорий йилдаги дон ҳосилини қабул қилиш ва жойлаштиришдан аввал корхона бош мұхандиси (директор ўринбосары) ва технологик-ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғы донларни жойлаштириш, уларға ишлов беріш ва қабул қилиш режасини ишлаб чиқади ҳамда у корхона раҳбари (директор) томонидан тасдиқланади. Режани ишлаб чиқишида дон әкинларини ўсимликлар турлари ва навлары бүйича тахминий ҳосилдорлігі, дон сотиб олиш ҳажми, бошқа корхоналардан донларни келиб тушиши ва жүннатилиши, олдинги йиллардан қолған доннинг қолдиги, олдинги йиллар маълумотларига асосан доннинг сифат күрсаткичлари, жиҳоз-ускуна ва технологик тизимни мақсадға мувофиқ равишда қўллаш, технологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда дон омборхоналари сиғимини дон тұпламларига мосшаклга келтириш (тур, нав ва бошқа күрсаткичлари), доннинг миқдори, ахволи ҳамда бир мақсад бүйича ишлатиш, дон уюминнинг сифатини бузмасдан сақлашни таъминловчи ҳосилни йиғиб-териб олғандан кейин донға ишлов беріш мүддатини ўз вақтида тугаллаш ҳамда дон билән бўладиган ишлар, жойини кам ўзгартирилиши ҳисобига механизациядан тўла фойдаланиш каби ишлар инобатга олинади.

VIII бөб. ДОН ҮЮМЛАРИНИ САҚЛАШДА РҮЙ БЕРАДИГАН ФИЗИОЛОГИК ЖАРАӘНЛАР

Дон уюмидаги тирик компонентлар (бошқа ўсимликларнинг дон ва уруғлари, микроорганизмлар, ҳашарот ва каналар) маълум шаронтларда ўзларининг ҳаётий фаолиятини давом эттириб, уларда газ алмашинуви (нафас олиш), озиқланиш ва кўпайиш кузатилади. Бу компонентларнинг фаол ҳаёти натижасида дон уюмидаги қуруқ моддаларнинг камайиши кузатилади. Дон үюмларини сақлаш маданийти рўй берадиган жараәнларни унумли равишда бошқара билиш, кўнгилсиз ҳодисаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик, дон үюмларининг талаб хусусиятларини ўз вақтида ва тўғри ҳолда яхшилаб бориш билан бирга, уларни анабиотик ҳолатда сақлаш зарур.

Сақлаш муддатлари. Дон үюмларини сақлашни ташкил этишда аввал сақлаш муддати масаласи ҳал этилади.

Дон ва уруғларни сақлаш давомида ўзининг талаб (уруг, технологик ва озиқ-овқат) хусусиятлари сақланининг муддати узоқ сақланувчанлик даври дейилади.

Сақланувчанлик биологик ва хўжалик турларига бўлинади. Биринчисига донларни сақлаш пайтида ҳеч бўлмаса бирорта дон униб чиқиш хусусиятини сақлаш тушунилади.

Узоқ муддатга сақлашнинг хўжалик тури катта аҳамиятга эга бўлиб, сақлаш муддати ўтгандан сўнг уруғ униш кондициясига ва давлат норма талабларига жавоб бериши керак.

Товар донларининг озиқ-овқат, техник ва чорва учун озиқ-ем мақсадларида сифатли фойдаланиш технологик сақланиш муддати деб айтилади.

Дон ва уруғларнинг узоқ сақланиш муддати жуда кўп омилларга, чунончи ботаник тур, маҳсулотларни тайёрлаш шароити (қуритиш, тозалаш, дорилаш ва бошқ.) ҳамда сақлашга боғлиқдир.

Кўпчилик қишлоқ хўжалик ўсимликларининг уруғлари мезобиотиклар гуруҳига кириб, яхши сақлаш шаронтида 5–10 йил давомида ўзининг униб чиқиш қобилиятини сақлайди. Аммо уларнинг униб чиқиш қобилияти асосан 3–5 йил давомида яхши бўлади.

Технологик узоқ сақланиш муддати одатда биологик

ва хұжалик муддатларига қараганда күпроқ бўлади. Омборларда 7—10 йил сақланган буғдой ва жавдар донларидан олинган ун-нон сифатларига баҳо берилганды, улардан чиққан ун миқдори, сарфлаган электр қуввати ва тайёрланган нон сифати қисқа муддат сақланган донлардан олинган маҳсулотлардан деярли фарқ қилмаган. Эслатиб ўтиш жоизки, агар дон уюмларида салбий жараёнларнинг ривожланишига йўл қўйилса дон ва уруғларни сақланиш муддати жуда қисқариб кетиши мумкин, яъни дон уюмлари ўзининг озиқ-овқат, технологик ва уруғлик хусусиятларини бир неча кунда йўқотиши мумкин.

Донларнинг узоқ муддатда сақланишидаги ун-нон ёпилиш сифатлари сақлаш даврида донларнинг бирламчи хусусияти ва белгиларига узвий боғлиқдир. Масалан, юмшоқ ойнаванд буғдой навлари ун олинадиган навларга қараганда юқори чидамликка эга. Яхши етилган, енгил режимда қуртилган ва совитилган дон уюмлари 10 йил ва ундан узоқ муддатда ун-нон хусусиятларини деярли ўзгартирмайди. Турли кескин таъсирлар (ҳарорат, механик таъсир ва бошқ.) донларнинг қуришига сабаб бўлади.

Уруғларни узоқ сақланишида ҳаёт фаолиятини йўқотилиш сабаблари тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотлар йўқ. Ушбу йўналишда изланишлар давом этмоқда. Масалан, Калифорния технологик институтида 1948 йили тажриба мақсадида маҳаллий ўсимликларнинг 100 тури уруғларини сақлашга қўйилди. Уруғларни маҳсус кенгайтирилган дастурга биноан 2037 йилгача, яъни 90 йил давомида кузатиш мўлжалланган.

Ёрма (крупа) экинлари донларини сақлаш муддати узайиши билан улардаги муртак жуда мўрт бўла бошлайди ва шу муносабат билан ёрмадан аъло навли маҳсулот чиқиши камаяди. Мойли экинларда эса мойларнинг парчаланиши ва оксидланиши рўй беради.

Дон ва уруғларнинг фаолияти. Бунда энг асосий ва мўътадил жараёнлардан бири дон ва уруғларнинг нафас олиши ҳисобланади. Ушбу жараён ўтишида, яъни сақлаш даврида дон атрофи ва таркибида турли хил микроорганизм, зааркунанда ва бошқа компонентлар ҳаво алмашинуви ҳамда нафас олиши натижасида ривожланиши ва кўпайиши учун муҳит юзага келади. Ундан ташқари, янги йиғилган донларда бир қатор биологик жараёнлар рўй беради ёки ишлаб чиқаришга тўғри ке-

ладиган (физиологик ва технологик) ҳосил йиғиб олингандан кейинги етилиш деб аталади. Ниҳоят, бундай жараёнларнинг фаол ўтиши донларда якка ёки оммавий униб чиқиш ҳоллари ҳамда дон таркибидаги қуруқ модда миқдорининг камайиши ва бошқа барча сифат кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлади.

Нафас олиш. Дон ва уруғларни сақлашдаги ҳаёт фаолияти учун қувватни органик моддалар асосан қандлардан диссимилияция жараёни орқали олади. Бу ҳолатда сарфланадиган қандлар гидролиз натижасида ёки жуда мураккаб ғамланган моддаларнинг оксидланиши натижасида тўлдирилади.

Қандларнинг диссимилияцияси (гексоз) аэроб ҳолатда рўй беради. Агар дон уюмларига ҳаво оқимининг келиши мўл бўлса, унда дон ва уругларда аэроб нафас олиш жараёни кўпроқ бўлади. Лекин ўзига хос бўлган анаэроб нафас олишини ҳам дон ва уруғларни ташки муҳитдаги салбий шароитларга мослашув ҳолати деб тушуниш керак.

Дон уюмлари ва алоҳида донларда ўтадиган диссимилияция натижасида қўйидаги ўзгаришлар рўй беради: дон таркибидаги қуруқ моддаларнинг камайиши; донда микрокопик намлик миқдорининг кўпайиши ҳамда дон уоми орасидаги бўшлиқларда ҳаво нисбий намлигининг ортиши; дон оралиқларидағи бўшлиқларда ҳаво таркибининг ўзгариши; иссиқлик ажралиши.

Гексозларнинг оксидланиши ва парчаланиши натижасида (асосан глюкоза) дон ва уруғларда кўплаб қуруқ моддалар исроф бўлади. Бу исрофлар ҳажми нафас олиш тезлигига bogлиқdir. Нафас олишда ажраладиган сув дон уомида кўпроқ ушланиб қолиб, ундаги намликини оширади ҳамда ўз йўлида газ алмашинишини тезлатади ва микроорганизмларнинг ривожланишига олиб келади. Дон оралиқларидағи ҳаво намлигининг сезиларли даражада ортиб бориши дон тепасида «терлашга» олиб келади. Бу ҳолатлар, айниқа юқори физиологик ҳаракатчанликка эга бўлган янги йиғиштирилган ҳосилнинг дон уюмларига тааллуқлидир.

Доннинг ҳаёт фаолиятини иссиқлик билан таъминлаш учун анаэроб нафас олишда аэроб нафас олишга қараганда жуда кўп миқдорда гексоз парчаланиши кузатилган.

Дон уомида нафас олишда ажралиб чиққан карбонат ангидриднинг ютилган кислородга бўлган нисбати нафас

олиш коэффициенти деб аталади. Агар дон уюмидан аэроп нафас олиш юз берса, унда нафас олиш коэффициенти донда бирга тент бўлади. Анаэроп нафас олиш кечса кислород сарфланмасдан карбонат ангидрид миқдори ортади ва нафас олиш коэффициенти бирдан юқори бўлади.

Изланишлардан кўриниб турибдики, нафас олиш коэффициенти асосан намликка қараб ўзгаради. Масалан, доннинг намлиги оз бўлганда юқори, намлиги 14—17 фоиз бўлганда бирга яқин, 17 фоиздан юқори бўлганда бирдан паст бўлиши аниқланган.

Нафас олиш коэффициенти бошоқли ва дуккакли донларнинг тури, уларнинг таркибида кечадиган жараёнларнинг жадаллиги, йўналниши, намлиги ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Дон уюми сақланишидаги буғ-ҳаво муҳитида бошқа ўзгаришлар ҳам кузатилади. Дон уюмини сақлаш даврида қуруқ моддалар миқдорининг камайиши нафас олиш тезлигига bogлиq бўлиб, унинг ўтиши натижасида кўмир иси (газ) ажралиб чиқади ва ҳаводан оғирлиги сабабли кўпинча дон оралиқларидағи бўшлиқларда ўрнашиб қолади. Бу ҳол катта уюмлар ва айниқса яхши зич ёпиладиган элеватор бўлимларининг ички қисмларнда ёрқин кўзга ташланади. Бунда дон уюмда шундай шароит юзага келадики, дон тўқималари ва бошқа организмлар анаэроп нафас олишга ўтади.

Анаэроп нафас олишнинг этил спирти бўлиб, у дон тўқималарининг ҳаёт фаолиятига таъсир қиласди ва яшаш қобилиятини сусайтиришга, кейинчалик эса йўқотишга олиб келади.

Шундай қилиб, дон нафас олишининг жадаллашиши оқибатида қуруқ моддаларнинг йўқолиши кузатилади, дон уюмининг намлиги ортади, дон оралиқларидағи бўшлиқларда ҳаво таркиби ўзгаради ва иссиқлик тўпланаади. Бунинг ҳаммаси дон уюмларида нафас олиш жараёнини ҳеч бўлмаса оз миқдорда қисқартиришини ҳисобга олган ҳолда сақлашни ташкил этиш заруриятини туғдиради.

Нафас олиш тезлигига таъсир этувчи омиллар. Донни сақлаш даврида рўй берадиган нафас олиш тезлигига таъсир этувчи омилларни ўрганишга кўплаб изланишлар бағишиланган. Барча ўсимликларнинг дон ва уруғларини сақлашда нафас олиш тезлиги бир хил омилларга боғлиқлиги аниқланган бўлиб, улар икки

гурӯҳга бўлинади: дон уюмларида нафас олиш тезлигига таъсир этувчи омиллар; намлик, ҳарорат ва дон уюмларидаги ҳаво алмашиниш даражаси.

Алоҳида сақланадиган дон уюмларига муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган омиллар киради.

Дон ва уруғлардаги танг (критик) намлик. Дон қанчалик нам бўлса, у шунчалик тез нафас олади. Жуда қуруқ донларда (жавдар, буғдой, сули, арпа, маккажӯхори ва дуккаклиларда) 11—12 ва кўп мойлиларда 4—5 фоизгача нафас олиш тезлиги жуда суст бўлади. Аксинча, жуда нам донлар (намлиги 30% ва ундан юқори), совутнлмаган ҳолда тўғри тоза ҳаво билан мулоқотда бўлса, бир кеча кундузда 0,05—0,2 фоиз қуруқ модда йўқотади. Агар дон намлиги ошибб, унда эркин сув пайдо бўлса, дон ва уруғларда нафас олиш тезлиги кескин ошади, бу ҳол танг намлик дейилади.

Асосий бошоқли экинларнинг дон ва уруғлари намлиги 14 фоиздан кам бўлса сақлашга чидамлидир. Уларни баланд (30 м ва ундан баланд) хирмонларда сақлаш тадбири қўлланилади.

Дон уюмининг ҳарорати. Сақлаш даврида ҳароратнинг кўтарилиши натижасида донларнинг нафас олиш тезлиги ошади. Юқори ҳароратларда эса (50°C ва ундан юқори) дон тўқималари таркибида кирадиган (оқсиллар, ферментлар ва бошқ.) моддалар парчаланиши натижасида нафас олиш тезлиги сусаяди, натижада дон нобуд бўлади. Дон уоми совитилиши орқали унинг нафас олиши секинлашади ва 0°C да бутунлай тўхтайди. Ушбу хусусият донни совитиб сақлашда ҳисобга олинади.

Газ муҳитининг таркиби. Дон ва уруғларнинг нафас олиш тезлиги, атрофидаги газ муҳитининг таркибига чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг нормал нафас олиши фақат кислород иштироқида бўлиши мумкин. Дон уюмларини узоқ мудат аралаштирмасдан ва сунъий шамоллатмасдан сақлагандан дон ораларида кўмир ис гази тўпланишига ва кислородни йўқотнишига сабаб бўладиган шаронит вужудга келади.

Нафас олиш тезлигига таъсир этувчи омиллардан бирни доннинг тозалигидир. Заарланган, эзилган, унган ва уна бошлаган донлар юқори газ алмашиниш хусусиятига эгадир.

Алоҳида дон тўпламлари учун аҳамиятга эга бўлган

омиллар қўйидагилар: донларнинг ботаник хусусиятлари, етилганлиги, тўлиқлиги ва йириклиги. Тўпламдаги етилмаган донлар аралашмаси (яшил, совуқ таъсир этган ва бошқ.) гарчи намлиги оз бўлса ҳам нафас олиш тезлигини оширади. Пачоқ донлар тўла етилгандарга нисбатан тез нафас олиш қобилиятига эга. Шундай қилиб, дон ва уруғларнинг таркибида сифати асосий донларга нисбатан чекланиш кузатиладиган бўлса, улар жадал нафас олади ва узоқ сақлашга чидамсиз бўлади.

Ҳосил йиғилгандан кейинги дон етилиши. Дон уруғларининг янги йиғилган тўпламлари ҳар доим ҳам яхши технологик сифатларга, гоҳида етарли яхши униб чиқиш қобилиятига эга бўлавермайди. Бу ҳолат донни йиғиш пайтида тўлиқ физиологик етилмаганлиги бўлиб, донда иккиласми синтез жараёнлари тугамагани бунинг сабабидир.

Агар қулай сақлаш шароитлари яратилса донларда униш қобилияти ошади ва бъзи бир технологик хусусиятлари яхшиланади.

Дон ва уруғларда сақлаш даврида униб чиқиш қобилиятини яхшилашга ва технологик сифатларни кўтаришга олиб келадиган жараёнлар йиғиндиси йиғиб олингандан кейинги етилиш дейилади.

Донларни етила боришида уруғларнинг униб чиқини даражаси кескин ошади ва нафас олиш тезлиги сусадиди.

Намлиги юқори бўлган янги йиғилган донларда гидролиз жараёни жадалроқ бўлади. Бу шароитда дон уруғларнинг сифати яхшиланибгина қолмасдан, пасайинши ҳам мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун тезда тегишли чоралар кўриш, яъни уруғларни қуритиш ва совитиш орқали консервалаш зарур. Тўғри ўтказилган тадбирлар гидролитик жараёнларни тўхтатибгина қолмасдан, балки ҳосил йиғилгандан кейинги етилишини ўтишига ижобий таъсир этади.

Иккинчи зарур шароит, ҳосил йиғиб олинганидан кейинги етилишга таъсир этадиган омиллардан бирин ҳароратdir. Уруғлар фақат ижобий ҳароратда, айниқса, 15—30 ва ундан баланд ҳароратда тез етилади. Шунинг учун янги йиғилган донларни сақлашнинг биринчи даврида ортиқча совитмаслик керак. Бундай уруғ тўпламларини кузата бориб ҳамда уларни вақтида шамоллатиш билан етилиш жараёнига 1—2 ой давомида эришиш мумкин. Агар ортиқча намликтаги уруғлар-

ни қуритиш имконияти бўлмаса, уларни совитиб консервалаш лозим. Ҳосил йиғиб олинганидан кейинги етилиш маълум муддатдан кейин, яъни намлик пасайгандан ва ҳарорат кўтарилгандан сўнг тугаши мумкин. Аммо бундай уруғларнинг униши ва ўсиш қуввати одатда юқори даражали бўлмайди.

Кислороднинг етишмаслиги ва дон уюмида кўмир исиннинг кескин ортиши етилишни секинлатади, баъзи ҳолларда эса донларнинг бирламчи униш фоизини сусайтиради. Дон ва уруғлар йиғиб олингандан кейинги етилишга табиий қулай шароитлар одатда мамлакатимизнинг жанубий минтақаларида мавжуддир. У ерлардаги омборларга дон тўпламлари қуруқ ёки ярим қуруқ ҳолда келиб тушади, чунки йиғим-терим йилнинг иссиқ, ёғингарчиллик йўқ вақтларда тугайди ва омборларга жойланган донлар нормал етилиш жараёнини ўтайди.

Шундай қилиб, дон уюмларининг янги ҳосилини сақлашнинг биринчи даврида ўтадиган жараёнлар фаоллиги ва хилма-хиллиги жуда мураккабдир. Бу пайтда турли намликтаги дон тўпламларини сақлашни тўғри ташкил қилиш, алоҳида илгор тажрибаларга ёндошиш билан бирга доимо уларнинг ҳолатини мунтазам кузатиб бориш зарур.

Дон (уруғ)ларни сақлаш даврида униши. Дон ва уруғларни сақлаш даврида униши бу сақлаш амалиётидаги маълум ҳодиса бўлиб, ҳанузгача тегишли равишда салбий баҳолангандай эмас. Маълумки, донни униши ва ўсиши нафас олиш билан узвий боғланган бўлиб, унинг оқибатида кўп қувват сарф этади, кўп миқдорда қуруқ моддалар исроф бўлади ва технологик сифатларни ёмонлашади.

Маълумотларга қараганда, уруғларнинг униши натижасида катта миқдорда қувват иссиқлик ҳолида ажралади ҳамда қуруқ моддаларнинг исрофгарчилиги эса 45—57 фоизгача боради.

Шундай қилиб, донларда ўсиш, қандай мақсадда уларни сақлашдан қатъий назар, йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Аммо донларни хўжалик шароитида, хирмон ва оддий омборларда сақлашда бундай ҳодисалар бўлиб туради.

Сақланаётган дон ва уруғларда ўсиш имкониятини чеклайдиган табиий омиллардан бири намлик бўлиб, ўсиш учун бошқа зарур шароитлар қаторида ҳарорат, кислород дон уюмларини сақлашда кўпроқ бўлади.

Донларнинг ўсиши бошланишида намлик кўп зарур бўлиб, буг ҳолатда сорбирланганга нисбатан кўп бўлади. Бошоқли ва дуккакли донларда юқори (32—36%) намликда ҳам уларнинг ўсиши мумкин эмас. Фақат томчи-суюқ намни ўзига ютиши оқибатида уруглар катталашади ва униш бошланади.

Шунинг учун дон уюмларидағи унишнинг ҳар бир ҳодисасига сақлашни нотўғри ташкил қилиш ва палашартишлик оқибати деб қарааш зарур. Бу шу тўпламда тегишли кузатиш ва эътибор сустлигини билдиради.

Микроорганизмларнинг ҳаёти. Гил давомида микрофлоранинг фаол ҳаёт кечириши натижасида, асосан бактерия ва мөгор замбуруғлар сақлаш жараёнида жаҳон хўжалигида доннинг 1—2 фонз миқдорда қуруқ моддалари истроф бўлади. Нобудгарчилик баъзида шундай даражагача борадики, бунда дон тўпламида қуруқ моддаларнинг асосий қисми сақланиб қолишига қарамасдан, у озиқ-овқат ва чорва учун ем тариқасида ҳам фойдаланишга умуман яроқсиз бўлиб қолади.

Кишлоқ хўжалигида катта истрофгарчиликлар микроорганизмларнинг таъсири остида, айниқса, намгарчилик юқори бўлган минтақаларда кузатилади, чунки у ерларда ҳосил йиғилаётганда дон уюмларида микроорганизмлар ривожланиши учун қулай шароит юзага келади. Дон уюмларида ўз вақтида микроорганизмлар ривожининг олдини олмаслик дон уюмининг миқдори ва сифатига, биринчи навбатда уруғлик хусусиятларига катта зарар ва путур етказади. Шунга эътиборан, дон уюмларини сақлашда агроном донлар таркибида микробиологик жараёнларнинг ривожланиш имконияти ва йўналиш шароитларини яхши билиши зарур. Дон тўпламидаги микроорганизмлар ҳолати ва ривожланишига таъсир этувчи жуда кўп омиллар аниқланган. Уларнинг катта аҳамиятга эга бўлганлари қуйидагилр: уюмнинг ўртача намлиги ва алоҳида компонентларнинг намлиги асосий дон аралашмаси ва дон орасидаги бўшлиқдаги ҳавонинг, дон уюмининг ҳарорати ва аэрация даражаси. Ушбу омилларга донларнинг яхлитлиги, тўқималарнинг устки қаватлари унинг ҳаётий фаолияти, аралашмаларнинг миқдор ва турлари ҳам киради.

Зараркунандаларнинг ҳаёти. Дон ғарамларининг зараркунандалари бўлмиш ҳашаротлар ва каналар қулай шароитларда овқатланади, нафас олади ва кўпаяди. Кўплаб тажриба ва кузатишлар асосида дон уюмлари

ва омборлардаги ҳашарот ва каналар ҳаётига таъсир этадиган комплекс омиллар яққол күзга ташланади. Хўжаликларда урглик, озиқ-овқат ва ем-хащак жамгармаларини сақлашни ташкил қилишда асосий ҳолатларни инобатга олиш зарур.

Ҳашарот ва каналар (дон уюмларида, дон маҳсулотларида, унда, ёрма, муракқаб озиқаларда жойлашган бўлади) омборларда бўлиб, озиқ-овқатларнинг тўпланиб ва тўкилиб қолган донли жойларда, қурилиш инишотларининг ёриқларида, яъни девор, тирговуч ва поллардаги ёриқларда кўпроқ жойлашади. Омборларда ҳашаротларни кўплаб тарқалгани оддий кузатиш билан ҳам аниқланади.

Шундай қилиб, янги йигилган дон уюмлари ёки дон маҳсулотлари илгари шу ерда бўлган зааркунандалар билан таъсирланади. Эҳтимол, тозаланган ва қабул қилишга тайёрланган маҳсулотлар шу омборга илгари жойлаштирилган заарланган дон уюмларидан заарланиши мумкин.

Ҳашарот ва каналар ўзларининг турли ривожланиш паллаларида узоқ вақт давомида озиқсиз яаш қобилиятини сақлаб қолиши мумкин. Шунинг учун бир неча ой мобайнида маҳсулотлар билан тўлдирилмаган омборларда табиий ва тўлиқ заарсизланишга эришиб бўлмайди. Ортиқча ҳаво намлиги ва оптималь ҳароратдан паст шаронт ҳашарот ва каналарга узоқ муддат давомида яаш имконини беради. Айниқса, каналарнинг гипосслари чидамлидир. Агар омборлардаги органик қолдиқлар вақтида тозаланмаса заарланиш хавфи бир ёки бир неча йил давомида сақланиб туради.

Дон маҳсулотлари ва омборлар кемиувчилар ҳамда қушлар турли ривожланиш давридаги кўплаб каналарни, баъзида эса майдаги ҳашаротларни ўзлари билан олиб келиши натижасида заарланиши мумкин. Бундан ташқари, омборларга зааркунандалар инвентар, тара билан ҳамда кучли шамол ёрдамида заарланган обьектлардан етиб келиши мумкин.

Дон уюмлари, омборлардаги ҳашарот ва каналарнинг ривожланиш имконияти ва тезлигини аниқлайдиган асосий омил — ҳароратdir. Юқорида айтилган зааркунандаларнинг фаол тирикчилиги учун пастки ҳарорат даражаси $6-12^{\circ}$ атрофида, юқориси эса $36-42^{\circ}$ бўлади. Шу бўсағалар орасида ҳар бир за-

зараркунанда турига тааллуқли оптимал ҳарорат ётади. Булардан ташқари, паст ёки юқори ҳароратда эса депрессия юзага келиб, ҳашарот ва каналар деярли ҳаракатсиз бўлиб қолади. Пастки ҳароратда музлаб қотиб қолиш рўй берса, юқори ҳароратда эса иссиқлик депрессияси бошланади. Қайд қилинган ҳарорат бўсгаларидан янада четга чиқиши дон зараркунандаларининг ҳалок бўлишига олиб келади.

Кўпчилик зараркунанда ҳашаротлар учун ҳарорат даражаси $26-29^{\circ}$ оралигида бўлади. Каналарда у кўпроқ фарқ қилади. Ун канаси учун жуда паст ҳарорат ($14-23^{\circ}$) оптимал бўлса, Радионов канаси учун эса $29-35^{\circ}$ яхши ҳарорат ҳисобланади.

Дон зараркунандалари орасида кўп ёки оз иссиқсеварлари мавжуддир. Жуда иссиқсеварларига дон чаҳлаги, шоли узунбуруни, жанубий омбор оташи, омбор митаси, суринам митаси ва Радионов канаси киради. Муғомбир-ўғри қўнғиз ва ун каналарига жуда паст ҳарорат етарлидир.

Ҳарорат омилиниң катта аҳамияти бор. Гап шундаки, зараркунанда ҳашаротларининг жуда кўплаб тарқалишини ва энг кўп зарар келтириши ватанимизнинг жанубий туманларидан кузатилади. Ҳароратга ишбатан озроқ, лекин ҳашарот ва каналарининг ривожланишига маълум даражада дон уюмларининг намлиги таъсир кўрсатади.

Ҳашаротларининг ноқулай ҳароратдаги чидамлилиги улар жойлашган намлик муҳитига боғлиқдир. Р. С. Ушатинская маълумотларига қараганда, О дан 10°C оралигида омбор узунбурунишини чидамлилиги дон намлилиги кўпайиши билан ошиб боради. Фақат -15°C да узунбурунлар дон массасининг намлигидан қатъий назар ҳалок бўлади.

Шундай қилиб, дон массалари ва бошқа дон маҳсулотларига хос намлик оралигини сақлаш амалиётида бу омил ҳашаротларининг ривожланишини кўп чекламайди. Уларнинг ҳаммаси $13-15\%$ ва ундан ҳам оз намликда мўътадил кун кечириши мумкин. Кўпчилик каналарининг оммавий ривожланиши учун намлик тенг ҳолатдан юқори бўлиши шарт.

Ҳашарот ва каналар учун кислород зарурдир. Кислород етишмаслиги натижасида улар тўпламнинг баъзи қатламлари таркибида ҳавонинг жуда тўлиқ бўлган

ерларига, яъни тўпламнинг юқорисига ва омбор деворларига ўтади.

Дон уюмларидағи заарланган донлар ва майда органик модда қисмлари аралашмаси ҳашаротлар ва каналарнинг ривожланишига ёрдам беради. Беихтиёр заарланган дон ва уруғлар, уларнинг майда қисмлари ва органик чанг енгил озиқа муҳити сифатида хизмат қиласиди. Бир қатор олимларнинг тажрибалари тукли каналар заарланмаган донларни истеъмол қиломаслигини кўрсатди.

Дон жамғармаларининг зааркундаларини учун омборлардаги маҳсулот тўпламларининг ёритилмаган жойлари қулай ҳисобланади. Учадиган турлари бу жойга тунда учиб ўтади, ун хрушаки эса ёруғ электр нурига учиб чиқади. Иссиқ этишмаслиги натижасида каналар баъзи вақтда офтоб нурлари иситадиган омборнинг юқори қисмларига судралиб чиқади. Аммо қўёшнинг кучли радиацияси натижасида зааркундаларнинг қийналиши — қизиб кетинши ва сувсираши кузатилади, шунинг учун улар қоронги жойларга ўтиб олишга ҳаракат қиласиди. Дон ва уруғларни офтобда қуритишда зааркундаларнинг бир қисми ҳалок бўлади. Дон уюмларини ялии тозалашин ватанимизнинг жанубий туманларида тўплам баландлигини 4 м дан оширмасдан ҳамда 38—40° даражада амалга ошириш мумкин.

Сақланадиган дон уюмларидағи ва омборлардаги ҳашаротлар ва каналарни кучли таъсир этувчи восита-лар билан йўқ қилиб ташласа бўлади. Ҳўжаликининг техник имкониятларига қараб дезинфекциянинг турли восита ва усуллари қўлланилади. Шуни назарда тутиш керакки, тез ёки кўплаб механик таъсир этиш донларни зааркундаларни кўплаб ривожланишига қулай шароит яратиб беради.

Ҳашаротларнинг турли даражада заар келтиришига қарамасдан уларнинг дон маҳсулотларидаги ривожланиши ҳамма вақт хавфлидир ва дон тўпламлари ҳамда сифатида кўпдан-кўп истрофарчилликка олиб келади. Дон уюмларидаги ва ургулардаги каналар мавжудлиги уларнинг қийматини пасайтириб, донларнинг уруғ сифатлари ва озиқ-овқат сифатларини унчалик ёмонлашига олиб келмайди. Бу ҳол уларнинг ортиқча намга бўлган талаби, бутун, заарланмаган донларни емаслиги билан инфодаланади.

Ҳўжалик эҳтиёжлари учун сақланадиган донларда

ёки уруғ түпламларида тенг намлика канааларни би-
рор нусхаси борлиги аниқланса уларга қарши маҳсус
таъсир кўрсатилмагани маъқул. Бу түпламлар хўжа-
ликда то экиш бошлангунча яхши сақланиши мумкин.
Эслатиб ўтиш зарурки, табиатдаги дон канааларининг
асосий жойи тупроқдир.

Сичқонсимон кемириувчилар. Озиқ-овқат жамгарма-
сининг маълум қисми, жумладан донларнинг нобуд
бўлиши ҳамда бузилиши кемириувчилар — каламуш,
сичқон ва дала сичқонлари тарафидан амалга
оширилади. Бу турдаги зааркунандаларнинг кўпайиши
ва атроф муҳитга тезда мослашиши ҳанузгача инсонга
ундан қутилиш имконини бермаяпти. Сичқонсимон ке-
мириувчиларга қарши кураш бироз бўшатилса уларнинг
тарқалиши ва миқдори хавфли равишда ортиб боради.

Каламуш ва сичқонлар ўз ичига кўп турларни ола-
диган кемириувчилар тўдасига киради.

Сичқонсимон кемириувчилар кўплаб дон ва дон маҳ-
сулотларининг йўқолишига, озиқ-овқат, идишлар ва дон
омборларини ўз ахлатлари билан ифлосланишига са-
баб бўлади ҳамда дон маҳсулотлари ичига ҳашарот ва
каналар сингари зааркунандаларни олиб киради; идиш,
бризент ва бошқа турли инвентарларни ишдан чиқа-
ди; иншоотларнинг ёғоч, баъзида эса бетон қисмларини
ҳам кемиради, шунингдек ускуналарнинг резина, пласти-
масса қисмларини, жумладан транспортёрларнинг лен-
та, электр симларининг ҳимоя қисмларига қирон кел-
тиради; одамлар ва чорвада учрайдиган турли касал-
ликлар — вабо, қорин тифи, сил, яшил бруцеллэз ва
бошқаларнинг тарқалишига сабаб бўлади.

Ҳамма сичқонсимон кемириувчилар ичида энг кўп
заар етказадиган кулранг каламуш пасюк ёки норвег
каламуши ҳисобланади. У бутун дунё бўйлаб тарқал-
ган бўлиб, одамларнинг хўжалик фаолияти билан уз-
вий боғлангандир. Туарар-жой бинолари, омбор ва иш-
лаб чиқариш хоналари ҳамда уларга ёндошган ифлос
майдонлар ва озиқ-овқат базасининг яқинлиги улар-
нинг қулай жойлашиб олинишини таъминлайди.

Фақат дон билан овқатланадиган катта кулранг ка-
ламуш йил давомида 22—23 кг гача донни томоғидан
ўтказади. Каламушлар ўз инларини омборлардаги сатҳ
тахталарининг тагларида, омбор остидаги туироқда,
омбор атрофида, девор қопламалари орасида, бегона
ўсимликлар ўсган ва ифлосланган ерларга қўяди.

Тарқалиши ва келтирадиган зараги бўйича уй сичқони иккинчи ўринни эгаллади. Анча кам тарқалган сичқонсизмоналар қўйнадагилардир: қора каламуш, туркистон каламуши, оддий ёки кул ранг дала сичқонидир.

Қушлар. Чумчуқлар, каптарлар ва бошқа қушлар омбор ёки дон уюмларига, очиқ майдонча ва хирмонлардаги донларга кўплаб қирон келтириши ҳамда дон уюмларини ўз ахлатлари билан ифлослантириши мумкин. Биргина чумчуқнинг ўзи бир кунда 8—12 г дон истеъмол қиласди. Бундан ташқари, қушлар каналарни тарқатувчи ҳисобланади.

Дон уюмларининг ўз-ўзидан қизиши. Дон уюмларидаги асосий компонентларнинг фаол ҳаёти натижасида ҳароратнинг кўтарилиши ўз-ўзидан қизиш дейилади. Донларнинг жадал нафас олиши натижасида ҳамда ёввойи ўсимликларнинг уруғлари, микроорганизм, ҳашарот ва каналлардан ажраладиган иссиқлик уюмда иссиқликни ёмон ўтказиши **сабабли ушланиб** қолади. Ўз-ўзидан қизишини келиб чиқишига уларни нам ўтказувчаник ва ўз-ўзидан навларга ажралиш хусусиятлари сабаб бўлиб, натижада юқори намлик ва турли хилма-хил аралашмали қисмлар пайдо бўлади.

Ўз-ўзидан қизиш юзага келганда аввало дон уюмининг баъзи ерларидаги, кейинчалик унинг ҳамма ҳажмларida ҳарорат $55-65^{\circ}$ ва камдан-кам ҳолларда эса $70-75^{\circ}$ гача кўтарилади. Кейин ҳарорат аста-секин атроф муҳит ҳароратигача пасаяди, лекин дон бутунлай яроқсиз ҳолга келади ва уруғ, озиқ-овқат ҳамда чорва учун ярамай қолади. Шунингдек, кўплаб қуруқ моддалар тўплами ва углеводлар йўқолади. Ўз-ўзидан қизиш мотор замбуруғлари ва баъзи бир бактерияларнинг ривожланиши билан ҳам келиб чиқиши мумкин. Иссиқ келиб чиқиши ва тўпланишига дон уюмларидаги турли аралашмалар маълум даражада сабаб бўлади. Барча бир-бирига ўхшаш шаронтларда ўз-ўзидан қизиш эрта бошланиб, айниқса ёввойи ўтлар уруғларда чанг ва бошқа аралашмалар мавжуд бўлган дон уюмларida жадал ўтади.

Ҳашарот ва каналар ҳаётида иссиқлик кўплаб ажралини кузатилади. Дон уюмларининг кескин заарланиши ёки баъзи ерларда заараркунандаларнинг тўпланиши натижасида қўйлаб иссиқ ажралиб чиқади. Масалан, омбор ва шоли узунбурунлари ўз жисемларидан донларга нисбатан кўп иссиқлик чиқаради. Донларнинг

оз намлигидан асосий донларга қараганда нафас олиш тезлиги 130 минг марта тез бўлиши мумкин.

Ўз-ўзидан қизиш дон уюлмасининг деярли барча қисмида келиб чиқиши мумкин. Унинг ривожланишига қуйидаги сабаблардан бирни асос бўлиши мумкин: томларнинг шикастланганлиги ёки омбор деворларининг ёмон ҳимоя қилиниши оқибатида дон уюмининг баъзи ерни намланиши, бир омборга турли намликтаги донларни жойлаштиришлар оқибатида ортиқча намлик ўчоқлари (уялар) вужудга келиши, уюрма ерларида ортиқча аралашма ва чанглар ҳамда ҳашарот ва каналарнинг бир ерда тўпланиши рўй беради.

Қатламли ўз-ўзидан қизиш омбор ва элеваторларда сақланадиган барча дон тўпламларида ёки хирмонларида келиб чиқиши мумкин. Қизиган қаватлар дон уюнида узунасига ёки тик ҳолатда пайдо бўлади.

Ўз-ўзидан қизиш қатлами ҳеч қачон уюлманинг марказий қисмларида пайдо бўлмайди. У фақат уюлманинг юқори, пастки ва ён қаватларида кузатилади, чунки у ерлар ташқи ҳаво таъсири асосида кўпроқ ҳарорат ўзгаришига мойилдир. Бу ерлардаги ҳароратнинг ўзгариши кўпинча кондицион намлик тўпланишига сабаб бўлиши ва ўз йўлида бу ҳол микроорганизмларнинг фаол ривожланишига, айниқта мотор замбуругларининг кўпайишига олиб келади.

Ялпи ўз-ўзидан қизиш — бу юкорида айтилган ўз-ўзидан қизиш шаклларининг ривожланиши оқибатида келиб чиқади ҳамда юқори намга эга бўлган ўсимликлар қисмлари, етилмаган донларга эга бўлган турли аралашмаларда пайдо бўлади ва жадаллашади.

Дон уюмларидағи ўз-ўзидан қизиш жараёнининг ривожланиш тезлиги хилма-хил бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда жараён ривожланиши бошлиганидан бир неча кун ўтгач, баъзида эса жуда узоқ даврдан кейин 50% ҳароратга эршилади.

Ўз-ўзидан қизиш тезлиги кўплаб сабабларга боғлиқ бўлиб, улар уч турга бўлинади: дон уюлмасининг ҳолати; омборларнинг ҳолати ва конструкцияси; омборларда дон уюмларининг сақлаш шароити ва уларни кузатиш усуллари. Бу сабабларнинг ҳар бири муҳимлигини ииобатга олиб, сақлаш амалиётида уларни пазарда тутиш зарур.

Дон уюмларининг барча таърифланган шароит ва

күрсаткичлар ўз-ўзидан қизишнинг ривожланишига, айниқса унинг дастлабки намлигига, ҳароратига ва микрофлора таркибиға таъсир этади.

Дон омборларининг гидроизоляция даражаси, (конструкция әлементларнинг иссиқ ўтказиш хусусиятлари, даво алмашиниши ва бошқа тузилиш хусусиятлари ўз-ўзидан қизиш жараёнини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Уюм баландлиги унинг ҳолати билан боғлиқдир. Дон уюмларининг физиологик фаоллиги ва намлиги қанчалик юқори бўлса, уюлма баландлиги шунча паст бўлиши керак. Советилган ва қуруқ дон сақлашга чидами бўлиб, элеватор хирмонларини 20—30 м ва ундан баланд қилиб тўлдириш мумкин. Омборларда сақланадиган уюлмаларнинг баландлиги 4—6 м бўлиши мумкин. Йилнинг иссиқ даврида баландликни 2 м гача пайтирилади.

Донларга турли ишлов бериш ва жойини ўзгартириш, тиёни дон уюмларининг хусусиятлари ва ҳолатини ҳисоблашга олмаслик ўз-ўзидан қизиш жараёнини тезлатишга олиб келади.

Ўз-ўзидан қизиш ҳоллари донлардаги қуруқ моддалар тўпламининг йўқолишига ва сифатининг пасайинишига олиб келади. Бу истрофгарчиликлар ҳажми тўғридан-тўғри қиздириш ҳароратига ва дон уюмининг қизиш ҳолатида бўлиш давомийлигига боғлиқдир. Дон уюмларидаги микроорганизмларнинг фаол ривожланиши қанчалик узоқ бўлса, уларда қанчалик ҳарорат юқори бўлса, шунчалик дон уюмининг сифати ёмонлашади.

Яиги йигилган доннинг ўз-ўзидан қизини дон уюмининг бошқа ўз-ўзидан қизиш жараёнларидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Доннинг бундай қизиши тез ўтиши билан хавфли ҳисобланадиган дон қисқа муддатда нобуд ўлиши мумкин. Буни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳамда дон қабул қилиш корхоналарида янги ифилган дон уюмлари сақланадиган долзарб пайтларга инобатга олиш зарур. Узоқ сақлаш амалиётида тенг амаликдан паст бўлган дон уюмларида ҳам ўз-ўзидан қизиш ҳоллари кузатилган. Масалан, омборларда 12—14 фоиз намлик бўлган дон тўпламларида 3—5 йил сақлаганида, аралаштирилмаган ҳолатларда 2—4 йили ҳеч қандай ташқи даво таъсирисиз ҳам ўз-ўзидан қизишлар кузатилган. У уюлмаларининг юқори қаватида 0,5—0,8 м чуқурликда ривожланади ва бу ёзининг иккичи даврида кузатилади. Кузга бориб ҳарорати астаси

секин кўтарилиши жараённинг тезда ривожланиши билан туғайди.

Узоқ муддат аралаштирилмай сақланган қуруқ дона рўй берадиган ўз-ўзидан қизиш мавсумий ҳарорат нинг ўзгариши натижасида, айниқса уюлмаларни юқори қаватларида рўй беради.

IX боб. ДОН УЮМЛАРИНИ САҚЛАШ ТАРТИБИ ВА УСУЛЛАРИ

Сақлаш тартибининг умумий таърифи. Дон уюмларини сақлаш тартиб ва усуллари ўзига хос хусусиятларга асосланган.

Сақлашни муваффақиятли ташкил этишда дон уюминг ҳар бирини алоҳида хусусияти ва аҳамиятини тушуниш камлик қилади. Улар орасидаги ўзаро боғлиқли хусусиятларини фақат тўғри ишлата билиш ҳамда дон уюми билан унинг атроф мұхити ўртасидаги ўзаро ҳаракат кўпроқ технологик ва иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Дон уюмларини сақлаш обьекти сифатида ўрганилиши лозим бўлган уларнинг ҳолати ва сақланишига таъсир этувчи омиллар қўйидагилар ҳисобланади:

- Дон уюмининг намлиги ва унинг атроф-муҳити;
- Дон уюми ва атроф-муҳитнинг ҳарорати;
- Дон уюнига ҳавони етиб бориши (унинг аэрация даражаси).

Ушбу омиллар дон уюмларини сақлаш тартиби асосида қўйилган. Ҳозирги пайтда қўйидаги сақлаш тартиби қўлланилади:

- а) дон уюнини қуруқ ҳолда сақлаш;
- б) дон уюнини совутилган ҳолда сақлаш;
- в) дон уюнини ҳавосиз жойда сақлаш.

Дон уюмларини сақлашда унинг барқарорлигини ошириш учун сақлаш тартибига зарурӣ равишда кўшимча ёрдамчи тадбирлар қўлланилади. Бундай тадбирларга дон уюмини омборларга жойлаштиришдан аввал бегона аралашмалардан тозалаш, фаол шамоллатиш кимёвий моддалар билан консервалаш, дон заараркунандаларига қарши курашиш ҳамда комплекс оператив тадбирларга риоя қилиш ва бошқалар киради.

Турли экин донларини қанча муддатгача сақлаш имкониятини билиш жуда муҳимдир. Сақланиш муддатлари дон турларига қараб эмас, балки фойдаланиш соҳа-

ларига қараб ҳам фарқ қиласы. Доннинг истеъмолга яроқли бўлган дон тайёрлашдаги ҳамма сифат кўрсаткичлари, унувчанлиги ва бошқа хусусиятларининг тўлиқ сақланиш даврига доннинг сақланиш муддати деийлади. Уруғлик донларнинг сақланиш муддати истеъмол учун фойдаланиладиган донларнинг сақлаш муддатидан бироз қисқа бўлади. Уруғлик донларни сақланишига қараб икки муддатга бўлинади. **Биринчиси** — бу биологик сақланиш муддати бўлиб, доннинг охирги сақланиш муддати дейилади ёки бир дона бўлса ҳам унинг унувчанлик қобилиятини сақлаш имкониятига эга бўлган муддатdir. **Иккинчиси** эса хўжалик учун аҳамиятга эга бўлган сақланиш муддати бўлиб, дон турларига қараб давлат стандартлари талабига жавоб берадиган, униб чиқиши қобилиятини сақлаган муддатга айтилади.

Булардан ташқари, донларда яна технологик сақланиш муддати ҳам ҳисобга олинади. Бу муддат дон уюмининг фойдаланиш соҳасига қараб (истеъмол учун, ем ва техник мақсадларда) давлат стандарти бўйича кондиция талабига тўлиқ жавоб берадиган муддатdir. Доннинг сақланиш муддати кўпгина омилларга: ботаник турига, ўстирилган шароитга, пишиш даражасига, ишлов бериш сифатига (тозалаш, қуритиш) ва сақлаш усуllibарига боғлиқ. Биологик сақланиш муддатларига қараб ҳамма экин донлари асосан мезобиотик ва микробиотик гуруҳларга бўлинади. Мезобиотик гуруҳга унувчанлиги, кўкариш қобилияти бир неча кундан уч йилгача, микробиотик гуруҳга кирадиганлари уч йилдан 15 йилгача, яна бир гуруҳи эса 15 йилдан 100 йил ва ундан узоқ муддат сақланиш қобилиятига эга бўлган донлар киради. Дон экинларининг кўпчилиги мезобиотик гуруҳга тааллуқли бўлиб, қулай шароит яратилганда беш-ён йилгача сақланади. Масалац, буғдой ва жавдар донлари қулай сақлаш шароитида етти-ён йил сақлангандан кейин ҳам ион тайёрлашдаги сифат кўрсаткичлари, уни чиқариши миқдорини ўйқотмайди ва тегирмонда майдалаш учун ишлатилади. Айрим ташқи шароит омиллари, яъни ҳаво ҳароратининг тез ўзгариши ва механик таъсиrlар доннинг тезда бузилишига олиб келади ҳамда дондан олиниадиган маҳсулот сифатининг пасанишига таъсиr этади (4-чиизма).

Дон уюми хусусиятларининг атроф мухит билан ўзаро боғлиқлиги

Физик хоссалари	Дон уюми	Физиологик хоссалари
Тўкилув-чашик, говаклик, сорбцион ва иссиқлик хусусиятлари	Асосий ўсимлиқ дони, аралашмалар, микроорганизмлар доилар оралигидаги ҳаво Дон заараркунандалари, ҳашарот ва каналар	Донининг ҳаёт фаолияти, нафас олиш, йигиштириб олингандан кейинги этилиши, инии уриши, микроорганизмларининг ҳаёт фаолияти. Заараркунанда ва ҳашаротларининг ҳаёт фаолияти

Омиллар ва технологик жараёнлар

Дон уюмининг намлиги	Донининг намли бўйича ҳолати қуруқ, ўртача қуруқ, нам ҳўл	Қуритиш ва сунъий совитилган атмосфера, ҳаво билан фоал шамоллатини, аралашмалардан тозалаши, заарarlantiriш, кимёвий консервалаш, нурларни қўллаш
----------------------	---	--

Дон уюмининг ҳарорати	0° гача 0° дан то 10° гача, 10° дан юқори
-----------------------	---

Донлар оралигидаги бўшлиқнинг ҳаво таркиби	Сақлаш режими
Қуруқ ҳолда, совитилган ҳолда, ҳавосиз жойда ёки РГС да	

Дон уюмини қуруқ ҳолатда сақлаш. Дон уюмини сақлаш тартиби ксероанабиоз қонун-қоидаларига асосланган. Дон уюми турлари бўйича танг (критик) намлидан наст ҳолда сақланганда дон таркибидаги барча тирик таркибий қисмлар анабиотик ҳолда, бошқача қилиб айтганда, модда алмашиниш жараёнлари, нафас олиш ва бошқа ҳамма физиологик жараёнлар кескин

асаяди. Дон уюми бу усулда асралганда хўжалик аҳамиятига эга бўлган ҳамма кўрсаткичлари узоқ муддатча тўлиқ сақланади. Ташқи шароит омилларидан яхши муҳофаза қилиниб, тозаланиб сақланса, донларни омборларда 4—5 йилгача, хирмонларни 2—3 йилгача еч қандай қўшимча ишлов бермасдан сақлаш мумкинлиги исботланган. Яхши қуритилган дон тўплами ва рувлар узоқ масофаларга темир йўл, дарё ва денгиз роқали олиб борилади. Намлиги юқори бўлган дон ва рувлар қисқа вақт ичиде унча узоқ бўлмаган жойларда етказилади. Дон уюми қуруқ ҳолда сақланганда ҳамма вақт кузатув ишларини олиб бориш зарур, чунки ал қулай шаронт туғилса, дон таркибида заараркунанда а турли микроорганизмлар ривожланиб, бу дон уюмини ўз-ўзидан қизининг олиб келади. Шунинг учун дон уюмини қуруқ ҳолда сақлашга ҳавонинг намлиги жуда кетта аҳамиятга эга. Дон ва дуккакли донларининг намлиги 12—14 фоиз бўлганда омборларда узоқ вақт сақлананиши мумкин.

Мойли экинлар дони эса таркибидаги мойнинг миқдорига қараб уруғининг намлиги 6—11 фоиз бўлганда ишни сақланади.

Дон ва уруғларни дон қуритгичларда қуритиш. Дон уюмини қуруқ ҳолда сақлаш тартибининг аҳамияти орта бориб, ҳар хил қуритиш усулларининг тарқалишига сабаб бўлди. Дон ва уруғларни барча қуритиш усуллари уларнинг сорбцион хусусиятларига асосланган. Агар дон уюми ёки уруғларни нам чиқариш муҳитига кўйлаштирадиган бўлсак (буғ ҳолатида намлик чиқиши), унда адсорбция шаронти вужудга келиб, қуриш караёнини кузатиш мумкин бўлади. Дон уюмини стандарт намлика келтиришнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, хўжалик учун қайси усул қулай, арzon бўлса, шу усулдан фойдаланиш тавсия этилади. Қуритиш муддати фақатгина қуритиш усулларига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки дондаги намлик миқдорига, унинг катта-кичиклигига ва анатомик тузилишига ҳам боғлиқдир. Масалан, гречиха дони буғдой донига нисбатан ўзидан намин осон ёки тез чиқаради. Энг қийин қурийдиган донларга дуккакли донлар киради. Дон уюми атмосферанинг қуруқ ҳавоси, қуёш нури ва қиздирилган ҳаво ёрдамида қуритилади. Бундан ташқари, турли хил сорбентлар (сульфат натрий, сликагел, хлорли кальций ва бошқа моддалар) ёрдамида қуритиш мумкин. Иссик-

лик ёрдамида қуритишда вакуум юқори частотали тоғын инфрақизил нур, намлиги сунъий камайтирилган ҳаводан кенг фойдаланилади. Дон уюми қайси усулда қуритилишидан қатъий назар, унинг сифат кўрсаткичлар тўлиқ сақланиши керак. Шу сабабли дон уюмини қуритишда унинг физик ва физиологик хоссаларини ҳисобга олиш керак. Дон уюмини қуритиш дончилик хўжаликларида табиий ва сунъий иссиқликлардан фойдаланиб олиб борилади. Табиий усулда қуритиш қўёлни нури ёрдамида бажарилади. Бу усулда донни қуритиш Марказий Осиё республикаларида ва Жанубий Қозоғистонда кенг қўлланилиб келинмоқда. Қуёшда қуритишда донни юзасида жойлашганлари яхши қурийди ички қилемдагилари эса унчалик қуrimайди. Демак бунда уюм қалинлиги катта аҳамиятга эга экан. Донларни қуёшда қуритишда қалинлиги 10—20 см, дуккакли донни 10—15 см, тариқ донини 4—5 см қалинликда ёйиб қўйини тавсия этилади.

Донни қуритиш учун фойдаланиладиган майдончалар асфальтланган ёки тахтадан пол қилинган бўлиши керак. Донни цементланган ёки брезент тўшалгага майдонларда қуритиш тавсия қилинмайди. Қуритиш майдончалари жанубга қараб бироз қиялиқда барпача этилса, доннинг қуриши анча тезлашади. Донни қуёшда қуритишда мунтазам равишда ҳар 2—3 соат мобайнида ағдариб турниш лозим. Агар бу технология тўғри бажарилса, унинг намлиги бир кунда 1—3 фонзга камайиш мумкин. Дон уюмини қуёшда қуритиш унинг пишигиде этилиши жараёнини тезлаштириб, сақлашга чидамлилигини оширади. Микроорганизмлар, ҳарорат ва каналарни миқдори дон уюмидан кескин камаяди. Дон уюми қуёшни нурида маълум миқдорда стерилланади. Донни сунъий усулда қуритиш уни рухсат этилган иситиш ҳароратини ҳавонинг ҳарорати ва қуритиш техникасининг хусусиятларини билишни тақозо этади. Дон ва уруғларни иссиқлик билан дон қуритгичларда қуритиш асосий ва юқориунумли усул ҳисобланади.

Дон қабул қилувчи давлат ташкилотларида, хўжаликларда ҳар йили миллионлаб тонна дон ва уруғлар қуритилади. Дехқон хўжаликларида дон ва уруғни қуритиш кўпинча давлат корхоналариникига қарагандаги қимматга тушади, чунки хўжаликларда самарадорлиги паст бўлган қуритгичларни ишлатибгина эмас, балки жараёнларни аниқ ташкил этмаслик, қуритиш тартиби-

ларига риоя қымаслик оқибатида шундай бўлади. Дои ва уруғларни қуритишни унумли ташкил этиш учун қуйидаги асосий ҳолатларни билиш ва ҳисобга олиш керак. (13-жадвал).

Иситиш ҳарорати, қуритишда иссиқликиниг энг маъқул ҳарорати ҳамда ҳар хил тузилишда тайёрланган дон қуритгичларининг ўзига хос томонларини имкон даражасигача билиш шулар жумласидандир. Ун қилинадиган донларни 50° гача, жавдар донларини 60° гача қиздиришга рухсат этилади. Уруғлик донларни эса 45° гача қиздириш мумкин. Бунда қиздирилган ҳавонинг ҳарорати доннинг намлиги қараб 55 — 70° бўлиши керак. Доннинг намлиги қанча юқори бўлса, қиздирилган ҳавонинг ҳарорати шунча паст бўлади. Масалан, бугдой доннинг намлиги 18 фонз бўлса, уни қуритишда ҳавонинг ҳарорати 70° намлиги 26 фонз бўлганда ҳавонинг ҳарорати 60° бўлиши тавсия этилади. Донни қуритишда унинг нам чиқариш хусусияти ҳам ҳисобга олиниади. Чунончи бугдой, сули, арпа ва кунгабоқар урганинг нам чиқариш хусусияти 0,8, маккажӯхориники 0,6, яшил нўхат, хашаки нўхат, ясмиқ, шолиники 0,3—0,4, ловия ва хашаки дуккаклиларники 0,1—0,2 га teng бўлади. Дон сунъий усул билан қуритилганда ҳам унинг микрофлораси сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгаради.

Маълумотларга кўра, дон уюми қуритилгандан сўнг бактериялар миқдори 3 марта, могор замбуруғларининг миқдори 7—8 марта камайганлиги исботланган. Шу билан бирга, ҳашаротлар ва каналар миқдори ҳам камайган. Дои ва уруғларни маълум даражада намлик чиқариш қобилиятини ҳисобга олиб қараладиган бўлса, у вақтда озиқ-овқат учун тайёрланган дон уюмини бир марта қуритгичдан ўтказилганда фақат 6 фоизгача намликни чиқаришини назарда тутишимиз керак. Шунинг учун юқори намликка эга бўлган дон уюмларини 2—4 марта қуритгичлардан ўтказишга тўғри келади.

Дон қуритгич техникасини яратиш такомиллашиб, ривожланиб бориши натижасида жамоа, давлат ва бошқа хўжаликларга дон қуритгичларни ҳар хил тури қурилган ёки тайёр ҳолда келтирилади. Қуритгичларининг уч хил тури тарқалган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:


- а) қудуқли қуритгич (шахтали);
- б) барабанли (фидирак шаклида) қуритгич;

Түрли экинларни дон күрүтгүлдөрдө күрүтүштүнүк хорог тарбия, (°C)

Экинлар	Шахтали				Экинлар	Шахтали				Шахтали
	%	Ийн аралык түрүнүү опаралык хөвүүнүү	Ийн аралык түрүнүү опаралык хөвүүнүү	Ийн аралык түрүнүү опаралык хөвүүнүү		%	Ийн аралык түрүнүү опаралык хөвүүнүү	Ийн аралык түрүнүү опаралык хөвүүнүү	%	
Бугдой	18	1	70	45	45	Нүхат	18	1	60	45
Жавдар	20	1	65	45	45	Вика Ясмин	20	1	55	43
Ариа	26	1	60	43	43	(Чечения)		1	60	45
	26	II	65	45	45		25	II	55	43
	дан	I	55	40	40			III	60	45
	юкори	III	60	45	45			I	45	35
Сули						Нут, шоли		II	50	40
Гречиха	18	1	65	45	45			II	55	43
Тарик	20	1	60	45	45		30	II	60	45
	26	1	55	40	40			IV	55	43
	26	II	60	45	45			I	60	45
	дан	I	50	38	38		20	II	50	45
	юкори	II	55	40	40			I	55	43
	III	60	45	45	45		23	II	60	45


в) ерга ўрнатиладиган қуригич (наполный).

Қудуқли қуригич түри жағон амалиётида кенг тар-
қалган. Бундай номни қўйилишига сабаб, унинг ишчи
камерасининг тузилиши кўпроқ ясси тўғрибурчакли
металл (бункер) қудуқни эслатади. Ички қисмининг
эни тор жойига қаторлаб металл саватлар ўрнатилган
бўлади (13 ва 14-расмлар). Қишлоқ хўжалигида кўч-



13-расм. Қуригич шахтасининг бўйи ва кўндаланг шаклидаги
кўриниши. Қутиларни жойлашиши ва қуритиш агентининг ҳа-
ракати.

майдиган ва кўчадиган қудуқчага ўхшаган қуригичлар
ҳам бор. Уларнинг иш унумдорлиги 1 соатда 8,16 тонна
бўлиб, донларни яхши қуритиши мумкин. Бундан таш-
қари, 1 соатда 2 тонна донни қурита оладиган қуригичлар
ҳам мавжуд. Дон қуригичларининг барабанли
турининг иш унумдорлиги 1 соатда 2 тоннадан то 8 тон-
нагача етиши мумкин. Барабанли қуригичда айланиб
турадиган ғилдиракка донни сепиб, иссиқ ҳавони йў-
налтириш орқали амалга оширилади (15-расм).




14-расм. СЗШ-16 дон қуритиш шахтасининг технологик чизмаси.

1 — ўчок; 2 — совитиш колонкаси; 3-4 — коваклар; 5-6 — шахталар;
7 — қуритичилар устидаги бункер; 8 — вентиляторлар.

Ҳозирги вақтда қўзғалмайдиган барабанли қуритичилар ҳам яратилган бўлиб, иш унумдорлиги 1 соатда 8 тоннагача донни қуритиш имконини беради. Жуда кўп хўжаликларда йиғиб олинган нам дон ҳосилини ерга ёки текис тахтага тўкиб, иситилган ҳавони мунтазам йўналтириш орқали амалга ошириладиган қуритиш усули ҳам кенг тарқалган. Ҳавони 30—35° гача қиздирилгандан энг яхши самарадорликка эришини мумкин-

15-расм. СЗСБ-8 дон қуритичининг умумий кўриниши.

1 — ўчок вентилятори; 2 — ўчок; 3 — ўчок қувури; 4 — иссиқ ҳаво қувури; 5 — тушириш дарчаси; 6 — тўлдириш хонаси; 7 — дон ўтказувчи қувурча; 8 — қуритиш барабани; 9 — дон аралаштирувча қанотли крестовина; 10 — бандаж; 11 — ишлатилган ҳавони чиқариш қувури; 12 — бўшатиш хонаси вентилятори; 13 — бўшатиш элеватори; 14 — совитиш колонкасиниш вентилятори; 15 — совитиш колонкасидан ҳаво чиқариш қувури; 16 — совитиш колонкаси; 17 — назорат учун тўкниш қувури; 18 — совитиш колонкасининг шлюз ёпгичи; 19 — бўшатиш хонаси; 20 — бўшатиш хонасининг шлюз ёпгичи; 21 — бўшатиш элеваторининг қабул қилувчи чўмичи; 22 — барабанин ҳаракатга келтирувчи роликлар; 23 — роликлар вали; 24 — роликларни ҳаракатга келтирувчи механизм редуктори; 25 — ўчиб-ёнувчи клапан.



15-расм (изюхи 114-бетда берилган).

лиги исботланган. Бунда энг қулай майдоннинг катта-
кичилги $40-60\text{ m}^2$ ҳисобланади. Шунда бир вақтнинг
ўзида 20—30 тонна донни 0,5—0,8 метр қатламда жой-
лаштириб қуритиш мумкин. Агар 1 суткада 20—30 тон-
на дон хўжаликлардан келиб тушса, у вақтда иккита
қуритиш камераларини қўйиб қуритиш тавсия этилади.


Донни совитилган ҳолатда сақлаш. Дон уюмини со-
вуқ ҳолда сақлаш термоанабиоз қонун-қондаларига
асосланган. Бу усулда дон уюми ҳаво ҳарорати пасай-
тирилган муҳитда сақланади. Ҳароратнинг пасайиши
микроорганизмларга салбий таъсир кўрсатиб, дон ую-
мидаги биокимёвий ва физиологик жараёнларнинг фао-
лиятини пасайтиради ёки тўхтатиб қўяди. Дон уюмла-
рини совуқ ҳолда сақлашга улардаги катта иссиқлик
энергияси имконият яратиб боради. Шу хусусиятга
асосан дон уюмининг кўпчилик қисмини совуқ омбор-
хона ва элеваторларда кеч куздан баҳорнинг охиригача,
ҳатто йил давомида сақлаш мумкин. Дон уюмини би-
ринчи даажали совитилган ҳолда сақлаш деб ҳамма,
қатламларда ҳавонинг ҳарорати 10° дан пастда бўлиши
тушунилади. Иккинчи даражали совитилган ҳавода дон
уюмларнинг ҳамма қатламлари 0° дан паст ҳарорат-
да бўлади. Яқингача дон уюмини совуқ ҳолда сақлашда
тибий ҳаво ҳарорати иқтисодий жиҳатдан маъқул
ҳисобланиб келинган. Ҳозирги вақтда совитиш ус-
куналаридан фойдаланиб, сунъий совитилган ҳаво
қўлланилмоқда. Бу дон уюми ва уруғларни тезда со-
витиш имконини беради. Шу билан бирга, микроорга-
низмларнинг фаол ривожланиши оқибатида нобудгарчи-
ликнинг олди олинади. Сунъий совитиш усулини бирин-
чи навбатда шоли, кунгабоқар ва сабзавот экинлари
уруғларини сақлашда қўллаш мақсадга мувофиқdir.

Агар дон уюми узоқ вақт сақлашга мўлжалланган
бўлса ва дон таркибидаги намлик ($12,0-12,5$) базис
кондициядан паст бўлса, $5-8^\circ$ гача совитиш мумкин.
Баҳорги иссиқ кунлар бошланишидан аввал дон сақла-
нувчи омборларда дон уюмидаги совуқ ҳароратни йў-
қотмаслик учун қўшимча тадбирий чоралар амалга
оширилиши лозим. Бунинг учун, иссиқ кунлар бошла-
ниши билан ойна, эшик ва шамоллатиш жиҳозларини
зичлаб ёпиш керак. Ёзги сақлаш тартибига секин ўти-
лади, акс ҳолда уюмларнинг юқори қатламларида сув
пардаларини конденсацияланниб қолиши, ҳўл бўлиши ва
ўз-ўзидан ёниб кетиш ҳоллари кузатилиши мумкин.

Намлик миқдори юқори бўлган дон уюминга бирдан иссиқ ҳавони кириши жуда хавфли ҳисобланади. Дон уюмини қандай ҳароратгача совитишни аниқ айтишдан аввал доннинг туринигига эмас, балки таркибидаги намлик, қандай мақсадларга ишлатилиши, етилиш даражаси ва бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади. Дон уюмини совитишни икки усулга бўлиш мумкин:

1. Фаол шамоллатиш.
2. Енгил шамоллатиш.

Дон уюмини енгил шамоллатишда донлар шопирилмайди ва мажбурий ҳаво йўналтирилмайди. Омборхонанинг паст ҳарорати уни очиб шамоллатиш ҳавони ҳайдайдиган ва сўриб оладиган қўшилмалардан фойдаланиб амалга ошириш имконини беради. Бу усул камчиликларига қарамай, унга кўп энергия ва ишчи кучи сарфланмаслиги сабабли донларни сақлашда кенг қўлланилиб келинмоқда. Фаол шамоллатиш усулига қўзғаладиган ва қўзғалмайдиган шамоллатиш қурилмалири, дон тозалагич машиналари, транспортёрлар ҳамда дон уюмларини шопириб туриш ускуналари кабилар киради. Дон уюмларини совитишда курекда шопириб совитиш усулининг технологик самарадорлиги паст бўлганлиги сабабли тавсия қилинмайди. Бу усулдан фақат дон уюмлари қўёшда қуритилганда фойдаланиш мумкин. Куракларда шопириб совитиш усулига қараганда кетма-кет ўрнатилган транспортёрларда ёки донларни тозаловчи ҳаво ҳайдагич машиналари ёрдамида кам меҳнат сарф қилиб совитишда юқори самарафорликка эришилади. Бунда энг аҳамиятли жойи шундаки, донлар ҳаракати қанчалик узоқ жойга чўзилса, улар очиқ ҳавода кўпроқ бўлиши натижасида совиши шунчалик жадаллашади. Транспортёрлар билан бир вақтнинг ўзида дон қуриткич машиналаридан ҳам фойдаласиб, дон уюмларини аралаш ҳолда совитиш мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилган усулда донлар совитилганда ҳам уларнинг шикастланишига йўл қўйилади. Шунинг учун ҳозирги вақтда жуда кўп мамлакатларда, шу жумладан бизда ҳам дон уюмларини совитишда энг илғор усуллардан ҳисобланган фаол шамоллатиш усули кенг қўлланиб келинмоқда. Дон уюмларини говаклардан иборат бўлишини ҳисобга олган ҳолда унга ҳаво оқимининг мажбурий йўналтирилишига фаол шамоллатиш усули деб айтилади. Вентиляторлар ёрдамида



16-расм. Дон уюмларидаги ҳаво ҳаракати чизмаси:

1 — вертикаль; 2, 3 — радиал.

кучайтирилган ҳаво дон уюмининг ичига мослаштирилган каналар ёки қувурлар орқали ҳар хил йўналишлар бўйича йўналтирилиб дон қуритилади (16-расм). Совуқ ҳавони қўллаш натижасида бир неча соатда бутун дон уюмини совинтиш имкониятига эга бўлинади.

Донни ҳавосиз муҳитда сақлаш. Бу усул дон уюмини сақлаш аноксианабиоз қонун-қоидаларига асосланган бўлиб, унда дон оралиқларида кислороднинг йўқлиги сабабли, уюмининг устки қисмида нафас олиш тезлиги сусаяди, оқибатда асосий ўсимлик дони ва бегона ӯт уруғлари анаэроб нафас олиш йўлига ўтиб аста-секин нобуд бўлади. Микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти тўхтайди. Кислородга муҳтожлик сезган кана ва ҳашаротларнинг ҳам ривожланиши учун шароит йўқолади. Натижада, дон уюмининг йўқолиши кескин қисқаради. Кислородсиз муҳитда намлик танг даражагача етмагандан дон уюмининг ем-ҳашакли (фураж) ва технологик сифатлари яхши сақланиб қолади. Намликтин ортиб бориши натижасида дон уюмининг озиқлик ва ҳашакилик қиймати бир мунча пасаяди, масалан, дон қобиқлари камаяди, спиртни эслатувчи ва ачитқи ҳидлари пайдо бўла бошлайди ва ҳоказо. Дон уюмларини сақлашда кислородсиз муҳитни яратишнинг қуйидаги усувлари мавжуд:

а) тирик организмлар ҳар хил турларининг нафас олиши оқибатида кислороднинг сарфланиши билан ўз-ўзидан карбонат ангидрид газини табиий тўпланишига олиб келиши орқали;

б) дон уюмiga карбонат ангидрид, азот ва айрим бошқа газларни киритиш орқали;


в) донлар оралиқларидаги бўшлиқдан ҳавони мажбурий сиқиб чиқариш орқали;

г) дон уюмida вакуум барпо қилиш (ҳавони сўриб олиш) орқали амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги шароитида биринчи усуулдан фойдаланилади. Ҳозирги вақтда кўплаб дон уюмларини

тупроқда, яғни ерда кислородсиз мұхитни яратиш йўли билан сақлаш кенг қўлланиммоқда.

Донларни тупроқда сақлаш. Сизот сувлари чуқур жойлашган (3—5 метрда) қаттиқ ерларда дон уюмларини ишончли герметик (жипс) ҳолда сақлашни таъминлаш енгил амалга оширилади. Бундан ташқари, ерининг нисбатан паст ҳарорати туфайли дон уюмидаги намлык ҳаракатини йўққа чиқарувчи стационар сақлаш тартиби юзага келтирилади. Масалан, маккажўхори донини йиғишириб олиш вақтида унинг намлиги 25—35 фоиз ва ундан ҳам юқори бўлади. Бундай донни одатдаги ер устида жойлашган омборхоналарда сақлаш учун 13—15 фоизгача қуритишга тўғри келади. Мўлжалланган фоизгача қуритиш имконияти кам бўлганилиги учун уни сақлаш ҳам қимматга тушиб кетади. Шу сабабли маккажўхори донининг бир қисмини табиий намлигича қолдириб герметик шароитда сақланади. Комбайн ёрдамида маккажўхори сўтасидан янчиб олинган дон уюмининг намлигидан қатъий назар, тўғридан тўғри маҳсус тайёрланган ҳандақларга зич қилиб жойлаштирилади, устидан плёнка ёки бошқа мато ёпиб сўнг тупроқ ёки лой тортилади (17-расм). Донларда мотор



17-расм. Дон сақлаш ҳандақлари:

1 — тупроқ; 2 — тўл; 3 — қириқли тупроқ; 4 — сув ўтадиган ариқча;
5 — гишт таҳлами; 6 — мум қатлами; 7 — дон; 8 — бетон.

замбуруғларининг ривожланиб кетмаслиги учун уларни тезлик билан бир-икки кунда яхши беркитилган ва сувдан ҳимоя қилишни кўзда тутган ҳандақларга жойлаштириш сақланишининг энг маъқул ва қулай шаронти ҳисобланади. Ҳандақларнинг сув ўтказмаслиги ва ҳар томонлама герметик бўлиши учун фишт териб цементланади, сақич қўйилади ёки газ, сув ўтказмайдиган плёнка тўшалади. Ҳандақларнинг чуқурлиги 3,5 метр, эни 3 метр, узунлигини хоҳлаганча қилиш мумкин. Ҳар 5—10 метрда тўсқичлар қўйиш тавсия этилади. Тўсқичлар ҳандақقا жойлаштирилган дондан қисмлаб ишлатиш имкониятини беради.

Омборхоналар таърифи. Сақлаш тартибини таъминлаш учун салбий таъсир кўрсатадиган атроф муҳитдан дон уюмларини ҳимоя қилиш, дон миқдори ва сифатини асоссиз йўқолишига йўл қўймаслик, ҳамма дон тўпламларининг ва айниқса уруғликларни сақлашни маҳсус омборхоналарда ташкил этиш лозим. Дон ва уруғлики сақланадиган омборхоналар дон уюмларининг физик ва физиологик хусусиятларини инобатга олиб қурилади. Бундан ташқари, омборхоналарга кўплаб талаблар қўйилади. Жумладан, техник, технологик, фойдаланиш бўйича ва иқтисодий талаблар. Шунга кўра омборхоналар ёғоч, тош, фишт, темир-бетон, темир ва бошқа ҳар хил қурилиш материалларидан фойдаланиб барпо қилинади. Булардан фойдаланиш дон омборхоналарини қайси мақсадларга белгиланганлигига, маҳаллий шаронитга, донларни сақлаш муддатига қараб ҳамда иқтисодий имконияти эътиборга олиниб амалга оширилади.

Тош, фишт ва темир-бетонлардан фойдаланиб қурилган дон омборхоналарининг иссиқлик ўтказувчанинг ҳисобга олиб, дон уюмларида содир бўладиган кескини ўзгаришлардан қутилиш мумкин. Дон омборхоналари етарли даражада пишиқ ва мустаҳкам бўлиши, полгаг (тактага) тўкилган, деворларга тирбанд дон уюми босими ҳамда шамол босимига ва ҳоказоларга бардош бераз олиши керак. Ҳар тарафлама тўғри бажарилиб барпо қилинган дон омборхоналаридан меъёрида фойдаланилганда зах бўлмайди, шу боисдан буғдой омборхоналарида ҳавонинг намлигини деярли йил давомида мўътадил 60—75 фонз даражасида бемалол ушлаб туриш мумкин. Бу эса ҳамма экин турининг бир хилдаги намлигини 13—15 фоизига тўғри келади.

Дон омборхоналари ходимлари сақланилаётган дон


уюмларини ҳар хил кеми्रувчилар, қушлар зааркунанда ҳашаротлар ҳамда каналардан яхши ҳимояланишини таъминлаши керак. Омборхоналар дон уюмларини заарсизлантириш ва чанглардан тозалаш учун қулай бўлиши, меҳнат сарфини камайтириш мақсадида механизациялаштириш ишларини олиб бориш катта аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ ҳўжалигига дон ишлаб чиқариш тўлиқ механизациялаштирилган бўлсада, айрим жамоа, давлат ва фермер ҳўжаликларида донларга ишлов беришда техникага етарли эътибор беришмаяпти. Дон ерга тўкилган ҳолда ва тарапларга солиб сақланади. Ерга тўкиб сақлаш асосий усул бўлиб кенгроқ тарқалган. Дон уюмларини яхши тўкилувчанлик хусусияти уларни ҳар хил ҳажмдаги ва шаклдаги улкан яшикларни тўлдиришни осонлаштиришга имкон беради. Дон уюмлари ерга тўкиб сақланганда, уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб жойлаштириш ишларини тўлиқ механизациялаштириш мумкин.

Бундан ташқари, кўпчилик омборхоналарнинг сатҳи ва ҳажмидан (сифимидан) самарали фойдаланилади. Бу ишлар арzonга тушади ва идиш — тара олишга ортиқча харажат талаб этилмайди. Бироқ бир қисм уруғларни тарапларда сақлашга тўғри келади. Масалан, элита уруғлари, илмий-текшириш ташкилотларидан олинган биринчи репродукцияли уруғлар, маккажўхори уруғлари заводларда ишлов берилгандан сўнг, техник ва мойли ўсимликларнинг майда тўкилувчи уруғлари ҳамда ўт, эфир чиқарувчи экинлар уруғлари ва полиз-сабзавот уруғлари қопларда сақланади. Қоплар пишиқ, дағал газламалардан, ичига газлама тўқилган қофоз қоплардан ҳамда крафт-қоплардан ва бошқа турлардан иброратдир.

Дон омборхоналари турлари. Ўзбекистонда асосий дон омборхоналари бир қаватли, ёnlама ёки қияланган иолли омбор ва элеваторлардан иборат. Бундан 20—25 йил аввал жамоа ва давлат ҳўжаликларида қурилган омборлар сигими (50; 100; 160; 300 тонна) кичик бўлиб, кўичилиги механизациялаштирилмагандир. Ҳозир қурилаётганларининг ҳажми 500 дан 5000 тоннагача дон сигадиган омборлар бўлиб, унда ташиш, тушириш ва бошқа ишлар тўла механизациялаштирилган. Йиғилувчи темир-бетон, гишт, металллардан фойдаланиб барно қилинган бункер туридаги омборлар ҳар хил механизмлар билан жиҳозланган. Булардан ташқари, тара-

ларни алоҳида сақлайдиган, донларни соладиган, уни дорилайдиган ва мунтазам шамоллатиш ускуналари ўрнатилган бўлимларига эга бўлган омборхоналар ҳам мавжуд. Донларни қайта ишловчи (тегирмон, ёрма ва озуқа-ем ишлаб чиқарувчи заводлар) корхоналар, давлат қарамоғидаги нон маҳсулотлари, нон қабул қилувчи пунктлар, катта сифимли омборхоналардан ташқари элеваторлар ҳам бор. Замонавий элеватор — бу донларни қабул қилиб, қайта ишлаб, сақлаб ва истеъмолчиларга тарқатадиган бақувват саноат корхонаси. Бунда донлар истеъмол кондициясига етказилиб, сифати бўйича бир хил турларга ажратилиб, халқ хўжалигининг ёки бу мақсадларига ишлатиш учун мўлжалланган.

Элеватор (18-расм) асосан икки қисмдан-ички минара ва бир нечта ем (силос) корпусларидан иборат. Дон уюмлари 30 метр ва ундан баланд бўлган ем сақ-



18-расм. Дон элеватори.

лагичларига солинади. Элеватор сифими ем миқдори, сақлагичларнинг баландлиги ва кўндаланг кесимига боғлиқдир. Ем сақлагичлар монолит ёки йиғма темирбетондан барто қилинади. Улар тўғрибурчакли ва цилиндр шаклида бўлади. Цилиндр шаклидаги ем сақлагичларни бир қатор қилиб жойлаштирилганда уларнинг орасида кўпинча юлдузчалар деб аталадиган қўшимча

бўлиқлар ҳосил бўлади. Ем сақлагичларнинг сифими кўпинча 150 тоннадан 600 тоннагача боради. Бундай дон ўюмларининг тўкилувчанилиги ва сақланиш хусусиятлари яхши бўлиши керак. Шунинг учун донларни элеваторларда сақлашда фақат қуруқ ва бироз қуруқ доилар билан тўлдирилишига эътиборни қартиш керак.

Ишчи миноранинг баландлиги 50—65 метр бўлиб, унинг қаватларида дон тозалагич машина, аспирацион мослама, автомат тарози, айрим ҳолларда қуритгичлар жойлашган бўлади. Ҳар хил мақсадлар учун белгиланган (тайёрловчи, тегирмонли ва бошқа) элеваторлар турли технологик тизимларга эга. Элеватордаги донлар ҳаракатининг умумий жараёнини қуидаги тасаввур қилиш мумкин: вагонларда, машиналарда келтирилган дон ўюмлари дон қабул қилувчи пунктларнинг элеватор минораси тагида жойлашган ҳандақларга келиб тушади. У ердан катта чўмичларда (ҳар бирининг бир соатдаги иш унуми 100—350 тонна) донни элеватор минорасининг юқори қисмидаги автомат тарозиларига кўтариб беради, кейин дон ўзининг ҳаракати билан минорани қаватларда жойлашган дон тозалагич машиналарига келиб тушади. Шундан сўнг керак бўлса дон ўюмлари дон қуритгичларига йўлланади. Ҳар хил қўшилмалардан тозаланиб ва яхши қуритилган дон ўюмлари яна миноранинг юқори қаватларига йўналтирилади, у ерда ҳар томонга тарқатувчи мосламалар ёрдамида см сақлагичлар устидаги транспортёrlарга йўлланади ва унинг ёрдамида дон ўюмлари аралаштирилади ҳамда ем сақлагичларга солинади. Ем сақлагичларнинг тешиги очилгандан кейин дон масаси транспортёrlарга келиб тушади. Бу ердан дон ўюмлари махсус жўнатишга тайёрланган ем сақлагичларга ва бошқа мосламаларга йўналтирилади. Кўп элеваторларда донларни аралаштириш учун механик транспортёrlардан фойдаланилади. Бундан ташқари, элеваторлар инсематик мосламалар билан ҳам жиҳозланган бўлади. Элеваторлардаги жараёнларни бошқарни учун марказлашган бошқарув жойи бўлиб, унда диспетчер пульт ёрдамида ҳамма технологик жараёнларни бошқаради.

Элеваторлар қайси мақсадларга мўлжалланганлиги ва қурйлган жойинга қараб 25—140 минг тоннагача дон сифадиган ҳажмда бўлиши мумкин. Элеваторлардан омборхоналар билан бирга комплекс равишда фойда-

ланилса анча қулай бўлади. Ишлов берилган донларни омборхоналарда сақлаш элеваторларда сақлашга нисбатан арzonга тушади. Шунинг учун, элеватор биринчи навбатда донларга ишлов беришда, дон тўпламларини жўнатиш учун қулай бўлган ҳамда узоқ муддат сақлаш кўзда тутилган вақтда ишлатилса мақсадга мувофиқ бўлади. Дон уюmlари элеватордан қанчалик кўп ўтилизса унинг рентабеллиги шунча юқори бўлади.

Донни уюм ва майдончаларда вақтинча сақлаш. Мамлакатимизда дон сақлаш омборхоналари кўпайиб боришига қарамасдан, ҳосилни йиғиб олиш вақтида айрим туман ва вилоятларда жамоа, давлат ва бошқа хўжаликларда етиштирилган ҳосилни вақтинча уюmlарда сақлашга мажбур бўлиб қолинмоқда. Уюм деб маълум бир қондага асосан омборхонадан ташқарида очиқ ҳавода тўкилган ёки қопларга жойлаштирилган донларга айтилади. Дон уюmlарини сақлаш даврида ҳар хил ташқи муҳит шароитининг тезда таъсир этиши уларни сақлашга чидамлилигини жуда пасайтиради. Айниқса, бундай шароит куз ва баҳор ойларига тўғри келади. Донларни уюмда сақлашга уни ички қисмида кечадиган жараёнлар устида кузатиш ишларини олиб бориши қийинлашади. Шу сабабли, ўз-ўзидан ёниб кетиш ва ҳашаротлар билан зарарланишини ўз вақтида пайкаш қийинлашади. Бундан ташқари, донлар уюмда ифлосланади, бузилади ва қушлар, кемирувчи ҳайвонлар томонидан осонгина нобуд қилинади. Кўпчилик ривожланган давлатларнинг тажрибасидан маълумки, донлар очиқ уюmlarda сақланганда тўпланган ҳосил 10—30 фоизгача йўқотилиши мумкин.

Уругли донларни очиқ ҳавода уюmlarda сақлаш қатъян ман этилади. Агар янги ўриб олинган ҳосилни вақтинча уюmlarda сақлашга мажбур бўлиб қолинса, у вақтда уюм учун майдон ташланига, донларни уюmlarga жойлаштириши ҳамда устини ёпиш усуулларига эътиборни қаратни керак. Уюм учун майдончалар тўғри, текис, сув тўпланиб қолмайдиган қилиб ташкил этилади. Майдон ҳар томонлама автомобилларни кириб шамоллатиш ускуналарини жойлаштириш ва бошқа чиқиши учун, дон тозалагич машиналарини, мунтазам ишларни бажариш учун қулай бўлиши лозим. Майдон асфалтланиши ёки ер қаттиқ жипсланиб (трамбоика) устига тахта ёки плёнка тўшалади. Майдончани шундай ташкил қилиш керакки, уюм баландлигининг энг

учли қисми куз-қиши пайтида бўладиган шамол йўналишига тўғри келсин.

Донларни уюмга жойлаштиришдан олдинги тайёргарлик ишлари ҳам катта аҳамиятга эга. Намлик қандай бўлишидан қатъий назар, уларни майдончага жойлаштиришдан аввал 8° ва ундан паст ҳароратгача совитилиши керак. Бундай қилишининг сабаби бор: уюмда кана ва ҳашаротларниң фаол ривожланишини йўққа чиқаради, ўз-ўзидан ёниб кетиш даражасини пасайтиради. Фаол шамоллатини қурилмасидан фойдаланиб донларни транспортёр занжиридан ўтказниш йўли билан донлар совитилади. Бунда суткалик ҳароратдан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Фақат қуруқ ва ўртача намликтаги дон уюми олдиндан совитилиб кейин устини ёпиш тавсия қилинади. Олдиндан совитилмаган ҳамда намлиги танг намликтан юқори бўлган дон уюмини ёпиши шарт эмас, акс ҳолда тезда ўз-ўзидан ёниб кетини жараёни бошланиши мумкин. Уюмлар устини ёпиш учун бризент, бардон, плёнка ва шунга ўхшаш матолардан фойдаланилади. Шуни яна бир марта таъкидлаш керакки, донларни вақтинча уюмларда сақлаш бу энг охирги чорадир. Ватанимизнинг жанубий минтақаларида озуқа-ем донларини сақлаш зарур бўлиб қолса, уни омборхонадан ташқарида очиқ ерда сақлаш яхши патижга беради.

Х боб. ДОН УЮМЛАРИНИ САҚЛАШДА ЧИДАМЛИЛИГИНИ ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ

Дон уюмларини қуруқ ёки совитилган ҳолатда сақлашнинг технологик ва иқтисодий афзаллиги, юқори самарадорлиги уларниң чидамлилигини оширишга мўлжалланган турли ёрдамчи усулларни комплекс ёки алоҳида қўллашга боғлиқдир.

Шундай усулларга донларни бегона аралашмалардан тозалаш, тез-тез шамоллатиб туриш, жамғармаларни зааркунадалардан сақлаш ва бошқалар киради. Юқори намлика эга бўлган, озиқа-емга мўлжалланган дон уюмларини сақлаш имконини яратиш учун эса маҳсус усул — кимёвий консервалаш қўлланилади.

Дон уюмларини аралашмалардан тозалаш. Ҳосилни йиғниш пайтида дон уюмларини ёввойи ўсимлик уруфлари, яшил қисмлари, чанг ва микроорганизмларниң маълум миқдоридан ўз вақтида ҳоли этиш унинг физи-

ологик фаоллігінни кескін сусайтиради. Айниқса, уруғлиқ жамғармаларни тозалашни кечіктириб бўлмайди. Бу тадбирни кеч муддатларда ўтказиш дон тўпламлари ва уруғларни экиш бир ва иккі кондицияли даражага, яъни таркибида аралашмалар бўлишига қараб ўтказилади ҳамда у дон уюмларини сақлашда, уруғларни далада униб чиқшиш ва ҳаётий фаолияти ҳолатларига ижобий таъсир этмайди.

Қишлоқ хўжалик машиналари курсида хўжаликларда турли ўсимликларнинг дон уюмларини тозаловчи машиналар, улардан фойдаланиш ва тозалаш чизмалари тўғрисида батафсил ёритилган.

Биз фақат тозалаш самараси дон тозалагич машиналарини тўғри танлашга, уларнинг ишчи қисмларини ўринатиш ва бошқаришга боғлиқлигини таъкидлашимиз мумкин. Дон тўпламидаги аралашмалар таркибини даставвал хўжаликларда тозалаш яхши натижалар беради. Шунун ҳисобга олган ҳолда тозалаш схемаси тузилади ва машиналарнинг ишлаш тартиби аниқланаади.

Дон уюмларини аралашмалардан ўз вақтида тозалаш ишларини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигида меҳнат харажатларини иқтисод қилиш мақсадида 20 ва 40 тонна-соат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган дон тозаловчи агрегатлардан кенг фойдаланишга ўтилди.

Дон тозаловчи агрегатлар донларни қабул қилиш, тозалаш, вақтинча сақлаш ва ортишини тўхтовсиз таъминлайдиган механизм тизилмасидир. Дон тозаловчи машиналар бункерлар блоки устига жойлашган, темир устунларга маҳкам ўрнатилган бўлади.

Иш жараёнини бошқариш масофали пульт орқали амалга оширилади. Унга ҳимоя ва сигнал системалари мослаштирилади. Агрегатни бир механизатор бошқаради. Асосий технологик схемада донни ўрага тўкиш, уни ковшлар ёрдамида даставвал юқорига чиқариб, кейин ўз оқимида дон тозаловчи машинага узатиш кўзда тутилган. Шундан сўнг тозаланган дон транспортёр орқали триер блокига кўчирилади ва кейин триердан ўтиб, тозаланган донга мўлжалланган бункерга тўкилади.

Ҳаво-панжарали машинада ҳаво оқими ёрдамида енгил аралашмалар ажратилади. Дон тўпу уч фракцияга: тоза дон, фураж дони ва дон қолдиқларига бўли-


нади. Дон түпини бу машинадан ўтказаётганды ортиб қолгани захира бункерига тушади, бу ўз йўлида машинаниг бир текис ишлашини таъминлайди.

Уруғларга ишлов бериш ва тайёрлашнинг технологик схемаси қўйидаги ишлардан иборат: дастлабки тозалаш, дон уюмларини фаол шамоллатиш, қуритиш, иккиламчи тозалаш, дорилаш ва қопларга жойлаш.

Давлат дон қабул қилиш корхоналарида турли мақсадга эга бўлган дон уюмларига ишлов бериш ҳар хил қувватли оқимларда элеваторларга боғлиқ тизимларда амалга оширилади.

Мослама турлари. Фаол шамоллатиш омбор, майдонча, маҳсус бункер ва элеватор хирмонларида амалга оширилади.

Хўжаликларда қўйидаги мосламалар тарқалган: омбор ёки майдонча сатҳида доимо фойдаланиладиган ҳаво қувурлари тузилемалари; доимий тўлдирмалар (19-расм); омборча ёки майдонча сатҳининг зарур жойинга ўрнатиладиган суриладиган ҳаво тарқатувчи қувурли система кўришидаги кўчма тўлдирмалар (ушбу ускуналар одатда яхши сатҳли, аввал қурувчиларсиз қурилган омбор ёки майдончаларга ўрнатилади); бункерли, қувурли мосламалар.



19-расм. Омбор остидаги ариқчалар жойлашиш чизмаларидан бири.

Биринчи мослама турида ҳаво диффузор орқали қувур ва панжараларга тушади. У марказга интилиб ҳаракатланувчи қуввати етарли ва юқори ишлаб чиқариш даражасидаги электр шамоллатгичлар билан бөгланган бўлади. Шамоллатгичлар диффузорга омборхонадан ташқарида уланади. У ёни ёки узун девор-

ларига ўрнатилган бўлиб, ёғингарчиликдан ҳимоя қилиниши лозим. Омборхонада одатда бор-йўғи 1-2 шамоллатгич бўлади, улар гилдиракка ўрнатилиб, зарур пайтларда керакли диффузорлар яқин олиб келинади ва ишлатилади.


Дон уюмларини фаол шамоллатиш учун зарур ҳаво босимини таъминловчи қўплаб асосли ва марказга интилиб ҳаракатланувчи шамоллатгич турларидан фойдаланилади.

Мосламаларнинг муваффақиятли ишлаши, шунингдек, барча ҳаво тақсимилаш шахобчаларининг тўғри тузилишигага, омборхонанинг ҳамма қисмларида тегишли ҳаво босими ҳисобга олиннишига боғлиқдир. Акс ҳолда шамоллатиш нотекис бўлиши, яъни шамоллатиладиган дон тўпламишининг баъзи жойларида ҳаво тўпланиши ёки етарлича бўлмаслиги натижасида донларнинг намланиши ва совитилмаслиги сабабли донларда бузилиш ўчоқлари пайдо бўлади.

Бункер мосламалари («шамоллатиладиган бункер») цилиндр ёки тўғри бурчак шаклидаги, турли баландликдаги (8-12 м) бункер ёки элеватор хирмонлари (30 метргача) бўлиб, дон уюмларida ҳаво босимини кучайтирувчи маҳсус қувурлар билан жиҳозланган. Ушбу

системаларнинг тузидишилари ҳарі хилдир. Баъзиларда ҳаво хирмон остидан юборилади ва хирмоннинг барча қатламларидан ўтади, бошқаларда эса радиал ёки қаватмақават амалга оширилади. Баланд хирмонлар учун юқори босимли вентиляторлардан фойдаланилади.

Дон етишитирувчи хўжаликларда радиал усулда (20-расм) ҳаво ўтказувчи темир цилиндр бункерлари ишлатилади. Бункер ичидаги (марказида) цилиндр шаклидаги қу-



20-расм. Кичик ҳажмли темир бункер.

зур тик ўрнатилиб, деворлари, бункер сингари ҳаво ўтишини таъминлайдиган махсус тешикларга эга. Шамоллатгичлар ёрдамида юборилган ҳаво қувур бўйлаб (ички цилиндр) дон уюмига ўтади ва перфорирланган девор орқали ташқарига чиқади. Ҳаво тақсимловчи қувурлар ичидаги кўчib юрувчи поршен дон уюмида ҳавони бир текисда тақсимлашни таъминлайди.

Бункернинг бундай турлари электр ҳаво иситгичлар билан жиҳозланган бўлиб, дон уюмини қуритиш зарурини бўлган вақтдагина уланади. Дон уюми қуритилгандан сўнг совитилади. Бункерларни дон билан тўлдириш чўмичли транспортёр орқали, бўшатиш эса ўз юними билан амалга оширилади.

Хўжаликларда кўчма қувур мосламасини учратиш мумкин. Қувурларни (диаметри 102 мм) дон уюмига ботиринш ва ундан тортиб олиш электровибраторли болга ёрдамида бажарилади. Қувурларнинг юқори қисмига соатига 500 m^3 ҳаво юборувчи шамоллатгич ўрнатилади.

Ушбу мосламаларни уруғлар сақланадиган ток ва омборхоналарда ишлатиш яхши самара беради, лекин кўчма қувур мосламаларининг камчилиги ҳаводан фойдаланиш системаси ҳисобланади. Шамоллатиш учун гашқи ҳаво эмас, балки омбор ҳавоси ишлатилади. Шунинг учун, катта дон уюмларига ишлов беришда дар доим технологик самарани (ҳаво ҳарорати ва намлиги кўтарилади) туширадиган ўз «об-ҳавоси» юзага келади. Мосламаларни яна бир камчилиги, доимий мосламаларга қараганда электр қувватини 2—3 баробар ўп сарфлайди.

Дон уюмларини фаол шамоллатиш. Фаол шамоллатишнинг муваффақияти, бошқа технологик тадбир сингари, нафақат қўлланиладиган мослама тузилишига, балки ундан тўғри фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Шамоллатиш самараси, шунингдек ҳавонинг ҳарорати ва ойдаланиладиган ҳавонинг намликка эга бўлиши дон уюмининг намлиги ва ҳароратдан келиб чиқади. Дон уюмига юбориладиган ҳавонинг умумий миқдори, шунингдек, маълум вақтдаги унинг ҳажми (бир соат) атта аҳамиятга эга. Масалан, донларни ҳосил йиғиб лингандан кейин етилиши учун уларга иссиқ ва қуруқ авони оз сарф этиб ишлов берилади. Уруғларни сенишдан олдин иссиқ эмас, балки намли ҳаво билан ишлов берилади. Қуруқ дон тўпламларини совитиш

учун совуқ етарли даражада бўлган қуруқ ҳаво зарур. Юқори намлиқдагилар кўпинча ўз-ўзидан қизиш ҳолатида бўлади, уни нам сингдирилган совуқ ҳаво билан яхшилаб совитиш мумкин.

Шамоллатишнинг технологик самарасига тезроқ эришиш учун ҳаво ва дон уюми орасидаги параметр фарқи катта бўлиши керак. Масалан, ҳарорат фарқи 5° ва узатиш мавқеи 100 m^3 , шамоллатиш соатига $0,2^{\circ}$ пасайиб боради, 15° ҳарорат фарқлигида эса — $0,5^{\circ}$ камаяди.

Фаол шамоллатиш маълум шароитда дон уюмларининг намланишига олиб келиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун донларнинг мувозанат намлигини ҳисобга олиш, ҳавонинг нисбий намлигини хис этиш керак.

Юқорида таъкидланганидек, фаол шамоллатиш дон уюми ҳавоси нам буғли (иссиқ ёки совуқ ҳаво) бўлса ҳам ўтказилади. Аммо фаол шамоллатишнинг исталган даврида ҳам дон уюми ва шамоллатгични сўрвчи тешикларни сув томчилари ва қордан ҳимоя қилиши зарур, шамоллатишда хирмоннинг баландлиги етарли ви бир хил бўлиши шарт.

Иситилган ҳаво билан фаол шамоллатиш. Кўпчилик давлатларда юқори намликка эга бўлган дон ҳосилини йиғиша донларни иситилган ҳаво ёрдамида қуритиш кенг тарқалган. Ҳавони бор йўғи $+3-5^{\circ}$ иситилгани донни нам сифимини ҳамда қуриш қобилиятини кескин оширади. Уни амалга оширишда ҳаво иситгичлари ёки шипига маҳкамланган махсус қуригичли бункерлардан кенг фойдаланилади. Майдончанинг оптималь катталиги $40-60\text{ m}^2$ бўлиб, бир вақтнинг ўзида $0,5-0,6$ ёки $0,7-0,8\text{ m}$ қалинликда $20-30$ тоннадон жойлаш мумкин. Узлуксиз қуритишни амалга оширишда икки камерали қуригичлар ишлатилади. Бир камера тўлиқ бўлса, иккинчиси бўшатилиб борилади. Ҳар бир қуритиш камерасининг катталиги 50 m^2 бўлиб, атрофи 1 метр баландликда ўралган. Амалиётда қуритиш муддати 1—3 кечакундузни ташкил этади. Уни ўтиш даражаси дон уюми намлиги ва қуритиш агентини солиширма узатилишига боғлиқдир.

Фаол шамоллатиб қуритиш уруғларни ҳосил йиғигандан кейин етилишини таъминлайди, ортиқча қизиб кетишдан сақлайди чунки қуритиш агенти сифатида юқори ҳарорат қўлланилмайди. Бу усулининг камчилигига уруғларни нотекис қиздирилиши ва уларни хирмон қат-

ламларида турлича құритилишидір: пастки қатlam күчли қизиңди ва күп қурийди. Аммо паст ҳароратни құллаш натижасыда заарлы таъсирлар йүқолишиға сабаб бўлади, дон құритилгандан кейин транспорт воситаларида аралашиши сезиларли даражада намликни текислайди. Құритиш хирмоннинг юқори қатламида намлик 16—17% га етганда тўхтатилади.

Фаол шамоллатиш кам тўқилиш хусусиятига эга бўлган сабзавот экинларининг уруғларини, клешевина қутичаси, сорго супургиси, каноп боғлами ва треста ҳамда себарга уруғларини құритишида кенг қўлланилади.

Дон оралиқларидаги ҳавонинг нисбий намлигини оз намлика эга бўлган турли ҳароратли ҳаво билан сусайтириш ҳамда дон уюмини құритиш ва ундаги физиологик фаолликни пасайтириш мумкин. Уруғли дон тўпламларидаги ҳавони вақти-вақти билан алмашиб туриш улардаги униш қобилиятини сақтайди, янги йифилган донни қуруқ иссиқ ҳаво билан ўтказиш эса уни йифимдан кейинги стиблишини таъминлайди.

Фаол шамоллатишни қўллаб, шунингдек, уруғларга экишдан олдин иссиқлик билан ишлов бериш ҳам мумкин. Шамоллатиш мосламасидан фойдаланиб, дон уюмларига фумигант билан ишлов бергандан сўнг уларни енгил ва тез дегазациядан ўтказиш мумкин.

Дон уюмларини фаол шамоллатишнинг яна бир афзаллиги шундаки, құритиш мосламалари орқали ўтказишида ва транспорт воситаларида ташиида донлар заарланмайди. Бу, айниқса уруг материаллари тўпламлари учун аҳамиятлайдир. Шунингдек, фаол шамоллатишнинг технологик самараси иқтисодий томондан ҳам афзалдир. Бу усулни қўллаш дон уюмини аралаштириш учун кетадиган харажатлардан ҳоли этади ва сезиларли тарзда қўл меҳнатига бўлган талабни камайтиради. Масалан, дон уюмини аралаштиришга нисбатан у деярли икки баробар арzonга тушади, шунингдек технологик самараси юқоридир.

Авваллари фаол шамоллатишда фақат атмосфера ҳавосидан табиий ҳолатда фойдаланиб келинар эди. Ҳозир эса иситилган ҳаво билан фаол шамоллатилиши дон уюмини омбор ёки майдончаларда аралаштиրмасдан құритиш имконини яратади.

Донни кимёвий консервалаш. Донларни сақлашда улардаги алоҳида компонентларнинг ҳаётий фаолиятини

секинлатиш ёки тўхтатишини кимёвий воситалар ёрдамида амалга ошириш кимёвий консервалаш номини олган. Дон уюмларининг физиологик фаоллигини пасайтиришга бўлган ҳаракат, биринчи галда, микрофлораси ҳаётини сусайтиришга қаратилган кимёвий ишлаш анчадан буён дон сақлашга боғлиқ мутахассисларни қизиқтириб келади.

Нам донни ҳамда озиқа мақсадидаги донларни кимёвий консервалаш мұхим аҳамиятга эгадр. Бу мақсадда кўпроқ метабисульфат қулай деб топилди. Олимларнинг маълумотларига қараганда, буғдой ва арпа дон уюмларининг 19—52 фоизгача намлигида шу дориларнинг бир-бир ярим фоизлик меъёрини қўллаш донларни 40—80 кун давомида мөгорлаш, униш ва ўз-ўзидан қизишдан сақлайди. Дон уюмига механизмлар ёрдамида қўшилган ва пухта аралаштирилган метабисульфат аста-секин парчаланади ва ҳайвонлар учун безарар бўлган глаубер тузи сингари маҳсулотларга айланади.

Юқори намлик кимёвий консервалашнинг ёритилган усуллари озиқа-ем сифатида фойдаланишга мўлжалланган донларга мосдир. Озиқ-овқат ва уруғ сифатида фойдаланишга мўлжалланган донларга уларни қўллаб бўлмайди. Донларнинг униш хусусиятларига таъсир этмайдиган дорилар билан кимёвий консервалаш уруғлик фондларни сақлашда ҳам қўлланилади.

Дон уюмларининг сифати ва сақланишига мөгор, замбуруғ ва ҳашаротларни кучли таъсир этиши натижасида қўлланиладиган консервалаш учун ишлатида-диган моддалар, аввало, уларнинг фунгицид ва инсектицид хусусиятларини ўрганишини талаб қиласиди. Бир қатор изланишлар натижасида кичик концентрацияда ҳам мөгор замбуруғларига кучли таъсир этувчи кўплаб ингибиторлар топилган. Улардан, айниқса, тиомочевина ва 8-оксихино сульфат самарали чиқди. Аммо бу ва бошқа ингибиторларни ишлатишига тўғри келмади. Чунки улар доннинг озиқ-овқат ва озуқа-ем хусусиятларига салбий таъсир этади, бошқалари инсон ва ҳайвонлар учун заҳарли, учунчидан уруғларнинг ҳаёт фаолиятини сўндиради ва ҳоказо.

Кўпчилик ингибиторлар иқтисодий томондан фойда-сиз. Шу боисдан ҳозирги даврда дон ва уруғларни микроорганизмлардан ҳимоя қилишда кимёвий восита-лардан фойдаланиш анча чекланган.

Қишлоқ хұжалик амалиётида олдиндан уруғлар дориланади ва юқори намлика эга бўлган ем-донлар консерваланади. Чорва учун ем мақсадида юқори намлиқдаги донларни кимёвий консервалаш катта аҳамияга эга. Кўпчилик мутахассисларнинг таъкидлашича, қуритиш таъсир этмаган донларнинг бир қисми чорвани озиқлантиришда кимёвий консерваланган, нам ва буришган ҳолатда ишлатса бўлади. Шу мақсадда метабисульфат ($\text{Na}_2 \text{S}_2 \text{O}_5$) маъқул тушди. Механизмлар ёрдамида қўшилган ва унда яхшилаб аралаштирилган метабисульфат аста парчаланиб, чорва учун заарсиз бўлган глаубер тузи ажралади.

Кейинги йилларда кўпчилик давлатларда консервант сифатида паст молекуляр карбон ва кислоталардан, айниқса пропион (этанкарбон ёки пропан)дан фойдаланиш кенг қулоч ёйди. Бу кислота кучли ингибитор бўлиб, моғор замбуруғига қарши қўлланилади ҳамда яхши бактерицид таъсирига эга. Унинг асосида Англияда «Пропкорн», Германияда деярли бир пропион кислотасидан иборат «Люпрозил» препарати ишлаб чиқарилияпти. Канадада тайёрланган «Кемстор» сирка (65 фоиз), пропион (32,5 фоиз), мой (2 фоиз) ва чумоли кислоталари аралашмаларидан ташкил топган. Ушбу препаратларни қўллаш қуввати доннинг намлигига боғлиқдир.

Препаратни суюқ ҳолда 240 тонна-соатда махсус машиналар ёрдамида дон билан аралаштирилади. Турли давлатларда ўтказилган кўплаб тажрибаларнинг кўрсатишича, шу усул билан консерваланган нам дон заарсиз ҳолда яхши истеъмол қилинади.

Пропион кислоталар билан уруғли донларга ишлов бериш ман этилади.

Амалда илгари ишлатиб кўрилган баъзи кимёвий консерванлар, масалаң, аммиак, кўмир, аммоний тузи ва бошқалар қайтадан ўрганилмоқда.

Бир қатор олимларнинг изланишлари натижасида ҳашарот ва каналарнинг тур таркиби аниқланган бўлиб, уларнинг кўпчилиги дон ва бошқа қишлоқ хўжалик жамғармаларида учрайдиган заараркунандалардир. Марказий Осиё шароитида ҳашарот ва каналарнинг 110 тури мавжуд бўлиб, 59 авлод, 22 оила, 29 энтомофаг ва акафаифаг турлари топилган. Мавжуд 110 турдан 48 таси биринчи марта аниқланган, 12 таси фан учун янгилик ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг иқлим шароити ҳашарот ва каналарнинг синантроп (хўжалик), шунингдек, табиий (очиқ ерда) шароитларида кенг тарқалиши учун қулайдир.

Ишлаб чиқариш шароитида ҳашарот ва каналар асосий турларининг мавсумий-миқдорий ўсиши назарий-амалий томондан исботланган бўлиб, у ҳарорат, намлик, озиқани йилнинг фаслларида мавжудлигига боғлиқдир.

Марказий Осиё республикаларида дон маҳсулотлари сақланаётган омбор иншоотлари текширилганда 70 фоиз омбор заҳиралари заракунандалар билан таъсирлангани, уларнинг 72,5 фоизи омбор ва цех, 43,4 фоизи эса очиқ майдончалар эканлиги аниқланган.

Маҳсулотларнинг омборхоналарга келиб тушиши ва сақлаш даврида уларни ҳимоялаш умумий тадбирлар мажмуаси асосига ташкили хўжалик ишлар ва профилактик кураш чоралари қўйилган. Бунда минтақаларнинг иқлим шароитлари, сақлашгача қўйиладиган маҳсулотларнинг турлари ҳисобга олинган ҳолда замонавий омборхоналар қурилишига эътибор қаратилиши керак. Бундан ташқари, бўш омборларни заарсизлантириш, маҳсулотларни сақлаш қоидаларига қатъий риоя қилиш, санитария ҳолатини яхшилаш, зааркунандалар ривожини тўхтатиш чора-тадбирлари ташкил этилиши керак. Дон маҳсулотларини сақлашда қўйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади:

1. Барча катта хўжаликларда дон омборхоналарини сизот сувлари чуқур жойлашган, сув ҳавзаларидан узоқда, лойиҳа асосида қуриш керак.

2. Омборхоналarda девори ва юзасини 0,5-1 метр баландликда цементлаш (кемирувчиларга қарши) ёғоч эшикларни темир тунука билан қоплаш, деразаларга ойна солиш ва майда темир тўрлар билан ёпиш керак.

3. Ҳар йили янги ҳосилни қабул қилишдан аввал, омборхонани, бостирма ва бошқаларни таъмирлаш керак.

4. Омборхона, майдонча ва бостирмаларда сақланаётган маҳсулотларни доимий равиша бир ойда уч мэротаба зааркунандалар билан таъсирланишини назорат қилиб турилиши керак.

5. Доимий равиша омборхона ва майдончалар агрофи тозаланиб турилиши керак. Ахлатлар зудлик билан ёқиб ташланиши ёки 0,5 метр чуқурга кўмид қўйилиши лозим. Ҳимояланган ҳудуд ичига зааркунанда-

лар кириб кетмаслиги учун уни атрофига 4—5 метрда ишлов берилиши керак.

Донни дон жамғармалари зааркунандаларидан ҳимоя қилиш. Дон маҳсулотларини зааркунанда ҳашаротлар, кана ва кемирувчилар томонидан нобуд этилиши ёки бузилишидан, сақланаётган дон ва уруғларни қушлардан ҳимоя қилиш муҳим умумхалқ тадбирларидан биридир. Бу соҳада кўрилаётган чора-тадбирлар огоҳлантирувчи (профилактик) ва қирувчи гуруҳига бўлинади.

Огоҳлантирувчи чоралар — ҳимоя асоси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига бунга қатъий амал қилиниб, турли чоралар қўлланилади. Шу билан ялпи зааррлашишининг олди олинади ва уларни бошқа обьектларга ўтиш ҳолларига йўл қўйилмайди. Ушбу чоралар энг арzon ва енгил амалга оширилади.

Қирувчи чоралар зааррланиш аниқланиб муқаррар зарурнят юзага келганда ўтказилади. Бу чора техникавий бўлиб, одатда қимматга тушади ва уларни қўллаш натижасида дон ва уруғлар уюмида исроф кузатилади.

Дон уюмларини зааркунандалар билан таъсиралиши, одатда, қуйидаги сабабларнинг бири натижасида рўй беради:

1. Донларни вақтинчалик сақлашда тозаланмаган ва заарсизлантирилмаган тўқма ва майдончалардан фойдаланиш.

2. Ҳосилни йиғишдан заарсизланган транспорт во-ситаси, идиш, дон тозаловчи машина ва бошқа инвен-тарлардан фойдаланиш:

3. Янги йиғилган дон уюмларини тозаланмаган ва заарсизланмаган омборларга жойлаштириш:

4. Дон уюмлари ва омборларга кемирувчилар ва қушлар томонидан зааркунандаларнинг келтирилиши. Бунинг устига ҳамма вақт каналар, баъзида эса майда ҳашаротлар топилади.

Заарланишнинг шу йўлларини ҳисобга олган ҳолда дон уюмларига ишлов бериш ва жойлаштиришда про-филактик тадбирлар ўтказилади. Баъзида қирувчи чоралар бўлиши мумкин. Аввало барча обьектларда му-каммал механик тозалаш (тўқма, машина, омбор ва бошқа.) ўтказилади, сўнгра йиғилган ва керакмас қолдиқлар йўқотилади (ёқиши маъқул). Қелгусида фойда-

ланиладиган қолдиқлар заарсизлантирилиши ва ало-
ҳида ерларга жойлаштирилиши лозим.

Тозаланган объектларда профилактик дезинфекция
ўтказилади. Масалан, автомашина ва тиркамалар ку-
зовлари, ёғоч инвентар ва бошқалар 15% ли каустик
сода суюқлиги ёки қайноқ сув билан ювилади, идиш-
ларни қайнатиш ёки маҳсус камераларда 70°ли юқори
ҳароратда қизитиш мумкин. Омборларни нам аэрозол
ёки газ воситалари билан дезинфекция қилинади. Нам-
ли дезинфекциянинг янги радикал воситаларидан фос-
фор органик бирикмалар (ДДФ, дарбофос, триметил-
нитрофос З, хлорофос ва бошқалар)ни қўллаш мум-
кин.

Асосий эътибор объектларни мукаммал ишлашга
қаратилиши керак, чунки намли дезинфекция воситаси
фақат дорилар ҳашаротлар билан тўқнашишда сама-
рали бўлади. Бўш омборларни дезинфекциялашни аэ-
розоллар билан ўтказиш мумкин, бунда инсектицид
тутун шашкаларидан фойдаланилади. Шунингдек, аэро-
золларни маҳсус аэрозол генераторларидан фойдаланиб
тайёрлаш мумкин.

Кўпчилик дон омборларининг зич ёпилемаслигини
ҳисобга олиб, газлаш усулида дезинфекция ўтказил-
майди. Йирик ва етарли зич дон омборларнин бромли
метил, металлил хлорид, 242-препаратларни қўллаб
заарсизлантирилади. Омбор ва дон маҳсулотларини
газ билан дезинфекциялашни зарур малакага эга бўл-
ган ташкилотлар амалга оширади.

Асосий эътиборни дератизациялашга, яъни кемиув-
чилар, биринчи навбатда каламушларга қарши курашга
қаратиш зарур. Каламуш ўта олмайдиган омборлар
тузилиши, улардаги сув манбалари (сувли ариқ, қўлмак
ва бошқ.) ва ахлатларни йўқотиш — асосий профилак-
тик тадбир ҳисобланади. Мунтазам равишда қирувчи
тадбирларни қўллаш зарур. Уларга қарши механик
овлаш (қопқонлар ўрнатиш) ва фосфид, рух, крисид,
зоокумарин ва бошқа заҳарларни озиқ-овқатларга
қўшиб қўллаш тадбирлари кўрилади.

Дон ва уруғ тўпламларини заарсизлантиришдаги
қийинчилик қўпинча шундаки, энг радикал дезинфекция
воситаси — газлашни ҳамма вақт ҳам қўллаб бўлмайди.
Ундан ташқари, баъзи фумигантлар (масалан,
242-препарат) уруғларнинг унишига ёмон таъсир эта-
ди, шунинг учун уруғли материал тўпламлари ишлашга


яроқсиз ҳисобланади. Дон ва уруғларни заарсизлантирувчи бошқа воситалар (тозалаш ва қуритишда зараркундаларни йўқотиш) унчалик самарали эмас, одатда тўлиқ заарсизлантирмайди. Шуниси ҳам борки, бир неча маротаба тозаланида уруғлар заарланади ҳамда зараркундаларни янада ривожланишига сабаб бўлади.

Бу дон уюмларини кана ва ҳашаротлардан, дон жамғармалари зараркундаларидан ҳимоя қилинганда профилактик тадбирлар комплексига алоҳида амал қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Донни омборхоналарга жойлаштириш ва уни кузатиш. Дон қай мақсадда ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда (озиқ-овқат, озиқа-ем, уруғ материали) намлиги, аралашмалар мавжудлиги, дон жамғармаларини зараркунанда ва касалликлар билан таъсиrlаниш белгилари, алоҳида ҳисобга олинадиган белгилар (масалан, бурга-тошбақачалар билан шикастланганлигини, карантин ёввойи ўтларнинг борлигини ва бошқалар)ни инобатта олган ҳолда жойлаштирилади. Агар уруғлар қопларда сақланаётган бўлса, уларни ағдарилиб кетиш имкониятига йўл қўйимасдан токчаларга тахтлаб, учта, «бешта»дан беш-саккиз қават жойланади. Биринчи ҳолатда иккита параллел жойлашган қопларга перпендикуляр учинчи қоп қўйилади. Омбор сатҳида қанча зарур бўлса шунча учтадан жойлаштириб чиқилади, кейинги қаторга уларни қайта тартибда жойлаштирилади ва натижада мукаммал «қоплар боғлами» юзага келади. Иккинчи усулда камроқ, одатда майдон етмаганда катта тўпламлар жойлаштирилади. Кам уруғ тўпламлари учун елвизакли жойлаштириш усули қўлланилади (21-расм).

Айниқса, уруғли жамғармалар синчиклаб жойлаштирилади. Улар навлар бўйича бўлмаса ҳам, албатта репродукция бўйича навлар доирасида, стандартда кўрсатилганидек апробация ва синф актларига мувофиқ тоза нав категорияларига қараб жойланади. Тўпламлар аралашиб кетиши мумкин эмас. Тўкилган доннинг хирмон баландлиги шиндан 15—20 см пастда бўлиши керак.

Уруғ, озиқ-овқат ва озиқа-ем донларини тўғри жойлаштиришда олдиндан тузилган режага амал қилиш зарур. Пухта тузилган режа омборхона ҳажмидан унумли фойдаланиш имконини беради, донни тўпларда жой-



21-расм. Уруғли дон қопларини тахлаш чизмаси:

1 — уттадан (биринчи ва иккинчи қаторларда); 2 — орасы бұшылқ би-лан тахлаш; 3 — бештадан (биринчи ва иккинчи қаторларда); 4 — қу-дуқ шаклда.

лашни истисно қиласы да унинг ҳажмидан унумсиз фойдаланишдан сақтайдай. Уруғли жамғармаларни сақлаш учун яхши омборлар ажратиласы.

Уруғлар хирмони баландлығы да тахтдаги қопларни қатор миқдори, намлеккни ҳисобға олган ҳолда тузылған тахминий маълумотлар 14-жадвалда келтирилген. Аммо танг (критик) намлекдан паст да айниқса,

14-жадвал

Омборларда қопларни тахлаш баландлығы

Экинлар	Уруғлар намлиги. Фонз (құн эмэ)	Пил вәкти			
		Совуқ		Иссик	
		үйілма баланд- лиғи, м	тахта қон қатор миқдори	үйілма баланд- лиғи, м	тахта қон қатор миқдори
Бұғдой, арпа, сули, жавдар, гречиха	14	3	8	2,5	8
Нұхат, хашаки дүккаклилар: ловия, ясмиқ, нут, бўри дуккаги (люпин), вика	14	2,5	8	2,5	6
Тарик, шоли	14	2	6	1,5	4
Ер ёнғоқ, рапс, соя	14	1	5	1,0	4
Наша	13	1	7	1,0	5
Узун толали зигип	13	2	8	1,5	6
Кунгабоқар (юқори мойли)	7	1	5	1,0	4
Беда, эркак ўт	14	—	8	—	6
Жўхори (жўхори заводларидан чиққан уруғлик)	14	—	8	—	8

совитилганларни агар омборхонанинг техник имкониятларига тўғри келса ва уларни кузатиб бориш имкони яхши бўлса анча юқори жойлаштируса бўлади. Озиқовқат ва озиқа-ем мақсадида донларни баланд хирмонларда намликни ҳисобга олган ҳолда сақлаш мумкин.

Дон уюмларини мунтазам кузатиб бориш зарурияти уларнинг хусусияти ва ўтаётган жараёнлардан келиб ниқади. Яхши ташкил этилган кузатиш ва тўпланган маълумотларни ўз вақтида ҳамда тўғри таҳлил қилиш ўз вақтида салбий кўринишлардан огоҳлантириш ва оз сарф-харажат билан донни консервга ҳолатигача олиб бориш ёки уни исрофсиз реализация қилиш мумкин.

Доннинг ҳар тўпламини оддий, аммо ишончли усуллар билан назорат қилиш мумкин. Дон уюмининг ҳарорати ва намлиги, заараркундалар билан таъсирилаши, софлик кўрсаткичлари(ранг ва ҳид)ни аниқлаб, консервация ва сифат даражаси тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлинади. Уруғли дон тўпламларида ундан ташқари, унувчанлик, униш ва ҳаётийлик текширилади.

Дон уюмини сақлашда энг асосий кўрсаткич ҳароратдир. Уюлманинг ҳамма ерида қуйи ҳароратнинг (8—10°) бўлиши унинг яхши сақланаётганлигидан далолат беради. Атроф-муҳит (атмосфера ҳавоси, омбор деворлари ва бошқ.) ва физиологик жараёнлар дон уюмининг баъзи жойларида ҳароратни ўзгартириши мумкин. Шунинг учун ҳарорат дон уюмининг турли қатламларида аниқланади. Дон ҳароратининг кўтарилиши ўз-ўзидан дизиш бошланаётганлигидан далолат беради.

Дон уюмининг ҳарорати, шунингдек, омборхона ва ташқарисидаги ҳаво ҳароратини аниқлаш учун спирт ёки симоб термометрларидан фойдаланилади. Симоб термометрни темир мосламага ўрнатиб, ёғоч ёки темир штангага бураб қўйилади. Бу штанга икки-уч бурадиган тирсаклардан иборат бўлиб, унинг ёрдамида термометр билан уюлманинг тубигача текшириш мумкин бўлади. Уруғли жамғармаларни сақлашда ҳар бир хирмон учун биттадан термометр штангасига эга бўлиш керак. Термоштанга уюлманинг юқорисида (сиртидан 10—30 см пастда), ўрта ёки қуйи қатламда (ер сатҳиан 20—30 см баландликда) жойлашган бўлади. Вақи-вақти билан уюм оралиғида унинг жойи ўзгартириб урилади.

Дон уюмининг ҳарорати, шунингдек, электрометрия усулларни қўллаб, марказий кузатув пультидан назорат қилиб турнлади. Улар асосан сирос элеватор (хирмон)ларида қўлланади.

Дон уюмларининг заарланишини назорат қилиш кана ва ҳашаротларнинг ривожланишини ўз вақтида чегарасидан чиқармаслик ёки уларни йўқотиш имконини беради. Омборда дон уюмларининг заарланишини уюлма, қатламлари бўйича (юқори, ўрта ва қўйи) намуналар олиб, алоҳида текширилади. Тажрибали агроном софлик белгилари (доннинг ранги ва ҳидининг ўзгариши) ва ҳаттоқи омборхонанинг ҳавосига қараб, кўнгилдагидек сақланаётгани тўғрисида тасаввурга эга бўлади. Агар дон намлигини назорат қилиши имкони бўлса унда ушбу кўрсаткич уюлма қатламлари бўйича текширилади.

Кузатишнинг такрорланиб турishi уюлма ҳолатига боғлиқдир. Юқори намлик янги йиғилган уруғ уюлмаларида ҳарорат ҳар куни, қуруқларда — ўн кунда бир маротиба текширилади. Советилган дон тўпламларидан у ҳар 10 кунда ёки 15 кунда бир маротаба аниқланади. Дон уюмларida ҳарорат 0° дан паст бўлса ойда бир марта, 10° дан юқори бўлса ҳар ўн кунда бир марта кузатиш етарлидир.

Уруғларнинг униш қобилияти 4 ойда камида бир марта экишдан 15—20 кун аввал аниқланади. Бунлај тўпламлардаги уруғлар намлиги ҳар ойда бир-икки марта текширилади. Кузатиш натижалари дафтарга тегишли шаклда ёзиб борилади.

Сақланаётган дон жамғармаларининг ҳисобини олиб бориш. Донни сақлашда яхши йўлга қўйилган ҳисобкитоб исрофни камайтиришга ёрдам беради. Сақланадиган дон тўпламлари уюмларининг физик (сорбцияли) ва физиологик хусусиятларини ўзгариши ҳамда дон ва уруғлар сифатини ошириш учун қўлланиладиган технологик тадбирлар, уларнинг миқдор сифат кўрсаткичларини сақлаш даврида ҳисобини олиб бориш заруриятини туғдиради. Масалан, дон ва уруғ тўпламларининг намлиги қабул қилинганда бир бўлса, чиқаришда эсле кўпроқ ёки кам бўлиши мумкин ва бу ўз йўлида тўпламларнинг умумий уюмидаги ҳам акс этади. Тозалаш на тижасида ҳам тўплам ҳажми ўзгараради. Шунинг учун ҳажмнинг ўзгаришдан кейинги етишмовчиликни сифат ўзгаришига қараб кўрилади.

Сифат ўзгариши билан боғлиқ бўлган камчиликлар
ҳажмига тузатиш киритилгандан кейин доннинг механик
заррачаларини учиши ва нафас олиш натижасида кўз-
да тутилган табиий камайиш доирасида юзага келган
хисоби ва миқдори техникаси амалий қўлланмаларда
келтирилган.

ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСЛАРИ

ХI боб. ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАБ УН ОЛИШ

Ун ишлаб чиқариш энг қадимги соҳа ҳисобланади. Даставвал аждодларимиз оддий тошлар орасида донларни майдалашган, сўнг тошдан ясалган ўғир ва ҳавончада майдалашни ўрганишган. Кейинчалик ҳайвон шамол ёки сув кучидан фойдаланиб, маҳсус тайёрланган иккита ясси тош ёрдамида донни майдалаб (тегирмон) ун ҳосил қилишган. Бунда одатда дон тош марказига тўпланиб майдаланади. Остидаги биринчи тош маҳкам ўрнатилган, иккинчиси эса айланишга мосланган бўлади. Дон майдалагич ёрдамида ун олишнинг энг қадими усулларни ҳозирги пайтда ҳам Осиё, Африка ва Лотики Америкасидаги бир қатор давлатларда сақланиб қолган ва аҳоли томонидан ҳанузгача фойдаланиб келинмоқда.

Фан ва техниканинг ривожланиши натижасида юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган майдаловчи машиналар (айланувчи цилиндрли станоклар), навларгур ажратувчи ва элакловчи машиналар (рассевлар), механик ва пневматик ҳаракатланувчи транспорт мосламаларидан фойдаланишга эришилмоқда. Тегирмон тошлари га эга бўлган кичик корхоналар билан бир қаторда, бу кучидан фойдаланиб ишлайдиган корхоналар, сув турбиналари ва фаолияти электр қувватига асосланган заводлар юзага кела бошлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ун заводлари ёки комбинатлари давлат тегирмонлари бўлиб, уларнинг ҳабири кечакундузда 250—500 тонна ун чиқариш қувватига эгадир. Давлат амалда аҳолини ун ва ёпиликдан ном билан бутунлай, таъминлар эди. Ҳозирги бозор иқтисадиётига ўтиш даврида нон ёпишнинг деярли учдан бисири хусусийлштирилган ўрта ва кичик корхона (новвойхона)лар зиммасига тўғри келмоқда. Давлат ун са-

ноатининг ривожланиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида бир кечакундузда бир неча тоннагача ун ишлаб чиқарадиган тегирмонлар деярли йўқолиб кетди.

Дон майдалангандан сўнг олинадиган тўқ рангли ундан ёпиладиган нон ҳам шу тусда бўлади. Чунки бунда майдаланган доннинг барча қисмлари қатори уннинг тўқ рангли пўстлари ҳам унга ўтади. Агар ун элакдан ўтказилса анча оқаради, аммо барибир унда пўст қолдиқлари борлигидан далолат бериб туради.

Оқ ун олиш учун унни фақат эндоспермдан ажратиб олиш зарур, яъни майдалаш жараёнида имконияти борича пўстлоқни ажратса билиш лозим. Бунга доннинг турли қисмларини, турли пишиқликда эканини унутмай, эндоспермни муртаги ва пўстлоғини ҳамда пўстининг пишиқлигини инобатга олган ҳолда эришиш мумкин. Шунинг учун пўстлоқни эндоспермдан ажратиб олишга донни тез майдалаш билан эришиб бўлмайди. Фақат аста-секин ва механик таъсир этиш йўли билан пўстлоқни йирик ҳолда сақлаб ҳамда мавжуд эндоспермни қисмларга бўлиб ажратиб олиш мумкин.

Ун чиқиш миқдори ва навлари. Эндосперм чегарасидаги дон қисмларининг пишиқлигини ҳисобга олган ҳолда яни қисмларни майдалаш ва навларга ажратиш жараёнини тўғри йўлга қўйинб эндоспермнинг турли (ички ва атрофдаги) қисмларидан сифатли ун олиши мумкин. Бу маҳсулот дон таркибидаги моддаларнинг нотекис тарқалишига, кимёвий таркиби, хусусиятлари ва озиқ-овқат сифатига қараб фарқ қиласиди. Шуларга асосланаб, ун заводларида бир неча ун тортиш усуслари қўлланиб, уннинг чиқиш миқдори ва навлари белгиланади.

Донни янчиш натижасида олинган маҳсулот унни чиқиш миқдори дейилади. Уннинг чиқиши қайта ишланган миқдорига нисбатан фоиз билан белгиланади. Барча дон унга айлантирилганида у 100 фоизлик (амалда 99,5 фоиз) бўлиши мумкин. Аммо бу уннинг сифатида бир қатор нуқсонлар: гарчиллаш, ўзгарган таъм, хунук ранг кузатилиши мумкин. Шунинг учун уннинг бундай чиқиши амалда қўлланилмайди.

Бизнинг мамлакатда ўзи номига эга бўлган ун навларининг чиқици фоизлари:

Буғдой уни 96 фоиз — пўстли (бир навли)

85 фоиз — иккинчи нав (бир навли)

78 фоиз — икки ва уч навли

75 фоиз — уч навли

73 фоиз — биринчи нав (бир навли)

Жавдар уни 95 фоиз — пўстли (бир навли)

87 фоиз — пўсти тозаланган (бир навли)

63 фоиз — эланган (бир навли)

Бундан ташқари, буғдой ва жавдар донлари аралашмасидан бир навли ун олинади. Таркибида 70 фоиз ва 30 фоиз жавдар бўлган буғдой-жавдар аралашмасидан 96 фоиз ун чиқади. 60 фоиз жавдар ва 40 фоиз буғдой аралашмасидан 95 фоиз миқдорида жавдар-буғдой уни олинади. Буғдой унidan ҳам 96 фоиз, ҳам 85 фоиз миқдорида чиқадиган бир навли ун олинади. Дон қисмларининг турли пишиқлиги янчиш схемаларига қараб 70—72—78 фоиз миқдорида чиқадиган бир ёки бир неча навли ун олиш мумкин. Технологик жараёнлар схемасини узайтириб, яъни тартиб билан донларни майдалаб, ажратаб бориб, уннинг 70 фоиз чиқиш миқдорида икки ёки уч навини олса бўлади. Шундай қилиб, уч маротаба янчишдан йирик ун (крупчатка), юқори навли ун, қолгани эса биринчи иккичи навли ун ҳосил бўлади. Макарон саноатида пишиқ буғдой навларидан янчуб олинадиган 78 фоиз миқдордаги йирик ундан юқори, биринчи ва иккичи навли маҳсулот олинади.

Таърифланган унларнинг чиқиш миқдори ва навларини олиш бошқа давлатларда ҳам қўлланилади. Уннинг 70 фоиздан паст чиқиш миқдори камдан-кам учрайди, чунки нормал ҳолда етилган донларда эндосперм миқдори 81—85 фоиз атрофида бўлади. Эндоспермни тўлароқ ажратиб олиш учун технологик жараённи тўғри ташкил этиш зарур. Бундан ташқари, янчиш жараёнида қўшимча маҳсулотлар юзага келади: таркибида у ёки бу миқдордаги дон ва ёввойи ўсимликларнинг уруғларига эга бўлган турли қийматдаги чиқимлар, ун чанги, шулар жумласидандир.

Янчиш турлари. Уннинг турли миқдорда чиқиши ва навлари озиқ-овқатга ишлатилиши, енгил ҳазм бўлиши ва таъми билан ажralиб туради. Юқори ва биринчи навли унларнинг оқсил моддалари пўст ва иккичи навга нисбатан оз бўлади. Аммо уннинг ҳазм бўлиши енгилроқдир. Пўст ва иккичи навли унлар кўп оқсил ва оз миқдорда углеводларга эга бўлибгина қолмай, балки кўп миқдорда В группасига мансуб витамин, минерал модда ва каротинга (клетчатка, провитамина) бойдир.

yanchish

Россия тиббиёт академиясига қарашли озиқ-овқат институти тавсиясига биноан, инсон озиқ-овқат рационанида қора нон билан бир қаторда, жавдар ва буғдойдан тайёрланган нон бўлиши шарт. Давлат талабига жавоб берадиган ва етарли миқдорда уннинг чиқишини таъминлайдиган янчишнинг кўплаб машиналар иштирокидаги турли усуллари қўлланилади. Шунинг учун дон билан бажариладиган жараёнлар ва ишлар йигиндисини ҳамда оралиқда бунёд бўладиган маҳсулотлар иштироқини янчиш деб айтилади.

Янчиш ишлари бир мартали ва кўп мартали ёки тақрорий бўлади. Дон майдалаш машинасидан бир марта ўтказилганда унга айланиши учун биринчи гурӯхга киритилган. Бундай машина турларига ўрнатилган тегирмон тошлари ва ҳовончалар (болға) майдалагичлар таркибиға киради.

Янчиш туркумлари (классификацияси). Бир мартали янчишдан сўнг тозалаш натижасида маълум миқдорда ўстли ун олинади. Анча тиниқ рангли (кул ранг, «эланган») унни қалин элаклар ёрдамида тозалаб олиш мумкин. Тақрорий янчиш деб, майдаловчи машиналардан бир неча марта ўтказиш йўли билан олинган ун миқдорига айтилади. Донларга изчил механик таъсир этиш йўли билан уларни майдалашга эришилади, унда ўстлоққа нисбатан мўрт бўлган эндосперм тезроқ унга айланади.

Бир кечакундузда юзлаб, баъзиларда эса минглаб за ундан ҳам кўп тонна ун ишлаб чиқарадиган ун заводлари дон сақлайдиган иншоот ва элеваторларга, тайёр маҳсулот сақланадиган омборхоналарга эга. Уларда ишлаб чиқариш жараёнлари бутунлай механизацияштирилган. Донларни тозалаш, майдалаш; маҳсулотни навларга ажратишда ҳамда уларни кўчиришда ун заводлари жуда кўп электр қуввати сарфлайди, шунинг учун корхона ўзининг автоном буғ ёки дизел ёқилигиси ёрдамида ишлайдиган энергетик хўжалигига эга бўлиши керак.

Ун корхоналаридаги технологик жараён. Технологик жараён доннинг ўз-ўзидан оқиб келиш асосига қурилган. Тегирмоннинг юқори қисмига кўтарилиган дон ёки оралиқ маҳсулотлари механик чўмичлар ёки пневматик транспортёр, тақсимловчи ускуналар ёрдамида ўтказувчи кувурлар орқали бир қават пастдаги машиналарга юборилади. Бунинг учун дон янчиш заводлари

машиналар жойлашган 6—7 қаватли бўлади. Янчишга тайёрланган дон тозаловчи бўлимдан янчиш бўлимига ўтказилади. Айланувчи ва заслонкалардан тузилган ишчи валкалар донни бир текис тақсимлашга ёрдам беради. Дон ишчи айланаларнинг турли ҳаракат тезлигига қараб улар орасидан ўтади.

Доннинг аста-секин айланиши, таркибидаги эндоспермни майда ёки ун ҳолатига ўтиши бўлиниш жараёни дейилади. Шу жараёнда 4—6 валкали дастгоҳ системалари иштирок этади. Системалар қанчалик кўп бўлса, улар орасидаги бўшлиқ шунчалик торайиб бораади. Ҳар қайси системадан кейин бунёд бўладиган маҳсулот ҳар хил катта-кичикликдаги ва турли эндосперм миқдорига эга. Маҳсулот олиш учун улар тегирмоннинг тўртинчи қаватида жойлашган элак машиналарига юборилади. Маҳсулот валикли дастгоҳлардан пневматик транспортёр ёрдамида машиналарга ўтказилади.

Йирик ун ва донлар сифатга ажратувчи машиналарга келиб тушади. Бундай машиналар ситовейкалар деб аталиб, янчиш бўлимининг учинчи қаватида жойлашгандир. Таркибида асосан эндосперм бўлган юқори сифатли маҳсулотлар валикли дастгоҳларга юборилади ва улар қайтадан янчилади.

Янчиш деб аталаидиган бу жараён 7—8 усулда амалга оширилади. Баъзида янчишни тезлатиш учун валикли дастгоҳлардан кейин жойлашган энтолейторлар деб аталувчи қўшимча майдаловчи машиналардан фойдаланилади.

Таркибида пўстлоқ қисмлари бўлган йирик унларни аввал рифелсиз валикли тозаловчи дастгоҳларга юборилади, сўнг яна ситовейкаларда навларга ажратилиди ва эланади. Таркибида пўстлоқ бўлган йирик унларни қайта ишаш тозалаш жараёни деб аталади ва бу жараёнда 3—4 валикли системалар иштирок этади. Ситовейкалардан ўтгач тайёр маҳсулот сифатида омборга жўнатилади. Бу жараён пайтида 2—3 фоиз манна ёрмаси (крупа) ажратиб олинади. Манна ёрмаси деб йирик унга айтилади.

Элаклардан ўтказилган унга ташқи бир нималар, довлости тушган-тушмаганини билиш мақсадида назоратга юборилади. Текшириб эланган унни тарасиз ёки қопларга солиб омборга ўтказилади.

Ун заводидаги технологик жараёнида чанг чиқиши кузатилади. Уни тўплаш учун аспирация системалари

құлланилади. Ҳавода дон ва ун чангининг күп миқдорда түпланиши портлаш хавфини юзага келтиради.

Ун сифатини баҳолаш. Үннинг чиқиши ва навлари стандарт билан белгиланиб, күп миқдордаги күрсаткичтарга әгадир:

1. Үннинг чиқиши ва навларига боғлиқ бўлмаган таъриф ва миқдор билан ифодаланадиган күрсаткичларга барча унларда бир хил талаб қўйилади: ҳид, таъм, фарниллаш, намлик дон уюмларини заараркунандалар билан таъсирланиши, бегона ва темир қоришмалар мавжудлиги.

2. Үннинг ҳар хил чиқиши ва навларини белгилайдиган күрсаткичлар: ранги, кули, янчиш йириклиги, ҳўл елемлиги (сырая клейковина) миқдори ва сифати (охиргиси фақат буғдои унига тааллуқлидир).

Ун сифати күрсаткичларининг биринчи гуруҳида қўйидаги талаблар қўйилади:

Тозалик — бунда ун ўзига хос кучсиз ун ҳидига эга бўлиши керак. Бошқа ҳидлар уннинг камчилиги борклигидан далолат беради. Янги ун чучук таъмга эга бўлиб, узоқ вақт чайнашда сўлак амилазаларининг таъсири остида, яъни крахмалга таъсир этиш натижасида ширигин бўлиб боради. Аччиқ, нордон ёки ҳаддан ташқари ширинлик бирор камчиликка эга бўлган ёки сақлаш даврида бузилган донлардан тайёрланган унларга тегишилдири.

Фарчиллаш — ундаги рухсат этилмайдиган камчиликдир. У донларни минерал омихталардан яхши тозаланмаслигидан, тегирмон тошларини нотўғри жойлаштирилишидан, қопдаги унларни тозаланмаган машинада ташишда ёки унларни ёмон тозаланган омборларга жойлаштириш натижасида келиб чиқади. Бу камчилик ўзйўлида пишириладиган ионга ҳам ўтади.

Намлик — унда 15 фоиздан ошмаслиги керак. Акс қолда ун ёмон сақланади, тезда ачиыйди, мөғорлайди ва ўз-ўзидан қизийди. Унда намлик 9—13 фоиз бўлганда оса тезда тахир маза пайдо бўлади.

Дон уюмларининг заараркунандалар билан таъсирланиши — унда бирорта заарланиши нишоналари бўлиши таъқиқланади, чунки у ярим тайёр маҳсулот ҳисобланиб, тўғри ион ёпишга юборилади. Унда заараркунандаларнинг ривожланиши қайси давр ёки даражаси

да бўлмасин, аниқланса, бу ун тўплами ностандарт ҳисобланади.

Зарарли омихталар — унларда жуда қаттиқ тартибда белгиланади. Улар 0,5 фоиздан ортиқ бўлмаслиги жумладан горчак ёки вязел миқдори 0,04 фоиздан ош маслиги керак. Триходесма седой уруғлари аралашма сининг бўлиши (умуман) таъқиқланади.

Темир аралашмалари — донларнинг ёмон тозаланиши, машиналарнинг ишчи қисмларида яроқсиз бўлган ҳолатда олинган унларда кузатилади. Бир килограмм ун таркибида чанг аралашмаси ҳолидаги катталиги 0,3 мм бўлган темирнинг 3 миллиграммгача миқдори рухсад этилади. Игнасимон ва япалоқ шаклдаги темир қисмлар бўлиши умуман таъқиқланади.

Донни янчиш учун ўтказишда униб чиққан донлар миқдори 3 фоиздан ош маслиги керак. Уннинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш услублари 94 04—60 давлат стандартида ёритилган. Ундаги ҳид, таъм, фарчилаш тахминан, қолган кўрсаткичлар эса асбоб ёрдамида аниқланади. Уннинг ранги маҳсус ранг аниқловчи мосламада, намлик қуритиши жавонида, темир аралашмалари-маҳсус магнитларда, янчишдаги йириклик-элаклар комплектида, куллиги бир қисм унни муфел ўчроғида ёқиш билан аниқланади. Сифат кўрсаткичларини белгилаш, донларни корхоналарга юборишида ишларни тўғри ташкил этиш жамоа, фермер-дехқон хўжалик раҳбарлари ва агрономларга жуда катта масъулиятни юклайди. Янчишга донларнинг шундай тўпламаларини жўнатиш керакки, улар сифат кўрсаткичларни бўйича давлат стандарт талабларига жавоб берсин.

Унни сақлаш. Ун донга нисбатан унча яхши сақланмайдиган маҳсулотdir. Шунинг учун унни сақлашга қабул қилишда синчковлик талаб этилади. Ун реализация базаларига туширилганда таралар диққат билан кўздан кечирилади, маркировканинг тўгрилиги текширилади, стандарт ва услугга асосан лаборатория таҳлили учун намуналар олинади.

Ҳавонинг нисбий намлиги ва ҳарорати, шунингдек кислороднинг таъсири остида унда турли жараёнлар шу жумладан қалбий ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Сақлашнинг биринчи даврида уннинг оқариши ва кўпинчанон ёпилиш хусусиятларининг яхшиланиши ижобий кўриниш ҳисобланади. Кейинги хусусият, айниқса буғдои унига тааллуқлидир.

Нон ёпилиш хусусиятларининг яхшиланиши унни сақлашда етилиш номини олди. Етилиш жараёни, айниқса, $+20$ — 30° да тезлашади, 0° да эса умуман сезилмайди, $+20$ — 30° да узоқ муддат сақлаш уннинг пишиб ўтиб кетишига олиб келади, натижада елимлик хусусиятлари ёмонлашади ва ноннинг чиқиш миқдори камаяди.

Унда ўтадиган салбий жараёнлар хилма-хилдир. Уларнинг орасида кимёвийлари ҳам кузатилади, яъни ёғ парчаланади ва оксидланади. Унда аччиқ таъм ва ҳид пайдо бўлиб, у ўз навбатида пиширилган нонга ўтади. Ачиш жараёни, айниқса, $+25$ — 30° да ва ундан юқори ҳароратда тезлашади. Шунинг учун оддий омборларда бузилишнинг бу тури ёзниңг иккинчи ярмида кўпроқ бўлади.

Қопларни нотекис иситишда ёки совитишда уларда иссиқ нам ўтказувчанлик кўриниши юзага келади ва бунинг натижасида фаол микробиологик ўчоқлар пайдо бўлади. Микроорганизмлар турли тўпларининг фаолияти ачиш, могорлаш ва уннинг ўз-ўзидан қизишини келтириб чиқаради, оқибатда у нон ёниш учун ёки умуман озиқ-овқат сифатида яроқсиз бўлиб қолади.

Бир неча ойга мўлжаллаб, сақлаш учун хўжаликларда қуруқ, яхшилаб дезинфекцияланган ва ҳеч қандай ҳиди бўлмаган омборлар ажратилиши керак. Унни реализация базалари ёки омборларига олиб келингандан кейин туширишда тараплар синчиллаб текширилади, маркировканинг тўғрилиги кўздан кечирилади ва қўлланиладиган стандартлар ва услугуб қўлланмалар бўйича лаборатория анализи учун намуналар олинади. Омборларда унни дон, чиқиндиilar, мураккаб озиқалар ёки тараплар билан сақлаш таъқиқланади. Шунингдек, маҳсулот сақланадиган омборларда унни элаш ёки тарапларга жойлаш ва уларни тозалашга йўл қўйилмайди. Маҳсулотлар тўр ва нав таркибига сифати сақланиш шароитларига қараб омбор ва бўлимларга жойлаади.

Унли қоплар вагонлардан туширилиб, токчаларга тахланади. Омборларда токчалар ва деворлар орасида ўтиш ҳамда сақлаш пайтида маҳсулотлар ҳолатини текшириш ва ҳаво айланиши учун эни $0,7$ м оралиқлар қолдирилади.

Омборларда ортиш-тушириш ишларини амалга ошириш учун токчалар орасида камида $1,25$ м оралиқ қол-

дирилади, бу масофа лентали транспортёрлар учун етарли ҳисобланади. Электр ортувчилар учун эса 3,8 м гача масофа қолдирилади.

Қоплар токчаларга учталаб, бешталаб тахланади. Агар қоплар электр ортувчи ёрдамида жойланса, унда халталар тагига қўйилади, икки қават қилиб тахланади. Омборни тўлдиришда лентали транспортёрлардан фойдаланилади. Йиртилган ва ифлос қопларни токчаларга тахлаш таъқиқланади. Ёрилган, йиртилган ва кемирувчилар томонидан зарар етказилган қоплар қисқа муддатда тузатилиши ёки бутунлари билан алмаштирилиши зарур. Қаватлаб тахлаш баландлигини белгилашда уннинг намлиги ҳамда омбордаги ҳарорат инобатга олинади.

Юқори ҳароратли туманларда, айниқса, ватанимизнинг жанубий минтақаларида йилнинг иссиқ пайтларида тахлаш баландлигини бир-икки қаватга камайтириш зарур.

Ун заводларида маҳсулотни бир ойгача сақлашда қопларни тахлаш баландлиги баҳор-ёз даврида 12 тагача, куз-қишида эса 14 қаватгача бўлиши мумкин. Ҳарорат қанчалик паст бўлса омборларда ун шунчалик ўз сифатини узоқ муддатга сақлайди. Агар ун узоқ муддат сақланадиган бўлса, қопларнинг қаватлардаги ўрнини алмаштириш фойдалидир. Тепадагини пастга, пастдагисини тепага жойлаштириш фойдалидир. Бу ўз йўлида уннинг тўп-тўп бўлиб қотиб қолишининг олдини олади. Сақланаётган ун тўпламларини кузатиб бориша биринчи галда зааркунандалар бор-йўқлигини аниқлаш зарур. Улар кўпинча қопларнинг устки қисмидаги бўлади. Бунинг учун вақти-вақти билан қопларни қаттиқ чўтка ёрдамида супуриб, олинган аралашмада катталаштириладиган зааррабин орқали зааркунандалар бор-йўқлиги аниқланади.

Унни сақлашда маҳсус тасдиқланган йўриқномага амал қилиш, бунда унни сақлашнинг физик ва физиологик хусусиятларини инобатга олиш керак. Бир хил шароитда унни сақлаш муддати донга нисбатан қисқадир. Унни сақлашда ўтадиган барча жараёнлар ижобий ва салбийларга бўлинади. Ун сифатини яхшилашга ва биринчи навбатда уннинг нон ёпилишига таъсир этадиган жараёнлар ижобийларга, ҳарорат ва намликни ортиши салбийларга киради.

Буғдой уннинг иккинчи нави, жўхорининг пўстлиги,

майдаланган ва тозаланган сүк ва қотирилган маҳсулот ўз хусусиятларига қараб қандай сифатлигидан қатъий назар, узоқ сақлаб бўлмаслигини билиш зарур. Унни сақлашда маҳсулот сифатининг бузилишига олиб келмайдиган шароитларни яратиш керак.

Омборларда ун сифатини сақлаш учун маҳсулотни совитиш, шамоллатиш зарур ёки зарурият туғилганда эса қопларнинг ўрнини алмаштириш лозим. Урин алмаштириш муддати ҳар қайси тўпламдаги маҳсулотнинг сифати ва ҳолати, узоқ сақланишига ҳамда токчалардаги тахлам баландлигига қараб белгиланади. Омборни шамоллатишда ва маҳсулотларни совитишда кеча-кундудза ўзгариб турадиган ҳароратдан фойдаланиш тавсия этилади.

Иссиқ кунлар келиши муносабати билан омбордаги паст ҳароратни сақлаш йўлларини топиш чорасини кўриш, бунинг учун омборнинг эшик ва ойналарини ёпиқ ҳолда сақлаш, фақат зарур пайтдагина очиш лозим. Иссиқ кунлар бошланнишида токчалар баландлигини пасайтириш зарур.

Касалланган маҳсулот токчаларда синтетик плёнка остида ёки алоҳида шу мақсад учун ажратилган хоналарда фумигантлар ёрдамида зарарсизлантирилади. Қишининг совуқ даврида эса маҳсулотларни совитиш ёки элаш қўлланилади.

Қотиб қолган ун қоплари кўпайган тақдирда токчалардаги қопларнинг ўрнини ўзгартириб, баландлиги пасайтирилади. Ҳўл ёки могоялаган қоплар ажратиб олиниб, қуритилиши керак. Улардаги ун тоза қопларга бўшатилади, зарур бўлганда эса қотиб қолган қисмлардан холи қилиш учун эланади. Қотиб қолган ун ва ёрмалардан олинган, ўзига хос бўлмаган таъм ва ҳидга эга бўлган маҳсулот ҳамда майдаланмаган қисмлар алоҳида сақланади.

Унни сотиш биринчи навбатда унча яхши сақланмайдиган маҳсулотлардан бошланади. Қолган маҳсулотни сотиш тартиби янчилиш вақтига, сифати ва сақлаш шароитига қараб белгиланади. Ун бутун, ҳеч қандай ортиқча ҳиди бўлмаган вагон ва автотранспортга юкланади. Маҳсулотни бузилган, заараркунандалар мавжуд бўлган, ифлос ҳамда ҳидли вагон ва автотранспортга юклаш умуман таъқиқланади.

Унни сақлаш давридаги жараёнларни ўрганиш пневмотранспортдан кенг фойдаланиш, мамлакатимизда

кatta миқесда унни сақлаш, тарқатиш ва ташишни та-расиз тшкіл қилиш имконини яратади. Тарасиз сақлаш ва ташиш, айниңса йирик омбор ва ун ташувчи тран-спорти мавжуд ун янчувчи ва нон заводлари бүлган шаҳарларда фойдаланиш мақсадға мувофиқдир. Тара-сиз унни сақлайдиган цехларни ташкил этиш, харидор талабларини тұғри ташкил қилиш, ортиш-тушириш ишләрини тұлық механизациялаشتариш, маълум дара-жада исроф ва ҳаражатларни камайтириш ҳамда иш-чиларнинг шароитини яхшилаш имконини яратади.

Унни тарасиз сақлайдиган омборлар тармогининг борини ва яна кенгайтирилиши зарур бүлганларини те-гишли транспорт воситалари билан таъминлаш исрофини камайтиришга ва маҳсулот сифатини оширишга ёрдам беради.

Унни сақлаш шароити, ҳолати ва сифати кузатилиб, узлуксиз назорат қилиб борилади. Омбордаги ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги, үннинг ҳарорати, намли-ги, таъм ва ҳиди, дон жамғармаларининг зааркунанда-лар билан таъсирланиши кузатыб борилади. Ҳаво ҳа-рорати ер сатқидан 1,5 м баланлиқда ҳар ҳафтада тек-шириб борилади ҳамда омбор ҳар куни шамоллатилади. Бундан ташқары, ҳар ойда камида бир марта токчалар-дагы унларнинг пастки, ўртанды ва устки қаторлар бүй-лаб ҳарорати текшириб борилади. Ҳавонинг нисбий намлиги күрсатмада белгиланған муддатларда ер сат-қидан 1,5 м баландлықда аниқланади.

Ҳар бир токчани алоқида кузатыб бориб, айниңса, асосий эътиборни токчанинг пастига жойланған қоп-лардаги унларнинг намланиши ва зичланишига қара-тиш керак.

Үндаги таъм, ҳид ва зааркунандалар билан таъсир-ланганини текшириш учун амалдаги стандарт ва қўл-ланмаларга асосан қуйидаги муддатларда ҳар бир ток-чадан ўртача намуналар олинади: унларда ҳарорат 10° ва ундан паст бўлганда ҳар ойда камида бир марта, ун ва ёрмаларда ҳарорат 10° дан юқори бўлганда ҳар ойда иккى марта. Намлик ҳар ойда камида бир марта аниқ-ланади.

Унни зааркунандалар билан таъсирланишини тек-шириш ва намуна олишда қопларнинг устки, айниңса оғиз тарафини синчиклаб кўздан кечириш зарур. Бир вақтда девор, ерларни супуриб, олинган ахлатларда зааркунандалар бор-йўқлиги текширилади.

Текшириш натижалари, сақлаш пайтидаги унниң ұхлати ва сифати ҳақидаги маълумотлар күзатиш дафтарига ҳамда токча ёрлиғига тартыблы равишда ёзіб борилади. Мәхсүлоттің көлеми ва солилицидеги сифат күрсаткычлари қайд этилувчи дафтарга ва сифат гувоҳномасига ёзилади.

XII. бөб. ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАБ ЁРМА ОЛИШ

Ёрма турлари. Бошоқлы дон экинлари, шуннандаңек, гречиха-ва нұхатдан олинадынган ёрма озиқ-овқатлик мөхияти бүйінчі иккінчи (ундан кейин) ўрнин әгалади. Инсон овқатланишининг мамлакатимизда ишлаб чиқарылған физиологик мөббери кишиларнинг озиқ-овқат рационыда ыплиға ўртача 9—13 кг дан турлы хил ёрмалар бўлишини, бу кунига 24—35 граммни ташкил этишини кўзда тутади. Кўпинча гречиха, гуруч ва нұхатли ёрмалар афзал кўрилади. Ушбу ёрмаларнинг устунилиги улардаги оқсилларнинг юқори биологик қимматга эга эканлигидир.

Барча ёрмалар крахмалга бой. Улар юқори қувватли (калорияли) маҳсулот ҳисобланади (15-жадвалга қаранг). Ёрмаларнинг, айниқса, болалар ва хасталикка йўлиққан беморлар рационыда бўлиши, албатта, зарурдир.

15-жадвал

Ёрманинг ўртача кимёвий таркиби. (фоиз ҳисобида)

Мәхсүлот	Су	Оқсилиар	Мойлар	Ургенч-водяр (зумумий):	Клетчатка	Гуллар	Калориическ. кДЖ
Манна (бұгдойдан)	14,0	11,3	0,7	73,3	0,2	0,5	1369
Гречка (асосидан)	14,0	12,6	2,6	68,0	1,1	1,7	1382
Гречка (ялпи)	14,0	9,5	1,9	72,0	1,1	1,3	1369
Гуручли ёрма	14,0	7,0	0,6	77,3	1,1	1,3	1357
Бұғдойли ёрма	14,0	12,0	2,9	69,3	0,7	0,1	1403
Сулили ёрма	12,0	11,9	5,8	65,4	2,8	2,1	1449
«Геркулес» (сули яироқталары)	12,0	13,1	6,2	65,7	1,3	1,7	1491
Перловкали ёрма	14,0	9,3	1,1	71,3	1,0	0,9	1361
Арпаали ёрма	14,0	10,4	1,3	71,7	1,4	1,2	1352
«Полтава» (бұгдой)	14,0	12,7	1,1	70,6	0,7	0,9	1365
«Артек» (бұгдой)	14,0	12,5	0,7	71,8	0,3	0,7	1369
Маккажүхори ёрмаси	14,0	8,3	1,2	75,0	0,8	0,7	1365
Тозаланған нұхат	14,0	23,0	1,6	57,7	1,1	2,6	1357

Дондан ёрма олиш, қайта ишлаш махсус давлат ёрма заводларида ёки бошқа корхоналар (озиқ-овқат ва ун комбинатларида) таркибидаги ёрма цехларida амалга оширилади, шунингдек, хўжаликларда бундойдан («Т» маркали) алоҳида ёрма тайёрланади. Донни омихталардан тозалаш даражаси ва тозаланган донни қайта ишлаш усуслари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёрма — тайёр маҳсулот бўлиб, унга фақат пазандалик маҳорати зарур, шунинг учун таркибida бирор омихтанинг бўлиши озиқ-овқат сифатига кескин таъсири этади. Озиқ-овқат қиймати ва ташқи қиёфасига технологик жараёнларниг таъсири ҳам кам эмас.

Ёрма ишлаб чиқариш усуслари ва технологик жараённинг схемаси. Ёрма ишлаб чиқариш усуслари сўнгги вақтгача фақат механик технологияга асосланган бўлиб, уни умумий тарзда қўйидагича тасаввур этиши мумкин: дон уюмларини омихталардан тозалаш-тозаланган доннинг йиринклигига қараб саралаш — пўстини парчалаш — асосини пўстидан ажратиш — асосига турли вариантларда ишлов берниш, яъни қандай дон тури ва навидан ёрма олиннишини ҳисобга олган ҳолда (силлиқлаш, текислаш, майдалаш ёки пўстидан тозалаш) тайёр маҳсулотни саралаш. Ушбу схема замонавий ёрма заводларида кўпинча бошқа усуслар билан тўлдириб олиб борилади. Кичик ёрма корхоналари эса унинг қисқартирилган вариантни қўлланилади.

Донни турли омихталардан тозалаш технологик жараёнида аспиратор, сепаратор, триер, тош қисмларини ажратувчи машиналар, шасталкалар, пўст тозаловчи машиналар, магнит ва бошқалар ишлатилади. Дон тозаланиб пўсти парчаланмасдан олдин саралаш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бир текис катталикдаги донларда пўст парчаланиши яхши ва енгил ўтади.

Дон пўстини парчалаш турли машиналарда:

— пўст тозалагичларда кўп маротаба зарба асосида амалга оширилиб, дон дарра ёрдамида куч билан цилиндр абразивнинг ишчи сатҳига ташланади;

— пўст парчаловчи мослама ёки вальцедок дастгоҳларида сиқилиш ва ишқаланиш асосида ишланади; машиналарининг бу турида дон икки ишчи юза (ҳаракатсиз ва ҳаракатдаги) оралиғида даставвал сиқилади, сўнг сўрилиш натижасида пўстларининг сидирилиши рўй беради.

У ёки бу машиналардан фойдаланиш нафақат кор-

ратидан ўтган гречиха дони катталиги бўйича 4 фракцияли, тешик диаметрлари 4,1 мм ва 2,7-2,5 мм ли икки қаватли элакларда сараланади. Сўнгги элакдан ўтган дон алоҳида хирмонларга тўпланади, у ердан вальцедек дастгоҳига юборилади.

Пўст парчалаш ҳар қайси дон фракциясида алоҳида амалга оширилади, бу ўз йўлида маҳсулот чиқиш миқдорини кўпайтиради. Маҳсулот пўсти парчалангандан кейин сепараторга узатилади (ҳар қайси фракция учун тегишли элаклар ўрнатилади) ва 4 фракцияга сараланади: негизли ёрма, инғма ёрма, ун ва парчалангандон дон. Сўнгиси яна хирмонга қайтарилади, тайёр маҳсулот эса яна бир марта магнитли аппарат орқали ўтказилади.

Юксак озиқ-овқат сифатига эга бўлган турли хил ёрмалар олиш учун ҳозирги даврда замонавий ёрма заводларида технологик жараён схемасига кўра донга сув ва буғ билан ишлов бериш, шунингдек, юқори босимда қайнатиш ишлари бажарилади. Тозаланган донни буғ билан ишлашда негизнинг пишиқлиги ортади, пўстлари мўртлашади, натижада ёрма юқори навларининг чиқиш миқдори кўпаяди. Ундан ташқари, буғлатишда дондаги ферментлар активлашади ҳамда ёрманинг сақланиш муддати узаяди. Ҳозирги вақтда саноатда борйўғи 10—15 минут қайнатиб, тайёр таом (бўтқа) олинидиган ёрма ишлаб чиқарилмоқда.

Ёрманинг озиқ-овқат сифатидаги моҳияти шундаки у қиёmdа (солод, шакар, овқат тузи ва бошқа зиравсілар) пўсти парчаланса ва қайнатилса янада яхшилаади. Шундай ёрмаларга пазандалик ишлови талаб қилинмайди. Уларни қуруқ холда ёки сут, қаҷва, какао кисел, бульон, суюқ овқат билан қўшиб истеъмол килиш мумкин. Ёрманинг ўзлаштириш кўрсаткичини оширишнинг яна бир усули босим ёрдамида ишлов беришга асослангандир. Шундай усуслари билан буғдой, гурӯч маккажўхорилардан 6—8 маротаба катта ҳаждада қуштили ишлаб чиқарилади. Энг яхши қуштили гурӯч, буғдойнинг шишасимон ва маккажўхорининг новвотсимон навларидан олинади (айниқса гуруччи). Кўп ёрма турлари озиқ-овқат концентратлари тайёрлашда ишлатилади. Бўнда уларга бошқа зираворлар қўшиб ва тайёр ёки ярим тайёр таом сифатига етгунча ишлов берилади. Ниҳоят, ёрма (2—3) аралашмаларидан ёки ёрма ишлаб чиқаришнинг иккиламчи маҳсулотларидан фой-

хоналарниң техник имкоштларига, балки донларниң физик хусусиятлари ва түзилишиңа ҳам боғлиқдир. Масалан, пүст тозалагич машиналар зарба ҳаракатига асосланған бўлиб, фақат арпа ва сули пүстларини парчалашга яроқлидир. Гречиха ва тариқ донлари вальцедок дастгоҳларида, шоли эса пүст парчалагич мосламаларида яхши парчаланади.

Барча пүст парчалаш усулларидаги ҳам доннинг бир қисми етарли даражада парчаланмайди. Шунинг учун маҳсулот элакланиб сараланади ва пүсти парчаланмаган донлар яна тегишли машиналарга қайтарилади.

Пүст тозалангандан кейинги иш силлиқлаш бўлиб, уни ўтказишдан мақсад гул шаффо~~ф~~ларини йўқотишдан иборатдир. Ундан ташқари, силлиқлаш жараёнида мева ва уруғ пүстлари ҳамда муртак олиб ташланади. Бу ишларни ўтказиш ёрманинг сифат кўрсаткичларини яхшилайди. Ишлов берилгандан сўнг у тез иншади ва яхши ҳазм бўлади. Баъзи ёрма (гуруч, нўхат, арпа ва боиқалар)нинг ур ва навлари пўсти парчаланиб, силлиқлаб текисланади. Бу ишлар маҳсус мослама ва толлендраларда амалга оширилиб, тайёр маҳсулот чиройли ва бир текис кўринишда бўлади. Силлиқлаш ва текислаш, шунингдек, маҳсулотнинг машиналар сатҳига ишқаланишиңга ҳам асослангандир.

Механик ишлов бериш — тозалаш жараёнида ва айниқса парчаланиш ва силлиқлашда доннинг баъзи негизлари зарбалар таъсирига чидамай майдаланиб кетади. Шунинг учун асосий ёрма ассортиментини ишлаб чиқаришда паст сифатли маҳсулот олинади. Масалан, гречихадан олинадиган яхши ёрма тури негизли бўлади, аммо бунда доннинг бир қисми майдаланиб кетади ва майда ёрма чиқади, ундан пазандалик таоми тайёрлангандаги эса эзилган бўтқага айланади. Бутун майдаланган гуручнинг сифати орасида катта фарқ бор. Ёрма ишлаб чиқаришда баъзан маълум миқдорда ун юзага келади. Бутун майдаланган ва ёрма унинг қараб алоҳида машина ва корхонанинг иш фаолияти баҳоланади.

Кишлоқ хўжалигига ёрма одатда асосан тариқ, гречиха, сули ва арпа донидан тайёрланади. Шунинг учун маҳсулот ассортименти хилма-хил эмас.

Гречиха дони тозаланиш учун 8—10 мм катталикдаги элаги бўлган сепараторга келиб тушади. Пайдо бўладиган чанглар циклонга тўпланади. Магнит аппа-

ХІІІ боб. НОН ЕПІШ АСОСЛАРИ

Епилган нон хиллари ва ишлаб чиқариш усуллари.
 Давлат стандартыга күра нон хамирдан ёпиладига, тегишли рецептура ва технологик режимда тайёрланадиган маҳсулотдир (16-жадвал).

16-жадвал

**Нон ва нон-булка маҳсулотларининг ўртача кимёвий таркиби
 (фоиз ҳисобида)**

Маҳсулот	Сут	Оксигенлар лар	Білар	Углевод-лар	Клетчат-ка	Күллар	Колорими-ги, кДЖ
Кепакли буғдой унидан шакл беріб тайёрланган нон	44,3	8,1	1,2	42,0	1,2	2,5	853
Худди ўзи, фақат иккинчи нав ундан тайёрланган	41,2	8,1	1,2	46,0	0,4	2,0	924
Иккінчи нав буғдой унидан тайёрланган нон	39,5	8,3	1,3	48,1	0,4	2,0	953
Олій навли буғдой унидан шакл беріб тайёрланган нон	37,8	7,6	0,6	52,3	0,1	0,3	979
Худди ўзи, фақат биринчи нав ундан тайёрланган	39,5	7,6	0,9	49,7	0,2	0,3	949
Кепакли жавдар унидан оддий шакл беріб тайёрланган нон	47,5	6,5	1,0	40,1	1,3	2,5	798
Кепакли жавдар-буғдой унидан оддий шакл беріб тайёрланган нон	46,9	7,0	1,1	40,3	1,1	2,5	811
Тозаланган жавдар ва буғдой унининг иккинчи навидан тайёрланган Орлов нони	43,0	6,1	1,1	46,3	0,2	2,0	886
Буғдой унининг биринчи навидан тайёрланган батон нони	37,2	7,9	1,0	51,9	0,2	1,5	991
Биринчи нав буғдой унидан тайёрланган шаҳар булкаси	34,3	7,7	2,4	53,4	0,6	1,6	1067
Биринчи нав буғдой унидан сут қўшиб тайёрланган булочкалар	23,2	7,2	9,5	57,3	0,7	1,7	1390

даланиб, уларнинг майдаланган маҳсулига юқори озиқ овқат сифатига эга бўлган моддалар (ёғсиз қуруқ сут тухум оқсили, витаминалар) қўшиб 21 фоизли оқсилига эга бўлган «кучли» оқсили, 18,7 фоиз бўлган «спортчи» навли ёрмалар олинади.

Ёрманинг сифатини баҳолаш. Ёрма сифати уни аниқлаш стандарти билан белгиланган. Ёрманинг асосий кўрсаткичларини баҳолашда сенсор усули (ранги, таъми ва ҳиди) қўлланилади.

Ёрмаларда зараркунандалар бўлмаслиги лозим. Ёрмалар турига қараб, намлиги 12—15,5 фоиз оралиғида бўлиши керак. Ёрма тўпламида турли омихталар, айниқса, заҳарли, нарчаланган ва эзилган негизлар, ифлос ун, темир аралашма ва пўсти тозаланмаган донлар миқдори қатъий белгиланган бўлади. Уларнинг мавжудлиги ёрма нави ва унинг давлат сифат талабларига мувофиқ эканлигига боғлиқдир.

Шунингдек, ёрманинг пазандаликдаги афзаллиги белгиланади. Ушбу баҳолашга ранги, таъми, ва пиширилган бўтқа тузилиши ҳамда унинг қайнаш давомийлиги ва эзилиш коэффициенти, бўтқа ҳажмининг (мл) қайнатиш учун олинган ёрма (мл) ҳажмига муносабати тушунилади. Ҳом ашёнинг нав хусусиятлари, уни ишлов усуллари ва ёрма турларининг эзилиш коэффициентларига боғлиқлиги хилма-хил бўлиб, қўйидаги оралиқда: буғдой ёрмаси — 4 дан 5,2; гречиха ёрмаси — 3,2—4; гуручники — 4,3—5,2; арпа ёрмаси 5,5—6,6; сули ёрмаси — 3,3—4,1 гача бўлади.

Ёрмани сақлаш. Ёрмаларни тоза, зич ва зарарсизлантирилган тара (қоп)ларда сақлаш лозим. Донни ёрма корхонасига юборишда дарҳол таралар тайёрланади. Ёрмалар, шунингдек, қофоз халтачаларда ҳам жойлаштирилади. Ёрмани сақлашда намланишдан ва дон заҳиралари зараркунандаларидан ҳимоя қилиш зарур. Уларни ун билан бир омборда сақласа бўлади.

Ёрма корхоналарида гидротермик ишловсиз ёрмалар сақлашга анча чидамсиздир. Бу айниқса, буғдой ва гуруч ёрмаларига тегишли бўлиб, улар «тез ачийди». Шунингдек, ёрмалар йилнинг иссиқ вақтида, айниқса тез (бир неча ҳафтада) ачийди ёки ҳеч бўлмаса ўз-ўзидан қизиш, эндигина униш ёки могорлаш даврини бошидан кечиради.

мирни бир неча соат давомида күпчиши усулида нон маҳсулотлари тайёрлаш. Уннинг чучук маҳсулотлари макарон, вермишел, галет, пряник ва ноннинг маҳаллий навлари ҳисобланади. Нон маҳсулотларининг асосий турларини тайёрлашда хамирда күпчиш даври ўтади.

Күпчиш пайтида хамирда (аралаштирилгандан ёпилгунча) ундаги қуруқ моддаларнинг 2—3 фоизи йўқолиб, улар гидролизланади ва микроорганизмлар томонидан истеъмол қилинади. Аммо ун таркибий қисмларининг гидролиз жараёни натижасида ушбу усулда тайёрланган нондаги қуруқ моддаларнинг ҳазмланиши 2—4 фоиз, баъзида ундан ҳам юқори бўлади. Шунингдек, нон таркибидаги мавжуд сут кислотаси ва кепак тузилиши уннинг пўкаклиги шундай нонни яхши ҳазм бўлишига ва инсон ошқозон ичак йўли фаолиятини яхшилашга сабаб бўлади.

Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган нон-булка маҳсулотлари хилма-хил ва турли ташқи кўринишга, таъми ва озиқ-овқат қийматига, кўра, юзлаб навлардан иборатdir. Бундай турли-туманликнинг сабаби ҳар хил уннинг чиқиши ва навлари, нон ёпишда турли рецептура ва технологик усулларни қўллаш, шунингдек, кўпчилик вилоят ва туманларда маҳаллий, миллий нон навлари тайёрланishiдир.

Ишлаб чиқариладиган нон-булка маҳсулотлари қуидаги асосий гуруҳларга бўлинади:

1. Жавдар унининг турли чиқишлиаридан тайёрланган нон.

2. Жавдар ва буғдоӣ уни (ёки буғдоӣ жавдар ва жавдар буғдоӣ) аралашган нон.

3. Турли чиқиш ва навга эга бўлган буғдоӣ унидан ёпилган нон.

4. Буғдоӣ унидан булка ва оширма маҳсулотлар (донабай).

5. Думалоқ маҳсулотлар (тешиккулча, юмалоқ ва қоқ нон).

Маҳсулотларнинг биринчи уч гуруҳи донабай, бир хил оғирликда, турли шаклларда ёпилади.

Нон ёпилишинда ишлатиладиган хом ашё хилма хилдир. Уни асосий ва қўшимча гуруҳга бўлиш мумкин: биринчисига хамир ва нон олини учун зарур бўлган сув, уни, хамитуруш, ачитқи ва туз киради. Шунингдек, ахлорид деб аталувчи ёки маҳсус парҳездаги беморларга мўлжалланган тузсиз нон навлари тайёрланади ва у оз

Нонни тайёрлаш худди ун ишлаб чиқариш каби қадимий тарихга эга. Аммо нон ёпиш биз яшаётган асрнинг 20—30 йилларигача ҳунармандчилик асосида эди. Собиқ иттифоқнинг Меҳнат ва Мудофаа Қенгаси томонидан 1925 йилнинг март ойида қабул қилинган қарорда нон ёпишни механизациялаштириш, нон заводлари қуриш ва нон ёпиш ускуна-жиҳозлари ишлаб чиқарадиган машинасозликни яратиш таъкидланган эди. Нон ёпишни механизациялаштириш масаласи индустриялаштириш негизида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг умумий режасига киритилган эди.



Ҳозирги пайтда республикамизнинг барча шаҳар ва йирик аҳоли манзилгоҳлари механизациялашган ёки ярим автоматлаштирилган нон ёпиш корхоналарига эга. Нон ёпиш корхоналарининг унумдорлиги, жиҳозланиши ва механизация даражаси бўйича ҳамдўстлик давлатларидан олдинга ўтиб олдик. Қишлоқ аҳолисини ёпилган нон билан таъминлаш асосий технологик жараёнларни механизациялаштириш юқори даражага етган истеъмол кооперациялари томонидан амалга оши давлатларидан олдинга ўтиб олдик. Қишлоқ аҳолисини олийжаноб вазифани давлат нон заводлари билан бир қаторда, турли кичик, ўрта ва қўшма корхоналар ҳам муваффақиятли бажармоқдалар.

Юқори сифатли, турли хилда ёпилган нон ишлаб чиқариш мураккаб биокимёвий ва физик-кимёвий жараёндир. Машҳур физиолог олим К. А. Тимирязев таъкидлаганидек, яхши ёпилган ноннинг бир бўлاغи инсон онгининг энг улуг ютуқларидан биридир.

Ибтидоий одамларнинг нони чучук эди. Қейинчалик инсон онгсиз равишда хамирдаги микроорганизмлар фаолиятидан ва унда кечадиган ферментли жараёнлардан фойдаланди. Спонтан (ўз-ўзидан ҳосил бўлиш) ёки эркин кўпчиш натижасида ёпилган нон юмшоқ ва ширин бўла бошлади. Қейин инсон кўпчиш жараёнини такомиллаштира борди: янги тайёрланаётган хамирга алоҳида микроорганизм гурӯҳлари (хамиртуруш ва эски хамир (ачитқи) бўлагини аралаштириши ва ниҳоят саноат микробиологиясини ривожланиши билан нордон сут бактериялар)ни қўшишни ўрганди.

Ҳозирги даврда ундан нон ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг иккита асосий усули қўлланилади; а) оралиқ маҳсулотда (хамирда) кўпчиш жараёни ўзига хос бўлган чучук маҳсулотлар тайёрлаш; б) ха-

Бугдой ундан тайёрланган нонни опарсиз усулда ишлаб чиқариш технологик жараёнининг тизими



крахмал клейстланиб ёки елимланиб қолади. Шунинг учун ишлатишдан олдин унни иситилган омборхоналарда сақлаган маъқул. Қатта миқдорда жамғарилган, аммо оз ишлатиладиган ун иситилмайдиган омборларда сақланиши, қишда эса хамир тайёрлашдан бир неча кун олдин илиқ хонага ўтказилиши керак. Ун қопларда қотиб қолиши (гувалага айланиши, гоҳида яхлит қотиши) мумкин. Бундай ундан хамир тайёрлаш қийин. Ун қоплари очилаётган пайтда унга каноп, ип, қоп матолари тушиши мумкин. Элаш шу буюмларни хамир ва

миқдорда ишлаб чиқарилади. Баъзида оз миқдорда (1 фоиз) хамиртуруш учун озиқа сифатида хамир тайёрлашда асосий хом ашё ҳисобланувчи шакар ҳам қўшилади.

Бериладиган қўшимча хом ашё ноннинг қимматини ошириш рецептурасига киритилади. Ноннинг калориясини оширадиган, оқсилларни сақлайдиган ноёб аминокислота, витамин, кальций ва бошқалар (сут, мой, қанд, қиём, тухум) ёки унга маълум таъм хусусиятлари, қобиғига, ранг, асосига хушбўйлик (эфир ташувчи ўсимлик уруглари — корица, ванил, ванилин, шафрон ва бошқалар) қўшиш кутилган натижаларни бермоқда. Қўшимча хом-ашёнинг катта қисми аввал тайёрланган (етилган) ёки ярим тайёр хамирга қўшилади, унда хамиртуруш ривожланган бўлиб, қўшимча хом ашё қўнилгандан кейин хамир етарли даражада юмшоқ бўлади.

Енилган нон ишлаб чиқарининг асосий тартиблари ва тайёрлаш жараёнида учинг сифатига турли омиллар таъсирини кўриб чиқамиз.

Нон булка маҳсулотлари тайёрлашнинг технологик жараёни. Ачитиш усулида нон тайёрлаш тартибларини учга бўлиш мумкин: хамир қориш ва унга хом ашё тайёрлаш, хамирга ишлов бериш, яъни қисмларга бўлиш ва нон ёпиш (5-чизмага қаранг).

Асосийси хом ашёни тайёрлаш. Мўътадил консистенцияли ва зарур бирламчи хусусиятли хамирга эга бўлиш учун хом ашё нон ёпиш талабларига жавоб бериши ва тегишли тарзда тайёрланиши зарур. Бунда хамир иссиқни яхши ўтказмаслигини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун унинг асосий инградиентлари (ун ва сув) шундай тайёрланган бўлиши керакки, бунда хамир аралаштирилгандан кейин ошиши учун керакли ҳарорат ($28-32^{\circ}$)га эришиш зарур.

Унни тайёрлаш қўйидагилардан иборат:

1. $10-20^{\circ}$ гача илитиш.
2. Назорат элагидан ўтказиш.
3. Магнит аппаратлари орқали ўтказиш.
4. Айланувчи цилиндрга жойлаш.

Ун дежугага (ҳамир аралаштириладиган ҳажмлар) стиб беришдан аввал 10° дан кам бўлмаган ҳароратга эга бўлиши керак, бунга етарли даражада иссиқ, лекин қайноқ бўлмаган сув қўшиб эришиш мумкин. Акс ҳолда қайноқ сув ҳамирни димлатади, яъни оқсил ивиб,

тон, шўр тешик кулча ва бошқалар) бўлади. Туз нонга нафақат таъм бағишлийди. Инсон нон билан бир кечакундузда зарур тузнинг катта қисмини истеъмол қиласади. Илгари таъкидлаганидек, туз ҳамирнинг коллоид хусусиятларини яхшилийди, алфамилаза фаоллигини пасайтиради ва крахмалнинг елимланишида ҳароратни оширади. Буларнинг ҳаммаси ундан тайёрланган нон сифатини яхшилийди. Туз аралашмаси ҳамир тайёрланнишида маҳсус туз аралаштирилладиган жойдан туз ўлчовчи бачок орқали келади.

Нон сифати кўп томондан унни говаклик, юмшоқлик даражасига боғлиқ. Ҳамир тайёрлашда асосий юмшатгич ҳамиртуруш ҳисобланади. Уларнинг афзаллиги шундаки, аэроб ва анаэроб шаронтида ҳам кўпая беради. Ҳамиртуруш тўқималари кўмир исли газ чиқариб ҳамирни кўпчитади ва юмшатади. Нон ёпишда зичланган ва қуруқ ҳамиртурушлар (ишлаб чиқариш учун саноатнинг ҳамиртуруш тармоғи барпо этилган) қўлланилади, шуннингдек, суюқ ачитқилар ишлатилади, улар нон ёпиш корхоналарида маҳсус цехларда тайёрланади.

Зичланган ва қуруқ ҳамиртурушларнинг асосий хусусият — кўтариш кучи, яъни белгиланган вақтда ҳамирни маълум даражада кўпчиши (ошиши)ни таъминлаш қобилиятидир. Ҳамиртурушларни кўтариши кучини ўрганиш усуслари ва улар сифатини баҳолаш тегнили давлат стандартида ёритилган.

Зичланган ҳамиртурушларда 75 фоиз сув бўлгани учун яхши сақланмайди. Уларни ҳамиртуруш корхонасидан мунтазам равишда олиб, паст ҳароратда — 24° сақлаш зарур. Агар ҳамиртурушлар музлатилган (узоқ сақлаш учун) бўлса, паст ҳароратда муздан тушириш керак. Зичланган ҳамиртуруш сарфи унни 2—2,5% ни ташкил этади ва ҳамир тайёрлаш усулига, уннинг бижғиши давомийлиги ҳамда ҳамиртуруш сифатига боғлиқдир. Қуруқ ҳамиртурушлар маҳсус заводларда тайёрланиб, турли сифимли зич ёпилладиган банкаларга жойланади, шунда улар бир йил ва ундан ҳам ортиқ муддатда яхши ошириш кучини сақлайди. Ҳамирга солишдан олдин улар намланади, ун ва шакар қўшиб атала тайёрланади. Нон ёпиш корхоналарида суюқ ҳамиртуруш тайёрлаш микробиологик назоратни талаб қиласади, чунки ривожланадиган микрофлора таркибини кузатиш зарур бўлади.

ионга ўтишига йўл қўймайди, шунингдек, тасодифий зааркундалар таъсиридан ҳам сақлайди. Бундан ташқари, элаш пайтида ун заррачалари шамоллатилади — ҳаво билан тўйинади ҳамда кислород билан тўлади ва кислороддан ўз навбатида хамир кўпчиши бошлинишида ҳамиртурушини аэроб нафас олинида фойдаланилади.

Ун махсус бурат ёки рассев туридаги машина — элаклардан ўтказилади. Ўтказишида ун алоҳида қисмлар (дон бўлакчалари ёки қисмлари) га ажратилмайди ва шунинг учун элаклар заводларда ун чиқишига қараб ва навига кўра назорат элакларига қараганда сийрак қўйилади. Ун шунингдек, магнит аппаратлари орқали ҳам ўтказилади.

Мабодо корхонада турли ион ёпилиш хусусиятига эга бир неча дои тўпламлари бўлса, ион сифатини ошириш мақсадида рецептурага кўра ун аралашмасиға икки ёки ундан кўп миқдорда ва маълум нисбатда қўшилади. Бу усул валка деб аталади. Уни бир неча ун навидан олиниадиган ион навлари тайёрлашда ишлатилади.

Сувга қаттиқ талаблар қўйилади. У ичимлик сув кўрсаткичларига тўғри келиши керак. Сув нон таъмига ва ҳамирни ошишига таъсир этади. Нон ёпиш эҳтиёжлари учун сув сифати ва ундан фойдаланишда у ёки бу манбадан фойдаланиш имкониятлари санитар инспекция органлари томонидан аниқланади. У таркибида бактерия мавжудлиги ва миқдори бўйича талабга тўғри келиши зарур.

Ҳар қайси ион ёпиш корхонасида сув иситиш учун жиҳозлар мавжуд. Қишлоқ шароитида кўп ҳолларда сув қозон-бойлерларда иситилади. Сувни ҳамирга мўлжаллаган ҳароратга эришиш учун ($28-30-32^{\circ}$) ун ҳарорати ва солиштирма иссиқлик сифими (0,4) махсус формулалардан фойдаланиб ҳисобга олинади.

Туз, шунингдек, озиқ-овқат мақсадида ишлатиш учун стандарт талабларига жавоб бериши шарт. Туз тайёрлашда, дастлаб уни сув билан аралаштириб, олинган аралашмани фильтрдан ўтказиш зарур. Йирик донли тузни аралаштиришдан олдин чайиш керак. Агар нон бўлагида туз кристаллари учраб қолса, бу технологияни яққол бузилганлигидан далолат беради.

Рецептурага қўшиладиган туз миқдори кўпчилик ион навлари учун ун ўюмининг 1,3—1,5 фоизини ташкил этади. Фақат баъзи ион навларида 2,5 фоиз (шаҳарча ба-

Опар ҳамда опарсиз усуулларнинг баъзи ҳолатларида қиздириш қўлланилади. Бунда 5—10 фоиз ун даставвал тўхтовсиз сув билан аралаштирилиб, 50—60 фоиз ҳароратда, сўнгра 98—99° қайноқ сувда ишлов берилади. Шунда крахмал яхши елимланади, яъни декстриналар юзага келади. Баъзида қиздириш намакоб билан бирга олиб борилади. Шунингдек, совуқ ишлов берилган суюқлик суюқ хамиртуруш ёки нордон сут бактериялари ёрдамида ачитилади. Тайёрланган опар ёки хамир қиздирилганда нон қобиги рангини (улар янада қизғиш бўлади), ноннинг мякиш тузилишини, таъми ва хушбўйлигини яхшилайди. Нон таркибидаги қанд миқдори деярли икки баробар кўпаяди.

Жавдар нонни тайёрлаш хусусиятлари. Жавдар унида боғловчи клейковинанинг йўқлиги, таркибида кучли бўртадиган пентозан ва шиллиқлар, баъзида фаол алфаамилазаларнинг бўлиши, оқсил моддаларни пентозанга ва уларни ёпишқоқ коллоид аралашмаларга сезиларли ўтиш қобилиятлари ва бошқа ҳолатларда ҳам жавдар унидан 1—2 уринишида қониқарли пластик хамир тайёрлаб бўлмайди. Фақат бир неча поғоналик жавдар хамири тайёрлаш учун хамирни ошириш муддатини инобатга олган ҳолда кўп маротаба ун қўшиб бориш билан унинг газ ушлаш ва шаклий чидамлилик қобилиятини кўтаришга эришиш мумкин. Бунинг рўёбга чиқишида хамирда тўпландиган нордон сут бактериялари ҳам хизмат қиласи ҳамда бу муҳитнинг нордонлиги кўпаяди.

Шу сабабли жавдар хамири тайёрланада ачитқилардан фойдаланилади (бу ачитқилар нордон сут бактериялари ва хамиртурушлар йиғиндисидан иборат).

Жавдар хамири зичлигига нисбатан хамиртуруш сарфи тахминан 0,06 фоизни ташкил этади. Ачитқилар консистенциясига қараб, қуюқ ва жуда қуюқ (квас ёки опарлар) бўлиши мумкин. Улар узоқ муддат тайёрланиб қисман эски ачитқидан фойдаланилади ёки янгиси тайёрланади. Шундай қилиб жавдар унидан хамир тайёрлаш 10—12 соат вақтни талаб қиласи. Ачитқи тайёрлаш учун алоҳида вақт ажратилади ва унинг етилишига қараб хамир аралаштирилиб турилади. Ачитқининг тайёрланган хамирдаги ҳажми 1/3 ва ундан ортигини ташкил этади. Туз хамир аралаштирилаётганда солинади.

Шундай қилиб, жавдар ёки буғдой унидан ачитини йўли билан тайёрланган хамирда кўплаб микробиологик

Хамир тайёрлаш. Хамир тайёрлаш учун зарур миқдордаги инградиентларни нон ёпишда 100 кг унга мұлжаллаб қисобланади. Бу ун уюмининг фоизига түғри келади. Буғдой ундан нон тайёрлашда 100 кг унга 0,5—2,5% хамиртуруш, 1—2% туз сарфланади, сув миқдори (50—70%) уннинг сув шимиши қобилиятига қараб белгиланади. Буғдой ундан хамир тайёрлашда безопар ва опар усууллари тарқалган.

Безопар усууда хамир рецептурасынга киравчи барча инградиентлар бир вақтда солинади. Аралаштирилғандан сүнг қуюқ ҳолдаги хамир юзага келади. Қуюқ хамир бүлгаптап унда ҳамма туз мавжудлыги сабабли хамиртурушнинг ривожи унча қулай бүлмаган шароитда кечади, шунинг учун катта миқдорда — одатда 1,5% солинади. Хамир күпчиши 3—3,5 соат давом этади.

Опар усууда хамир тайёрлаш икки йўл — аввал опар, яъни суюқ хамир тайёрланади, сўнгра бунга нормал ҳолдаги хамир аралаштирилади. Опарга рецептурада мұлжалланган 65—75% сув ва 40—50% хамиртуруш тўлиқ солинади. Хамир аралаштирилишида туз тўлиқ ёки қисман солинади. Опар жуда суюқ ҳолдаги хамир бўлгани учун хамиртуруш деярли 2 баробар (0,75%) кам талаб қилинади. Опарнинг ачиш муддати 3—4,5 соат. Унга қўшилган қуюқ хамир аралашмаси яна 1—1,5 соат ачийди, Шундай қилиб, хамир ачиш муддати опар усууда опарсизга қараганда кўпроқдир.

Қайд этилган усуулларнинг ҳар бири ўз афзаллиги ва камчилликларига эга. Узоқ ачиш жараёнида хамирнинг эгилувчанлиги яхшиланади, ун қомпонентлари гидролизи яхши ўтади ва нонга таъм ва хушбўйлик берувчи моддалар йифилади. Уннинг (мякиш) яхши говаклиги, оралиқ тузилиши, юпқа деворлиги ҳам опар усууда тайёрланган нонларга тааллуқlidir. Шунда ноннинг усти яхши рангга (пушти, оч жигарранг) эга ва силлиқ бўлади.

Тажрібали новвой опарга қараб хамир хусусиятини ва ун сифатини аниқлаш, шунга кўра хамирга айланиш жараёнига аниқлик киритини мумкин. Опар усууда кўпроқ жиҳозлар, айниқса, леж ёки бошқа хамир ошишида ишлатиладиган ҳажмлти идишлар талаб қилинади. Шунингдек, хом ашё ва аралаш ишлар миқдори икки маротаба кўпаяди. Бу усулда қуруқ моддалар истрофи бир мунича кўп бўлиб, нон чиқиш миқдори тахминан 0,5 фоизига камаяди.

ми (унинг асоси) фақат ёпишнинг сўнгги даврида деярли 100° га етиб қизийди, асос қизини билан бирга, ундаги намлик буғланади ва у аста-секин чуқурлашиб боради.

Тандир камерасининг юқори ҳарорати таъсирида қобиғ қурийди, аммо қалинлашмайди ва қўймайди, чунки у орқали нон асосидаги намлик ўтиб туради. Хамир устидаги юқори ҳароратнинг таъсири крахмални декстринланиши ва қандни карамелланишига сабаб бўлади. Қобигининг сариқ-пушти ва жигарранглигини шундан билса бўлади.

Тандирдаги хамирда микробиологик ва ферментатив жараёнлар давом этади. Газ тўпланиши ва қизиши натижасида хамир ҳажми юқори ҳароратда кўтарилиб, шу жараён тўхтамагунча катталашиб бораверади. Ачиш микрофлорасининг фаолияти 40° дан ошганда секинлашади ва 60° да тўхтайди. Лекин, унинг бир қисми (айниқса нордон сут бактериялари) нон ёпилгандан сўнг ҳам сақланиб қолади. Ундан юқори ҳароратда ($70-80^{\circ}$) ферментлар ноактивлашади. $60-70^{\circ}$ да эса хамир нонга айланади. Оқсиллар коагулланиши натижасида ғовак деворчаларининг чидамлилиги ошиб, у нон ёпишнинг кейинги босқичлари ва совитишда мустаҳкамланади. Ноннинг сифати асосан ёпиш режимига боғлиқдир. Шунингдек, тандир камерасида ҳарорат етарли бўлмаса, ундаги хамирнинг аста қизини, намликнинг бошқача ўтиши ҳамда нон асосининг қисмлари кам ғовак ёки умуман ғоваксиз бўлиши, нон шаклининг ўзгариши, қобиғи рангсиз бўлиши ва бошқа ҳолатлар кузатилади. Ҳарорат жуда юқори бўлганда эса ҳеч нарса ўтказмайдиган қобиғ юзага келади ва уни хамирдан ажralиши кузатилади, натижада қобиғ қуриб, куяди. Ноn асоси ўз шаклини йўқотади ёки бузилади.

Нон ёпишнинг давомийлиги маҳсулот тўплами ва ун навига боғлиқ бўлиб қайси ундан хамир тайёрланишига ҳам боғлиқдир.

Маҳсулот тўплами қанча оз бўлса, шунчалик у тез ёпилади. Масалан, майда нонлар ёпилиши бор йўғи $8-12$ дақиқа, бугдой унидан тайёрланган $0,5$ кг ҳажмли батон $15-17$ дақиқада $280-240^{\circ}$ да пишади, 1 кг ҳажмдаги нон $40-60$ дақиқа давомида етилади.

Хамирни нонга айланishi ҳажмнинг камайишига олиб келади. У хамир таркибидаги намликни қисман буғланниши натижасида ва ачиш жараёнида пайдо бўлади. Таркибидаги намликнинг қисман буғланниши на-

ва биокимёвий жараёнлар ўтади. Хамирнинг ачиш ҳарорати ($28-32^{\circ}$) нордон сут бактерияси ва хамиртурушлар ривожланиши учун қулай бўлиб, ундаги ферментларнинг старли даражада фаоллигини намоён этади. Шуни таъкидлаш жоизки, ион тайёрлаш жараёнида (айниқса, жавдар унидан) хамир қораяди, кейин эса, тирозиназа ферменти фаолияти натижасида нон мякиши ҳам қораяди. Ачишдаги турли органик кислота ва оралик маҳсулотларидан ташқари, хамирда этил спирти тўпланади ва ёпилиш жараёнида буғланиб кетади.

Хамир тайёрлаш. У ачиш давридан бошланади. Хамирда йиғилган кўмир исли газ юзага келиши натижасида пуфакчалар пайдо бўлиб, унда нотекис тақсимланади. Хамирнинг яхши юмшаши ва унда ачиш даврида ҳаво алмашиниши учун бир-икки марта ағдарилиб, эзғилаб қўйилади. Бунда газнинг асосий қисми учуб кетади, аммо қолган қисми хамирнинг яхши кўпчишига хизмат қиласи ҳамда хамиртуруш тўқималарининг аэроб нафас олиши натижасида яна газ йиғилиши тезлашади.

Шаклга келтирилган (кичик бўлакларга бўлинган) хамир тўлиқ тиндирилади. Хамирда бу даврда кўпчиш давом этади ва шакл берилган бўлаклар юмшаб, ҳажми сезиларли даражада катталашиб боради. Сўнгги тиндиришини $32-35^{\circ}$ да ўтказилади. Тиниш жуда масъулиятли иш. Қисқа муддат тиндирилган, газ ушлайдиган хамир тегишли ҳажмга етмайди, ёпишида эса хамирнинг бу хусусиятлари етарлича фойдаланилмайди. Аксинча, хамир ортиқча тиндирилса ион ёпилганда тўкилади. Шунинг учун тиндириш муддати тўғри белгиланиши керак. Шаклланган хамирнинг тиниш муддати турлича бўлиб, 25 минутдан 120 минутгача давом этади. Ун сифати хамир рецептураси, бўлаклар катталиги, тиниш шаронити, идии ёки идишсиз, ҳарорат ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Ёпиш — тузилиши турлича бўлган тандир камера-ларида ион тайёрлашнинг сўнгги босқичидир. Ёпиш жараёнида хамир етарли даражада пинциқ, шакли чидамли ионга айланади. Ион маҳсулотларини турига қараб ёпиш $220-280^{\circ}$ да амалга оширилади.

Ион ёпиш даврида хамир ва бўлажак нонда турли иссиқ-физикавий, коллоид, микробиологик ва биокимёвий жараёнлар кечади. Тандир камераси ҳароратига ион қобиги юзага келадиган хамир бўлагининг юқори қисмигина нисбатан яқин бўлади. Бўлажак ноннинг ички қис-

чиқиши катта оралиқда ўзгариб турады (100 кг ундан 120—150 кг нон чиқады) ва ҳар бир нон навига қараб норма белгиланады. У хом ашёдан унумли фойдаланиш, технологик жараённи түғри ташкил этиш, нон сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида истрофгарчилликка қарши курашиш учун зарурдир.

Нон ёпидиган корхона турлари. Шаҳарларда нон асосан турли ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган нон заводларида ёпилади. Булар деярли тўлиқ автоматлаштирилган, ун, сув ва бошқа хом ашёни меъёрлайдиган машиналарга, хамир тайёрлайдиган, хамир бўлувчи ва ишлов берувчи машина ёки агрегатларга, ҳар хил тандир ва бошқа ускуналарга эга бўлган корхоналарди. Аҳоли истиқомат қиласидиган йирик манзилгоҳларда нон заводлари суткасига 400—500 тонна ёпилган нон етказиб бериш қувватига эга. Уларда нон-булка маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Нон ёпиш саноати эндиликда озиқ-овқат индустрисининг энг йирик тармоқларидан бирига айланган.

Нон ёпиш қишлоқ шароитларида ҳам механизациялаштирилган ёки бу иш янада такомиллаштирилмоқда. Бу ерларда нон ёпиш корхоналарининг учта тури бор: механизациялаштирилган, ярим механизациялаштирилган ва қўл меҳнатига асосланган корхоналар. Биринчи турдаги корхонада барча оғир ишлар, яъни ун элаши, хамир қориш, хамирни бўлакчаларга бўлиш ва ёпиш механизациялаштирилган. Ярим механизациялаштирилган корхоналарда бу ишларнинг бир қисми механизация зиммасига юклатилган бўлса, учинчи турдаги корхоналар фаолияти фақат қўл кучига асосланган. Қишлоқ шароитининг ўзига хослиги (аҳолининг тарқоқ жойлашиши, аҳоли яшайдиган кичик манзилгоҳлар) унчалик катта бўлмаган корхоналар яратишни тақозо этади.

Мисол тариқасида нон заводида бугдой унидан хамир тайёрлаш чизмасини келтирамиз (22-расм). Ун қоплардан аралаштирувчи мосламага тўкилади (1), у ерда яхшилаб аралаштирилгандан сўнг поринога ўтказилади (2), ундан эловчи — буратга (3) туширилади ва шнек (4) ёрдамида бошқа мосламаларга (5) жойланади. Талабга кўра ун шнеклар (6) ёрдамида автоунўлчовчига (7) ўтказилиб, тегишли миқдорни мўлжаллаб тортилади. Автоунўлчовчи хамир аралаштирувчи агрегат тепасига ўрнатилган (12), унга автоматли сув ўлчагич бочкасида (9) тегишли ҳароратга етгунча аралаштирилади-

тижасида ва ачиш пайтида пайдо бўладиган маҳсуллар (этил спирти, исли газ, учувчи кислоталар, алдегидлар) ҳисобига рўй беради. Оғирликнинг камайиши 6—14 фойзи ташкил этади ва ёпиладиган нон тўплами маҳсулот тури ва ёпиш режимига боғлиқдир. Камайиш аввало қобигидаги намлик йўқолиши натижасида рўй беради. Ёпиладиган маҳсулот тўплами қанчалик оз бўлса, қобиг шунчалик катта фоиз ва ҳажмни ташкил этади. Албатта, кичик ҳажмдаги маҳсулотларда асослар йирикларга нисбатан оз намлика эга бўлади. Шунингдек, тандир камерасидаги намлик катта аҳамиятга эгадир. Тегишли режимларда камайиш оз бўлади. Яхлит ёпилган нон шаклларда ёпилганларга қараганда камайиш кўпроқ кузатилади.

Эҳтиётсизлик натижасида нон енгил эзилади ва ўз шакли, говаклиги, тузилишини йўқотади ҳамда яроқсиз маҳсулотга айланади. Шунинг учун тандирдан олинган нонсовитиши учун маҳсус точкаларга жойлаштирилади. Совиши жараённада асосдаги намлиknинг бир қисми қобиқка ўтади ва ундаги намлик тахминан 12 фойзга ортади. Ноннинг совиши намликини буғланиши билан ўтади, яъни биринчи 3—6 соат сақланишда 2—4 фойзга етади. Қуриш ўлчови нон тури, унинг ҳажми, ҳарорат ва омбордаги ҳаво намлигига боғлиқдир. Нонни савдо шахобчалари ва ошхоналарга ташишда унинг шакли бузилмаслиги ва ортиқча суви қочмаслиги зарур. Шунинг учун нон маҳсулотлари суриладиган токчалар билан жиҳозланган маҳсус автофургон ва бошқа транспорт восита-ларида ташилади.

Ноннинг берчиши тўғрисида шуни айтиш мумкинки, бу ҳол нон ёпилгандан 10—12 соатдан кейин кўзга ташланади. Нондаги берчиш қуриш билан боғлиқ эмас. Амалда, тандирда берчган нонни иситиш кифоя, у дарров юмшоқ ҳолга келади. Аммо кейинчалик нон асоси янада ушоқланиб, қуриб ва қотиб қолиши кузатилади. Ноннинг берчишини секинлатадиган кўн усуллари мавжуд (кимёвий қўшимчалар қўллаш, совитилган ҳолда ёки юқори ҳароратда сақлаш ва бошқалар).

Нон чиқиши. Нон чиқиши деб унинг 100 кг ундан олинган килограмм ҳажми ва шу миқдордаги ун рецептурасига киритилган ёрдамчи хом ашёлар тушунилади. Нон чиқиши кўп омилларга: уннинг намлиги ва нам ютиш қобилияти, хамир тайёрлаш усуллари ва рецептураси, қуриш ҳажми ва бошқаларга боғлиқ. Шунинг учун нон

жараёни доимо такомиллашиб бормоқда. Бу ўз навбатида хом ашёни эҳтиётлаб сарфлаш, нон тайёрлашнинг баъзи босқичлари муддатларини қисқартириш, унинг озиқ-овқат қийматини ва таъм сифатини оширишини тақозо этади. Нон маҳсулотларининг майда турларини ялпи ишлаб чиқаришга ўтиш ўз йўлида мамлакатда нонни иқтисод қилишга олиб келади.


Нон-булка маҳсулотлари сифатини баҳолаш. Нон-булка маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари давлат стандарти томонидан белгиланади. Уларнинг сифатини аниқлаш усуллари тасдиқланган. Ҳар бир нон навининг маҳсулот рецептураси ва тури кўрсатилган бўлиб, аниқ техник шароитлари мавжудdir. Нон ташқи кўриниши (шакли, қобиғ усти ва ранги), асос ҳолати (етилганлиги, ғоваклар тузилиши, эгилувчанлиги, янгилиги), таъми ва ҳиди бўйича аниқ талаб кўрсаткичларига эга бўлиши керак. Албатта, физик-кимёвий кўрсаткичлари: асос намлиги, унинг ғоваклиги ва нордонлиги аниқлааниши лозим.

Асос намлиги фоизда кўрсатилади. Жавдар унидан тайёрланган нон навларида 48—51 фоиздан; дастлабки буғдой унидан 48 фоиздан; навли унлардан тайёрланганларда эса 43—45 фоиздан ошмаслиги керак. Майдада булка нонларда намлик 39—41 фоиз атрофида бўлгани маъқул.

Ғоваклик «кам эмас» кўрсаткичи билан белгиланади. Жавдар унидан тайёрланган нонда ғоваклиги 45—48 фоиздан; навли буғдойдан тайёрланган унларда 63—72 фоиз (ҳар хил навлар учун) дан кам эмас.

Нордоилик дараҷа билан белгиланади. Жавдар навларидан тайёрланган ун нонида 12, жавдар буғдой доплари аралашмаларидан тайёрланган ун нонида 11, иккинчи навли буғдой унидан 4, юқори ва биринчи навларда 3 дараҗадан ошмаслиги лозим.

Нонда касаллик (картошкага хос, мофорлаш ва бошқ.) асоратлари бўлиши, четдан бошқа чиқиндилар қўшилиши, металл ва аччиқ тош тузларининг бўлиши умумай таъқиқланади.



22-расм. Хамирни тайёrlаш чизмаси.

гаи иссиқ ва совуқ сүв трубалари келтирилган. Намакоб туз аралаштирувчи (10) мосламада тайёрланади ва туз ўлчаш бочкасида (11) маромига етказилади. Зич хамиртурушлардан суспензия дозировка-аралаштирувчидаги (8) тайёрланади. Суюқ ёки қуюқ хамирни тайёрлаш учун зарур хом ашё ва зираворлар мосламага жойланади ва хамир тайёрловчи машина ричаги ёрдамида аралаштирилади. Суюқ (опар) ёки қуюқ хамирни ошириш учун мосламалар (дека 13) бир четга суриб қўйинлади. Хамирли қозонлар муддати келгандага навбат билан ишлов бериш учун хамир аралаштириладиган машина ёнинга келтирилади.

Етилган хамир кейинги ишлов беришга ўтказилади. У қўлда ёки бўлувчи ускуна ёрдамида керакли катталикдаги бўлакчаларга бўлинади ҳамда шаклли идишларга солинади. Нон ёниш тузилиши турлича бўлган қинзитувчин турли тандирларда амалга оширилади.

Нон ёниш корхоналарида конвейер тандирлар қинзилоқ шаронтида кенг тарқалгаи. Йирик нон заводларида тизимли ва бошқа турдаги конвейерлар ўрнатилган бўлиб, улар юқори ишлаб чиқариши қувватига эгадир. Шунингдек, турли системадаги хамир тайёрлаш агрегатлари кенг қўлланилади.

Ушбу қисм ниҳоясида шуни таъкидлаш ўринлики, кенг илмий изланишлар асосида нон ишлаб чиқариш

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Биринчи бўлим. КУРСНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ	
I боб. Курснинг мақсади ва вазифалари	5
II боб. Маҳсулотлар сақлашнинг назарий асослари ва уларга таъсир этувчи омиллар	22
Иккинчи бўлим. ДОН СИФАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	
III боб. Дон ва урганинг кимёвий таркиби	33
IV боб. Озиқ-овқат, ем-хаппак ва техник мақсадга мўлжалланган дон ва ург тўпламларининг умумий кўрсаткичлари	44
V боб. Дон ва уруғларнинг сифат кўрсаткичлари	61
VI боб. Бугдой ва жавдар донларидан ун тортиши ва пон ёпиш хусусиятларини баҳолани	67
Учинчи бўлим. ДОНИИ ОЗИҚ-ОВҚАТ, УРУГЛИК ВА ЕМОЗИҚА МАҚСАДИДА САҚЛАШНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ	
VII боб. Дон уюмларини сақлаш	77
VIII боб. Дон уюмларини сақлашда рўй берадиган физиологик жараёвлар	91
IX боб. Дон уюмларини сақлаш тартиби ва усуслари	106
X боб. Дон уюмларини сақлашда чидамлилигини ошириш тадбирлари	125
Тўртинчи бўлим. ДОНИИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСЛАРИ	
XI боб. Допни қайта ишлаб ун олиш	142
XII боб. Допни қайта ишлаб ёрма олиш	153
XIII боб. Пон ёпиш асослари	158
Фойдаланилган адабиётлар	173

ФОПДАЛАНИЛГАП АДАБНЁТЛАР

1. Бедросов Ю. Я., Эргашев Ш. Э. Жаңон қишлоқ хұжалиги. Т., «Ұқытывчи», 1984.
2. Орипов В., Сулаймонов И., Умурзаков Э. Қишлоқ хұжалик маңсулотларини сақлаш ва қайта ишлап технологиясы. Т., «Мәднэт», 1991.
3. Тривятский Л. А., Лесик Б. В., Курдина В. Н. Хранение и технология сельскохозяйственных продуктов. М., «Агропромиздат», 1991.
4. Чирков В. Н. Дон экинлари. Т., «Ұқытывчи», 1975.

Муҳаррирят мудири И. Усмонов

Рассом Л. Дабижада

Бадиий муҳаррир Х. Қутлуков

Техник муҳаррир Н. Сорокина

Мусахҳидлар С. Бадалбоеева, Ф. Исмоилова

ОИБ № 1410

Теришга берилди 20.10.97. Босишга рухсат этилди 23.12.97. Ўлчами
84×108 $\frac{1}{2}$. № 1 қоғозга «Литературная» гарнитурада юқори босма усу-
лида босилиди. Шартли босма табори 9,24. Нашр табори 11,0. 3000 нусха.
Буюртма № 191. Баҳоси шартнома асосида.

«Мехнат» наприёти, 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома
№ 16—97.

Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг Тошкент
китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси,
Муродов кӯчаси, 1-уй.

ҲАСАН ЧҮТВОЕВИЧ БҮРИЕВ, РИХСИВОЙ ЖҮРАЕВИЧ ЖҮРАЕВ,
ОЛИМЖОН АЛИМОВИЧ АЛИМОВ

ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИЙ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

(Дарслик)

«Меднат» нашириети — Тошкент — 1997